The background of the page is a painting of a landscape. In the foreground, there are grey and blue rocks on a grassy slope. A path or stream flows through the rocks. In the middle ground, there is a calm lake reflecting the sky. Several tall, thin, dark trees stand along the shore. In the background, there are mountains with yellow and blue tones, suggesting a sunset or sunrise. The overall style is impressionistic with visible brushstrokes.

ТИЛАБ МАХМУД


ОҚАР ДАРЁ  
ОҚМАСМИДИ  
ЖИМТИНА



ТИЛАБ МАҲМУД

ОҚАР ДАРЁ ОҚМАСМИДИ  
ЖИМГИНА

Ҳикоялар



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБҒАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1999

**Маҳмуд, Тилаб.**

Окар дарё оқмасмиди жимгина: Ҳикоялар. — Т.: «Шарқ», 1999. — 160б.

Тўпламдаги миллий ҳаёт манзаралари жонли гавдаланган ҳикояларда халқимизнинг оддий ва софдил кишлоқ одамлари, зиётиларнинг мураккаб руҳий олами гох изтироб, гох қувонч, гох ўқинч охангларида тараннум этилади.

Ёзувчи яхши билган ҳумсонлик хамкишлоқларининг қатағон шиллари бошига тушган фоживий воқеаларининг ихчам новеллаларда драматик тасвири китобхоннинг ҳаёлот оламини чирмаб олади. Кичик майдонда катта фикрлар айтиш ва инсон тақдирларини кўрсата олиш истеъдод меvasидир.

Ўз2

## ОЛИМОНА ШОИРЛИК ВА ШОИРОНА ОЛИМЛИК

Қорли тоғлар, остидан сойлар шарқираб оқаётган далалар, ям-яшил ўтлоқлар ва боғ-бўстонлар — Бўстонлик фарзандларининг феъл-атвори, табиати ва иқтидорига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Тоғли қишлоқ — Хумсон фарзанди Тилаб Маҳмуднинг келгусида гузаллик, нафосат, нозик туйғулар, ҳазил мутойиба, қувноқлик ва қайғули, фожеий кечинмалар, хуллас, нозиктаъбликни, борлиқ ҳаётни теран англаш, идрок этишни ўргатадиган фан — эстетика соҳасида атоқли олим ва айниқса ёзувчи бўлиб етишувидан ана шу юксак тоғлар, жўшқин сойлар, боғу гулистонларнинг ҳиссаси бор, албатта.

Тилабжонда менга ёқадиган яна бир хислат, ўша нозик ҳиссиётнинг табиий самараси — табарруқ инсон — онага бўлган теран фарзандлик меҳри. У илк китобларидан бири «Инсонийлик-эзгулик» тўпламини «Она мадҳияси» билан бошлаган. «Меҳри дарё онам — Таълим Нур қизига бағишлайман», деб аталган бу бадиъада бундай сўзларни ўқиймиз:

«Онам бир умр соатсиз яшаб ўтди. Аммо қуёш ва юлдузлар онам учун вақт капкирлари бўлган. Фира-шира тонг ёришганда онам учун меҳнат куни бошланган, офтоб тиккага келганда пешин бўлган, тун пардалари дарахт баргларини чирмаб, уй ичида нина кўринмайдиган паллада онам эчки согган, овқат сузиб, мени излаган... Табиат (гўё) онамнинг онаси эди. Онам табиатнинг тўкин-сочин ёзларини, олтин кузларини орзиқиб-орзиқиб кутардилар... Онам ариқларнинг четигаги отқулоқлар, ялтирлардан чучвара қилиб, овзимга тутар, олма, ўриклар довучча бўлганида қозонга димлаб берар, шўрвага солар, арпа-бугдой сутга тўлганида ундан ҳалимга ўхшаш овқат пиширардилар. Уйимизнинг бир бурчагида ошхона ёядиган тахта устида баҳорий бугдой кўкариб турарди. Онам бу барра ниҳолларни мени авайлагандай парвариши қилар, сумалак пиширадиган кунларни санарди. Онамдан доимо нон исси келарди».

Бу манзаралар бизнинг ҳам дилимизга ҳамоҳанг, шундай эмасми?! Бу сатрларни ўқиб, ҳар биримиз жа

фокаш, меҳри оташ, мушфиқ онаизоримизни эслаймиз. Ана шу буюк инсон, худонинг инояти билан бизга баҳиш этган олам учун, маънавий олам учун биз оналар олдида доимо қарздормиз.

Тилаб Маҳмуд элатганидек, энг улуг даҳонинг ҳам бош эгадиган, дунёда ҳеч қандай бойликка алмаштириб бўлмайдиган онаси бўлади. Инсоният тарихида оналарнинг кўзларидан оққан ёшларни тўпласа, дунёда қуруқлик қолмас эди. Инсоният тарихида оналар тортган азоблар бир жойга жамланса, еру осмон ловуллаб ёнган бўларди.

Тилаб Маҳмуднинг онасини ана шундай илиқ меҳр билан эслаши бежиз эмас. У бир ёшида (1937 йили) отаси — Мирзааҳмедов Маҳмуд қатагон қиличига дучор бўлгач, онаси ва бешта оналари тарбиясида қолади. Онаси унга ҳам она, ҳам ота бўлиб вояга етказди, Тошкент, Москва шаҳарларига бориб ўқишини давом эттиришини, қачонлардир ўз сеvimли қишлоғига қайтаб келишини орзу қилиб яшаб ўтиб кетдилар (Худо раҳмат қилсин!).

Тилабжон онаси истагандек қишлоқда табелчи ҳам, бригадир ҳам, раис ёки ўқитувчи ҳам бўлмади, у олим бўлди, олим бўлганда ҳам ноёб касб эгаси — гузаллик сир асрорларини, санъат назариясига доир муаммоларни тадқиқ этувчи, нафосат оламидек мураккаб маънавият мулкани ўрганувчи олим бўлиб етишди. Республикамизда эстетика фани бўйича миллий кадрлардан биринчи фан доктори илмий даражасини олиши бахтига муяссар бўлди.

Она орзусига дуо кетган. Она бир умр ёлғиз ўғлининг қишлоққа қайтишини кутган эди, ўғил ҳам барибир қайтди... Бироқ бошқача қайтди. Мен уни ҳар йили Хумсонга бориб, Мирзааҳмадбойлардан, ота онасидан қолган ҳовли-жойнинг чирогини ёқиб юрганини кўзда тутаяётганим йўқ. Бу ҳам савобли фазилат. Мен назарда тутаяётган нарса шуки, Тилаб Маҳмуд қаерда бўлмасин, қандай илмий, ижтимоий жамоат ишлари билан банд бўлмасин ўз онаси, оналари, юзлаб жиянлари, ҳамқишлоқлари, ўсиб-унган қишлоғини унутмаган, юрагининг турига қўйиб юрган экан. Бу нарса мана энди унинг ҳикояларида яққол кўзга ташланмоқда. Ўз насл-насаби, киндик қони тукилган замин ва қариндош-уруғлари, таниши-билишларини унутмаган, олам, одамлар ҳаётини яхши билувчи инсонгина бунақа ҳикояларни ёзиши мумкин.

Агар Тилаб Маҳмудни Хумсон қишлоғи вояга етказган бўлса, у минглаб ўқувчиларга Хумсон ва хумсонликларни кашф этадики, ҳикояларни ўқиган одам беихтиёр бунга гувоҳ бўлади. Хумсонлик машҳур ёзувчи Элбек ҳам ўз қишлоғи ва ҳамқишлоқлари ҳақида бунчалик асарлар ёзиб қолдирган эмас.

Республикаимиз миқёсида кўзга кўринган олимнинг ҳикоялар машқ қилиб юришини биз — унинг яқин дўстлари азалдан билардик, аммо ўзига ниҳоятда талабчан Тилаб Маҳмуд ҳадеганда ҳикояларини нашрга тайёрлай бермади.

Шуниси қизиқки, балки агар айрим танқидчи ва ёзувчилар уни бу ишга мажбур қилмаганларида ҳикоялар ёзилаберар, ёзилаберар эди, аммо у ўқувчилар қулига етиб бормаи жимгина ётаберармиди?!

Тилаб Маҳмуд ҳикоялари тўнламанинг номини ўзлаштирган ҳолда шунини айтишини истар эдимки, агар биз уни бу йўлга буриб юбормаганимизда «Оқар дарё оқар эди жимгина», Угам дарёси ва Хумсон қишлоғи, унда яшаб ўтган ажойиб ва ғаройиб табиатли одамлар, уларнинг сиймоларини рассом каби жонли ва эҳтиросли чизган ёзувчинини ҳозирча билмаган бўлардик.

Ҳикояларни ўқиганда, биринчи навбатда, мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, умр бўйи фалсафа, эстетика, санъатшунослик ва маданиятшунослик масалалари билан машғул бўлиб, Ўзбекистон рассомлар уюшмасида раҳбар, «Санъат» ва «Гулистон» журналларида бош муҳаррир вазифасини бажариб, шахсий кутубхонасидаги ун мингдан зиёд китоблар орасига шўнгиб кетган, мураккаб илмий муаммолар, миллий тасвирий санъатимиз тараққиёти тамойиллари ҳақида катта-катта тадқиқотлар эълон қилган, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ҳамза номидаги республика давлат мукофотининг лауреати Тилаб Маҳмуд ўз халқи ҳаёти ва тақдиридан, унинг ажойиб кишилари қисматидан узилмаган ҳолда ўзининг бадийий истеъдодини зимдан тарбиялаб келган экан.

Одатда бирор соҳа билан узоқ ва муттасил машғул бўлганда инсоннинг бошқа салоҳиятлари хиралашиб қолади. Кимдир ёшлигида бирор соҳага ўзида иқтидор сезиб, сўнгра ҳаёт тақозоси билан ундан жудо бўлганини, кимдир ёшлигида кўнгили қўйган йўлга умрининг иккинчи ярмида яна қайтганини ё афсус, ё қувонч билан эслайди.

Шунчалик илмий изланишлар майдонида ўз бадийий

истездод гунчасини сўлдирмай, аксинча, бадийятнинг мураккаб суқмоқларида қалам тебратиб ўз йўлини топишга муваффақ бўлган ёзувчи дўстим Тилаб Маҳмудга ҳавасим келади.

Эшитганман, Тилабжон ёшилигида ниҳоятда ширали овози билан бутун Бўстонлиқ бўйлаб дўторда ашула айтган. Унинг Олло таоло ҳадыя этган қобилияти (узунни ҳам Оллодан Тилаб-Тилаб олишган) ашулада бўлган. Бироқ, у бу йўлдан кетмади. Шунга қарамай, умуман, бадийий истездод табиатига хос образли тафаккур фаолияти уни бир умр тарк этмагани учун, табиат, жамият ва одамларни мустақил бир сирли хилқат тарзида тасаввур қилиши, бир томондан, унинг илмий асарлари тилининг раво ва жонли бўлишини таъминлаган, иккинчи томондан, унда ёзувчилик иқтидорининг аста-секин куртак чиқариб, гуллашига имкон берган.

Наатижада халқимизга, маънавий хазинамизга, буюк алломаларимиз табиатига хос бўлган шоирона олимлик ва олимона шоирлик муштараклигини Тилаб Маҳмуд фаолиятида учратиб, қувонаман.

Энди бевосита ҳикояларга келсак, гарчи улар ҳажм жиҳатидан кичик ва ихчам бўлса да катта катта ҳаётий ва фалсафий маъноларни ифодалайди. Қарийб 25 йил мобайнида ёзилган ҳикояларнинг савияси балки бир хил эмасдир, чинакам бадийийлик даражасидаги ҳикоялар билан, олимона мушоҳадаларга берилиб кетган (масалан, «Тугалланмаган баҳс») ҳикоялар ҳам учрайди. Шуниси муҳимки, ҳикояларнинг деярли барчаси ҳаётий ва инсон руҳиятининг драматик ҳолатлари билан суғорилган.

Ҳикояларни қайта-қайта ўқир эканман, бир нарсага амин бўлдимки, уларнинг бирортаси буюртма ёки топшириқ билан ёзилмаган. Ҳикояларни ёзиб қўйиб, уларни шошилинч нашр этишга ҳаракат қилмаганида ҳам ҳикмат бор. У ёзувчилик касбига тирикчилик юргазини воситаси деб эмас, кўнгили майли ва дил изҳори майдони деб қараган. Агар у ёзувчилик шуҳрати кетидан қувиб ёки қалам ҳақини кўнайитириши мақсадида ҳикояларни чўзиб ва қаттайитириб, повесть ё романга қўлогидан тортиб олиб чиққанда биз ҳозир ҳикоя жанрининг ажойиб намуналари бўлиб қоладиган асарларга эга бўлмас эдик.

Ёзувчи ҳикоянинг жанр сифатидаги хусусиятини пухта эгаллаган, у ўқувчини ўз нияти, мақсади, чидаётган характери ва тасвирлаётган лавҳалари кетти

дан эргаштира олади, ҳар бир ҳикоя моҳияти ўқувчи онги, тасаввурида ўзининг иккинчи ҳаётини бошлайди. Айниқса ёзувчи драматик коллизиялар тузишида, инсон характерини очишида маҳорат кўрсата олган, дейиши мумкин. Ҳикояларни ўқиш жараёнида ўқувчи кўз ўнгида тасвирланаётган воқеалар худди кино кадрларидай жонли гавдаланади. У фожеий қисматларни ҳам, кулгули ҳолатларни ҳам, лирик кечинмални кайфиятларни ҳам ишонарли тасвирлай олади.

Тилаб Маҳмуд ҳикояларининг асосий лейтмотиви — чин инсоний фазилатларни, ахлоқий қадриятларни улуғлаш, тарбиявий жиҳатларнинг устунлигидир. Унинг «Тилла узук», «Тумор», «Ўн сўмлик қизил пул», «Бодом гулли дўшти», «Имтиҳон» сингари ҳикояларида маънавий поклик, имон саломатлиги, кўнгил нозиклиги, ўзбекона мулоимлик сингари ахлоқий фазилатлар бадий образлар орқали ифодаланади.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Тилаб Маҳмуд ҳикоялари мавзу танлаш, характер очиш жиҳатларидан ташқари ихчам драматик коллизияларни ярата олиш бўйича ҳам диққатни ўзига тортади. Уларнинг саҳнабон эканлиги ҳам ана шундан. Профессор Умарали Норматовнинг эътирофига кўра Тилаб Маҳмуднинг аксарият ҳикоялари чинакам санъат даражасида.

Тўпламдан Тилаб Маҳмуднинг таржимаи ҳолига тааллуқли ҳикоялар ҳам ўрин олган. «Ўтин», «Қашқа», «Майна», «Олтин олма, дуо ол» сингари ҳикоялари Советлар даврида ёзувчи оиласи бошига тушган мусибатларнинг бадий тасвири дейиши мумкин.

Тилаб Маҳмуд ҳикоялари Советлар замонида, бадий ижод социалистик реализмнинг синфий кураш ва партиявийлик принциплари исканжасига олинган, ҳар бир ёзувчидан Советлар афзаллиги ва социализм галабасини куйлаш, улуғлаш талаб этилган даврда наир этилиши мумкин ҳам эмас эди.

Чорак аср илгари ёзилган ҳикоялар шундан далолат берадики, Тилаб Маҳмуд, гарчи Советлар даври илмий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол шахслардан бўлса да, юрагининг тўрида ҳақиқат ва чинакам гузаллик нуруни авайлаб сақлаб келган. Шунинг учун Тилаб Маҳмуд Советлар даври ёзувчиси бўла олмас эди. Унинг ҳикоялари ҳам мавзу, ҳам гоё, ҳам йўналиши, ҳам бадий ният нуқтаи назаридан социалистик реализм ва коммунистик идеал талабларига тўғри келмас эди.

Ана шу маънода, собиқ Советлар даврида яратилган ўзбек прозасининг чинакам дурдоналарини камситмаган ҳолда Тилаб Маҳмуд ҳикояларини ўша ўтмиш замонларнинг, шунингдек, ўзбек халқи ва миллий характерга хос айрим хусусиятларнинг ҳаққоний бадиий картиналарини берувчи, ўзбек ҳикоянавислигининг асримиз сўнгидаги, Мустақиллик давридаги ютуқларидан бири десак янглишмаган бўламиз. Файласуф-эстетик олим, санъатишунос Тилаб Маҳмудни мамлакатимиз ва халқимиз Мустақиллиги қайтадан ёзувчи этиб дунёга келтирди. Халқимиз янги бир ёзувчини, унинг асарлари орқали ҳаётнинг мураккаб томонлари, инсоннинг чигал тақдирларини кашф этишига имоним комил.

Одатда қисқа ёзолмайдиганлар қисса ёзадилар. Тилаб Маҳмуд ихчам ҳикояларида катта ижтимоий муаммоларни ифода этади.

Маҳкам МАҲМУДОВ,  
Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро  
мукофот совриндори

1937 йили қатагон қилинган  
отам Мирзааҳмадбой ўғли  
Махмуднинг ёрқин хотирасига  
бағшлайман

## ТИЛЛА УЗУК

Хосият буви неварасини боқчадан олиб келдию ўзини беҳол сизди. Атрофида нималарнидир жавраётган боланинг сўзлари қулоғига кирмай, кўз олди хиралашиб, тиззалари титради, хонтахта чеккасига чўккалаб, хушидан кетди... Бир замон кўзини очса касалхонада ётар, ёнида ўғли, келини термулиб ўтиришарди. У болаларига базур қараб қўйди-да, кўзларини юмди. Беморга тикилиб ўтирганларнинг қўнғлидаги ваҳима ўрнини аллақандай илнж эгаллай бошлади. Хосият бувининг ўғли «Хайрият!» деб чуқур нафас олди, хотинига нималардир пичирлаб ўрнидан турди. Кампир ўғлининг кўзгалганини сизди-ю, лекин кўзини очишга қуввати бўлмади, юраги ўғлининг йўлакда узоклашаётган қадам товушидай дук-дук ура бошлади. «Отаси ҳам худди шунақа тез-тез юрарди» — хаёлидан ўтказди у.

Бола-чақаларининг елиб-югуриб қолганидан Хосият буви аҳволи анча оғир эканлигини тушунди. Қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар серкатнов бўлиб қолишди. Гоҳида ўғли, асосан, келини бошида навбатчилик қилишарди.

Хосият бувининг икки синглиси бор. Кичиги шанба куни келди. У уйида усталар ишлаётгани учун тез-тез келолмаётганидан ўпқаланиб кўз ёши ҳам қилди. Опасининг оғир ётганини кўрган сингил ўша куни кеч кетди. Эртасига яна келди.

Хосият бувининг ўғли холасининг бунчалик меҳри товланиб қолганидан қувониб кетди. Онаси соғлом пайтда уйларига онда-сонда келадиган холасидан бир пайтлар ўпқаланиб юрганидан уялди ҳам. «Одамлар қариндош-уруғ оғир кунда, керак бўлади деб бежиз айтмаган эканлар, ўйлади ичида. Сингил бўлса опасининг бошида гирдикапалак, бошини силар, сочини ўриб, саллачасини тўғрилаб қўярди.

— Опа, саллачангиз эскироқ экан, эртага янгисини олиб келаман, булар ёш-да ҳали, фарқига боришмайди, — деди келинга қараб ҳам меҳрибонлик, ҳам танбех охангида.

Хосият буви тез кунда оёкка тура қолмади. Унга

дўхтирлар қимирламай ётишни, ёнида бирор кимса бўлишни тайинлашди. Орадан уч кун ўтганида синглиси яна келди. Сўмка тўла турли нозу-неъматлар: олма, анор, апельсин, тирноқдай-тирноқдай чучваралар. У Хосият бувининг келинига: «Сиз, келин пошшо, — деди, — уйга бориб эртага юмшоққина шовла пишириб келинг. Серсабзи бўлсин. Мен опам ёнида қоламан. Бу дунё фанимат айланай».

Келин уйига кетди. Хонада опа-сингил қолишди. Хосият буви бироз ўзига келган бўлса-да, бир-икки оғиз гапдан сўнг толиқиб қоларди. Синглисига миннатдор термулиб ётган опанинг кўзини уйқу элитди. У уйқу ара-лаш оёқларини синглиси уқалаётганини, ёнларини ёпиб, қўлларини кўрпа устига чиқариб қўяётганини сездди. Нечундир синглисининг бармоқлари қалтирар, калта-калта нафас оларди. Қалтираган қўллари аста-секин кўкрагидан билагига, ундан бармоқларига келиб тўхтади. Тилла узук таққан бармоғига илиқ бир нарса ёпишгандай бўлди. Хосият буви бармоғидан тилла узукни синглиси чиқариб олишга астойдил уринаётганини сездди. Синглиси қанча шошилмасин, узук бармоқ бўғинига келганда тўхтаб қолар, Хосият бувининг бармоқлари худди чангақдай қотиб, ҳеч тўғри бўлмас эди. Сингил опанинг қотиб қолган бармоқларини апил-тапил тўғрилашга киришди. Хосият буви эса енгил ингради ва лабини тишлаб бармоқларини ёйиб қўйди. Соғ кунлари осонгина чиқадиган узук ҳеч жойидан қўзғалмас, Хосият бувининг суяклари зирқираб борарди. Эсанкираган синглиси тупуклари билан узукни намлаб кўп овора бўлди. Аммо узукни бармоқдан чиқара олмади. Хосият буви чурқ этмай кўзини юмганича ётарди.

Шу пайт эшик очилиб иккита ҳамшира кўринди. Бирри кроват ёнига келиб, «Тузукмисиз, онахон, қани билагингизни берингчи, қон қуямиз» деди. Иккинчи қиз кампирнинг киприкларига илинган томчиларни кўриб, «Хафа бўлманг, бувижон, тузалиб кетасиз. Сизга ҳозир қизларнинг қонидан қуямиз, нақ ўн саккиз ёшли бўлиб қоласиз,» — деб ҳазиллашди.

Ҳамшира Хосият бувининг синглисига «Кечирасиз, йўлакка чиқиб турсангиз, қон қуйиш пайтида палатада ҳеч ким бўлмаслиги керак» деди.

Шу пайт ҳамшира кўзлари юмуқ кампирнинг қўлини кўтариб бир нима узатаётганини пайқади. У тилла узукни кўриб ҳайрон бўлди.

— Бувижон, бу нимаси? — деди иккинчи ҳамшира,

— тақинг узугингизни. Бунақа хаёлларга борманг, ўзингизга буюрсин, ҳали тузалиб кетасиз.

Эшик олдига бориб қолган сингил «узук» сўзи қулоғига чалиниши билан ялт этиб орқасига ўгирилди. Опасининг қўлига ҳамшира тақиб қўяётган тилла узук ярқираб кетди. Сингил жон-жаҳди билан опасининг бошига талпинди. Ҳамширанинг «кейин-кейин» дейишига қармай, «капельница» аппаратларига урилиб-сурилиб, курси устидаги нарсаларини сумкасига тикиштирди-да, йўлакка ўқдай отилди...

1972

## БОДОМ ГУЛЛИ ДҶППИ

Рустамжон оқ қўйлак, қора кастюмини кийиб, деворга осилган ойнага қараб сочларини таради, пешонасидан турғиб чиққан ҳуснбузарга атир сепади, шфанер устидаги пляпасини қўлига олиб енги билан устини бир силаб бошига илар чоғи «Мабодо кечиксам, хавотир бўлманг, бугун театрга туша...миз», — деди ёнида уймаланиб турган онасига.

Саломат хола ўгирилиб, чиройли бўлиб қўчага отланган ўғлига қаради. Индамай келиб Рустамжоннинг галстугини тўғрилагандай бўлди, бирдан кўзларини катта очиб, «Дўппингни киймайсанми?» — деди.

Рустамжон эшитмаган одамдай ўзини яна ойнага солди.

— Ойижон, қўйинг шу дўппини. Замонга қараб юриш керак, — деди. Онасининг норизо кўзларига боқиб юпатмоқчи бўлди: — Манга ярашмайди ҳам.

— Ярашмайди? — ҳайрон бўлди Саломат хола, — ҳаммага ярашган дўппи сенга ярашмайdimи? Ғалати гапларни айтасан. Даданг дўппини яхши кўрардилар.

— Дадам... Дадамнинг вақти бошқа эди. Ҳозир...

— Нима, у пайтларда шляпа кийишмаганми? Кийганлар. Дадангниям шляпаси бор эди. Кўрсатайми?

Рустамжон шошиб турса-да дадасининг шляпасини кўргиси келиб кетди. Саломат хола сандикнинг бурчагидаги картон яшикчадан кулранг шляпа ва тўртта бодом гулли дўппи олди. Рустамжон ҳаяжон билан онасининг қўлидаги шляпани кийиб кўрди, бироз катта экан, худди ерга тушиб кетса синиб қоладигандай, хавотирланиб турган опасига қайтариб берди, дўппиларга тикилди.

— Хаммасини кийганмилар?

— Ха, — жавоб берди Саломат хола, — мана буниси эскиргани, дадангни куёвлик дўшплари, бошқаларини ўзим тикиб берганман. Даданг билан танишганимизда мана шу бодом гулли дўшпини кийиб юрган эдилар. Гулли менга жуда ёқиб қолган эди.

— Ха, дадамнинг ўзларини эмас, дўшисининг гуллини севган экансиз-да, — хазиллашди Рустамжон.

— Мана, буларга кара, — Саломат холанинг кўзлари ўйнаб кетди, — бу сени дўппиларнинг. Бунисини уч ёшингда кийгансан, бунисини мактабга борганда... охори тўкилса олиб кўярдим.

Ке, сенга бир бошдан гапириб берай. Даданг билан кузда танишганмиз. Якшанба куни эди. Ховлимиздаги шафтолининг хузурини ер кўрарди. Ойимлар, «қизим, бозорга элтгин, пулига кўйлак-пўйлак олиб киярсан» дедилар. Бир уяламан, бир уяламан. Бормай десам кўйлак кийгим келади, борай десам кўни-кўшини кўриб қоладими, дейман. Охири юпинроқ кийиниб, биров танимайдиган бўлиб икки челак шафтоли териб бозорга бордим. Энди челак оғзидаги саллачани ечишимни биламан, бир йигит келиб: «Шафтоли қизнинг шафтолиси неча сўм?» — деса бўладими? Юзим гаримдоридай қизариб кетди. Уялганимдан лом-лим демадим. Ёнимдаги хотин шу йигитга шафтоли тортиб берди. Пулини олишгаям нийманаман. Бир оздан кейин йигит яна келди. «Шафтолингиз жуда ширин экан, энди ўз қўлингиз билан тортиб беринг» деди. Шафтолига эмас, хадеб менга қарайди... Ха, ҳозир сенга кулгули-а, у пайтларда биз сизларга ўхшаб бемалол гаплашолмас эдик... Шафтоли сотиб бўлдим, пулларни санадим, бозордан хурсанд бўлиб чиқиб кетаётсам, рўпарамда яна ўша йигит турибди. Аввалга кўрқиб кетдим. «Пулимни тортиб олмоқчи» деб ўйладим. Агар «Пул қани?» деса, «Мана» деб чиқариб беришга тайёр турган эдим, кулиб ёнимга келди-да, антикиб-антикиб бир нималар деди. Кейин мени автобус бекатигача кузатиб қўйди. «Эртага келасизми, яна келинг, мен кутаман» деган гапларини эшитмаган одамдай автобустга чиқиб кетдим. Уйга келгунча энди бозорга ҳеч бормаيمان, деб ўйладиму, нахорда челакларни шафтолига тўлдириб, чоёи ичмасданоқ бозорга отланганимни билмай қолдим. Икки челак шафтолини сотиш минг соатга чўзилиб кетгандай бўлди. Бозорим охирлаб қолди, кечаги йигитдан дарак йўқ. «Йигитлар шунақа алдамчи», дедим ичимда. Кўзим олазарак, харидорлар сў-

ровига меровланиб жавоб бериб турсам одамлар орасидан бодом гулли дўппи кийган йигит кўрипти. У бирпасда рўпарамда пайдо бўлди. Нима дейишимни билмайман. «Сизга олиб қўйган эдим» деб юборибман челақ тагидаги шафтолиларни кўрсатиб... Уйимизгача кузатиб келдилар. Хайрлашаётганда «Энди, шафтоли сотманг, бозорга бормайсиз» дедилар. Кўп ўтмай совчилар келди, тўйимиз бўлди, мурод-мақсадимизга етдик, билдингми?

Даданг бодом гулли дўппини яхши кўрардилар, ҳеч бошидан туширмас эдилар. Мен дўппи тикишни ўрганиб, дадангга бодом гулли дўппилар тикиб берардим. Иштамасдим, ҳар байрамда даданг совғалар опкеларди, мен уларга бодом гулли дўппи тикиб кўярдим. Дўппиларнинг кўплиги шундан. Даданг урушга кетганларидаям орқаларидан дўппи юборганман. Ҳозир сенга битта хат кўрсатаман. Ўзинг ўқи.

Рустамжон уч бурчак килиб букланган эски қоғозни қўлига олди. «Саломат, юборган дўппингни олдим. Мухаббатингни ипларига қўшиб тикибсан. Бодом гуллари худди яшнаган ўлкамизни, бирга бўлган қуларимизни эслатади. Қўйнимдаги дўппи юрагимга отилган кўрғошинлардан асраб юрибди. Катта раҳмат. Рустамжон қалай? У ҳам дўппи киядиган йигитча бўлиб қолгандир? Ўпиб қўйини. Дийдор кўришгунча хайр, омон бўлинглар».

— Бу дадангнинг охириги хати бўлди, — Саломат хола чуқур хўрсиниб ўғлининг қўлидаги хатни аста олиб, сандиқ ичига жойлади. Филтиллаган кўзларидаги ёшларни бармоқлари билан сидириб ташлади. Рустамжон жим бўлиб қолган, қўлидаги шляпасини нима қилишини билмай, аста ёжимлар эди. — Мана, бу қора хат, «Қахрамонларча ҳалок бўлган» деб ёзишган. Ишонаман, қахрамонларча ҳалок бўлганлар. Сен ёш эдинг, бувинглар бизни олиб кетишди. Ишга кирдим. Уруш ҳам тугади. Бир нарса ҳеч эсимдан чиқмайди. Даданг фронтда эдилар. «Жангчиларга совға» деган гап чиқиб қолди. Биз ниманиям совға қилардик, ахволимиз ночор. Мен ўнта дўппи тикиб маҳаллага оғчиқиб бердим. Хаёлимда аскарлар дўппи киядигандай. Кийишмаган бўлсаям оналарини, хотинларини эслашгандир. Кўнгли кўтарилгандир.

Саломат хола бирдан руҳи ўзгариб, бошини қўйи эгганича диванга ўтириб қолган ўғлига қараб хикоясини уза қолди. — Бу ёғини ўзинг биласан. Сен етим ўсмагич, ўксимагин деб... мажбур бўлдим. Барака топсин, ўз ўғлидай яхши кўради сани. Бу дадангниям доимо бодом гулли дўппи кийишини сезганмисан? Кўнглимга қа-

райдилар. Укаларинг ҳам бир хил дўппи кийишади. Нега шунака биласанми? Уйдаи, кўчадаи бодом гулли дўппи кийиб юрсангиз даданг тирикдай туюлади менга. Дўппи артелига ишга кирганим ҳам шундан. Қанчалик кўп дўппи тиксам, шунчалик даданг узок яшайди кўнглимда, даданг юзта, мингта бўлиб шаҳарда юрибди, деб ўйлайман. Кечқурун уйимизга даданг қайтмасалар ҳам бодом гулли дўппилари қайтиб келсин дейман.

...Йўлакда апил-тапил оёқ шарпалари эшитилди. Саломат хола «Укаларинг» деган маънода Рустамжонга қаради. Мактабдан қайтган Хасан-Хусан онаси билан ака-сига салом беришиб, ечингани бошқа хонага кириб кетишди. Иккаласининг бошида бодом гулли дўппи эди.

1973

## МАҚБАРА

Саттор бува зотилжам касалидан тузалдию, ғалати бўлиб қолди. Чойхонагаям қадам босмайдиган, хотинигаям рўйхуш бермайдиган қилиқ чиқарди. Умрида бирор марта овқат танламаган, камширига фалон овқат пишир демаган одам қоқланган сур гўштдан пиширилган шўрвада нон ивितгиси келмай:

— Тўмтоқ, тиш ўтадиган нон-понинг йўкми? — деди тўнғиллаб.

— Қишлоқда тўй бўлмаса, маърака бўлмаса, юмшок нонни қаердан оламан, — деди кампир эрига. — Ўрнидан эринибгина туриб даҳлиздан бир дастурхон қотганкутган нон олиб чиқди, катта-кичик ёпилган нонларни пайпаслаб суви қочмаганини излади.

— Сиз ҳам қариганда хунар чиқаринг. Чимилдикдаёқ ивитилган нонни яхши кўраман дегансиз. Олтмиш йил бўпти тўйимизга. Қўлим хамир кўрмаган.

— Бўлди, жағингга темир қолаганмисан? — деди Саттор бува қўлини силтаб.

Саттор бува ёшлигида оёғини танчада куйдириб, оқсоқланиб юрадиган хотинини бир умр «Тўмтоқ» деб чакирарди. Эҳ, ҳа, бу «Тўмтоқ» билан не кунларни кўрмади. «Ўзиям ёшлигида кўхликкинайди, бу қиззиғар» хаёлидан ўтказди Саттор бува. Онаси ҳам икки йил кийнаган. Беш ботмон буғдой, тўртта қўй, қирқ эшак ўтин сўраган. Агар тожик домла бўлмаса қўйворармиди... Тўйдан кейин олти йил ўтибдию, бу қисир ўлгур туғма-

ди. Қилмаган амали, кўрсатмаган табиби қолмади. Нима дейсан, Бурчимулло қишлоғида бир тожик домла бор эмиш, бўйида бўлмаган хотинларни оғироёқ қилармиш, иссиқ-совуқ билан одамларнинг юлдузини тўғрилаб кўярмиш, деган гап қулоғига чалинди. Шу раҳматлик тожик домла (илоё жойи жаннатда бўлсин) киш бўйи уларнинг уйида туриб, ҳар куни уч маротаба «Тўмтоқ»қа дам солгач, худо ўғил берди.

Бу ўғил туфайли Саттор буванинг боши эгилган пайтлар ҳам бўлган. Қишлоқда энди колхоз бошланган йиллар эди. Қирда буғдой ўришаётганда Рустам полвон бир тўйда одамлар ичида «Ха, Сатторвой, ўғлинг катта бўлаяптими, тожик домлани яна бир йил уйингда олиб турсанг, Ҳасан-Ҳусанли бўлиб олармидинг,» — деб кесатган эди. Шунда Саттор «Ха, саними» деб қўйган. Замон нотинч. Бирдан «қулоқ» деган гап чиқиб қолди. Рустам полвоннинг иккита сигири, оти, эшаги бор, отонаси бой ўтган, ўзи «қулоқ» деб, каматиб юборди.

Очарчилик йиллари ҳам Саттор эпчиллик қилди. Колхозда омборчи бўлиб, тирик қолди. Бир қоп буғдойни иккита гилам, тўртта кўрпага алмаштиргани эсида. Яхшиям ёшлиғида домла кўрган экан, қариганда жуда қўл келди. Тўй-ҳашамларда, маъракаларда баланд овоз билан тиловат қилиб, ҳаммани оғзига қаратади.

Ёлғиз ўғил ҳам уйлик-жойлик бўлиб Фазалкентга кўчиб кетди. Чол-кампирга нима кетарди. Юрт омон бўлса, ризк-рўзини териб ейди. Мана шу тоқчадаги турли-туман пиёлаларнинг биронтасини сотиб олмаган. «Тўмтоқ» қайси тўйга борса, битта-иккита пиёлани қўлтиғига қисиб келаберади. Саллачасини тўлдириб нон, қанд-курс, қатлама олиб келади. Саттор бува тобора кексайиб борсаям ўлимни бўйинга олгиси келмасди. Фақат охириги ётишдан анча оғирроқ турди. Унгаям шу «Тўмтоқ» айбдор. Ҳозир айни чилла, худойига бормай кўяколай десаям, қўнмади. «Боринг, худонинг насибасидан курук қолманг», деб йўлдан урди.

...Саттор бува чайнаб-чайнолмай, ютиб-ютолмай сўлагини оқизиб, чандир шимаётган хотинига қараб туриб, фаши келди.

— Йиғиштир, бор сандиқдаги пулларни опчик, — деди бармоқлари билан косани юлқиб-ялар экан.

Шунча пулни нима қилади? Орқалаб кетадимми? Яна боши ёстикқа теггудай бўлса асфаласофилинга кетиши ҳеч гапмас. Пулни нодон ҳам топади, аммо лекин уни жойига сарфлашда ақл даркор. Аёлларнинг зуваласи пи-

шик бўларкан. «Тўмтоқ»нинг ўламан деганига ўттиз қовун пишиғи ўтди, ҳамон оёғини дўқиллатиб балодай юрибди. Бирор қор-хол юз берса «Тўмтоқ» пулни ёстик қилармиди?

— Тўмтоқ, — гап бошлади Саттор бува хотинига қараб, — эртага ўғлининг олдига борасан, пулимга уч машина фишт опкелиб берсин. Тўғри мазор дарвозаси олдига ағдарсин.

Саттор бува жума куни қишлоқ кексаларини йиғиб, умрида биринчи марта уйда эчки сўйди, ота-оналари руҳини эслаб, овозини баралла қўйиб тиловат ўқиди. Чой устида мазорда мақбара қурдириш нияти борлигидан гап очди. Ўтган замонларда дили пок мўминлар ота-оналари руҳини эслаб мақбаралар қурдирганини, бу савобли ишни қишлоқда мулла Саттор ўз бўйинига олганини айтди. Кексаларнинг бири мўйлаби аралаш лабини тишлади, бошқаси соқолини тутамлади, яна аллаким дўпписини олиб, яккам-дуккам тукли бошини қашиб қўйди. Ишқилиб, ҳечким гингшимай, кўпчилик дуога қўл очди.

— Куним битиб, мабодо бандаликни бажо келтирсам, — маслаҳатга яқун ясамоқчи бўлди Саттор бува ўзи ҳам, сўзи ҳам анча оғирлашиб, — шу мақбара ичига қўярсиз.

— Унақа гапларни қўйинг, хали бақувватсиз, худо умр берса, юзга кирасиз, — деди шон мўйловли, оқсоқ гўрков.

Айни ёз чилласида хўжакентлик уста Саттор бува авлодининг хилхонаси ёнида уч-тўртта эски гўрларни текислаб бежирим мақбара тиклади. Саттор бува Самарқанда кўрганларини эслаб, мақбара ичидаги Арқитдаги мрамар қонидан неваралари келтирган чиройли тошга «фалон йили туғилган...» деб арабча ҳарфларда ёздириб ҳам қўяди.

— Энди болам, ишни пишиқ қилган маъқул, — деди Саттор бува устага яқинлашиб, одамнинг кўзи юмилганидан кейин бошқача савдолар бўлади. Орқамда қолганларга ҳам оғир ботмайди, шундоқ дунёдан ўтган кунимни ёзади қўяди.

— Саттор бува, тириклигингизда фиштли уйда яшамай, у дунёда данғиллама участкада яшаркансиз-да, — хазиллашди уста.

— Болам, шак келтирма, ҳаммамиз бу дунёда омонатмиз, ҳақиқий жойимиз у дунёда.

Саттор буванинг кўнгли жойинга тушди. «Ажабмас,

замон айланиб кишлоқ қабристонин «Саттор бува» номига аталиб қолса» — кўнглидан ўтказди.

... Саттор бува алғов-далғов тушлар кўриб чиқди. Ёпирай, ўлиб қолган эмиш. Тумонат одам йиғилган. Колхоз раиси мажлисда гапиргандай, Саттор бувага қараб нималарнидир хириллаб гапирармиш. У сўзини охирлатиб Саттор бувага қарармиш-да «Қани, марҳамат, чиқинг, сиздек табаррук зотни елкамизда кўтариб борамиз», деб янги тобутни кўрсатармиш. Саттор бува «Тобутга кўрпача солмабсизлар, орқамга ёғоч ботиб кетади», деб бир пас хархаша қилармиш. Кейин унинг икки кўлтивидан сўяб тобутга чиқаришармиш. Шу пайт ёқавайрон кампири — «Тўмтоқ» келиб уни тобутдан даст кўтариб олармиш.

Саттор бува чўчиб уйғонди. Бикинига ёпишиб хуррак отаётган кампирни туртди:

— Тур-э, итдай хирилламай ўл, — деди.

Саттор бува анча маҳалгача тушнинг узилиб қолган жойидан боқланишини кутиб ётди.

Ҳамқишлоқлари уни бири кўйиб, бири опичлаб мазор томонга боришармиш. Бутун кишлоқ аҳли иззатикром билан мақбаранинг эшигини очиб, «Қани, Саттор бува, марҳамат, бафуржа лаҳатга тушинг», дейишармиш. Бирдан ҳаммаёк жимиб, одамлар кўл қовуштириб Саттор бувага тикилишади. Саттор бува ҳамқишлоқлари билан сафарга кетаётгандай кучоклашиб кўришади, ҳайрлашиб лаҳатга аввал оёқларини тикиб, сўнг бошини ичкарига олади. Лаҳат ичи анча бемалол экан-у, чироқ ўрнатилмагани чаток бўлибди. Хеч нарсани кўриб бўлмайди. Ечиниб-кийиниш бор. «Ҳой, гўр оғзинга чим босмай туринглар, уйдаги шағам эсдан кўтарилибди», дермиш...

...Саттор бува «Сизга бир бало бўлганми?» деб жовраётган хотинига «Одамга намунча ёпишасан, нарирок ёт», деди кўрпани даҳанигача тортиб. Анча маҳал дераза орқасидаги зимистон осмонга тикилиб қолди. У ярим кечада туриб, истаган маҳалда айланиб юрадиган ховлисига чиқишга юраги бетламади. Қовжираган қомати дир-дир титради. Саксон саккиз ёшга чиқиб бунчалик кўрқмаган эди. Хотинига «ташқарига мен билан бирга чиқ» дейишга ори келиб дераза олдида осмонга ноҳуш узок тикилиб ўтирди.

Орадан ярим йил ўтди. Шу йили кишлоқни қалин қор босди. Кўклам ҳам қузилиб кетди. Сурункасига ёмғир кўйди. Бир кун «Тўмтоқ» хунуё хабар топиб келди.

6998

Yashno

17

№

— Чол, — деди остонадан хатлар-хатламас, — кўчкин кўчибди, мозорни ярмини балчиқ қоплаб, дарёга суриб кетганмиш.

— А? — деди Саттор бува саросимада чакмонини елкасига ташлаб, ирғай хассасини қўлига олар экан.

Шоша-пиша янги калишларини эскисига алмаштириб, қўчага чиқди. Халлослаб гузарга тушганда мозор томонга югуриб кетаётган одамларни учратди. Уларнинг орқасидан эргашди. Саттор бува мозорга яқинлашиб, серрайиб қолди. Юқоридан келган балчиқ мозорнинг макбара қурилган томонини олиб кетган, кечагина баланд-паст бўлиб ётган гўрлар ўрнида балчиқдан учи чиқиб турган дарахтлар, харсанг тошлар... Тумонат одам тўпланган. Одамлар дод солиб йиғлашни ҳам, қариндош-уруғларининг гўридан жудо бўлганларининг кўнглини овлашни ҳам билмас эди. Ёшларга томоша, қарияларга ташвиш ортиб кетган эди.

Саттор буванинг кўз олди қоронғулашиб, тиззалари титрай бошлади, оёқ остидаги балчиқ уни тортдими, ё ўзи балчиққа ағанаб тушдими, ҳеч ким сезмай қолди.

Қишлоқ тарихида биринчи марта ўлик мозордан уйга қайтиб, ўша кун мозорга яна олиб келинди. Саттор бува ҳамма қатори қаро ерга кўмилди.

1973

## ЎН СЎМЛИК ҚИЗИЛ ПУЛ

Қумри ва Тошгул кампирларнинг ота-оналари бир пайтлар қарши қуда бўлишган. Тошгулнинг акасига Қумрини, Қумрининг акасига Тошгулни беришган. Иккаласи бир-бирига янга эмас, эгачидай гап.

Тошгулнинг акаси қулоқ бўлиб, дом-дараксиз йўқолган. Қумрининг акаси пайғамбар ёшида ўз ажали билан оламдан ўтган. Уларнинг ҳасратланидиган дарди, гаплашадиган эсдаликлари кўп эди.

Қумри эрдан жуда ёш қолди. Бошқа эрнинг этагидан ушламади. Қўлини косов, елкасини обкаш қилиб ўрга ўрмалади, ерни тимдалади, ишқилиб, болаларини хор-зор қилмай, элга қўшди. Невара-чеваралари ҳам бир этак.

Узуи бўйли, қотмадан келган, ойдинда қўрпа қавийдиган, юрагида ғайрати қайнаган Қумри кампир қаддини тик тутиб, қўкрагини кўтариб қадам ташларди. Бир

кўрсангиз қўлида, бошида тугун, шаҳарга кетаётган, бир кўрсангиз шаҳардан қайтаётган бўлади. Чорвоқдан Хумсонга қатнайдиغان автобус сал хаялласа, тоқати чидамас, қимирлаган қир ошар деганларидай, бошка кампирлар ўй-ўйлагунча у йўлни босиб кўярди. Қумри кампир қизларидан қутулиб, ёлғиз ўғлини шаҳардан уйлантириб қўйгандан буён бир жойда қўним тошмайдиغان бўлиб қолган. Ўғлининг ёнига бутунлай кўчиб кетай деса бинойидай ховли-жойини кўзи қиймайди, келиннинг бир коса оби-ёвғонига термулиб яшашни кўнгли кўтармайди.

Кун бўйи боғнинг ичида имиллаган билан юмуш адо бўлмайди, баъзан юрак-бағри тарс ёригудай бўлиб ё шаҳарга невараларини кўриб келгани, ё Тошгул кампир олдига ўтган-кетганлардан хасратлашгани жўнайди.

Тошгул кампир табиатан Қумри кампирнинг тескариси. Бир умр эри қишлоқда қассоблик қилгани учунми, қозони гўштдан, қўли ҳамирдан бўш қолмаган. Эри раҳматликнинг эшиги ҳам, кўнгли ҳам очик эди. Қунора уйида меҳмон. Дарвозадан кирмасданок «Тириш, уйдამисан, қозонга гўш сол». «Тириш, имиллама» деярд эди, унинг орқасидан узун-қалта эргашиб келаётган одамлардан энасаси қотган хотинига қараб.

Дала-даштда кам юрганиданми, ўроқ-машокка ўзини урмаганиданми, меъдаси ёвлашиб кетганиданми Тошгул кампир эрта қариб, юз-кўзларини ажин ҳалқалаган, шапқур бўлиб, анча муқиллаб қолган эди. Лекин эри ўлганидан буён қишлоқдаги носвойфурушлар орасида биринчи. Носвойни ундан ўтказиб маромга етказадиган одам топилмайди. Хатто Қўчар мўйлов ҳам ўзининг носвойни қолиб, Тошгул кампирнинг неваралари китоби варақларига сурнай қилиб солиб қўядиган носвойидан сотиб оларди.

Қумри кампир кириб келганда Тошгул кафтдай ховлидаги памилдори кўчатларини теша чопик қиларди.

— Тайёрмисиз, — сўради Қумри қўлидаги тугунни сўри четига қўяр экан.

— Хаяллаганингизга бормаимизми, деб ўйловдим, манавиларни бир амаллаб қўяй девдим...

— Бўлди қилақонинг, қолганини эртага чопарсиз, кун қизиб кетмасдан жўнайлик.

— Сиз сўрига чиқиб ўтира туринг, мен қўл-оёғимни чайиб олай.

Иккала овсин-янга эрларининг Фазалкентдаги таниши Мирзааҳмад акани кўриб келишмоқчи эди. Қумри кампир қачон шаҳарга боргудек бўлса, албатта қайтишда

Мирзаахмад аканинг уйига қўниб, ундан хол-аҳвол сўраб келарди. Тошгул кампир эса адашиб қоламан, деб ёлғиз юрмас эди.

Мирзаахмад ака оғирлашиб қолган экан. Кампирларни кўрган захоти чолнинг узун кичриклари ичига яширинган кўзлари жовдираб, бир тутам соколи ёйиллиб кетгандай туюлди.

— Қумримсан, умрингдан барака топ, мана уртоғимнинг ёнига жунай деб турибман, — деди ёстиққа зўрға суюнар экан.

— Худо хоҳласа тузалиб кетасиз, Мирзаахмад ака, — беморга далда берди Қумри кампир, — мана Тошгул ҳам ёнимда, бирга келдик сизни кўргани.

Баракалла, илойим бирга бўлинглар, худо бир-бирингиздан ажратмасин сизларни...

Анча кундан буён ана кетди, мана кетди бўлиб ётган Мирзаахмад акага ғойибдан куч кирдим, ё ўзини кампирлар олдига тетик тутгиси келдим, узок гаплашиб ўтирди.

Вакт алламаҳал бўлганда, Мирзаахмад аканинг хотини овсин-янгага ёнма-ён жой солиб, алоҳида-алоҳида кўрига ташлади. Иккала кампир маҳсиларини ечиб оёқ остига қўйишди, нимчаларини ёстик тагига жойлашди. Қумри кампир ивир-ғавир кўзи илинаётган эди, Тошгул кампирнинг мушук хуррагига ўхшаш хазин хириллаш эшитилди. Қумри кампир ҳам «Ўзинг паноҳингда асрагин», деб чап томонига ёнбошлади-да, чой совутаётган одамдай «пуф», «пуф»лаб ухлаб қолди.

Нонушта рисоладагидай ўтди. Кампирлар бир-бирларининг пинжигга кириб, авгостанция томон жунашди. Хамма гап кассага яқинлашганда бўлди.

— Хой, Қумри, қилинғиз курсин, пулимни беринг, — деди Тошгул кампир касса олдига чўнтақларини титкилар экан.

— Эсингиз жойидами, нималар деяпсиз? — хайрон бўлди Қумри кампир.

— Кечаси пулимни олиб қўйибсиз, беринг, хазиллашманг, — деди Тошгул кампир ўпкаланиб. — Ўн сўмлик, қизил пул эди.

Қумри кампир довдираб атрофига аланглади. Касса ёнидаги ёш-яланг уларга қараб кулиб туришарди. Қумри кампир ер ёрилса ерга кириб кетгудай бўлди. Тошгул кампирининг қўлидан ушлаб бир чеккага тортмоқчи эди, у бўлса, пул узатаётибди, деб ўйлади чоғи, Қумри кампирининг бўш қўлига қараб яна жоврай кетди:

— Қариганда бировнинг чўнтагидаги пулини олгандан кўра ўлган яхши. Мен уни не азоблар билан тонганман. Бир ойлик носвой пулим...

— Кўп шанғилламанг, — жеркиб берди Қумри камшир, — бундоқ ўтиринг, гапга қулоқ солинг. — У қалтираган кўллари билан духоба нимчасининг тўғноғич тақилган ён чўнтагини очди, ундан эскириб қолган қора чарм ҳамёнини олиб ичидаги қоғоз пулу, тангаларни эагига тўқди.

— Мана, мана қаранг, қизил пул борми, ҳаммаси яшил-ку, кўзингизни каттароқ очиб қаранг.

— Нимасини қарайман, — пўнғиллади Тошгул камшир худди унинг шапқўрлигини юзига солаётгандай туюқиб. — Майдалатиб олгандирсиз...

— Вой нималар девотсиз, ёнингизни яхшилаб қаранг, одамми бир нима бўлгани яхши-я?!

— Бировнинг пулини ўғирлаб оласиз-у, яна тиллингизни бермайсиз?

Камширлар минғиллаб, вайсашганича автобуста чиқишди. Олдинма-кейин ўриндиқларга ўтиришди. Қумри камшир энди хўжакентлик таниш жувон билан кўришаётган эди, Тошгул камшир овозининг борича: «Нега тутоқмайин, ўн сўмлик қизил пулимни Қумри кечаси ухлаб қолганимда ўғирлаб қўйибди» — деди ёнидаги хумсонлик аёлга. Автобус тўла одамларнинг ҳаммаси Қумри камширга ўғирилгандай туюқди. Ёшлигидан бева қолиб, ўғрилик йўлига кирмаган Қумри камшир учун бундан ортиқ ҳақорат йўқ эди. Автобусдан тушиб қолай деса, одамлар нима хаёлга боради, деб ўйлади. Рост экан, юзи чидамади, дейишмайдими? Қайси бирига бориб «хой, мусулмонлар, мен ўғри эмасман, келиб-келиб овсин-янгамнинг пулини оламанми?» десинми?

Қумри камшир ич-этини еб, рангу-рўйи кўмирдай қорайиб борган сари Тошгул камширнинг жағи очилгандан очилиб борарди.

Автобус Хумсонга етиб, одамлар ерга тушаётганларида Тошгул камшир Қумрининг катта қизини кўриб қолди. Оёғи ерга тегар-тегмас:

— Махбуба, худоё онаггни феъли қурсин, кечаси ўн сўмимни ўғирлаб қўйибди-я, — деди.

Махбуба дам аммасига, дам онасига олазарак қараб турар эди.

Қумри камшир қизининг ёнига келдию, ёш боладай хўнграб юборди.

— Қуруқ тўхмат — бемахал ўлимдан сакласин экан,

болам, амманг ер юткур, Ғазалкентдан кела-келгунча ўн сўмимни олиб қўйдинг, деб ҳол-жонимга қўймади. Шарманда қилди...

Кирк йиллик кадрдон кампирлар биринчи бор бир-бирлари билан хайр-хўшлашмай қишлоқнинг икки кўчасига бурилиб кетишди. Дарё бўйлаб уйи томон бораётган Қумри кампирнинг кўнгли тошдай зил-замбил эди.

Ховли Қумри кампирни ютиб боргудай, қўли ишга бормади, хатто самоварга ўт ёқиб, қовжираган томоғини бир қўлтум иссиқ чой билан намлашга ҳам ҳафсаласи келмади.

Қун ботиб, бор ичига ғира-шира оқшом чўка бошлади. Айвон чеккасидаги пўстакда ўтирган Қумри кампирнинг ўрнидан туришга ҳам мадори қолмади.

Тошгул кампир уйига келиб ҳам кўнгли жойинга тушмади. Бошқа нимчасининг чўнтагини титкилаб кўрди, тоқчаларни, чойнақларнинг ичмини қаради, ўлимлик нарсалари турадиган қутиниям очиб кўрди. Хеч қаерда ўн сўмлик қизил пул йўқ эди. «Олган, яшшамагур», — деди пичирлаб.

Охири ўн сўмлик қизил пулдан умидини узган Тошгул кампир овқатга уннамоқчи бўлиб ўчоқбошига борган эди, тутантирик ёришга теша керак бўлиб қолди. У ёк-бу ёққа аланглаб турди-да, кеча памилдори қўчатлари тагини тешада юмшатганини эслаб, ховлига ўтди. Ариқлар орасидан қоқилиб-сурилиб бораётган эди, кесаклар ичидан учи чиқиб турган қизғиш нарсага кўзи тушди. Кўрсаткич бармоғи билан кесакни туртиб юборган эди, ўн сўм қизил пул товланиб кетди. Пулни жон ҳолати қўлига олди-ю, «Шўрим қурсин» деди памилдори қўчатлари устига ялпайиб ўтирар экан.

... Тошгул Қумри кампир уйига яқинлашиб қўрадан ховлига мўралади. Ховли жим-жит, чироқ ҳам ёқилмаган. Дарвоза очик. Қумри кўринмайди. Оқшом чўкиб қолган эди. У ўғри мушукдай писиб келиб айвоннинг рўпарасидаги акаси эккан олма тагида тўхтади. Қумри кампир айвон чеккасида икки қўли билан пешонасини маҳкам ушлаганча ерга миҳланган эди.

— Қумри, ман ўлай... — деди Тошгул кампир ғалати бир минғиллаган товuşда.

Қумри кампир аввалиги ҳеч нарса илғамай жим қотди, сўнг олма тагида сомон тикилган қанордай турган қорани кўриб айвонининг чироғини ёқиб юборди. Ховли ёришди. Олма дарахти ёнидаги Тошгул кампир аниқ кўринди. У олма панасидан айвон томонга, ёруқликка қа-

раб ўта олмади. Қайта ўрнига ўтириб, этаги билан кўз ёшларини артаётган, елкалари титраб, кўтарилиб тушаётган Қумри кампирга бир лахза қараб турди-да, номаълум шарпадай орқасига қайтди.

1973

## ТУМОР

Санобар холанинг бева қолганига йигирма йилдан ошди. Эри урушга кетганда Султонали бўйида эди. Беш йиллик уруш ҳам тугади. Тириклар қайтди, ўлганлардан қора хат келди. Кута-кута кўзларидан нур кетди. Рўзфор ташвишида, болаларининг ғамида гулдай юзи япирмоқдай бужмайди, хипчадай бели ёйдек букилди. Ўғлини ўқишга жўнатиб орқасидан узоқ тикилиб қолди. «Худойим отасининг ўрнига Умиджонни берди, умри ўхшамасин» деб қўлларини юзига тортди. Ўқтин-ўқтин ўғли «Ойижон, наҳотки тўйларингиздан кейин, ё бўлмаса урушга кетишдан аввал бир суратга тушиб қўймаган экансизлар, ақалли расмлари бўлса эди, мен дадамни соғинаман», деганда ич-ичидан эзилиб кетади. Ким билсин бунақа бўлишини, — хаёлидан ўтказарди Санобар хола, — урушга боради-келади, деб ўйлаган бўлсак керак-да. Бунақа қирғин бўлиб кетишини ким билсин. Ох, болам-а, отангни фақат сен соғинасанми? Мен-чи, опаларинг-чи, улар сал-пал отанг меҳрини кўришган, тиззасида ўтириб хидини туйган. Сенга оғир-да, болам, мени тушунмайди, дейсанми? Тушунганда қаёққа борардик, нима қилардик? Тўкилган сувни тўплаб бўлмас, тўплаб бўлса-да, хўплаб бўлмас.

... Умид тун оғиб кетгунча дарс тайёрларди. У қўпинча уйқуга тўймасдан институтга югурар, баъзан «ойижон, ўқишимни кечкига кўчириб, кундузига ишлаб сизга ёрдам берайми?» деб коларди. Онасининг бу гаплардан норози карашларидан хижолат бўлиб, «майли-майли, ойижон, яна бир-икки йил ўтиб кетади, ишга тушаман, шундан кейин сиз ишламайсиз, келишдикми», дер эди. Санобар хола ўғлининг кундузги бўлимни тугатиб, катта-катта жойларда ишлашини орзу қиларди.

Дам олиш куни ўғлининг тиникиб ухлаб олишини истар, уни уйғотмас, нонушта тайёрлаб, уйғонишини кутиб ўтирарди. Шу куни негадир Умид узоқ ётиб қолди. Ичкарига мўралади. Ўғли мириқиб ухлаб ётар, стол усти

тўла китоб, дафтар, чамаси яна тонготар бўлганга ўхшайди.

Оёқ учида келиб стул суйанчигидан ерга осилиб ётган кўйлагини олиб қўйди, ярми полда, ярми ўғлининг устидаги кўрпани тўғрилади. Қайтиб чиқиб кетаётган эди стол чеккасидаги учбурчакли туморга кўзи тушди. Юраги «шув» этиб кетди. Бир туморга, бир ўғлига, бир туморга қаради. Иккаласи жим-жит ётарди. Бироқ иккаласи нафас олаётгандай, аллақандай сирни сақлаб ётгандай эди. Столга энгашиб туморга яна тикилди. Кўзойнаксиз ҳарф танимай қолган Санобар холанинг кўзлари равшанлашиб кетгандай бўлди. Бутун кўзнинг ичи қорачиға айланиб, олам нинанинг учига йиғилган нурдай туюлди. Кўк духобадан тикилган, кўрпа қавийдиган ўнинчи ишда тикилган тумор. Тумор эскирган, аммо титилиб кетмаган. Туморни кўлига олиб кўрмоқчи бўлдию, юраги бетламади.

— Турақол болам, бошинг оғрийди, — деди ёнбошига ўгирилган ўғлига қараб.

Санобар хола нонушта пайтида ўзини қўярга жой тополмай, чой хўшлаётган ўғлига яна чой узатар, ўзининг чойи аллақачон совуб қолган бўлса ҳам иссиқ чой қуйишни унутиб қўйган эди. Нонуштани тезлаштириб, ўрнидан туриб кетмасин деган хавотирда Санобар хола ўғлидан секин сўради?

— Устолнинг устида тумор турибдими?

— Ҳа, нимайди?

— Ўзим, қаердан олдинг?

Умид онасидан уялдими, ё ўзини ноқулай ҳис қилдими, ишкилиб валати бир ҳолатда:

— Биз билан бир киз ўқийди ойи, шу берди. Унинг кизик тарихи бор экан, — деди.

— Тарихи?

— Билмадим, ростми, ёлғонми, дадаси урушдан олиб келган экан. Қизнинг айтишича, дадасини шу тумор урушда тирик сақлаган эмиш. Жангчи дўсти ҳалок бўлганда, бўйнидан ечиб олган экан.

— Ростданми?

— Шунақа деди-да, мен қайдан билай, ойи. Сиз ҳеч нарса ўйламанг, биз шунчаки дўстмиз. Бирга ўқиймиз... «Сизни ёмон кўздан асрайди», деб менга берди.

Санобар хола талмовсираб ўрнидан турди. Югуриб кириб туморга ташланмоқчи ҳам бўлди, аммо мажолли қолмаган эди. Умид тумор воқеаси онасини бунчалик безовта қилганидан ҳайрон эди.

— Ойижон, хафа бўлманг, эртагаёк эгасига топшираман, — деди.

— Эгасига бугун топширасан, — деди онаси эшитилар-эшитилмас.

Онасининг изтиробни кучайиб бораётганини кўриб Умид:

— Хўп бўлади, ойижон, шу бугун, — деди онасини маҳкам кучоқлаб. Ана шунда у онасининг қанчалик бўшашиб, беҳол аҳволда унинг елкасига осилиб қолганини ва «Шошма, шошма, болам, туморни олиб чиқ» деган илтижолни нидосини эшитди.

Умид туморни олиб келиб онасининг қўлига тутқазди. Санобар хола чўғни ушлагандай инграб юборди. Умид хайрон бўлиб онасининг пойига чўккалади.

Санобар хола хаёлидан узок ўтмиш лии этиб ўтгандай бўлди. Эри урушга кетишидан бир-икки йил бурун мошранг духобадан кўрпача қавиди. Кечқурун эри ишдан келиб, хотинига ҳазиллашди.

— Санобар, чеварим, шу духобанг қийқимидан менга кичкина тумор тикиб бергин, — деди.

— Вой, ман домлаמידим, сизга дам солиб тумор тикадиган, — жавоб қилди Санобар.

— Домла бўлмасанг ҳам ниятинг пок, тикиб бергин ишқилиб, ёнимда олиб юраман, ундан нафасинг келиб туради. Ўрислар қаерга борса онасининг расмини олиб юраркан.

— Узокқа борармидингиз, доим ённингиздаман, иннайкейин, бизнинг таомилемиз бошқа.

— Мен сенга тикиб берасан деяпман, эшитдингми?

Эрининг овози дағалроқ чиққими ё бу ҳазил эмас, ростакан илтимосга ўхшадими. «Хўп-хўп, хафа бўлманг, тикиб бераман, бўйинингизга осиб юрақолинг» деди Санобар ҳазилтомуз.

— Бўйинимга эмас, юрагимга осиб қўяман, ахир сен менинг туморимсан, — деган эди ўшанда.

Санобар хола рўзгор юмушлари билан овора бўлди, эрининг ҳам тумор хаёлидан кўтарилди шекилли, ундан оғиз очмади. Орадан унча вақт ўтмай, Санобар хола эрини урушга жўнатадиган куни кечаси тумор тикди. Эрининг паспортга олдирган кичкина расмини қорозга ўраб туморнинг ичига солиб қўйди. Санобарнинг қўлидаги туморни кўрган эри ёш боладай қувониб кетган, «вой, туморим», «вой, асалим» деганлари ҳамон ёдида...

... Санобар хола кўзлари жикқа ёшга тўлиб аста туморнинг четларидан илти тирноқлари билан суғура бош-

лади. Тумор худди елимлангандай, ёпишиб кетган иплар ҳеч узилмас, ип учини тортган сари Санобар холанинг юраги узилиб кетаётгандай бўларди. Умид эса ҳеч нарсага тушунолмай онасига термулганча ўтирарди. Ниҳоят, тумор ечилиб, унинг ичидан саргайган қоғоз чиқди. Қоғозга ўралган расмни кўрмаёқ Санобар хола ҳушидан кетди.

1973

## ОҚАР ДАРЁ ОҚМАСМИДИ ЖИМГИНА

Рисол кампирнинг «Бел ечар» куни ховлига одам сифмади. Бел боғлаган, боғламаган қариндош-уруғ, қўни-қўшни, ҳамқишлоқлар тўпланишди, айвон тўла хотинлар. Рисол кампирнинг қизлари, келинлари, неваралари эшикдан ким кириб келса уввос тортиб йиғлашарди. Бир лаҳза айвон жимиб қолар, чуғурчुकдай гир айланиб ўтирган аёлларнинг шивир-шивири, дуолари, илтижолари эшитилар, кимдир томоғини кириб йўталар, кимдир йиғидан қизариб кетган қўзларини нам рўмолчаси билан артар, бошқаси беҳосдан «ув», «ув»лаб йиғи бошлаб юборарди. Навбатдаги йиғи арқонини эша бошлаган аёллар бирдан сув қуйгандай жимиб қолишди. Ховлидаги ёғоч сўрида ўтирган чоллар ҳам олазарак бўлишди. Боғнинг ичида шалаббо нарсани тишлаб, югуриб келаётган итга ҳамма қаради. Ит яқинлашгунча ҳеч ким ҳеч нимага тушунмади. Бирдан Рисол кампирнинг ўртанча қизи итга қараб югурди. Ит эса оғзидаги нарсани тортиб олмоқчи бўлганини сезгандай айвонга ўқдай отилиб чиқди. Рисол кампирнинг қизи итнинг оғзидаги нарсани юлиб олаётган эди, ўтирганлардан бири «вой, ўлмасам, бу Рисол холамнинг рўмоли-ку» деб юборди.

Ҳамма хангу манг бўлиб қолди. Рисол кампирнинг қизи нима қиларини билмай «Йўқол, турқинг қурсин» деди жон-жаҳди билан итни тепиб айвондан тушираркан.

Қишлоқ одатига кўра марҳум ёки марҳуманинг кийим-бошлари уч кунликда ювилар, бева-бечораларга тарқатилар, бола-чақалари прим қилиб бўлиб олишар, мабодо марҳум юқумли касал билан ўлган бўлса бировга билдирмай ички кийимларини қўйдириш таомили ҳам бор эди.

Рисол кампирнинг қизлари, келинлари, неваралари

ер ёрилмадию ерга кириб кетипмади. Ким билсин, улардан қайси бири бу ишга қўл урган...

— Уят, яшшамагурлар, дарёга ташлайсанларми, оналарнинг қандок хотин эди, — деди дастурхончи аёл.

Рисол кампирнинг киз, келинлари уятдан, қўши-қўшини кампирларнинг хўрлиги келиб анча пайтгача йиғидан ўзини туттишолмади. Рисол кампирнинг ўртагача кизи шалаббо рўмолни кўтарганча боғнинг этагига югуриб кетди. Ит ҳам унинг орқасидан эргашди. Бир зум ўтмай қўшни ховлидан итнинг одам фарёдига ўхшаш товўши эшитилди.

— Итда нима гуноҳ?! — деди тўрда ўтирган Ашир кампир.

— Бу ит Рисол опамнинг боласидай бўлиб қолган эди. Рисол она қаерга борса, кетидаи эрганиб юарди. Тавба. Рисол опанинг рўмолини таниганини қарайлар. Бирор тош-пошга илиниб қолган бўлса... олиб чиқибди-я... Э, худо...

— Рисол аммамни қўмган куни итти мозорда кўришган экан-у, — деди жиккаккина жувоп. Олма соясида ўтирган қариялар ҳам безовта бўлишди. Аёллар эса тулки кўрган товуклардай шатир-шўтур, патир-путур ахволга тушиб, бир-бирларининг иинжигга суқулганча тилини қайрашарди.

Таомилга биноан ўтаётган маросимга кўз тегди. Ғалафовур аста тиниб, Рисол кампир кизлари, невараларининг йиғиси ҳам қовушмай қолди.

Ўртага одамни ютиб юборгудай суқунат чўкди. Фақат боғнинг этагидан оқиб ўтаётган дарёнинг ваҳимали шовуллаши эшитиларди. Ҳамма жимиб, дарёга қулоқ тутди. Ҳар куни дарёдан сув ташийдиган, шу дарё бўйига қозон ўрнатиб, кир ювадиган аёллар унинг бунчалик шовуллашини пайқамаган эканлар.

— Эссизгина Рисол холам, — хўрсиниб ўрнидан туриб кетди дастурхончи аёл. Бориб айвоининг четидаги устунга омонатгина суянди-да овозини борича дийдиёсини бошлаб юборди. Рисол кампирни эслаб шунчалик куйиб-ёниб йиғи бошладики, ўтирганларининг юрак бағри эзиллиб кетди. Қўчага чиқса — эркакдай, уйга кирса аёл бўлиб, умр бўйи болам-чақам деган Рисол кампирнинг хотирасига доғ тушганидан ачиниб, ачиниб йиғлади. Аёллар қош қораймасдан бирин-кетин тарқалиб қолди. Ўша куни қишлоқ хонадонларида битта гап бўлди. Аёллар ёкаларини ушлаб, Рисол кампирнинг дарёга оқизилган кийимларини, уни топиб келган ити ҳақида гапи-

ришса, чолларнинг уйқуси кочиб, узок-яқиндаги болаларига товфиқ тилаб дуо қилишди. Орадан бир неча кун ўтиб, вийбатнинг оёғи синиб қолган эди. Рисол кампирнинг гўри устида ўлиб ётган нт яна ярани янгилади.

1973

## ИМТИХОН

Семинарларда доимо қўлини кўтариб «қўшимча» қилишга тайёр турадиган, мулозим табиатли Камолнинг бугун имтихонга тайёрланмай келганига Султон Хўжаевич хайрон бўлди. Агар Мусаев Акмал кўзини лўк қилиб ўтирса — тушунарли, унинг фикру хаёли футболда, Қосимова Сайёра пиқиллаб, бурнини тортиб қўйса — маълум, чиройли қўйлак излаб магазинма-магазин санғиган, Қуронбоев Қамчибек оғзини очолмаса — бу ҳам тушунарли, шахматдан қўли бўшамаган. Камолга нима бўлди?

Унинг бунақа одати йўқ эди, шекилли.

Султон Хўжаевич студентларнинг билимига, одобига қараб меҳр улашар, илмга чанқоқ ёшларни бағрига олгиси келарди.

— Камолжон, синов дафтарчангизин бузгим келмаяпти, янаги ҳафтада ҳам имтихон оламан, тайёрланиб келинг, — деди домла. Камолжон ўрнидан эринибгина қўзғалиб, эшик томон шалвираб жўнади.

Доимо кўзлари ёниб, бежирим юзидан кулгу аримайдиган йиғитнинг дунёдан ҳафсаласи пир бўлган одамдай чўкиб қолгани домлага ғалати туюлди, «ажаб» деб қўйди унинг орқасидан.

Кейинги ҳафта ҳам Камолжон домла қаршисида тин қора кўзларини синов дафтарчасига тикканча чурқ этмай ўтирарди. Унинг жингалак сочли боши елкалари орасига чўкиб кетгандай, бутун вужудида аллақандай дард безовта кезарди. У узун-узун қотма бармоқларини худди пианино клавишларининг устига қўйгандай столга чўзди. Султон Хўжаевич Камолжоннинг атир гул рангидай тоза, товланиб турган тирноқларига разм солиб «табиат бу йиғитни бекаму-қўст яратган-да», деди ичида хаваси келиб.

— Камолжон, кетиб қолманг, гап бор, — деди синов дафтарчасини узатар экан.

Султон Хўжаевич имтиҳонларни тезлаштириб юборди, талабаларни ортиқча қийнамади ҳам, соат 12 ларда институтдан чиқиб келаётиб талаба-фовур талабалар орасидан Камолжонни излади. Камолжон мажнунтол соясида ер чизиб турарди. Шкаласи музқаймоқ сотиладиган томонга қараб юришди. Йўлда домла шунча кистаса ҳам Камолжон юрагини очмади, «ўзим, домла, бетоб бўлиб қолдим, қанча ўқимайини миямда қолмаяпти», деб жавоб берарди. Улар музқаймоқ сотадиган кафега келиб ўтиришди. Султон Хўжаевич музқаймоқ букурди.

Султон Хўжаевич қанчалик ўзини тийиб, томонининг шамоллаб қолишидан қўчиб чайнаб еса, Камолжон оғзини тўлдириб-тўлдириб музқаймоқ ютган сари юрак-бағридаги алангага сув пуркалгандай бўлар, ўзини енгил хис этиб борарди.

Домланинг самимийлиги Камолжоннинг тил тугунини очди, дил қопи чок-чокидан сўкилиб, дарди тўкилиб кетди.

— Домла кечирасиз, ростини айтсам майлими? Очиғини айт дегашингиз учун...

— Ҳа-да, киши юрагидаги юкни кўтариб юрмаслиги, уни ё унутиши, ё изҳор этиши керак.

— Бир қизни севардим, у ҳам мени яхши кўрарди. Ораминг бузилиб кетди. Уч ҳафта бўлди кўришмаймиз. Мен унга ўзим, отам, онам, онамиз ҳақида ҳеч нарсани яширмай гапириб берган эдим, мендан юз ўгирди. «Отанг кимчи, онанг кимчи, ўтириб ёнингги чимчи» деди-да кетди-қолди.

Гуноҳим — отамнинг йўқлиги, онамнинг бошиқа эрга текканлиги. «Ахир отасизлар бахтли бўлишмайдимиз?» десам, «Ирсият» қонунини биласизми, телбадан телба тугилади», деса бўладими? Отамнинг рухий касалликдан вафот этганлигини, онам ҳақида... гаширган эдим.

Султон Хўжаевич беихтиёр «ярамас» деб юборди. Камолжоннинг маънос кўзлари бу сўзнинг қайси маънода айтилганини пайқамай, мўлтиллаб турарди.

— Давом этинг, давом этинг, — деди домла.

— Шу... бўлгани, — хўрсинди Камолжон.

Султон Хўжаевичнинг кўз олдига шундай йиғитни хафа қилган алақандай тентак қиз гавдаланди, у «Тарбиясиз!» деди титраган овозда.

— Хафа бўлмаг, Камолжон, яхши қизлар кўп. Вақтида қутулибсиз. Биласизми, бунақа қизларнинг севгиси киши кўкрагида қулча бўлиб ётган илонга ўхшайди. Қимирласанг захар сочади, қимирламасанг илон-ку ахир,

чидаб бўладими? Иложсиз қоласан, бир амаллаб ундан қутулиш йўлини излайсан. Сиз юрагингизни илон захарламай эртароқ озод бўлибсиз. Шукр қилинг. Бунга хафа бўлманг, хурсанд бўлинг. Хаётингиз бошланишида бунақа воқеа кечибди — майли, оила курганингизда оғир бўларди. Мен сизга бир воқеани гапириб бераман. Бир ёшликдан ўртоғим бўларди...

Султон Хўжаевич яна музқаймоқ буюрди. Узоқ ўйлашиб қолди. Камолга бирдан галати қарай бошлади. Бир нарса ёдига тушаётгандай пешоналари тирпишиб, кўзлари кисибди, музқаймоқни суриб қўйиб папирос тутатди.

— Камолжон... отам рухий касалликдан вафот этган дедингизми? Исмлари нима эди?

— Абдулла.

— Абдулла?! Абдулла Саломовми?

— Ҳа!!! Отамни танийсизми?

— Таниганда қандок! Ахир биз мактабдош эдик. Хали шунақа дегин. У сенга ўхшаган чиройли, ақлли, талантли бўлган эди, раҳматли... Эҳ, хаёт... Султон Хўжаевич бирдан тиниб қолди. Агар Камолжон ўрнидан туриб кетиб қолса ҳам сезмайдиган аҳволга тушди. Камолнинг отаси билан онаси ўртасидаги бундан йиғирма йиллар илгари бўлган воқеалардан бироз хабари бор эди.

Юқори синфда ўқиб юрганларидаёқ кўшни мактабдаги энг чиройли қизга Абдулла кўнгил қўйиб «Мажнун» лақабини олган. Абдулла шу қиз қирган институтга хужжат тошириб, беш йил аъло ўқиди. Институтни тугатиш арафасида уларнинг тўйи бўлган. Орадан анча йил ўтиб, ҳар ким ҳар ёққа болроқдек сочлиб кетди. Бир кунни Абдуллани Анҳор бўйидаги скамейкада паришон ҳолатда учратди. Узоқ гаплашишди. Ҳеч ёдидан кўтарилмайдди. Шунда Абдулла: «Дўстим, ўқиган одамнинг хор бўлган замонини ҳеч эслайсанми, гуноҳим — дипломим ва хотинимнинг гўзаллиги» — деган эди.

Султон Хўжаевич Абдуллани охириги марта бозорда кўрганини эслади. Кеч қузда Эски Жувага сабзи олгани борган эди, уюлган қанорлар олдида соқоли ўсиб кетган, эски-туски кийимда, бостириб кийган қалшоғининг четларидан оқара бошлаган сочлари тўзғиб турган Абдуллани учратиб қолди. Аввал кўзларига ишонмади. Доимо тоза кийиниб, бирор марта галстук тақмай кўчага қадам босмайдиган Абдуллага бу мункайган одам ҳеч ўхшамасди. У ҳақиқатан ҳам Абдулла эди. Иккаласи қучоқлашиб кўришди. Катта қанор коп устига ўтириб олиб, узоқ гаплашишди. Абдулланинг хасратидан чанг чиқарди.

Ўқитувчиликни ташлаб, шаҳарга яқин колхозда корандалик қилаётгани, шу йўл билан онла тебратаётганини айтди. Айниқса, охириги пайтларда топиши тузук бўлсаям, йўқотиши кўплигидан ранжиди. «Дўстим, — деган эди шунда, — аёл зотини тушуниб бўлмас экан. Аввалари қурук папка кўтариб юраберасизми, сиз ҳам эркакларга ўхшаб сердаромад ишга ўтинг, деди — ўқитувчиликни ташладим. Энди бўлса, корандаликдан ёмон бўлмадим. Кечгача даладаман, сув, гўнг ичидаман. Кечқурун уйга келиб, оёғимни узатиб ётай десам, «нарироқ ётинг, сиздан гўнг хиди келади», деб жойимни алоҳида соладиган бўлди...

... Султон Хўжаевич узоқ жимиб қолганидан ўзи ҳам хижолат бўлди. Камолжонга нима дейишини билолмай, «Ўгай даданг нима иш қилади?» сўради лоқайд оҳангда.

— Заргарлик дўқонида мудир, — жавоб қилди Камолжон Султон Хўжаевичнинг ғалати ҳолатга тушиб қолганидан хижолат бўлиб. Отамни танир экансиз, улар вафот этганда «мен ёш бўлганман, бирор нарса гапириб беринг» демокчи бўлдию Султон Хўжаевичнинг ҳалигина чараклаган чехрасидан қон қочаётганини, кетма-кет сигарета тутатиб, босиб-босиб ичига ютаётганини кўриб нима қиларини билмай қолди. Орага қоронғулик суқунатини эслатувчи жамжитлик чўкди.

— Шунақа дегин, — талмовсираб сўз бошлади Султон Хўжаевич, — одамлар ҳар хил бўлади. Аммо отанг ажойиб инсон эди.

Улар орадаги таранг ҳолатни қандай қилиб юмшатиш хаёлида ўтирганларида музқаймоқ егани бир гала талабалар чуғурчукдай ёпирилиб келишди. Уларнинг ичидан узун бўйли бежирим қиз ажралиб чиқиб, Султон Хўжаевич ёнига югуриб келди ва «Вой, папочка, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз» деди-да отасининг юзидан ўпди. Камолжон эсанкираб қолди.

— Камолжон, танишинг, бу менинг қизим, — деди Султон Хўжаевич.

— Кечирасиз домла, биз танишимиз... мен сизга айтган қиз.., — дея олди у. Султон Хўжаевич бир қизга, бир Камолжонга қараб анграйиб қолди.

— Таниш эдик... — деди қиз Камолжонга қиё боқмасдан.

1973

## НИҲОЛ

Самолётга чиқишим билан одамлардан эшитган Паланга кўз олдимда товланиб, самолёт тезроқ қўнақолса-ю, денгиз томон югурсам, баланд-баланд дарахтларнинг шоҳларида ўйнаб юрган олмахонлардан бири елкамга қўнса деб хаёл сурардим.

Паланга тасаввуримдаги шаҳардан кўра салкинроқ ва кўркемроқ экан. Дам олувчилар сиёраклашган, тинч, мусатфо, салкин шаҳар қўнглимга якин туюлди. Марказий кўчанинг пешонасига «Шаҳар соат 24 дан эрталаб 7 гача уйқуда» деб бекорга ёзиб қўйилмаган экан. «Ижод уйи»га келганимда Москвадан поездда жўнаган ҳамкасблар регистратура ёнида тўпланишиб туришарди. Хар бир киши алоҳида хонага жойлаштирилиши олдиндан аниқ бўлса ҳам регистратура олдидаги 20 кишининг шовкин-сурони оламни тутган.

Бундан икки йил аввал бу ерда дам олган, ижодий учрашувлар қилган санъатшунос олимлар қайта учрашганларидан қувониб, баъзилари поездда ечилмай қолган муаммо юзасидан тортишиб, баъзилари денгиз билан қўришиш чўзилиб кетаётганидан бетокат бўларди.

Ярим соат ўтар-ўтмас ҳамма тарқалиб кетди. Факат бурчакдаги қора чемодан эгасиз. Мен ўз хонамга жойлашиб, денгиз томон йўл олганимда ҳам қора чемодан бурчакда турарди.

Умримда биринчи марта денгиз билан учрашиб, унга узоқ тикилиб туришим эди. Мендан 100—150 кадам нарида денгиз тўлкинлари узра эркаланиб чўмилётган одамлар кўзимга денгиздан ҳам улўғвор туюлар, уларнинг бунчалик мардлигидан хайратга тушардим. Денгиз билан илк тўқнашган одамда туғиладиган мураккаб хиссиёт мени чирмаб олган, бепоён денгиз сатхи, оламни қучган сув уюми буюк бир симфониядек туюлар, кетма-кет қирғоқ томон эркаланиб келаётган тўлкинлар эса бахри-дилнинг эшигини очиб юбораётгандай бўларди. Денгиз қирғоғида кечадиган хаёллар баланд тоғ чўккисида уйғонадиган тасаввурларга ўхшаб кетади, олам бунчалик буюк, хаёт лаззатли, инсон улўғвор, умид оромбахш!

Тўлкинлар кетма-кет қирғоқни ялаб қайтади, одамлар оқ тўлкинларга қўкрагини туттишади, қумқирғоқдаги баланд-паст, катта-кичик излар йўқолиб, бошқаларни пайдо бўлади.

Денгиз билан танишиб, унинг илик ва улўғвор бағри-

да яйраб «Ижод уйи»га қайтганимда қора чемодан хамон бурчакда турарди...

... Орадан бир неча дақиқа ўтмай, йўлакда оёқ шарпаси эшитилиб, қўшни хона эшиги очилиб ёпилди. Мен йўлакка чиқиб қора чемодан эгасини учратдим. Мулойим бир йигит менга қараб турарди.

— Кечирасиз, сизни безовта қилиб қўймадимми? — деди паст, ингича товуш билан.

Танишдик. Нарсаларини кўтаришиб унинг хонасига кирдим. Қўшним ригалик санъатшунос Петерс Савицкас экан. ...Хар ким ўзи билан ўзи бўлиб кетди. Йўлда чарчаганимизданми ёки ҳамма Палангага етиб келгунча шошилинча қанчадан-қанча ишларни елиб-югуриб бажариб, тинкаси қуриганиданми, икки-уч кун бир-биримиздан ҳол-аҳвол ҳам сўрашга тоқат бўлмади. Тўрт қаватли улкан бинонинг барча хоналари банд бўлса-да тик этган товуш чиқмайди, барча ўз хонаси, ўйларига қўмилиб қолган эди...

Бўлажак маърузам устида қанчалик ўйламай, ўша қора чемодан қаровсиз қолган қуни Петерс қаерга кетган экан, деган савол мени ҳеч тарк этмасди. Петерс балки меҳрибон ўғил ёки отадир, Палангача етиб келган заҳоти онасига ёки хотинига телеграмма жўнатишга шошилгандир, балки денгиз уни чақирганмикан?.. Ҳали олдимизда бир ярим ой вақт бор, бирор кун сўраб оларман, деб қўнғлимга тугиб қўйдим.

Петерс билан дўстлашиб қолдик. Унинг нозик дидли, ўйчан санъатшунослигидан ташқари табиат мафтунлиги, гўзаллик шайдоси эканлигини ҳам билиб олдим. Қуёш ялт этиб булутлар орасидан кўтарилиши билан расм ишлайди, илмий мунозара, мулоҳазалардан чарчадим деганда денгиз томон ошиқади. Ёнма-ён хоналарда яшагандан кейин бир-бирингни нима қилаётганингни, қандай нафас олаётганингни ҳам сезиб ётасан. Петерс билан бирга овқатланамиз, бирга шаҳар айланиб ҳордиқ чиқарамиз, бирга денгизда чўмиламиз. Барибир, Петерсни мендан, мени ундан алоҳида ўтказадиган вақтларимиз кўп.

Петерс ўз хонасига кириб жимиб қолсам, унинг расм ишлаётганини, ёки китоб ўқиётганини сезаман. Лекин Петерснинг ҳар қуни эрталаб қаёққадир йўқолиб, нонуштага яқин энтиқиб келиши мени ажаблантирарди. «Денгиз қирғоғидан янтарь териб келармикан» деб ўйласам, бу пайтда янтарлар аллақачон йиғиштириб олинган бўлади, чўмилишгаям пешиндан кейин мен билан бирга боради.

Петерснинг эрталаб 8 билан 9 оралигида йўқолиб қолиши биринчи кун қора чемоданнинг бекорга эгасиз қолиб кетмаганини эсимга солаберади. Охири чидай олмадим.

— Бу нарса сенга унчалик қизик эмасдир, — деди Петерс, — балки кулгули туюлар, лекин мен учун...

Петерс шунча кундан буён менинг хаёлимни банд этган воқеани гапириб берди.

— Биз, — гап бошлади Петерс, денгиз томон чуқур боқиб, — бундан икки йил бурун Палангада тўпланган эдик. Унда сен бўлмагансан. 30 га яқин санъатшунос икки ой дам олиб, ижод қилганмиз. Шунда мен боғни айланиб юриб, йўл чеккасида ётган кўчатни кўриб қолдим. Қарасам, илдиэлари ҳам бор. Ё кўчат экишаётганда тушиб қолган ёки ниҳоятда кичкина деб ташлаб кетишган. Мен уни қўлимга олиб нима қилишимни билмай қолдим. Бир баҳона бўлиб ўтлар орасига тушиб қолган экан, уни мен ҳам улоқтириб ташласам... Кўчат қўлимда титрар, қўлим мажолсизланиб, руҳим ғалати бўлиб кетди. Нима қилишни билмайман. Бунчалик кўркам боғ ичига берухсат кўчат ўтқазиш ҳам мумкин эмас. Мен кўнглимдан сўрадим. Кўчатни боғ ичидаги Бируте баландлиги этагига бармоқларим билан ер кавлаб, экиб қўйдим. Намгарчилик эмасми, кўчат сўлимади, мен Палангадан кетгунимча хабар олиб турдим...

Мана, орадан икки йил ўтди. Бу икки йил ичида мен Палангада қолган фарзандимдай кўчатни соғиниб юрдим. Палангага оёқ қўйишим билан у билан кўришишга ошиқдим...

Бир Петерсга, бир денгизга қарайман. Қайси бири улуввор. Баланд бўйли, қотмадан келган, қўл ва чехра ҳаракатлари нозик Петерсми, ё шовуллаб, кирфоқларга урилиб, тавозеъ ила орқасига судралиб чекинадиган Болтиқ денгизими?

Мен чўмилишни ҳам, мазали «пешин»ни ҳам тарк этиб ўша кўчат томон чопишга тайёр эдим.

— Унчалик сен ўйлагандай эмас... — гап бошлади Петерс, — жуда кичкина, қийшиқ кўчат, лекин ўсаепти!

Момикдай оқ қум устидан шошиб юришининг ўзи бўлмайди. Юмшоқ қумга бота-бота боғ йўлкаларига чиқиб олдик, боғ ичидаги литва халқининг миллий меъморчилиги асосида томлари камийдан ёшилган ресторан олтидан ўтиб борар эканмиз Петерсга зўрға этиб оламан. Боғ ичкарасига кириб борган сари унинг қадами тезлашар,

уйчан чехрасида билинар-биланмас табассум аралаш қувонч излари кўринарди.

Ресторандан 78 қадам ўтгандан сўнг Бируте баландлигининг ўнг этагида Петерс тўхтади.

— Мана, — деди у, — йўқонлиги ўрта бармоқдай келадиган, қийшайиб ўсган қучатни кўрсатиб. Дам қучатга, дам Петерсга қарайман. Петерс худди гуноҳкор одамдай ийманиб турарди.

Кичкина липа қучатигами, ё бир-биримизгами қанча вақт термулиб турдик, билмадим, аммо иккаламиз бирдан нарироқда ётган қуруқ шохга талпиниб қолдик. Қишда қор тагида қийшайиб қолган ниҳолни қуруқ шохга суяб қўйдик. Кичкина липанинг санокли барглари чапак чалгандай шамолда тебрана бошлади. Фира-шира орқага қайтдик. Муюлишда беҳосдан иккаламиз орқага ўгирилдик, липа барглари хилпираб биз билан хайрлашарди...

Хаш-паш дегунча дам олиш ҳам тугади. Уйга қайтадиган кун етиб келди. Нарсаларни чемоданларга жойлаштириб, кимдир денгиз билан, кимдир пивоҳона билан хайрлашгани шаҳарга чиқиб кетди. Биз Петерс билан боғ томонга йўл олдик. Ёмғир бир маромда элаб турарди. Боғ жимжит. Салқин, тоза ҳаво. Қаштан дарахтининг олтин барглари йўлкаларни қоплаган, денгиздан совуқ пзғирин кўтарилиб келарди.

Ёш липа «дўстимиз»нинг олдига етиб келганимизда ёмғир яна кучайди. Тунги шамол ниҳолнинг тирговичини тушириб юборибди. Петерс бармоқлари билан яна ер қавлаб тирговични маҳкамроқ ўриатди. Мен ниҳолни ушлаб турар эканман, ҳаёлимда у титраётгандай, баданларидан ерга оқиб тушаётган томчилар кўз ёшларидай уюм-уюм эди. Беҳосдан даструмолимни олиб ёш ниҳолнинг кўз ёшларини артмоқчи бўлгандай баданига боғлаб қўйдим. Билмадим, ёмғирданми, ё хаяжонданми Петерснинг кўзлари ҳам нам эди.

— Кетдик, Петерс, — дедим аста. — Энди бу ниҳол иккаламиз учун азиз. Бу дўстлик, ҳаёт ниҳоли. Биз қаерда бўлмайлик уни унутмаймиз. У бизни доимо Паланга томон чорлаб туради.

... Узоқлашиб, липа «дўстимиз»га қараймиз. Унинг баданига боғланган даструмол хилпираб турарди.

1975

## АДОЛАТ

Абдусалом фил суяги рангидаги «Жигули» сини уйи олдида зарб билан тўхтатиб, босиб-босиб сигнал чалди. Биринчи қаватда яшайдиганларнинг гашига тегадиган бу товуш унинг нечоғли кайфи хуш эканлигидан дарак берарди. Командировкадан қайтганда ёки бирор ишда ошиғи олчи бўлганда бериладиган сигнални эшитган хотини айвондан мўралаб, Абдусаломнинг ишораси билан пастга югуриб тушарди. Одатдагидай хотини келиб машинадаги нарсаларни уйга олиб чиққунча Абдусалом сигарета чекади. Кўзлари юмулиб кетадиган даражада хумор билан сигарета тортар, икки лаби ўртасидан халқа-халқа бўлиб чиқаётган тутунларни ёш боладай завқланиб хавога пуфларди.

Охирги тугуннинг офирлигидан обкашдек эгилиб бораётган хотинининг орқасидан учинчи қаватга кўтарилар экан, мамнун илжаяр, пешонасидаги тер доналарини кўрсаткич бармоғи билан сидириб, қўлини хотинининг елкасига артиб «чаққон-чаққон» деб қўярди.

Тугунларни йўлакка ташлаб ошхонага бепарво кириб кетган хотинидан энсаси қотган Абдусалом мехмонхонанинг ўртасида қаққайиб турдида, бурчакдаги тошнойнага қаради. Бўйдор, елкали, тим қора сочлари иссиқ ҳавода намланиб бошига ёпишган, тўйган кўзидай тикмачок, хумо куши елкасига қўнган шахзода мисоли гердайиб турган аксини кўриб юраги уйнаб кетди. Аввал тилла зарҳалли кўзойнакни бурнининг учига илиб, тошнойнага узоқ тикилди. Кейин кўриниши бироз соддаланиб қолгандай, тантанаворлик сўнаётгандай туюлиб, кўзойнакни яна бурун эгарига қўндирди.

— Хей, буёққа чик, — деди хотинига муҳим воқеа эсига тушиб қолган одамдай овозини кўтариб. — Сен одамларга ўхшаб мени бир яхшилаб табрикла.

Нима учун табриклашига тушунолмаётган турган, елкасидан келадиган ушоққина хотинини ёнига имлаб, бўйнини бироз эгиб, «ўп-ўп», деди тиржайиб.

— Жа, совуксан-да, — гап отди Абдусалом лабини эрининг энгагига билинар-билинемас тегизиб коридорга чиқиб кетаётган хотинининг орқасидан, — хатто ўпиш-пиям уддасидан чиқолмайсан. Айтмоқчи, салафан қопдаги гўштни олиб қўй, бузулиб қолмасин!

— Шунча гўштни нима қиламиз, домда гўшт сақлаб бўлмаса, музхона тўлиб ётибди.

— Нима ортиқчами? Текин гўшт тешиб чикмайди.

Хаммасини пишир! Бугун яйрайдиган кун. Эртага мукофотланганлар рўйхати чиқади. Бугундан эътиборан лауреатнинг хотинисан. Сенинг «хизматларинг» ҳам бор, аҳмоқ! Агар нодонлик қилмаганингда мен уч ой бунчалик ич-этимни емаган бўлардим. Барибир олдим-ку!

— Мен сизга нима қилдим, қилинганга яраша-да! Азбаройи жонимдан тўйганимдан бошлиқингизга учрашувдим...

— Ха, мен ёмон-а, яна эсимга солдинг, паразит, — Абдусалом югуриб ошхонага чиқди ва чой дамлаётган хотинини стулга коптокдай итқитиб, унинг теппасига муштини тутиб келди.

— Яхшики, мукофотни оладиган бўлдим, агар беришмаганда биласанми сени нима қилардим, — хотинининг иягига муштини тираб унинг бошини кўтарди, — кўзингга қўлимни тикиб олардим.

Абдусаломнинг тинчи бундан ярим йил аввал бузилган эди. У бу йилги давлат мукофотини олиш учун ҳаракат бошлади. Агар ўзи елиб-югурмаса ким унинг номзодини кўрсатарди? Бошлиққа учраб «Мени мукофотга тавсия этинг» дея олмаса. Ишхонадаги бошқа ходимларни йўлга солай деса, бу даргоҳга ундан аввал келиб, хизмат қилиб қўйганлар бор. Қасдига бориб, ишхонада ўчакишмаган одами ҳам қолмаган... Яхшиси, ўйлади у, гапнинг исини чиқармай, бошқа номзодлардан аввал бегона ташкилотларни ишга солмоқ керак. Улар бошлаб берса, ўзимизники қўллаб-қувватлайди, мажбур бўлади. Биринчи ҳужжатни Шорасул тўғрилаб берди. У анчадан буён бир идоранинг бошлиғи, Абдусаломнинг яқин дўсти, мукофот комиссиясининг аъзоларидан бири эди. Идорада доимо костюмини елкасига ташлаб юрадиган, юкоридагилар олдида етти букилиб ер ўпадиган Шорасул ўтган йили дўпписи гижимланай деб қолганда Абдусаломнинг самарқандлик акаси қўлини чўзиб юборган эди.

Шорасулнинг тавсия хатини олиб Абдусалом вилоятларга командировкага қатнай бошлади. У вилоятларда ўзини алломай жаҳон кўрсатиб, марказдаги ташкилотлар уни мукофотга тавсия этаётганини, жюри аъзолари орасида дўстлари кўплигини гап орасида қистириб қўяр, бундай хайрли ишдан четда қолмаслик ҳаракатига тушиб қолган даврадаги биродарларга сиполик билан миннатдорчилик билдирарди.

У командировкадан икки ташкилот тавсияномасини ундириб, бир нусхасини мукофот хайъатига, иккинчи-

сини ўз ишхонасига элтиб берди. Тўртта ташкилот Абдусалом Убайдуллаевни мукофотга тавсия қилгандан кейин директор нима ҳам қила олар эди. Охири Абдусаломнинг ўзи ёзган ўн саҳифали мактов қоғозини бошлиқ энгаси қотиб ўқиб чиқди-да, қўл қўйиб берди.

Хужжатлар ўз жойига эсон-омон тапширилган куни Шорасул уни чин юракдан табриклади, мукофотни албатта олиб беришга ваъда қилди.

— Гап пулида эмас, Шорасул ака, — деди Абдусалом кўнгли эриб, — мен истасам бир кунда топаман пулини, гап обрўда! Бизнинг шу лауреатлардан қаеримиз кам! Биз олмасак ким олади?!

Ундан кейинги воқеалар Абдусаломнинг оромини ўғирлади. Мукофот хайъати биринчи бор тўпланган кунидек Шорасул хунук хабар олиб келди. Номзодлар муҳокама қилинаётган чоғи Абдусалом Убайдуллаевга навбат келганда жюри аъзоларидан бири у ҳақда танқидий фикр билдириб, ёзган нарсалариям, ўзи ҳам мукофотга арзитайди, дебди. Айниқса, Абдусаломнинг хотини унинг ишхонасига эрининг устидан шикоят қилиб келганини айтганда жюри аъзолари иккиланиб қолибди.

Шорасул миҳга ўтиргандай, сапчиб ўрнидан туриб, дўстини ҳимоя қилибди. Унга шунчалик кўп фазилатлар ёпиштирибдики, агар уларни битта-биттадан одамларга улашса, бу фазилатларга эга бўлган киши ўзини танимай қолиши мумкин экан.

Яхши гап тоши торози посангисини босолмаганидай, ёмон гаплар посангини лайлак қилиб юборади. Ҳар қалай, навбатдаги кўриккача жамоатчилик фикрини кутиш ва яна сурштириб кўриш шарт билан Абдусалом номи дастлабки рўйхатда қолдирилади.

Ўша машъум хабар тарқалгандан буён уч ой ўтди. Чипқоннинг олдини олиш учун Абдусалом яна командировкаларга жўнади, барча таниш-билишларини ишга солди, элликка яқин хат уюштирди. Жюри аъзолари охириги танловга тўпланганларида Шорасул жиноятчининг «иши»дай қаппайган папкани завқланиб варақлади:

— Мана, кўрдингизми, биродарлар, ҳақиқат эгилади, аммо синмайди, — деди папка ичидаги хатларни олиб ёнидаги жюри аъзосига узатар экан.

Жюри аъзоси ҳам Убайдуллаев хужжатларини қўлга олиб бир зум ўйланиб қолди.

— Бизнинг танловимиз, — оҳиста гап бошлади у, — ниҳоятда одилона тўхтамга келишимизни тақозо этади. Абдусалом Убайдуллаев асарлари бўйича келган хатлар

билан телефон кўнғироқларини ҳисобга олмай иложимиз йўқ.

Бир соатдан зиёд мунозарадан сўнг обрўли кишиларнинг ижобий тавсиялари, кўнғироқлари инобатга олинди, Абдусалом номи оҳирги ҳайъат тасдиғига оширила-диган бўлди. Ҳайъат мажлиси шу бугун кечқурун эди.

Лауреатлар рўйхати эртага матбуотда эълон қилинади. Абдусаломнинг уйга шошиб келиши ва бетоқат бўлиши ҳам шундан.

Абдусалом эртага кечқурунги бўладиган мукофотни ювиш маросимини ўтказиш учун телефонда ресторан директорига 200 кишилиқ буюртма бераётганда Шорасул бир кучоқ табассум билан кириб келди.

— Қойилмисиз, Абу Салом, қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деб бекорга айтишмаган. Ваъданинг устидан чиқдикми?!

— Қойил ака, қойил! Лекин ўзингизни бунақа хокисор қилманг, мана бизни, — Абдусалом қадди-коматини кўз-кўзлагандай тик тутди, — нор деса бўлади. Қанча юкингиз бўлса энди кўтарамиз. Жон ака, шу гап ростми? Дўстларни эртага ресторанга бемалол айтсак бўлаверадими?

— Бўлмасамчи! — тиржайиб кўксига қўлини қўйди Шорасул, — йигитнинг сўзи битта. Ҳамма иш битган. Энди рўйхат фармальний тасдиқланади, холос. Охирги элакдан ҳам ўтказиб юбордик-ку, бўталогим. Элакнинг тешиги кичик экан, «норман-норман» деб роса оёвингизни тираб олдингиз-да!

Иккаласи хонани бошига кўтариб хохолашди, сўнг бир соатлар чамаси оғайниларга кўнғироқ қилишди, ви-люятлардан келувчиларга тандир кабоб буюришди.

Арман конъягининг иккинчи шишаси бўшаётганда Абдусалом бурнининг устидаги кўзойнаги халал бераётгандай, ҳапқирган юрагига кўкрак қафасиям, меҳмонхонаям торлик қилаётгандай туюлди. Яримтани кўтариб айвонга чиқишди, рўпарадаги уйнинг деразаларидаги чироқлар сийраклашиб қолган, осмон тўла юлдуз чарақлаб, икки ҳафталик ой ёнбошлаб қолган эди.

— Энди бу қадахни — гап бошлади Шорасул, — қуюқ осмонга боқиб, дунёда чинакам дўстлик учун ичамиз. Яшаш — бу курашмоқ демакдир. Курашда ким енгади, биласизми, а, биласизми? Сиз билан бизга ўхшаганлар енгади! Букаман деганлар букилсин, ичи қораларнинг юрак-бағри кўмирга айлансин, дўстлик чироғимиз ҳаёт йўлимизни ёритиб туриши учун ичамиз.

— Яшанг ака! Тўғри, мен hozir шу юлдузларга қараб туриб ўзимни худди хув анови порлаб турган юлдузга қиёс қилгим келаяпти. Шу осмон тўла юлдузлар борки, юлдузлар қуршовида унинг порлагани биллинади, агар бошқа майда-чўйда юлдузчалар бўлмаса, у бунақа порлаб турмасди. — Абдусалом бошини мағрур кўтариб, тобора сузилиб бораётган кўзларини «ўз юлдузи»га қаратди. — Ҳозир келиб қолишади, улар билан «беш оғайни» бўлиб тонг орттирамиз. Нима деяётган эдим. Ҳа, анави юлдузга ўхшаб кетаяпман. Умуман, сизга айтсам, Самарқанд йўлига чиқиб тезлигини оширган «Волга»дай учиб кетаяпман...

— Кечирасиз, порлоқ Юлдуз, — гап ташлади Шорасул кулиб, — Сирдарёдаги сохибжамол бўлмаганда самолёт бўлиб учиб кетардингиз-а?!

Абдусалом сўзининг калавасини йўқотиб, бирдан Сирдарё вилоятида ишлаб юрган пайтида унинг дастидан ўзини ёқиб юбормоқчи бўлган қизни эслади. Қизни алдаб-сулдаб Тошкентга олиб келиб жойлаштириб, аранг машаа чапгалидан қутулиб қолган, ана шунда шу бугунгидай кайф-сафо тонгини қарши олган эди.

Абдусаломнинг яна учта жўралари кириб келганда уларнинг гапи-гашига уланмай қолган, стол устидаги гўштларнинг ёғи қотиб, арчилган ашелсинлар, тўғралган помидор ва бодринглар сигарета қулларига қоришиб ётарди.

Тонг отгунча учинчи қаватда на тинчлик, на уйқу бўлди. Хонанинг ичи сигарета тутуни, ачиган закускалар хидига тўлиб кетди. Кайфи ошган жўралардан биттаси диванга ўзини ташлади, биттаси аччиқ-чучук солинган тарелкага бошини қўйиб хуррак отар, яна бири ваннахонада нималарнидир алжираб Абдусаломни чақирарди.

Тонг отиши билан яна стол атрофига тўпланишиб бир қадахдан ютганларидан сўнг кўзлари мошдай очилди.

— Энди мен кноскага чиқиб келай, — деди Шорасул дўстини хурсанд қилиш ниятида.

— Ўзим чиқаман, — ўрнидан турди Абдусалом, — лауреат бўлганинг хақидаги газетани ўзинг олиб қўрсанг-у, исму шарифингни хижжалаб ўқисанг, буниинг рохатига нима етсин! Сизлар тайёргарлик қилиб туринглар, гўшт музхонада!

Абдусалом билан Шорасул кноскага югуришди. Иккаласи бир дастадан газета олишди. Иккаласининг кўзи

мукофотланганлар рўйхатида эди. Абдусаломнинг бадани сув сепгандай музлай бошлади, жон ҳолатда яна бошқа газеталарни олиб варақлади. Ҳамма газеталарда эълон қилинган рўйхат бир хил, фақат унинг номи кўринмас эди. У газетани вижимлаб Шорасулга узатди.

— Хафа бўлма, дўстим, — дея олди мулзам бўлган Шорасул, — дунёда адолат йўқ.

— Э... «Адолат»дан ўргилдим... Шошмай турсин, — деди кўзига қон қуйила бошлаган Абдусалом, рўйхатдан тушиб қолганига худди хотини Адолат сабабчи бўлгандай, — Адолат... Адолат қани?!

1977

### АБАДИЙ «ДЎСТЛИК»

Билмадим, одамда дўстликка интилиш кучлими, ё бировдан ўч олиш туйғусими? Ҳарқалай, иккаласи кишиларга умр бўйи ҳамроҳ бўлиб, ё бировни бировга ипсиз улайди, ё бирининг кўзига иккинчиси чўп бўлиб қадалиб юради.

Мўминжон — «Ҳожиевич», Йўлдош — «Зуфарович» бўлгунларича ораларидан қил ўтмас эди. Университетда бирга ўқишди, илмга ёнма-ён кириб келишди. Ҳаётга, илмга бўлган қарашлари уларни турли йўлдан юришга ундаса ҳам интилиш манзиллари бир бўлди.

Гоҳо одам табиатидаги кўз илғамас алланималарнинг ошқор бўлиши учун қирқ йиллик дўстлик камлик қилганидай, гоҳо уларнинг «гув» этиб ёниши учун сомонга ташланган чўғ кифоя қилади. Киши феъли-атворини бошқалардан сир тутган билан ўзидан ўзини яшириб юролмайди.

1952 йил Мўминжон бошига қўнган бахт онларининг қисқалигини, Йўлдош қучаётган зафарларнинг узлуксиз эканлигини кўрсатди. Тошкентнинг марказидаги Ўрдага яқин «Сталин» кўчасидаги ховлига Мўминжон кўчиб келганига ҳали бир йил бўлмаган, биринчи китоби нашрдан чиқиши билан унга қобилиятли олим сифатида уч хонали уй беришган эди.

Мўминжон ўзини бахтиёр ҳис қилиб, янги орзулар арқонини йиғиштириб улгурмаган кунлардан бирида Йўлдош унинг олдига ранги қув ўчган ҳолда кириб келди. Ёнидан букланган қоғоз чиқариб Мўминжонга узатди.

— Кўл кўйиб юбор. Яшамокчи бўлсанг, кўл кўй!  
— Ахир... ахир... бу тухмат-ку, — деди Мўминжон.  
Йўлдошнинг бароқ қошлари найзадай диккайиб, кўз-  
лари бўрининг кўзидай қонталаш тус олди. «Афсус, ўзи-  
нгдан кўр», — деди Йўлдош эшикка яқинлашар экан. У  
селдай келиб, елдай чиқиб кетди.

Орадан кўп вақт ўтмади. Хатда кўрсатилган одам  
қамалди. Унинг шогирди сифатида Мўминжон ҳам ҳибс-  
га олинди.

Бу воқеага икки ҳафта ўтмасдан Йўлдош Зуфарович  
«дўсти» оиласининг кўнглини сўраб келди.

— Азизам, сизга оғир бўлди. Одам мураккаб мавжу-  
дот. Одамзод сирли сандиқ, тубсиз уммон экан. Унинг  
юрагидаги бир қошиқ қон Жайхундай кўпириб оқади.  
Мўминжонни қим билди, бунақа одам деб. Унинг ке-  
тидан равона бўлмайин десангиз, матбуотда эрингиздан  
воз кечинг...

Жудолик азобидан тўлғаниб юрган аёлнинг гунча  
лаблари пир-пир учди. У шундай ички бир дард билан  
«Нима?» деб хайқирдики, унинг овозидан беланчақдаги  
бола чўчиб, йиғлаб юборди, Йўлдош Зуфарович кўчага  
қандай чиқиб кетганини билмай қолди.

Мўминжон қамалгандан бироз вақт ўтгач, унинг ҳов-  
лисига Йўлдош Зуфарович кўчиб келди ва докторлик  
диссертациясини ёқлаган қуни катта зиёфат қилиб бер-  
ди. Шу қундан бошлаб халқ душманининг уйида «халқ  
хизматкори» истиқомат қила бошлади.

Йўлдош Зуфаровичнинг бировлар ҳисобига тўшагида  
ясланиб эркаланадиган даври бошланиб кетди.

Табиат ишларига ҳайронсан. Бир томондан киши си-  
килиб юрса, бошқа ёқдан унга қувонч эргашар экан.  
Ноҳақлик бировни емириб қўйса, бошқани сергак қила-  
ди. Одамни тўрт девор ичига қамаб қўйсанг ҳам унинг  
хаёлини тушовлаб бўлмас экан. Мўминжон қамоқхонада  
«Тошкентнома» деган китобини ёзди.

Мўминжон оқланиб, уни ярим кечада олиб кетишган  
уйига қайтганда дарвоза ёнида «дўсти» Йўлдош Зуфаро-  
вични учратди. Ўша дарвоза, ўша настаринларга буркан-  
ган йўлак ўртасидан катта ариқ тўлиб сув оқадиган ҳов-  
ли... Дарвозахона устига болахона қурилибди. Унинг  
юраги увишиб кетди. «Ҳойнахой, бу ерда Йўлдош яшаса  
керак» — хаёлидан ўтказди. Гаражда уй эгасининг қи-  
зил рангдаги машинаси. Йўлдош Зуфарович умуман қи-  
зил рангни яхши кўради. Рисолатарини ҳам қизил муқо-  
вада чоп қилар, таниш-билишлари уни «қизил» домла,

хар сўзда «офарин-офарин» дегани учун «Офарин домла» деб ҳам аташарди.

— Хафа бўлма, биродари азиз, — деди Йўлдош Зуфарович уни йўлакдаги столга таклиф қилар экан, — мана замонлар ўзгариб кетди, соғ экансан — келдинг. Биз ҳам сенинг кунингга тушмайлик деб, эҳ, ха... қанча эшикларга бош суқмадик. Энг муҳими, инсондаги эътиқод! Мен мустаҳкам эътиқодли одамман. Мени шу олиб қолди. Сен яхши олим эдинг, лекин...

— Нимаси «лекин»? — тикилиб қолди Мўминжон Хожиевич.

«Намунча қараши хунук, одамни еб қўймоқчи бўлади-я» — ўйлади Йўлдош Зуфарович.

— «Лекин» деганим.., илм қиладиган даврларинг ўтиб кетди, деб ачинаяман-да, дўстим. Мана, мен фан доктори бўлдим. Москвада, аспирантура даврида партияга ўтдим, ҳозир профессорман, яқинда академик бўламан. Уйга келсак, уни менга давлат берди, бола-чақанг бошқа квартирага қўчиб кетишди. Давлатчилик... кейин биласан-ку бизда ҳар кимнинг қобилияти, ишига қараб эҳтиёжи қондирилади...

— Албатта, албатта, бўладиган қўзининг пешонасидан маълум, деганлар... Бизнинг пенюнага бошқа нарса-лар ёзилган экан.

— Азизим, — ялпизланиб гап бошлади Йўлдош Зуфарович, — ҳаёт ҳали олдинда, сен ҳам улғурасан ишга, илмга, яшашга. Энди йўл-йўлакай бир гапни айтиб қўяй. Яқинда академикликка сайлов бўлади, ўтиб олсам, кейин сени тортаман. Сенга ёрдам бераман...

— Раҳмат, миннатдорман, — деди Мўминжон «дўсти»га тик боқиб, — энди менга руҳсат. Мен болаларим ёнига борай.

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, сен унга алоқадор бўлмасанг ҳам боғланиб қоласан, шундай кишилар борки, турқини қўрганда тўқсон-тўққиз томиринг таранглашиб, узилиб кетай-кетай деса ҳам ўзингни босасан. Гоҳо шундай ҳолатлар ҳам бўладики, қаршингда ўтириб сенга ақл ўргатаётган одамнинг оғзидан чиқаётган сўзлар шиптир кўрпачадай кўнглингни беҳол қилса ҳам бош эгиб тинглашга мажбурсан.

Ҳаётда таниш-билишлар туфайли ақли ва руҳига нисбатан юқори лавозимга кўтарилиб қолган одамлардан дахшатлиси бўлмайди. У замон маънавий мулкни ўз қаричи билан ўлчаб, унга сиемайдиғанларини четга суриб қўйишга одатланади. Харқалай, ич-ичидан кимдир

ундан ақтли, кимнингдир ўрнида ўтирганини сезади. Сезади-ю кечалари ваҳимага тушиб қолади, тиш-тирноғи билан катталарнинг қўнглини овлаш пайига тушади. Катталар ҳам одам-да! Мақтов кимга ёкмайди, хушомад-ғўйлик кимнинг юрагини баҳор тафтидай илтимайди?

Катталар ҳам ўрганиб қолган, ўқтин-ўқтин қўзи тушиб турган одамни хор қилишмайди.

Ёшликдан эркалатиб, ўйнатиб катта қилинган қўшпак бировни тишлаб олса ҳам уйдан ҳайдаб юборилмайди. Аксинча жабрлангани «нега унга тегажоқлик қилдинг, балки тош отгандирсан, жим ўтиб кета бермайсанми» деб қойиб қўйилади.

Мўминжон Ҳожиевич билан Ўлдош Зуфаровичнинг муносабатлари ўз-ўзидан кескин бурилиб кетди. Бир олов, бири сувга айланди. Ўлдош Зуфарович «Ҳой, мен билан ҳазиллашма, хону монингни кул қилиб ташлайман» деса, Мўминжон Ҳожиевич «Сен қурган иморатнинг ёшги мен кабиларнинг елкасида ташилган, сен эришган обрў зўрма-зўраки шиширилган шарни эслатади, у ақли қотмаган болаларни алдашга ярайди, унинг ичи бушлиқдан бўлак ҳеч нарса эмас», деб ўйлайди.

Мўминжон Ҳожиевичнинг «Тошкентнома»си босилиб чиққач, Ўлдош Зуфаровичнинг обрўсига путур етди. Ўлдош Зуфарович 30 йил ичида Ўзбекистон тарихи билан шуғулланиб, юзлаб мақолалар ёзди, «Билим» жамияти орқали рисоалар чиқарди, аммо салмоқли асар ярата олмади. У енгил шухрат кетидан қувиб, тез-тез матбуотда кўриниб турмаса, йиғинларда ваъзхонлик қилмаса касал бўлиб қоларди. Унинг энг катта ютуви ёзган нарсаларида ҳеч қандай хатолик, камчиликка йўл қўймаслиги эди. Камчилик фикрловчи одамларда бўлади. Унинг ёзганлари сип-силлик ва равон, ҳар ўзгарган раҳбар қўнглини овлашга қаратилган бўларди.

Мўминжон Ҳожиевичнинг китоби уларнинг ўртасидаги таранг парда ўришга бетон девор ўрилади. Мўминжон Ҳожиевич китобининг бир-икки саҳифасида Ўлдош Зуфаровични ҳам тилга олган, унинг ўтмишга бўлган муносабатини бир ёқлама хисоблаб, «Муаллиф айрим донишмандларни худди XX асрнинг комсомоллари тарзида, ўз даври синфий курашини тушуниб етган инкилобчилар тарикасида идрок этади» деб қўйган эди.

Профессор бўлгунча ҳеч кимдан ҳеч қаерда танқид эшитмаган, ҳамон танишлари беланчагида эркаланиб ётган Ўлдош Зуфарович ғазаб отига минди. У бир мақоласида «дўсти»ни лойга қориштириб ташлагандай бўлди.

Ўўлдош Зуфаровичнинг кучи нимада эканлиги ҳаммага аён эди. У илмий баҳс юритишдан кўра инсон устига мағзава ағдаришни яхши кўрарди.

Тез кунда Мўминжон Хожиевич сектор мудирлигидан олиб ташланди. У китобини кўтариб Москвага докторлик диссертациясини химоя қилишга жўнади. Орқасидан эса Ўўлдош Зуфаровичнинг 50 бетлик айбнома, қора хатлари юборилди.

...Мўминжон Хожиевич химоядан сўнг «Москва» меҳмонхонасининг олтинчи қаватига кўтарилиши билан унинг қўлига бир даста телеграммалар тутқазилди. У кўз югуртирди. «Азизим Мўминжон! Баҳордай мусаффо, рус ўрмонларидай хайратомуз мувафакқиятнинг билан табриклайман. Илмий мунозаралар азалий ва абадий дўстлигимизга раҳна соломмайди. Чин қалбимдан, бағримга босиб, сени табриклайман. Ўўлдош Зуфарий». Худди шу куни Ўўлдош Зуфаровичнинг бошқа мазмундаги хати ВАК почтасига келиб тушган эди...

Докторлик дипломи келиши билан Мўминжон Хожиевич кафедра мудирини бўлиб сайланди. Кетма-кет монографиялар босилди. Номи чиқди. Ўўлдош Зуфарович ҳам тинч турмади. У мақолалар ёзиш машқини олди. Кўнгли тусаган пайтда мақолалар тўпламини чиройли муқоваларда, қичкирик сарлавхаларда «Ўўзаллик куйчиси», «Донолар билан ҳамнафас» сингари номларда нашр этиб юрди. Илм илм йўлида, шуҳрат хомийлик паноҳида давом этарди.

Дунё — чархпалак. Аросатда қолган одамлардай аросатда қолган ишлар, тақдирлар ҳам бўлар экан. Агар шундай бўлмаганда, Мўминжон Хожиевич билан Ўўлдош Зуфаровичлар яна йигирма йил яшаганларида албатта бир-бирининг ўрнини эгаллаган, одамлар, «ана хақиқат қарор топди» деб чапак чалган бўларди. Бирок гасодиф ходисалар одамларни беихтиёр бошқача чапак чалиб қилишга мажбур қилар экан.

Мўминжон Хожиевич соғлигини анча олдириб қўйган экан, оламдан тез ўтиб кетди. Орадан бир йил ҳам кечмасдан умр бўйи шуҳрат ва хадиксираш алангасида юрган, ҳаётдаги ўрни-жонидан ҳаммадан кўра кўпроқ қайғурган Ўўлдош Зуфарович ҳам тонг отар чоғи жудо бўлди.

Жуда чиройли тонг отди. Ер юзи оғир тун пардаларини елкасидан улуктиргандай енгил тортиб, мовий осмон четидан қўёни мўралади.

Одамлар Ўўлдош Зуфаровичнинг устига охириги туи-

роқни тортиб, бири-кетин тарқалаётганда ўрта ёшлардаги бир киши Йўлдош Зуфарович қўмилган жой ёнгинасидаги гўрнинг устига ўрнатилган бюстга узок тикилиб қолди.

— Тавба, — деди эшитилар эшитилмас, — тириклигида бир-биридан шунчалик узок бўлган одамлар ўлганларидан сўнг ёнма-ён ётишса-я!

Бу — Мўминжон Ҳожиёвичнинг қабри ва мисдан қўйилган бюсти эди. Пешонасини ажин қоплаган, кўзлари чўкиб, қалин лабларини алам билан юмган Мўминжон Ҳожиёвич янги қабрга бошини эгиб тикилиб қолган эди. У худди «дўсти»нинг ёнига келишидан ич-ичидан куйган одамдай қорайиб, униқиб қараб турарди...

1979

## ЯШИРИН ОВОЗ

Қаюмхон Олимовичнинг уйида зўр тантана. Шахарнинг кўзга кўринган одамлари таклиф этилган. Икки қаватли коттеджнинг ховлиси тахта сўриллар, институт ошхонасидан келтирилган стол-стуллар билан безатилган. Столларнинг устидаги ошпоқ дастурхонлар қуёш нурларида ўйнаб, кўзни камаштиради. Ҳаммаёқ гулга қўмилиб кетган. Бехосдан ховлига кириб қолган одам домла стол-стулларнинг устида, сўрилларда гул ундирганми, деб хайрон бўлади.

Фан номзодининг студентлар ётоқхонасида истиқомат қилиб юрган чоғи ими-жимиди ўтган никоҳ тўйи юрагида армон бўлиб қолганми, бугунги кунни ўзининг ҳақиқий тўйи деб ҳисоблаган Қаюмхон Олимович деворларга кўзни камаштиргувчи катта-кичик гиламларни осиб ташлаган.

Студентлар бир чеккада самовар қўйган, чойнак-пиёлаларни ювиб, артишган, қўли тўртта, оёғи олтига бўлиб у ёқдан-бу ёққа нарса ташиган, домланинг кўз кири тушиб қолармикан деган ниятда кўнгли эриб хизмат қилишарди. Дарвоза олдидаги аспирантлар эса келганларнинг қўлига, чиққанларнинг қовоғига қараб сергак туришарди. Кимдир телефонларни тартибга келтирар, хали замон хушхабарни етказувчи бу қора қутичаларни авайлаб кўтариб, иккинчи қаватнинг деразаси ёнига чиқариб қўяр, бошқасини йўлакдаги стол устига ўрнатарди.

Ташқаридан қараганда тантанавор туюлган ховлида

пинхоний совуқлик ҳукмрон эди. Ҳеч ким овозини чиқариб гапирмас, ашулачилар аллақачон сўридан жой олиб, асбобларини созлаган бўлсалар ҳам чалишга, ашулага ўтишмаган эди.

Қаюмхон Олимовичнинг ўзига қолса эрталабданоқ карнай-сурнай чалдириб юборар эди-ю, аммо унинг айрим хатти-ҳаракати ботмаган акаси «шошмайлар, шошмайлар, ҳали улгурамиз» деб ҳапқирган юракларга сув сепиб турарди.

Домланинг хотинидан бўлак ҳеч ким унга яқинлашмас, салом-алик ҳам узокроқдан бош эгиб ёки кўксига қўлни қўйиб ярим букилишдан нарига ўтмасди.

Уч кечаю уч кундан буён кўзига уйқу келмай, ҳаловатини йўқотган домланинг бугун ичига туз кирмаган, ҳаяжондан кўзлари лак-лак тушиб кетган эди. Унинг гоҳ иккинчи қаватга чиқиб узок йўқ бўлиб кетиши, гоҳ ҳовлининг ўртасида дикқатини тўплаётган мутафаккирдек хаёл суриб қолишини, гоҳ бармоқларини асабий қирсиллатиб, телефонга бетоқат қараб хўрсинишларини кузатиб юрган аспирантнинг ҳатто раҳми ҳам келди. «Дунёнинг ишларига ҳайронман, машҳур олим, қанча мақолалар тўпламининг муаллифи, профессор одамга сайлов-пайловсиз мухбир-аъзолик унвонини бериб қўяқолса бўлмайдими, агар ихтиёр менда бўлса эди...» ич-ичидан ачинарди аспирант.

Меҳмонлар кечроққа таклиф этилган. Соат тўққизларда бирин-кетин яна домланинг шогирдлари, узок-яқиндаги қариндош-уруғлар тўпланишди. Телефон ҳамон жирингламас эди.

Домла ҳовлининг бурчагидаги хонага энди кирган эди, бирдан телефонлар айёҳаннос жаранглаб қолди. Домла югуриб чиқди. Шўхрат шохсупасига кадам қўйгандан буён қорин қўйиб юборган домланинг телефон томон югуриши анча мушкул кечгани сабабли ҳовлида икки-уч кадам ташладию, ҳамманинг унга қараб турганини сезиб, хушхабарни тезроқ эшитгуси келиб, «трубкани олинг», деди асабий. Шунда у икки кадам бемаврид югуришнинг оқибати қандай бўлишини сизди. Аъзою баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Телефонда бир йигит домланинг бўйга етган қизини дўриллаган овозда қақирган эди. Домланинг қизи ҳам ёз бўйи қишлоқда дам олиб, телефон трубкасини қулоғига тутушни соғиниб қолган шекилли, жилпанглаб гаплашарди. Отасининг ўқрайиб туриши уни гапни бўлиб, тезда трубкани жойига қўйишга мажбур қилди.

Хамма ёкка қоронғулик чўкди. Соат ўндан оша бошлади. Тумонат одам нима қилишга ҳайрон. Тантанали кечани бошлаб юборишга хушxabар етишмайди, кечаги тўйда ўлгудек чарчаган созандалар бунақа ўтиришни умрида биринчи кўришлари эмасми, эснаб-эснаб сўрида чўзилиб қолишди. Шўх студентлардан баъзилари стол устида қаллашиб ётган товук, яхна тил, жигарлардан, мохи-рона ясалган газаклардан секин келтириб, самовар орқасида аввал бир шишани, сўнг иккинчисини бўшатишди.

Стол атрофидаги меҳмонлар кўк чої ича бериб, ичи шилиниб кетди чоғи, у ёк-бу ёкка қарамай бирдан дастурхонга қўл узатишди. Аста-секин ҳовлига жон кирди. Қажумхон Олимович ҳам даврага қўшилиб студентларга айтиб берадиган ўзининг одатий хангомаларидан бошлади. У ярим соат аввал қанчалик таранг кайфиятда бўлса, энди очилиб кетди. Яқинда Амриқога борганда бир ўзбек келиб, «Сизни газеталарда машхур олим деб ёзишибди, лекин биз сизнинг ҳеч бир йирик асарингизни билмаймиз» деган экан, унга шундай жавоб қайтарибдики, ҳалиги одам ўзини қаерга қўйишга жой тополмай, узр сўрабди ва «энди билдик, ҳақиқатан зўр олим экансиз», деб қойил қолибди.

Францияда бўлган симпозиумда унга ўн минут вақт беришган экан, у мен «бир пара»дан гапиришга одатланиб қолганман, деб йиғирма минут ҳеч қанақа қоғозга қарамай, чет элдаги «ватанфурушларни» фош қилибди.

— Япония хонимларини гўзал дейишади, — давом этди домла, — бу тўғри, мен Токиодаги бир учрашувни эслайман. Сувенир олмоқчи бўлиб таржимон — гўзал хонимдан илтимос қилдим. У менга турли-туман арзон, қиммат дўконларни кўрсатиб, «Мана бу марваридни олинг, хотинингиз хурсанд бўлади», — деди. Мен унга вақтида жавоб беришим керак эди. «Хоним, бизнинг аёллар марварид учун севмайди, ўзлари марварид, — дедим». Домланинг чучмал аскияларини, кўшириб мактап-нишларига ўрганиб қолган студентлар ховлини бошига кўтариб хоҳолаб қўйишди. Мийиғида илжайиб, кўзи столдан бирон мазали таом излаётганлар ҳам энсаси қотгандай «домла мухбир-аъзоликка сайланиш арафасида ҳам ўша-ўша-я», деган маънода шеригига кўзини қисиб кўярди.

Қажумхон Олимович гапини янги тўқилган сиёсий латифа билан тугатиб, ўридан турди. Унинг бунчалик мулоийм кўриниши пўртанадай ич-ичидан қутуриб турганини, домланинг қадди-қомати худди қурбака ютган

илонни эслатарди. Соат ўн бир яримларда Қаюмхон Олимович иккинчи қаватдаги кабинетга кўтарилди. У китоблар қалашиб ётган жовонларга, ўз «асарлари»га ҳавас билан тикилди. Ўнга яқин мақолалар тўплами, қанча муаллифларнинг китобларига ёзган сўзбошилари, унинг таҳрири остида ҳаёт юзини кўрган рисоалар...

Ўрта Осиёнинг машҳур алломаларидан хатлар уюш-тирди, хатто Москвадан бир профессор дўсти келиб кат-таларга у ҳақда жуда яхши гаплар айтиб кетди, унинг мухбир-аъзо бўлиши аниқ. Матназар Жуманиёзовнинг рақобатлашишга бели чидамайди. Тўғри, Матназар ҳам ёмон олим эмас. У оғир артиллерияни эслатади. «Биз автоматчимиз», — мийиғида кулиб қўйди Қаюмхон Оли-мович ўз ўхшатишидан кўнгли тўлиб. Бунақа пайтда фа-қат олимликнинг ўзигина ҳисобга олинмайди, жамоат ишлари... эл орасидаги машҳурлик ҳам керак!

...Худди шу лаҳзада Матназар Жуманиёзов уйда укаси билан шахмат ўйнаб ўтирарди. Хотини ҳар кунги-дан кўра бир пиёла ортик гуруч солиб ош дамлаган, эрига билдирмай сомса, ширинликлар пиширган, тоза дастурхонларини ёзиб, беш-олтита одамга мўлжаллаб дастурхон хозирлаган бўлса ҳам уйда одатий осудалик ҳукмрон эди.

Ниҳоят кечаси соат ўн иккидан ўттиз беш дақиқа ўтганда телефон жиринглаб қолди. Матназар Жуманиё-зов яна бир бор телефон қўнғироғи жиринглашини кутиб туриб, трубкани оҳиста кўтарди, хотини, укасига ёш бо-ладай жовдираганча бошини силкитар, «Раҳмат!», «Раҳ-мат!» деб такрорлар эди. Ярим соат ўтмасдан дарвоза олдида машина «ғийқ» этиб тўхтади. Бир академик дўс-ти ва яқинда диссертация химоя қилган шогирдлари кет-ма-кет кириб келишди.

...Қаюмхон Олимовичнинг уйда телефон жирингла-мади. Соат бирларга борганда сайловда Матназар Жума-ниёзов ортик овоз олгани маълум бўлди. Хамманинг тар-вузи қўлтиғидан тушган, тўй азага айланган бўлса ҳам домланинг акаси ақлли таклиф қилди. «Бугун Қаюмхон-нинг 50 ёшга тўлган кунини тантанали нишонлаймиз, шу муносабат билан базму-жамшидни тонг отгунча давом эттирамиз», деди.

Базм фақат қувончдангина эмас, аламдан ҳам қизиб кетар экан. Ашулачиларнинг чўлда адашиб, сув азоби-дан тинкаси қуриб, ниҳоят булоққа етиб олган йўловчи-лардай иштаҳаси очилиб кетди, аллақачон кайфи ошиб қолган шогирдлар домланинг кўнглини кўтариш учун

кетма-кет сўз олишар, шундай буюк инсон билан бир даврда яшаётганидан чексиз бахтиёр эканлигини изҳор этишарди. Ниҳоят гапга чечанрок бир йигит ўрнидан туриб Қаяумхон Олимовичнинг ёнига келди-да, жуда масъулиятли минбарга кўтарилган одамдай чуқур нафас олиб гап бошлади:

— Азиз домлажон, биз шогирдларингиз сизни аллақачон аллома деб биламиз. Ҳаётда жуда кўп нарсалар, воқеалар борки, уларнинг моҳияти бевосита кўринмаслиги мумкин. Самолётнинг товуши бир томондан келса, ўзи бошқа томонга учиб бораётган бўлади. Кишининг исми унинг кимлигини билдирмайди. Унвонлар, дипломлар инсон тафаккури ва истеъдодининг мезони бўлолмайди. Бугунги воқеа тарих учун янгилик эмас, аксинча, тарих ўз йўлидан кетаётганини кўрсатади. Тарих майдонида жуда кўн ўйинлар бўлган, яна бўлади. Мавлоно Муқимийни эсланг, у нима деган эдилар-а?

«Мулки хинду Марвдин келсам топардим эътибор,  
Шул эрур айбим Муқимий мардуми Фарғонаман!»

Хафа бўлманг, домла, дунёда ҳақиқат йўқ ва бўлмаган!

...Матназар Жуманиёзовнинг уйидаги дўстлар, ҳамфикрларининг камтарона давраси ҳам эрталабгача давом этди. Унинг шогирдларидан бири домлани табриклар экан, сўзини қисқа қилиб «Азизлар, дунёда ҳақиқат бор экан-ку», деди.

1979

## НАТЮРМОРТ

Юсуфжон тирикчилик ташвишлари билан бўлиб устационага бир ҳафта келмаган эди. Мўйқаламлар ювилмаган, палитра устига ситилган бўёқлар қаймоқлаша бошлаган, мольбертдаги чала натюрморт вазадаги сувсираган гуллардай ранги сўниб турарди. Стол устида тишланган олма, қадахда коньяк, сопол ликопчаларда туршак, майиз, тарашадай қотган баллиқ, фижимланган сочик, бўшаган сигарета қутичалари... Самарқанддан олиб келган зумрад рангли кошин парчаларига, Чотқолдан топилган кийик шохига қўз ташлади. Диван орқасига илинган эски сўзана чўғдек ёниб турарди...

У чет эллик мехмон билан Хивага шошилиш учиб кетгани учун устахона қандай бўлса шундай қолган эди. Хона ичидаги бўёқ, мой, олма, гуллардан таралган алақандай оғир, аммо таниш хид уни диван томон чорлади. У туфлисини ечмасданок ширакайф одамдай ўзини диванга ташлаб бир лаҳза тин олди. Ван Гогнинг деворга осиб қўйилган манзарасига узоқ тикилди. У манзарага қачон қарамасин, доимо сирли туюлар, «Қўл билан, оддий кўз билан эмас, илоҳий куч туфайли яратилган бу асар» деб пичирлади.

Ўз хаёлида эркаланиб ётган одамга пашша фингиллаши карнай овозидан баттар таъсир қилади. Юсуфжон мольбертдаги хомаки чизгилардан вужудида ширин титроқ туяётган бир пайтда эшик қўнғироғи устма-уст жиринглаб қолди.

Сочлари елкасига елпигичдай таралган, ёш бўлса-да қоп-қора соқоли кўкрагини қоплаган Қосим устахонага бостириб кириб, стол устидаги қадахни қўлга олди-да:

— Маэстро, саломатлигингиз учун, — деди қадахдаги коньякни бўшатар экан. — Қизиқ гапим бор эди, беш кундан буён сени излайман. Билмадим, хурсанд бўласанми, хафа бўласанми, билмадим. Лекин жуда антиқа гап.

Юсуфжон ўзигаям коньяк қуйиб, қадахни ушлаганча дўстига тикилиб қолди. У Қосим, хойнаҳой, бирор хушхабар келтирган, балки чет элга уюшмадан борувчилар рўйхатига киргандирман, балки эксперт комиссияси ишимни сотиб олгандир, деб ўйлади.

— Фарғонага борган эдим, — бир ховуч майизни соқол-мўйловлари орасига ташлаб, гап бошлади Қосим, — этюдлар ишладим, Фарғона канали қурилиши тарихига оид материаллар тўпладим. Шаҳарга яқинроқ район марказидаги «Сабзавот-мевалар» дўқонида биласанми, нимани кўриб қолдим? Сенинг Тошкент зилзиласидан кейин йўқолиб кетди, деб юрган натюрмортингни кўрдим. Сотувчи уни дўқонига миҳлаб қуйибди.

— Миҳлаб қуйибди? — сўради Юсуфжон хону монига ўт тушган одамдай кўзлари қинидан чиқиб.

— Ха, четларига тўртта қалпоқли миҳ қоқилганини ўз кўзим билан кўрдим. Дўқон ёпиқ экан, ойнасидан қарадим. Аввалига бу репродукциями деб ўйладим. Йўқ, асл нуханинг ўзи. Уни танийман-ку! Қанча кўргазмаларни беаган, қанча журналларда босилган, нахотки янглишсам! Анча кутдим, сотувчи келмади. Гап шу! Шунни айтмоқчийдим.

Юсуфжон кўз ўнгига белбоғ устидаги бир тўп анор-

лар келди. Барзанги бир йигит натюрмортга йўғон миҳларни қоқаётгандай, у миҳларни подрамник четига эмас, матога – анорларнинг устига қадаётгандай, ҳар миҳ қоқишида бўёқлар анор сувидай сизиб оқаётгандай туюлиб кетди. У қадахни яна коньякка тўлдириб, кипригини қокмай ютиб юборди. Қосим нималар деб жовради, қачон чиқиб кетди, қанча вақт шу алпозда ўтириб қолди – билмайди. Кетма-кет чекилган сигареталар тутунидан уйнинг ичида нафас олиш қийин бўлганиданми, ё ўйлаб ўйинга етмай боши берк хаёл кўчасига кириб қолганиданми, Юсуфжон устахона айвонига чиқиб чарақлаб ётган осмонга бўйинини чўзган ҳолда тоза хаводан тўйиб-тўйиб нафас олгандан кейингина ҳушига келди.

Юсуфжоннинг «Анор» натюрморти Санъат музейинга сотилган, бироқ Тошкент зиёласидан сўнг Музейнинг янги биноси қурилаётганда қўп асарлар областма-область намоён қилинган пайтда йўқолиб кетган эди.

Юсуфжон асарнинг топилганидан хурсанд бўлди. Ахир уни қайта тиклаш мумкин эмас эди-да! Тасвирий санъат асари одам сингари ягона ва такрорланмас бўлади. Одам ўлдими – тамом, у тирилмайди. Санъат асари ҳам шундай. У нобуд бўлдими – тиклаш қийин. Лекин... шундай нодир асарнинг четларига миҳ қоқиб «Сабзавот-мевалар» дўконига осиб қўйилиши... йўқ, бунга чидаб бўлмайди. Бу қандай маданиятсизлик, бу қандай жоҳиллик? Қанақа одам экан у? Ҳа, қандай бўлар экан? Жоннинг оғрийдими? Мумкин эмасми? Одамга миҳ қоқиб бўлмайдими? Ҳо, бадий асаргачи? Унга мумкин-а? Менинг юрагимга миҳ қоқсанг бўлмайдимки, номард! Ахир уни қандай ниятларда ишлаганман, қандай орзулар билан! Сенга ўхшаган одамларнинг вужуди занглаб кетмаслиги учун, юрагини илтиш учун ишлаганман, ахир! Э, худо, «Сабзавот-мевалар» дўконига натюрморт миҳлаб қўйилса? Мана дид-фаросат, мана маданият!!

Юсуфжон «БТ» сигаретасининг бўшаган қутчасини худди ўша нотаниш йигитнинг башарасига отгандай зарб билан гижимлаб айвондан пастга улоқтирди. Тун бўйи мижжа қокмай, тонг ёришар-ёришмас Фарғонага жунаб кетди.

Юсуфжон район марказига етиб борганда пешин бўлиб қолган эди. У хаёлидаги нотаниш йигитни тезроқ учратса-ю, аламидан чиқса! «Сабзавот-мевалар» дўконига яқинлашган сари юраги кинидан чиқиб кетгудай тинирчилай бошлади. Қайси кўз билан кўрсинки, Қосимнинг гани рост экан, унинг жондан азиз асари деворга

михлаб қўйилган эди. Дўкон ёпик, унинг ичида ҳам, ташқарисидаям ҳеч кимни учратмади. У мунчоқ-мунчоқ терга ботган пешонасини дўконнинг муздек ойнасига босиб ҳушини йиғди. Аламданми, хўрликданми қўзлари намланиб дўкон эшигига илиб қўйилган тахтачадаги ёзувни зўрға ўқиди. Унда «Соат 1 дан 2 гача «Обед» деб ёзилган эди.

Бунақа пайтда одамнинг энг беминнат ҳамроҳи ароқ бўлади. Ундан кўтарганча тортиб-тортиб оласан-да, кайфиятингга эргашиб кета берасан. Юсуфжон рўпарадаги ресторанга кириб яримта ароқ, овқат, икки шиша пиво буюрди. Овқат келмасдан бурун муздек пивони шимириб ўтирган эди, ёнидаги столда бирдан жанжал кўтарилиб қолди. Учта ширакайф ўспиринларга официантка «ахир пул бермадингиз» деса, уччаласи ўдағайлаб «здача»ни қайтар, «Здача»ни деб бақиршарди.

Нариги столда бир ўзи овқатланаётган ўрта ёшлардаги хипчадан келган, зиёлинамо киши ўспиринлар ёнига секин яқинлашди-да «Уялмайсанларми, бетамизлар, пул бермаганларингни кўриб ўтирибман-ку» — деди қора чарм куртка, жинси шим кийган ўспиринга ўқрайиб. — Яна «здача» эмиш-а?!»

Ўспиринлар қанчалик тез шовқин кўтаришган бўлса, шунчалик писиб қолишди, чўнтаklarини титкилашиб, борини стол устига ташлаганча ташқарига қуён бўлишди. Официантка бу одамга миннатдорчилик билдираётган эди, Юсуфжон ҳам бир нима дегиси келиб:

— Бопладингиз, раҳмат сизга, бунақаларнинг адабини мана шундай қилиб бериш керак, — деди.

Йигит яримлаб қолган лағмонли косасини кўтариб Юсуфжоннинг ёнига келиб ўтирди.

— Меҳмон бўлсангиз керак-а, ошна, — сўради у Фарғона водийси одамларига хос самимият билан.

— Ҳа.

— Шундай деб ўйлаган эдим. Кўнглингизга келмасин, районимизнинг ҳамма ёшлари бунақа эмас, баъзан шунақа такасалтанг безорилар учраб қолади-да, — деди йигит худди гуноҳ қилиб қўйган одамдай хижолат тортиб.

— Бунақалар ҳамма жойда топилади.

Юсуфжон қадахларни ароққа тўлдириб ёнидаги йигитга ҳам узатди. У «Раҳмат, хизматдаман» дейишига қарамай, шерик бўлишни илтимос қилди. Йигит ноилож ахволда «меҳмон экансиз, майли, ҳеч мавриди эмас эди», деди-да худди захар ютгандай афтини бужмайтириб қадахни бўшатди.

Стол устига қачон яна яримта ароқ, унга ярашук закускалар келиб қолганини Юсуфжон сезмай қолди. Сухбат аввал қишлоқ об-ҳавоси, бу йилги пахта, район мажбурияти, механизаторлар ғайрати, одамлар турмушининг ночорлиги ҳақида борди.

— Мен савдо ходимиман, — гап бошлади йигит. — Унинг савдо ходимлигини эшитган Юсуфжон миҳи чиқиб қолган стулга ўтирган одамдай бир сескандию хушини йиғиштирди. — Савдо — замон билан одамлар орасидаги тафовутни белгиловчи тарози. Агар бу тарози носангисига ҳушёр бўлмаса, одамларни ҳар томонлама қашшоқ қилиб қўйиш ҳеч гап эмас. Халиги ёшлар ҳаёт тарозисидан виждон, гўзалликни посанги қилиб эмас, гўр ва кўр кўнглиларнинг талвасасига оғиб кетишган. Уларни ким тарбиялайди? Виждон билан меҳнат ўтасидаги кўприк қанақа бўлиши керак. Кимдир одам руҳининг соғломлиги унинг нечоғлик гўзалликдан бахраманд бўлишига боғлиқ, деган экан.

— Савдо ходимиман дедингиз-у, кий-қизил файласуф экансиз-ку, — қулди Юсуфжон.

— Йўқ, унчалик эмас, ака, ишингиз одамлар ичида бўлгач, турли воқеаларга дуч келасиз. Бир кунда мингта одам билан савдо қилсангиз минг хил муомала, минг хил машаа! Яна гапимга қайтсам, ҳамма бетофиқликнинг давоси — гўзаллик! Гўзалликни севиш, уни яратишга ёшларни ўргатмаганмиз. Қани, бир олайлик, меҳмон ака. Хуш келибсиз. Мана танишдик, бугун бизникида меҳмон бўласиз. Сизга кўрсатадиган нарсаларим бор. Мен жуда ишқибоз одамман. Ҳамма нарсага... Иморат қуриш қўлимдан келади, қурка боқаман, бедана сайраганда теримга сиғмай кетаман. Бир уй китобим бор. Ҳаммасини ўқимаганман, вақт йўқ. Ўқийман, улгура олмасам, болалар ўқир. Айниқса расмли китобларни яхши кўраман. Расмли китоб тушунарли бўлади. Шу романларниям расмли безашса чиройли чиқарди. Тошкентга тез-тез бориб турамиз. Санъат музейини биласиз-а?

Юсуфжон «Санъат музейи»ни эшитиши билан сергакланиб сухбатдошига тикилиб қолди. Йигит унинг бунчалик тикилиб қолганидан «Санъат музейи»ни яхши билмаса керак» деб тушунди-да, яна берилиб гапини давом эттирди. — Вокзалга бораверишда, «Навойи» театрига яқин ойнаванд иморат! Мен Тошкентга қачон бормайин, албатта унга кираман. Унда Беллолининг «Соҳибжамол» бор. Лекин фақат унинг учун кirmaйман. Ўзим музей ичини айланиб юришни яхши кўраман. Бо-

лаларниям шунга ўргатдим. Тансиқбоев зўр рассом-да! «Ўзбекистонда март» деган бир картинаси бор, худди баҳорнинг ўзи-я! Бизнинг районда март ойи шунақа бўлади...

Юсуфжон қадахни ушлаганча «Савдо ходими»га анграйиб қолди. У қадахни бўшатишни ҳам, столга қўйишни ҳам билмасди.

Йигит икки-уч қадахни ҳурмат учун отиб юборгандан сўнг қўнғил кулфи очилди, музей ҳақида гапирганида Юсуфжоннинг сергак бўлиб қолганидан янада тўлқинланиб, билган-билмаган, эсида қолган-қолмаган рассомлар, расмларни тўлқинланиб таърифлади. Гап орасида Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров, Рўзи Чориевларни эслади. Охири соатига қараб:

— Ў, вақт ўтиб кетибди-ку, — деди ўрнидан туриб, — юринг, дўконга кирайлик, бир картина кўрсатаман, ажойиб нарса. Қоровулдан «яримта»га сотиб олганман.

Юсуфжон ёнидаги йигитнинг кечадан буён излаб юрган, унинг бутун изтиробларига сабабчи одам эканлигини ҳис қилдию, ўзини босишга ҳаракат қилди.

— Сотиб олганман дедингизми? Натюрмортни-я? «Анор»ними? — ҳайратланиб сўради Юсуфжон.

— Ҳа-да, юринг, қизиқ тарихи бор, айтиб бераман.

Юсуфжоннинг йигит билан ёнма-ён бориб, чеккаларига миҳ қоқилган натюрмортни кўришга юраги дов бермай ташқарига чиқиб тўхтади. Унинг тўхташини йигит қизиқ воқеани Юсуфжон эшитгиси келаяпти, деб ўйлади шекилли, дўкон олдидаги харидорларга қўлини кўтариб «ҳозир бораман» ишорасини қилди.

— Утган йили, — давом этди йигит, — район Маданият уйи ремонт қилинди. Кечқурун уйга кетаётсам қоровул ҳовлида гулхан ёқиб ўтирибди. Ёнига бориб, гаплашиб қолдим. Гулхан сўна бошлаганда қоровул подволдан бир нималарни олиб чиқиб, гулханга ташламоқчи бўлди. Нима экан, деб қарасам, «Э, булар расм-пасмлар, исиниб ўтирибман, жа ёнади-да, бўёғи бор» деди. Суриштираман, Маданият уйига икки-уч йил бурун келтирилган расмларнинг эгаси чикмай, ҳаммасини подвалга тахлаб қўйишган, ремонт пайтида расмларнинг кўпи йиртилган, бузилган, нобуд бўлган. Қолганларини қоровул бирин-кетин ёқиб юрган экан. Ана шунда бир шиша арокка анор ишланган расмни алмаштириб олганман.

Юсуфжон ёнидаги йигитга қараб газаб деса газабга ўхшамаган, меҳр деса илиқлик бўлмаган мураккаб туйғулар гирдобида қарахт бўлиб қолди. Дўкон олдида-

ги одамларнинг бала-фовурини эшитган йиғит унга «Бор-масам нокулай» дегандай болаларча соддадил жилмайди.

— Мен тезроқ дўконни очай, сиз бемалол боринг, — деди-да Юсуфжоннинг эргашшига ишонган одамдай дўкон томонга чолиб кетди.

1979

## КЕЛИН

Дарахт новдалари бемор одамнинг баданидай жунжикиб, илик хавога зор, йилт этган қуёш нурига интизор, эрталабки шудринг доналаридан кўз ёши тўккандай бирин-кетин гунча тугаётган паллада Замонали Султонхўжаев ўғли Музаффарни уйлантирди.

Кечагина қарнай-сурнай янграган, қўни-қўшни, қариндош-уруғларнинг кириб-чиқишидан тинган ховли одамни ютиб юборадигандай жимиб қолган эди.

Олмониядан олиб келинган бурма ёкали халатини елкасига ташлаган Замонали ховлини айланиб юрарди. Қуёшга бўй чўзган атиргулларнинг нозик ниҳолларига узок тикилиб қолди. Шоир табиати гимирлаб, қўнгли жўшиб кетди.

Оила аъзоларининг энг замонавий мебеллар қўйилган, фаровонлик ҳар нарсада ярақлаб турган хонага тулланишини Замонали зимдан ховлидан кузатиб турди. Ҳаммадан кеч келиб, уйдагиларнинг тик туриб уни кутиб олишини истарди. Ёдгорхон қайнотасига қарашга ийманар, қайнонасининг ёнида уялганидан ерга кириб кетгудай кичрайиб ўтирарди.

— Оиламиз бахти Ёдгорхон кизим, — гап бошлади Замонали. — У жуда муҳим гапни айтмоқчи бўлгандай шипга қараб бир зум сукут сақлади. Унинг сукути шундоқ ҳам уялиб ўтирган келинни ўрнидан туриб, бошини эгиб қотиб қолишга мажбур этди. — Ўтиринг, ўтиринг, кизим, одобу ахлоқингизга офарин! Сиз бу хонадоннинг шамчироғисиз, йўқ, қуёшсиз. Сизсиз бу кулбаи вайрона нурсиз сўниб қолади. Эртактарда қуйланган соҳибжамол келинни биз ўз уйимизда кўриб, а, онаси, жуда бахтиёрмиз...

Замонали Султонхўжаевичнинг ўз ўғлининг тўйида гапиролмаганидан бугун гапиргиси келиб кетди. Ишхонасида бирор маросим бўлиб қолса, Янги йил кечасини нишонлашми, 8 март ёки бошқа байрам куними, ишқи-

либ, маъруза қилиш лозим бўлган кезларда бошқаларнинг тоқатини тўздириб, ўзи тўйиб гапириб олмаса унинг кўнгли жойига тушмайди. У келинига, ўғлига қарата узоқ насихатлар қилди, ҳаётнинг мураккаблиги, оиланинг лаззати, ёшликнинг гўзаллиги ҳақида сўзлади.

Келин одоб билан бирма-бир чой узатар, нима учундир қайнотасига навбат келганда қўллари, ҳатто тиззалари ҳам қалтираб кетар, олтишдан ошган кишининг йилтираган кўзларида тигдай ўткир нур сезар, тезроқ ношушта туғаб ўз хонасига учиб киргиси келарди.

Замонали Султонхўжаев келинини биринчи бор яқиндан кузатиб, ёш жувоннинг тиниқ олмадай юзи, бежирим бурни, уялганидан енгил намланиб турган пешонасининг мармардай йилтирашидан, сочларининг кундуздай қорайиб туриши, елкасига омонатгина ўрнатилгандай бежирим бўйнида ўсган соч толаларидан кўзини узолмай қолди. Бирдан шёла узатган келинининг бармоғидаги тилла узукка, ундаги кабарик белгига кўзи тушди-ю, беихтиёр ғалати бир товуш чиқарди. Бу товуш ўттиз йил бир ёстикка бош қўйган хотинига ҳам нотаниш эди. Бир зум ўтмай бу ғалати инграшга ўхшаган товушнинг бекорга чиқмагани Замонали Султонхўжаевнинг кайфиятида билинди.

Тун яримлаб қолгунча Замоналининг кўзига уйқу қўнмади. У эртаси куни ҳаммадан олдин, совуғи ошган одамдай қовоқлари салқиган, хаста кайфият билан уйғонди. Ўғлини иш кабинетига чақирди.

— Музаффарбек, сендан бир нарсани билиб беришингни илтимос ва илтижо қиламан. Кеча келинимиз Ёдгорхон қўлида бир узукка кўзим тушди. Жуда ноёб ва асл нарсага ўхшайди. Шунини бир кўрмоқчиман. Қаердан олган экан?

«Шуни илтимосингиз, уни ҳозир олиб келаман» деган маънода Музаффар югуриб чиқиб кетди. Замонали ўғлининг ҳаяллаб қолаётганидан безовта бўла бошлади. Бир дақиқа унга тун каби чўзилиб кетди.

— Мана, дада, — деди Музаффар дераза ёнида ҳовлидаги гулларга паришон тикилиб турган отасига яқинлашиб. Дада, бу узук келинингизга онасидан ёдгорлик эмиш. Қайнонамиз кизини туғаётганда ҳалок бўлган эканлар. Бечора ўлим олдида бувисини чақириб, «Ойижон, мабодо ўлиб қолсам, шу узукни қиз туғсам — кизимга, ўғил кўрсам — келинимга тўйида берарсиз, мendan эсдалик бўлсин» деган эканлар.

Замонали Султонхўжаев узукни олиб иш столи олди-

га келди, «чикиб кетабер» дегандай ўғлига ишора қилди, узукка тобора туманлашиб бораётган кўзлари билан узок тикилиб қолди. Узукни таниди. Уни бундан йиғирма йил аввал эски шаҳардаги бир кекса заргарга катта пул тўлаб ўзи ишлатган, уни ўша жувонмарг бўлган жувонга ҳадя этган эди.

Замонали Султонхўжаев катта институтга директор бўлиб тайинланганда у ерда бир нозанин, келишган қиз секретарь бўлиб ишлар эди. Замоналининг кўнгли бузулди. Қизни қўлга тушириш унча қийин кечмади. Мақоаларини унга айтиб турадиган, қиз окка кўчириб берадиган, гоҳо Қибрайдаги дала боғига олиб борадиган, бирга ишлаб, бирга дам оладиган бўлиб қолди.

Қизга ўзининг асли муҳаббатини изҳор қилиш учун шу узукни тақдим этган эди. Замоналининг ширин сўзлари-ю, қимматбаҳо совғаларини чин деб билган қиз тобора унга ўрганиб, кўникиб борарди. Бир фароғатли куз кечаси иккаласи боғда қолиб кетишди. Орадан уч-тўрт ой ўтгач, Замонали кабинетига секретарь қиз одатдагидек қўрқиб-писиб эмас, жонланиб кириб келди.

— Замонали ака, тўйни қачон қиламиз, сизга айтадиган гапим бор, — деган эди.

Замоналининг ўшанда ҳам ҳозиргидай юраги ўйнаб кетган, кўз олди қоронғулашиб, махбубасининг оёғи остига ўзини телбаларча ташлаган, туфлиларини ўпа бошлаган эди.

— Мени ҳалокат жарига ташлама, жонимсан, жаҳонимсан, — ялинган эди Замонали, — менинг қандай лавозимда ишлашимни биласан. Бунинг иложи бор — аборт, қанча харажат бўлса — жоним билан, ўзим дўхтир топаман, ҳеч ким, ҳеч қачон билмайди. Истасанг аспирантларимдан бирига шохона тўй қилиб узатаман, ахир менинг оилам бор.

Замонали бир чангал пулни узатишга шунчалик уринмасин, қиз жонсиз ҳайкалдай қотиб қолган, юзини икки қўли билан яшириб аччиқ-аччиқ йиғлаган эди. Бармоқлари орасидан сизиб чиқаётган кўз ёшлари мана шу узукни ювиб, янада ялтиратиб юборган эди.

— Менга етимлик дарди етмасмиди, бу ҳам борми пешонамда, — деб қиз ташқарига отилган эди...

«Нахотки...» Миясига урилган бу мудҳиш ўйдан Замонали Султонхўжаев тўсатдан кўксини чангаллаб қолди.

Ноушта аллақачон тайёр бўлган, ҳамма Замонали Султонхўжаевнинг кабинетдан «Ассалому алайкум, азиз-

лар» деб чиқиб келишни кутинарди. Вақт чўзилган сари чойнинг совуб қолишни ўйлаган келин қайнонага каради, қайнона ўғлига «Отанги чақир» ишорасини қилди. Музаффар кабинет эшигини тортган эди — очилмади. Кабинет қулфланган, ичкарида шарпа сезилмади...

1979

## БОШ ЧАНОҒИ

Ўғлининг хонасини йиғиштираётган Хуморхон уйнинг ичида плон кўргандай ташқарига отилди.

— Буёққа келинг, тезроқ, тезроқ, юринг, — деди эрига ваҳима билан. — У эрини ичкарига йўллаб, пойгакда ёқасини ушлаганча «дадаси қай аҳволга тушар экан» дегандай саросимада турарди.

Абдуфаттоҳ ўғлининг столига яқинлашиб жим туриб қолди. Хотинининг қапалаги учганича бор эди. Стол устида одамнинг бош чаноғи, узок йиллар тўпроқ остида чекка-чеккаларидан нурай бошлаган қўл ва болдир суяклари териб қўйилган эди. Аввалига «Ясама бўлса керак» деб ўйлади, аста бош чанокқа қўл узатган эди, хотинининг «Вой тегманг, тег... манг...» деган изтиробли товушини эшитди.

— Хаммасига сиз айбдорсиз, — туюқди Хуморхон эрининг баридан ушлаб йўлакка тортар экан. — Ўғлим рассом бўлади, деб юрагингиз ёрилган эди. Мана оқибати. Нега бу ёзда кабристонга серкатнов бўлиб қолди, деганимда «Бувисининг гўрини тозалаб юрибди», деб мени алдаган экансиз-да!

— Хуморхон, бундан ҳеч хабарим йўқ. Бир-икки марта «Менга суяклар керак, айникса, бош чаноғи жуда зарур. Домламит портрет ишлаш учун бош чанокни яхши ўргангилар, деди» дегандай бўлувди ўғлининг.

— Вой, овсар-эй!

Шу кундан бошлаб уйда даҳанаки жанг бошланиб кетди. Хуморхон ўғлига ялишиб кўрди, жинси шим вада қилди, «красовка», чарм куртка, фотоаппаратлар, истаса дадасига айтиб машинанинг қалитини чўнтагига солиб қўядиган бўлди. Кўнмади. Хуморхон қанчалик ялинган сари ўғли тобора суякларга ёпишиб бораётгандай, ўқишдан қайтибोक бош чанокни қўлга олиб узок тикилиб ўтирадиган, соатлаб уни чизадиган бўлиб қолди. Яқиндагина хонанинг тўрт деворига осилган баҳор,

куз манзаралари ўрнида сонсиз-саноксиз бош чанок расмлари тўлиб кетди.

Хуморхон бир ой бўлибдики, ўғлининг хонасига кирмайди. Хонани тозалатамайди ҳам, унга қиё боқмайди. Ялинишлари қор қилмагач, гап-сўзни қиска қилди. Қаёққа кетаятсан, қачон келасан, уни е, буни қил демайдиган, тўнни тескари кийиб, мотам тутган одамдай тунд бўлиб олди. У аламини эридан олар, кўз ёши қилар, ота бўлиб ўғлига гапини ўтказа олмаётганидан поллир, фифони фалакка кўтарилар эди.

— Хой, ҳеч ўйлаб кўрдингизми, қўни-қўшнингга Абдуфаттохнинг ўғли гўрдан суякларини қазиб олиб келиб уйда сақлар эмиш, деган гап тарқалса, маҳаллада қандай бош кўтариб юрамиз. Шўрим курсин, ёлғиз бола — ёлғон бола, деганлари рост экан-ей, энди нима қиламиз. Қаердан олиб келибди, сўрадингизми?

— Сўрадим, намуноча ваҳима қиласан?

— Нега ваҳима қилмай? Ахир ўз уйимга киролмай қолдим. — Хуморхон кеча ўғли ўқинишга кетганда деразадан ичкарига мўралаб, яккам-дуккам тишлари кўришиб, кўзларининг ўрни ўрадай чуқур ғалати бир нарсадан чўчиб, эри келгунча ҳовлида юрганини эслади. — Қанақа одамнинг суяклари бу? Қасал ўлганми, аварияга учраганми? Вой, этим жимирлаб кетаяпти. Хаммаёғимга учук тошиб кетди. Йўқотинг, худо хайрингизни берсин, ўлимдан беш кун аввал мени қўймайин десаңгиз, йўқотинг бу суякларни.

— Ўғлингдан сўрадим. Ёзда қишлоқда дам олиб, расм ишлаб юрганида гўрков билан танишиб қолибди. Ўғлингни расмлари унга ёқибди. Шерзод гўрковдан унга бош суяги жуда кераклигини илтимос қилган экан...

— Бунақа гўрковни ер ютсин, — деди Хуморхон ўтақаси ёрилиб, — қандай қилиб одамлар унга ишониб ўлик тоштиради, у ёқдан кўмиб, бу ёқдан қазиб юрса?!

Оёқ шарпасини эшитиб эру хотин жимиб қолишди. Шерзод ўз хонасига кириб кетди. Орқасидан отаси эргашди.

— Шерзоджон, биласан, — гап бошлади Абдуфаттох вазмин оҳангда, — рассом бўлишниг учун нима зарур бўлса олиб берайман. Мўйқалам, бўёқлар, этюдниклар... Ҳеч нарсадан камчилигинг йўқ. Шу бош чанокни йўқотмасанг бўлмайди, онанг буни кўтара олмаяпти.

— Дадажон, хайронман аямларга, — деди Шерзод, — наҳотки тушунмасалар. Қайси рассомнинг уйига борманг, хаммасида бош чаноғи бор. Улар учун бу муам-

мо эмас. Нега энди бизнинг оилада бунчалик ғалвага айланди, — ҳеч тушунмайман?! Одам бош суягини билмасдан яхши портрет яратиб бўлмайди-да.

— Унчалик эмас, ўғлим, яхши портрет одамнинг бош суягини эмас, балки унинг юрагини кўрсатишга боғлиқ.

— Юрак чехрада акс этади, — кулиб гап қайтарди Шерзод.

— Тўғри, чехрада акс этади, аммо чанокда эмас!

— Чехра ҳам юрак сингари вақт ва замон таъсирида эриб, сув бўлиб окиб кетади, аммо унинг излари бош чанокда қолади, дадажон, шунинг учун бош чаноклар бизга ўтган одамларнигина эмас, шу бугунги ва келажакдаги одамларнинг ҳам юрагини билишимизга ёрдам беради.

— Ўтмишдаги ёки келажакдаги одамларнинг юрагини биламан деб, ўз онанг юрагини тилка-пора қилишинг инсофдан бўлмас, ўғлим.

... Хуморхон бетоб бўлиб қолди. Унинг ёнига ўғли яқинлашган чоғи овирроқ инграр, ҳаммасига сен айбдор дегандай тўшақда безовталанар, ўғли узатган пиёладан чоғи хўпламас, Шерзоднинг қораси кўриниши билан кўзини ярим юмиб, аҳволим унга қандай таъсир қилаётибди, деган маънода зимдан кузатар, ҳатто нималарнидир пичирлаб алахсираб қўярди.

Хуморхон барча оналик меҳру оқибатлари, аёллик макру хийлаларини ишлатиб кўрмасин, уйдан ва ўғлининг юрагидан чанокни чиқариб ташлолмади. Ёш расомларнинг кўرғазмасидаги Шерзоднинг автопортрети мақталиб, ойномада эълон қилинганча, отаси ҳам жимиб қолди. Онанинг юрагига икки муҳаббат сиғмади. Ўғлининг кўнгилчан эканлигини, уни жуда севишини ич-ичидан ҳис қилса ҳам бу меҳрнинг бир учи бошқа томонга оғиб кетаётганини сезмай иложи йўқ эди. Яқиндагина унинг бағрида тамшаниб ухлайдиган, стулларга сўяниб-сўяниб тетапоя қилган, қўча чангитиб у ёқдан бу ёққа шаталоқ отадиган, дам олиш кунлари этагидан тушмай хархаша қилиб ўтирадиган, лойлардан тойчоқлар ясаб, офтобда қуритиб «аскар-аскар» ўйнайдиган ўғлининг ундан бунчалик тез узоқлашиб кетиши, ҳатто унинг ялиниши, дўқ-пўписасига парво қилмаслиги Хуморхонни ташвишга солди.

Бир кун Хуморхон майда-чуйда юмушларга ўралашиб, кеч ётди. Ўғли билан аразлашиб юргани ҳам ёддан кўтарилиб, одатдагидек, унинг хонасига кириб Шерзоднинг устидан тушиб кетган кўрпасини тўғрилаб

қўйди, деворга тегиб ётган бошини ёстик устига аста олди. Шунча кундан буён зўрма-зўраки тўсилиб ётган меҳр булоғининг кўзи очилди, ўғлининг жингалак сочларига лабини босди... Орқасига ўгирилиб энди чиқиб кетаётган эди, йўлакдан тушган нурдан стол устидаги бош чаноғининг усти ялтираб турганини кўрди. Девордаги турли томондан ишланган бош чанок расмлари унга худди оғзини очиб, ё тишини кўрсатиб, ё хўмрайиб тиржайиб қараётгандай туюлиб кетди. У рўмолини бошидан олиб стол устидаги бош чанок устига ташлади. Чирокни ёқиб юборди. Юраги гуп-гуп урар, юз-кўзларига нур таралган Шерзод аста тебраниб, яна тинчланиб қолди. «Эй, худойим-эй, бу хонада ётишга қўркмагани буни, қанақа кунларга қолдим», — деди чирокни ўчириб йўлакка тез чиқиб кетар экан.

Хуморхон ўйлаган режа Абдуфаттоҳга ҳам маъқул тушди. Хуморхон кўнглида чанокдан қутилишнинг бирдан бир йўли Шерзодни уйлантириш, келин орқали хужумни кучайтириш эди. Тўй тараддудида хоналарни йиғиштирган Хуморхон ўғлининг йўқлигидан фойдаланиб, бош чанок ва бошқа узун-калта суякларни халтага солиб омборхонага беркитган эди, Шерзод практикадан келиб ҳамма ёқнинг тит-питини чиқариб, топиб олди. Хуморхон ноилж дардини ичига ютди.

Ўзининг гапи ўтмай, келинга умид боғлаши Хуморхоннинг иззат-нафсига тегса ҳам оилани «бало-қазолардан» асраш нияти кучлилиқ қилар, тўйга ҳали тайёр бўлишмасаям бир-икки ой ичида тантана бўлиб ўтди. Шерзоднинг ўзи танлаган, севган қизини олиб беришди.

Орадан бир ҳафта ҳам ўтмади. Келин дабдурустдан «суякларга меҳр қўйган одам тирикларни севмас экан. Ё мени денг, ё бу суякларни» деб қолди. У ўзини қўярга жой тополмай, кечалари уйқуси қочиб, эшик очилиб хонага мурдалар кириб келаётгандай бўлаётгани, устахона деворларидаги бош чанок расмлари, стол устидаги чанок унга тинчлик бермай қўйганини йиғламсираб гапира бошлади...

— ... Шерзод халтачага солинган бош чанок ва қўл, сон, панжа суякларини қабристонга олиб борганда гўрков қишлоқнинг энг табаррук оқсоқоли Саидкарим бува билан чой ичиб ўтирарди...

— Келинг, келинг, рассом ўғлим, — деди гўрков Шерзодни очик чехра билан кутиб олар экан. — Қалай, даданг, аяларинг тинчми? Келин муборак бўлсин, тўйга ҳам туша олмадик, юртчилиқ... кетиб бўлмайди, бу ердан.

— Шерзодмисан, — ўтирган жойида бир тебраниб қўлини чўзди Саидкарим бува, — ке, болам, ке.

Бироз оксоқланиб юрадиган, бит кўзли, кичкина юзига шоп мўйлови ярашиб тушган серғайрат гўрков Шерзодга эски гўрни қазиб ундан чаноқ ва болқа суюкларни йиғиштириб беришда қанчалик одамлардан чўчиб «буни ҳеч кимга айта кўрма» деб юз баробар тайинлаган бўлса, ҳозир Саидкарим бувадан баттар хавфсираб қолди. Агар гўрков нарироқдаги биқиллаб қайнаб турган самовардан чой дамлагани кетмаганда балки Саидкарим бува ҳеч нарса сезмай қолармиди? Саидкарим бува Шерзод ёнидаги тугунни уларга шахардан келтирилган бирон егулик нарса деб ўйлади шекилли, қўлига олди-да титкилаб кўрди. Шерзод ҳам, гўрков ҳам бир-бирларига қараб қолишди. Саидкарим бува тугунни дастурхоннинг бир четига тўккан эди, ичидан бош чаноқ ва бошқа суюклар чиқди. У ҳайрон бўлиб бир Шерзодга, бир гўрковга қаради. Ҳаётнинг кўп аччиқ-чучукларини татиб кўрган, тўксондан ошган Саидкарим бува қаттиқ ҳайратланиш, ажабланиш сезгисини аллақачон босиқ мувозанатга алмаштирган эди. Бош чаноқни қўлига олиб узок тикилиб қолди.

— Бечоранинг боши ёрилган экан, мана жароҳат изи, — деди Шерзодга кўрсатиб, — ха, бандасининг аховли шу. Ҳаммамизнинг тақдиримиз шу.

— Тиши бутун экан-а... бир, икки, уч, тўртта, олти-та. Олтита тиши қолган экан, — қўшиб қўйди. Саидкарим бува гўрковга қараб. — Менда ҳам олтита тиш қолган, аммо лекин тегирмон тошидай ўткир, бақувват.

Эсанкираб қолган гўрков Саидкарим бувага яқинроқ келиб ялингансимон тушунтира бошлади. Гапнинг ўртасидан бўлиб, Саидкарим бува ўрнидан турди.

— Э, қўйсанг-чи, ялпизлама, мани тушунмайди дейсанми? Шерзод ўғлим маниям суратимни чизган. Йиғиштир, биров кўриб қолмасдан жойинга қўяйлик. Шерзоджон, болам, яхши қилибсан опкелиб. Ўлганларга озор бериш керакмас, тириклигида кўрганлариям етар.

Куз ҳазонларини шитирлатиб уч киши қалин теракзор ичига кириб кетишди.

Гўрков садақайрағоч тагида тўхтаб, текислаб кетган бултурги гўрнинг устида нималарнидир пичирлаб апила-тапила ишга тушиб кетди.

— Шу ердан олганмиз..., жойинга қўямиз, — деди у атрофига олазарақ кўз ташлаб.

Саидкарим бува Шерзоднинг қўлидаги халтадан бош чаноқни олди-да яна у ёқ, бу ёғига синчиклаб қаради.

— Тавба, — деди у ниҳоят Шерзодга «ўтир» деган маънода қўли билан ишора қилиб. — Биласанми, болам, бу кимники? Бу туккан бувангнинг бош чаноғи. Ха, ма-на шу қайрағоч атрофи сизларнинг хилхонангиз. Сен қазинётган гўр, — хассаси билан кўрсатди Саидкарим бува гўрковга, — Шерзодни бувасининг гўри. Ман кўмишда катнашганман. Уни инкивиди соллотлари отингни колхозга тоширмадинг, қулоқсан, деб ёмон калтаклашган...

Шерзод қўлига бош чаноқни ушлагандан буён бунчалик эти жимирламаган эди. Гўрков қазиган тупроқ устига ўтириб қолди. Саидкарим бува Шерзоднинг буваси хақида гапириб берди. Унинг кишлоқда қўли гул қулол бўлгани, у ясаган сопол чойнак, лаган, кўзалар ҳамон одамларнинг хонадонида сақланишни гапирди. Бурун кишлоқ аҳолиси дон-дунларини Шерзоднинг буваси ясаган хумларда сақлашганини, бўза ачитадиган, сув сақлайдиган, қатиқ ивитадиган хум, хумчалар ясашга уста бўлганини тўлқинланиб ҳикоя қилди.

— Раҳматлининг Қўкон араваси, қашка оти бўларди, — давом этди Саидкарим бува, — Шу аравада сопол буюмларни шаҳарга олиб бориб сотарди. Колхоз ташкил бўлганда шу отни тортиб олмоқчи бўлишди. Буванг бермаган. Отини Олчинбарда яшириб қўйган экан. Жуман деган ўқитувчи бўларди. Шуминан «закунчи» инкивиди айғоқчиларни экан, районга бориб чақишибди. Инкивиди келиб отни топасан, деб тихирлик қилишган. Охири отниям олиб кетишган, совет ҳукуматидан молингни яширгансан, деб раҳматлини қамаб қўйиб, роса дўшюслашган экан. Бош чаноқдаги из инкивиди соллотлари этингидан... Худо раҳмат қилсин, буванг Магадан деган жойдан қочиб келиб бир йилча яшадю, ўнганмади, оламдан ўтиб кетди, — ҳикоясини тамомлади Саидкарим бува.

Эски гўрнинг янги тупроғи устида тиловат қилиб бўлгандан кейин ҳам уч киши анча ўтириб қолишди. Кун қорайганда Шерзод Саидкарим буванинг қадамига эргашиб кишлоқ томон йўл олди.

... Орадан уч кун ўтди. Қабристондаги дарахтларнинг қуриган шохларини арралаб юрган гўрков садақайрағоч остидаги гўрнинг олдида таққа тўхтади. Қулол бува гўри қайта очилиб қолган эди.

## ПОРТРЕТ

Рассом Исқандар Мўминов нафақат ўзининг, ҳатто бола-чақаларининг ҳам туғилган кунини нишонлашни ёқтирмасди. Бунинг сабабини ўзидан бўлак ҳеч ким тушунмасди.

У ҳаётда йирик кадам ташлашни, катта еб, катта ичадиган одамлар билан борди-келди қилишни ёқтирарди. Туғилган кунни нишонлашни ўзича оилада ўралашиб қолниш, майдалашиб кетиш деб биларди.

У тенгдошларидан кўра унвондор, амалдорлар билан яқинлашишни хуш кўрарди. Ўзини одамлардан олиб қочиши, бир жихатдан тенгдошларидан устунлигини ҳис қилиши бўлса, бошқа томондан, аллақандай ички нори-золик аломати ҳам эди. Кимларда унвон йўқ, аллакимлар кўриниб-кўринмай, иш қилиб-қилмай унвонли бўлиб юриши, кимлардир тантаналар қўйнида, кимлардир жимжитлик қаърида ҳаёт кечиришини ич-ичидан эзилиб ўтказарди.

Эллик ёшга тулиши сабаб унга берилган унвон бирдан Исқандар Мўминовни ҳам туппа-тузук одам эканлигини кўрсатди-қўйди. Гап орасида «Туғилган кун ҳам яхши экан» деб қўйган эди, хотинининг кўзидан ёш чиқиб кетди.

«Хайрият, — деди хотини ичида, — шу сабилни эртароқ беришмайдимиз,.. эрим тушмагур ҳам одамларга ўхшаб яшаган бўлармиди? Сал бўлмаса одамови бўлаёзувди-я».

Кўнгироқлар тинмай қолди. Бигта, иккита бўлиб кела бошлаган меҳмонлар чўзилиб кетди. Охири эру-хотин келишиб якшанба кuni ҳамма ёру биродарларни меҳмонга чақириб, туғилган кунни, унвонни нишонлайдиган бўлишди. Асосан Исқандар Мўминовнинг дўстлари чақирилди.

Устахона ичида рассомлар, ёзувчилар, режиссёр ва артистлар худди бирининг миясидаги фикрни иккинчиси илиб кетгандай, бирининг дарди бошқасиникига уланиб қолгандай, суҳбат ловуллаб кетди.

Ижод аҳли туғилганга нимани гаплашарди? Аввал суҳбат бир-бирини мақташдан бошланиб сўнгра бошқаларни қоралашга ўтади. Ҳамма ўзини ижоднинг мушкул жумбоғи устида бош котираётганидан, кимлардир ҳалал бераётганидан, кимлардир тушунмаётганидан сўз очади. Ҳали бирор ижодкор ўз асарининг камчилигини бировга қўйиб-пишиб гапирганини ҳеч ким эшитмаганидай,

ижодкорлар тўпланганда унинг хақида сўз очилмаса ҳам яйраб-яшнаб ўтиргани камдан-кам топилади.

Искандар Мўминовнинг устахонасида гап кўпроқ унинг деворларга осилган этюдлари, картина эскизлари, натюрмортлари устида кетди. Мольбертдаги портрет анча мунозарага сабаб бўлди.

Бир-икки сеансли иши қолган портретда меҳмонлар орасидаги машхур ёзувчи диққат билан тикилиб турарди. Искандар портретни қанчалик меҳмонларга кўрсатгиси келмаса, ёзувчи шунчалик тўпланганларнинг фикрини билишни истарди. Хатто гапга чўғ ташлаш ниятида «Унчалик ўхшамайдими, менга-а?» — деб қўйди. Кимдир «Йўқ, жуда ўхшайди» деса, иккинчиси «Қойил, пешонангизни шундай йилтиратиб ишлабдики, худди Сукротни эслатади» деди. Бир чеккада сигарета тутатиб, гапга аралашмай турган кинорежиссёр портретга яқинлашди-да унга узоқ тикилди.

— Искандар дўстим, агар хафа бўлмасанг, — гап бошлади у, — портрет менга унчалик маъқул бўлмади. Мана ҳурматли ёзувчимиз ёнимизда. Наҳотки бу киши шунчалик сип-силлик одам бўлсалар? Портретда характер йўқ. Юрак дарди етишмайди. «Чўпон» асарингда бутун бир оламни қамраб олгансан. Унда чўпонлар образи, ҳаёти, тақдири бор. Бу кишини танимаган одам ҳеч қачон портретда ёзувчи образи акс этган демайди. Билмадим, балки янглишаётгандирман, лекин...

— Менинг фикримча, портрет анча дуруст, — деди ёзувчи режиссёрга қараб. — Рассом ҳар бир кишининг ўз характерини топса — рассом-да! Нега энди менинг юрагимда дард бўлиши керак экан? Мен бахтиёр замоннинг бахтиёр ёзувчисиман! Искандар романтик парвозга молик образ яратган экан — бу унинг услуби, шундай эмасми?

— Характер очмаган услуб одам бошини танламайдиган сартарошнинг устарасига ўхшайди, — деди режиссёр гапни ҳазилга йўйиб.

Искандар режиссёр дўстининг гапларида жон борлигини сезса ҳам кўпчилик орасида ҳали тугалланмаган асарнинг бунчалик муҳокама қилинишини истамади. Гапни бошқа ёққа буриб, дўстларни меҳмонхонага таклиф қилар чоғи режиссёр дўстини бир «узиб» олгиси келди.

— Сени портретингни ишламаганим учун норозисан-да, — деди қулиб.

— Сен кўпроқ машхур одамларни ишлайсан — деди режиссёр, — чунки бунақа портретларни тез сотиб оли-

нади. Бўзнинг портретни ўзимизга ўхшаган ўртамиёна  
рассомлар ишласаям бўлаверади. Масалан, Рўзига ўхша-  
ган! Дарвоқе, Рўзи кўринмайдимми?

— Рўзи-ми, — деди Искандар бир ёзувчига, бир ре-  
жиссёрга қараб, — Рўзи сенга «ўртамиёна» бўлдимми? Й-  
ў-қ... у улдуф рассом. Кейин биласанми... эҳтиёт бўл...  
агар Рўзи портретингни ишламоқчи экан, бир нарсани  
айтиб қўяй... У кимнинг портретини ишлаган бўлса...  
Аброр Хидоятлов, Олим Хўжаев, Шукур Бурхон, Ҳабиб  
Абдуллаев... эслаб кўринг-а, кўп ўтмай улар ҳаётдан  
ўтиб кетишади...

Режиссёрнинг устидан биров совуқ сув қуйиб юбор-  
гандай бўлди. Ёзувчи ҳам беихтиёр оркасига ўгирилиб  
мольбертга қаради.

Устахонадан меҳмонхонага ўтиб, ҳамма жой-жойига  
қўнмагунча гап-гапга уланмади. Шампанскоенинг пакил-  
лаши, қадахларнинг жаранглаши ширин табрик сўзлари-  
га уланиб, ўртадаги оғирлик кўтарилди. Ҳазил-хузул,  
аскниялар авжга чиқиб, навбат кутмай табриклаш давом  
этаётганда бирдан ичкарига шамолдай ҳайқириқ билан  
Рўзи кириб келди. Уни ўсик сочлари, пахмоқ соқолидан  
ҳамма таниди. Кўзлари чақнаган, ҳаяжонли Рўзи Искан-  
дарни кучоқлаб табриклади, ўтирганларга анчадан буён  
эллашиб қолган одамдай самимий илжайиб, қўлидаги оқ  
қовозга ўралган нарсани оча бошлади. Меҳмонхона сув  
қуйгандай жимиб қолди.

— Искандар, родной, — деди Рўзи қўлидаги расмини  
боши узра кўтариб, — сени табриклайман. Портретинг-  
ни ишлаб келдим. Одамзод бу дунёга дард билан келиб,  
дард билан кетади. Лекин унинг руҳи абадий қолиши  
керак. Мен сени руҳингни олиб келдим.

Искандарнинг хозиргина Рўзи ҳақидаги гапини эсла-  
ган меҳмонлар портретни томоша қилишнияи, бир нима  
дейишни ҳам билолмай ҳангу манг бўлиб қолишди.

1980

## ХУРРАК

Бир томондан хотиним «ётиб дам олсангиз бўлмайди-  
ми, лоақал бир йилда бир марта даволанинг, иш, иш деб  
умрингиз ўтаверадими, бунчалик жонингизни жабборга  
берганингиз билан биров кадрингизни билармиди» деса,  
иккинчи томондан дўхтирлар ҳам «жума кунини кеч соат

18 гача стационарга етиб боришингиз керак, жой тайёр» деб қолишди. Йўлданма қоғозни ёнимга солиб тўғри иш-хонага келдим. У ёк-бу ёқни тўғрилагандай бўлдим, уч ҳафталик ишларни режалаб, муовинини ўрнимга қолдириб, буйруқ чиқардим. Яна касалхонада кўздан кечириладиган қоғозларни олдим. Соатга қарасам, вақт ўтиб кетибди, эрталаб касалхонага борсам ҳам бўлар деган хаёлда уйга жўнадим. Эртаси куни стационарга барвақт-роқ келсам-да, гап эшитдим.

— Сизни кеча қутган эдик, шунақа эмас-да, — деди қабулхонада оппоқ халатли жувон, — қабул килот-майман, бугунги рўйхатда йўқсиз.

Узрли сабабим ҳам йўқ. Индамай тура бердим.

— Бирпас пойлаб туринг, мен бошлиқлардан рухсат сўрайинчи, — деди навбатчи дўхтир бекфарк охангда, ортиқча ташвиш бўлдингиз-да, деган маънодаги норози киёфада.

Кўнглим хижил бўла бошлади. Қабулхонадан ташқари ховлига чиқдим. Ўтган йили кузда шу стационарда бўлган воқеа яна юрагимни зиркиратди. Алоҳида хона беришларини илтимос қилмоқчи эдим, унинг ҳам иложи қолмади...

... Кеч куз эди. Қакшаган асабларни бироз юмшатиш учун шу ерга келган эдим. Ун кун иккинчи қаватдаги асаб касалликлари бўлимида даволанган эдим. Хонадаги шеригим — афғонистонлик студент йигит қанчалик рус тилида гаплашишни билмаса, мен шунчалик «дари»ни тушунмас эдим. Тўққиз кун имо-ишора билан гаплашиб, бир-биримизга жуда ўрганиб, ётиб-тураримизга кўникиб кетдик. У кетар чоғи кўзлари ёшланиб хайрлашди, бизникига келиб туришини сўрадим.

Студент дўстимни кузатиб хонага қайтаётган эдим, рўпарадаги хонада турадиган ўрта бўйли, декчадай юмалоқ қоринли, қоғоғи шишинқираган, чап кўзи бироз юмиллиб турадиган, бурнининг учида ёшлигидаги чечакнинг тамғаси қолган, ўрта ёшлардаги йигит ёнимга келиб:

— Домла, бир маслаҳат бор, — деди бирор сирли гапни айтмоқчи бўлган одамдай паст товушда. — Сиз ҳам ёлғиз қолдингиз, мен ҳам. Иккаламизнинг ёнимизга бугун янги келганларни қўйишади. Ким билсин, бирор сасиқ чоллардан кириб қолса, даволаниш хаволанишга айланиб кетади. Сизни кузатиб юрибман. Менга жа ёқиб кетдингиз. Мен Сизга ўхшаган беозор одамларни жа яхши кўраман. Таклиф бор: ё сиз келинг, ё мен борай!

«Мўмин Тўраевич» деб ҳамширалардан тортиб, дўхтирларгача атрофида парвона бўладиган бу одамнинг гапи мени бироз ширириб қўйди. Нима дейишимни билмай елкамни қисдим. Унинг юзида қувликми, гўлликми ё, содаликми, ишқилиб, бир қарашда ажратиб бўлмайдиган ишора пайдо бўлди.

Мен хаш-наш дегунча, у навбатчи дўхтирни етаклаб келиб, хонага кўч-қўлонларини таший бошлади. Бир зумда хонамизнинг ичи қоғозхалталарга тўлиб, балконга қўшимча стол келтирилди, унинг устига ҳам катта-кичик қаппайган қоғозхалталар терилди. Балконга бинтдан арқон эшилди, қазини осилди. Столнинг усти олма, хурмо, узум, ноклар билан тўлди. Хона билан балкондаги оғзи очилмаган қоғозхалталарнинг сони беҳисоб, оёқ қўярга жой топилмасди.

— Мана энди отамлашамиз, — деди у қўлларини бир-бирига ишқалаб. — Каравот этагидаги портфелни тортган эди, унинг ичидаги шишаларнинг шакири-шуқури эшитилди. У «Белый аист»ни очиб, мени столга таклиф қилар экан ҳазиллашди:

— Бундан бир-икки отвогач, қўнглингиз равшан тортиб, қанот пайдо бўлади, қарабсизки бир ҳафтадан кейин «ошпоқ ғоз» бўлиб уйингизга учасиз, кетасиз.

Анча гаплашиб ўтирдик. Одатда касалхонада одамлар тез яқинлашиб қолади. Дарди бирдай, фами бирдай, орзуси бирдай туюлган турли одамлар сиқилган юрагини бўшатиб олишга талпинишади. Мўмин Тўраевич билан суҳбатимиз аччиқ ичакдай тобора чўзилиб борарди. Ҳар қуни одат бўлиб қолган телевизор томоша қилиш, китоб ўқиш ҳам унутилди. Ҳатто ёнимиздаги хоналарда оғир беморлар борлигини унутиб, хохолаб юборибмиз ҳам. Бир маҳал ҳамшира югуриб келди. Унинг жовдираб туришидан «ахир бу ер чойхона эмас, касалхона-ку», дегучи бўлгани сезиларди.

Мен ҳамширанинг нима мақсадда келганини сезганимиз ва гуноҳларимизни ювиш мақсадида:

— Синглим хафа бўлмайсиз, биз «асаб касалликлари бўлгани беморларимиз» дедим ўнг қўлимнинг кўрсаткич бармогини чаккамга тираб.

У базур илжайди-да, бизга пўписа қилгандай, тартибга чақириб, чиқиб кетди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган, мен ечиниш ўзимни каравотга ташладим. Анча чарчабман. Маншат ҳам одамни чарчатар экан. Кимдир энг яхши дам олиш — мириқиб ухлаш, деган экан. Мен дуч келган жойда, трамвай,

троллейбус, автобуслардаям, хатто катта-катта мажлислардаям кўзимни юмиб мизғиб олишга одатланганман. Бошимни ёстиққа қўйсам бас, шу заҳоти кўзимнинг ичи уйқуга тўлиб қоларди.

Мен Мўмин Тўраевичнинг яна алланима деганини биламан, уйқу аралаш чапи.лагаган товушини эшитиб, у кази чайнаётган бўлса керак, деб ўйладим. У нималарнидир сурагандай бўлди, кўзимни очишга ҳам эриниб, орқага ўтирилдим; юмшоқ пар ёстиқларга шўнғиб, оёққўлимни буш узатганча симобдай эриб кетибман.

Туш кўрибман. Тушимда нотаниш одамлар мени қуршаб олган эмиш. Иккитаси қўлларимдан маҳкам ушлаб олган, биттаси бошимни ҳадеб сиқармиш. У икки қўллаб бошимни шундай сиқадики, бошим эзилиб, қапишиб, яримта қовоқдай бужмайиб, ичидан уруғлари чиқиб кетармиш. Бошимни сиқаётган одамни танийман. У кундузи бошимни массаж қиладиган аёл. Нега қовоғи солиқ. Нега эркакча кийиниб олган. Ғалати товушлар чиқариб, узун бармоқларини яна бошимга чўзади... Уйғониб кетдим. Мўмин Тўраевич паравоз бўлиб ҳуррак отиб ётарди. Ёнимдаги шамчирокни ёқдим. Мўмин Тўраевичнинг юзига нур тушса ҳуррак пасаяр, деб ўйладим. У илжайгандай туюлди, аммо ҳуррак авжига чиқа берди. Чалқанча ётган Мўмин Тўраевич томоғини коньяк билан фарғара қиляётгандай бир маромда қурилларди. Ўрнимдан турдим. Йўталиб қўйдим. Одам шарпасини сезган Мўмин Тўраевич бироз тинчланса керак, деб ўйладим. «Тушингни сувга айт» дегани шу бўлса керак. Мўмин Тўраевич авжга чиқса чиқади-ю, пастига тушадиган эмас. Елкасига секин туртиб, уйғотмоқчи бўлдим, қўлимни чўздиму яна тортиб олдим. Балки ўтиб кетар, ёнбошласа тинчиб қолар, деб ўйладим.

Чирокни ўчириб ўрнимга ётдим. Назаримда қоп-қоронғу хонада биров хўкизни бўғизлаётгандай туюлиб кетди. Мўмин Тўраевичнинг томоғига алланималар тўлиб, қалқиб кетгандай, нафас олиши оғирлашди-ю «ҳа», «ма», «вов» деган ғалати товушлар чиқариб юборди.

Ўз овозидан ўзи уйғонган Мўмин Тўраевич бироз жимиб қолди. «Хайрият» дедим ичимда, хурсанд бўлганимдан юрагим гул-гул ура бошлади. Ёстиқни бағримга олиб, кўзимни юмдим. Хона жим-жит эди...

Ўрнимдан туриб кетганим, чирокни ёққаним, хатто Мўмин Тўраевични уйғотмоқчи бўлганимни эслаб, ўзимни койингандай бўлдим. Умуман ҳаётда енгил бўлиш керак эмас-да. Балки ноқулай ётиб қолгандир? Балки тасо-

дифдир? Хотининг айтгандай, ҳамма сенга ўхшаб мушукдай ухлармиди? Яхшики, Мўмин Тўраевич уйғониб қолмади, хижолатпазликдан худонинг ўзи асради.

Уйқу яна элитиб келаётган эди, қулоғим остида ҳуштак товуши эшитилгандай бўлди. Қўзимни очиб қарасам, балкон эшигининг пардаси шамолда аста тебраниб турар, касалхона ёнидаги катта йўлдан «шувв» этиб, узоклашаётган енгил машина овози қулоғимга чалинди. Яна аввалгидан пастроқ ҳуштак товуши эшитилди. Товуш Мўмин Тўраевичнинг ёстиғи ёнидан чикарди. У оғзини ёстикка босиб олган шекилли лабининг чеккасидан «шит», «шиит» деган хира товуш эшитиларди. Мен ҳам «их-хи» деб томоғимни қаттиқ қириб йўталиб қўйдим. Мўмин Тўраевичнинг қулоғига ҳеч нарса кирмас, парво қилмай ҳуштагини баралла чалиб ётарди. Мен чорак соат аввал ҳайрон, сўнгра бутун аъзойи баданим вайрон бўлиб ётдим. Балки ухлаб қоларман, деб ўзимни юпатишга тушдим. Лекин бир нарсага иқрор бўлдимки, уйқу инсондаги энг табиий ва тазйиксиз бажариладиган эҳтиёж экан.

Ғайри табиий товушлар қулоғимдан ўтиб, миямнинг қават-қаватларига сингиб борар, худди осиб қўйилган темирга болға билан урганда тарқаладиган товушдай вужудимни титратиб, пешонамнинг икки чеккаси лўқиллай бошлади. Энди чидаб бўлмас эди. Ўрнимдан туриб кийиндим. Йўлакка чиқдим. Ҳамма уйқуда. Ташқарига чиқадиган эшик ҳам қулфлаб қўйилган. Телевизор кўрадиган миёнсаройга бордим. У ерда диван бўларди. Агар диван бўш бўлса ўша ерда ухламоқчи бўлдим. Қарасам, диван устида кечки навбатда қолувчи ҳамширалардан бири ухлаб ётарди.

Коридорнинг бошидан охиригача охиста юра бошладим. Ҳаммаёқ сув қуйгандай. Эшиги доимо очик, оғир беморлар ётадиган хона ҳам тинч эди. Фақат бизнинг хона ёнидан ўтаётганимда ичкаридан алжирашгами ё хурракками ўхшаган аллақандай ғайритабиий аралаш-қуралаш товушлар эшитиларди.

Қарасам соат тўрт ярим бўлибди. Бироз мизғиб олинса ёмон бўлмас эди. Нима қилиш керак? Мен нодон бўлмасам, майли, биродар, ёнимга ўтсангиз ўтақолинг, аммо хуррак отасизми-йўқми, деб сўрасам биров уришармиди? Қизиқ, ўзиям индамади-я?! Наҳотки хуррак отишини билмаса? Хотини бормикан? Жабр экан бечорага. Хурракка чидаган аёл ҳаётда барча хўрликка чида-са керак!

Оёқ кийимларимни шапиллатиб, оғир-оғир кадам ташлаб хонага кирдим. Мўмин Тўраевич аввалгидай бўғилиб-очилиб хуррак отарди. У оёқ товушига ҳам уйғонмади. Хонанинг ўртасида туриб «Э, худо» дедим овозимни чиқариб. Натижа бўлмади. Ечиниб ўзимни кроватга отдим. Кроватнинг тахталари ғачир-ғучур қилиб кетди. Мўмин Тўраевич эса у ёнбошидан бу ёнбошига ўтирилди. Менга қараб чилим тортгандай хуррак отарди. Шамчирокни ёқдим, ўрнимдан туриб, кроватга ўтирдим. Мўмин Тўраевичнинг юлқа лаблари осилиб кетган, бурун катаклари варракнинг даңдарагидай тебранар эди.

Ниҳоят, Мўмин Тўраевичнинг кроватини оёғим билан тепиб кўрдим. У худди оғзидаги сақични чайнагандай «кў, чам, чам, чам, чам» этиб тинчиди. Мен шу фурсатдан фойдаланиб, ухлаб олмоқчи бўлдим. Бошимни кўрпа ичига олдим. Кўнглим беҳузур бўлиб, баданимдан совук тер чиқа бошлади. Курсича ғаладонидан пахта олиб, икки қулоғимга тикдим. Энди хуррак бироз синик эшитиларди. Барибир, миям отилиб кетаётгандай, қулоқларим шанғиллаб ғалати шовкин-суронлар кела бошлади. Худди қулоғимга шовуллаган дарё товуши эшитилаётгандай бўлди. Баттар асабийлаша бошладим. Соатга қарасам 6 дан ошибди. Энди ухлашнинг хожати йўқ, ҳамшираларнинг йўлакдаги енгил-елпи оёқ шаршалари эшитиларди. Ўрнимдан туриб, ювиндим, соқолимни олдим.

Мўмин Тўраевич бирга понушта қилиш учун мени излаб дўхтирлар хонасига келганда мен бизни даволаётган врач билан ҳамма нарсани келишиб қўйган эдим.

— Сизни излаб юрибман, бу ерда экансиз, жўра, — деди у менга яқинлашиб. — Эрталабдан кайфиятингиз чоғ бўлса, кечгача зўр бўлади. Унинг оғзидан «гуп» этиб коньяк хиди анқиб кетди.

— Қани кетдик, юринг тезроқ, қазни совумасдан, арок илимасдан ўзимиз қизишиб олайлик.

Нарсаларимни йиғиштирар эканман, «Яна ўн кунингиз бор эди-ку» деди Мўмин Тўраевич ҳайрон бўлиб.

— Хай, майли, йўл олдидан бир пиёла олинг, — деди ниҳоят менинг кетишимга қатъий ишонгач.

— Раҳмат, кечагиси ҳам етади, — дедим худди унинг олдида гуноҳкор одамдай хижолат тортиб. Ўшанда стационарга иккинчи келганим бўлсин деб, кетиб қолган эдим. Мана, энди бугун бўлса кеч қолдинг, дейишса...

... Ўтган йилги воқеа кўз ўнгимдан ўтиб яна қабулхонадаги врачнинг гапи ортқичалик қилиб турган эди, ич-

каридан ҳамшира қиз чиқиб «юринг, сизни чақиришаяпти» деди.

... Кийимларни ўзгартириб ҳамшира билан бирга иккинчи қаватга кўтарилдик. «Асаб касалликлари бўлими»га ўтдик. Ёнимдаги ҳамшира 2-хона олдига бориб тўхтади-да «Мана шу ерда дам оласиз» деди ва орқасига қайтиб кетди. Мен эшикни очиб ичкарига қадам қўярманми, на чиқиб кетишни биламан, на олдинга юришни. Рўпарамда ўтган йилги ошнам Мўмин Тўраевич турарди. У хурсанд бўлиб, чапак чалиб юборди.

— Э, қадамларига ҳасанот, — деди югуриб келиб қўлимдан дипломатимни олар экан, — роса қўрқиб турган эдим, ким келиб қолади деб. Биттаси билан етти кун азоб кечдим. Вой, бунақа хуррак-ғурбатни умримда кўрган эмасман. Қани, қани ўтиринг, менинг мусичадай ювош дўстим.

Мўмин Тўраевич мени маҳкам қучоқлаб олиб юзларимдан чўлпиллатиб ўпар, оғзидан ароқ хиди келарди. Кўз олдим қоронғулашиб, хушимдан кетиб қолибман. Ўзимга келсам, реанимация хонасида ётибман.

1983

## «АЛАМ»

Хумсон қишлоғининг гузаридан сал ўтганда баҳайбат тут бўларди. Унинг танаси ошланмай қолган мол терисидай буришиб, йўғон илдизлари ер бағирлаб кетган, қалин шохларининг орасидан тангадай офтоб ўтмасди.

Оқсоқолларнинг эслашича, 30-йилларда мана шу тут соясида устига қизил алвон ёзилган хонтахта қўйилиб, ҳамқишлоғи Қодирхўжа деган чэка ходими одамларнинг бойини бойга, камбағалини камбағалга, қулоғини қулоққа ажратиб, рўйхатга олган. Одамларнинг исми шарифига «ов», «вов» деган қўшимчалар қўшиб ёзиш ҳам биринчи марта шу рўйхатдан бошланган экан. Шундан буён тут тагида умумий йиғинлар бўлиб турар, сумалак ё ҳалим пиширилганда қишлоқ аҳолиси шу тут атрофида тўпланишар эди.

Бу йил ҳам баҳор келиши билан тутнинг тагидаги Кўчар мўйлов чойхонасида дошқозон ўрнатилди, кексаю ёш наврўз баҳонасида елиб-югурарди.

Сайилга ҳеч ким таклиф этилмади. Ҳамма ўз уйидан топганини қўлтиқлаб келар, янги-янги полос, гиламлар

дейсизми, охори тўкилмаган кўрпачалар тўшалиб, кексалар иззатда, ёшлар хизматда бўлган бир пайтда кишлок советининг яқинда сайланган раиси Қодирхўжа келиб қолди.

— Йиғиштиринглар бу ўтмиш саркитини, — деди у важоҳат билан, — «Наврўз» — бу диний маросим, ҳозир ҳамма жойда динга қарши кураш бораётганда. Қўчар бува, бу нимаси, одамларни ишдан қолдириб бир қозон бўтқага сиғиниб ўтирибсизлар.

— Қодирхўжа, ўғлим, бу ота-боболаримиздан қолган эски удум, отаси айналсин, бугун дам олиш кунни, байрам, наврўз — байрам-да. Қара, ўғлим, одамларга қара, шунча одамми пул бериб чойхонага тўплаб бўлмайди-я!

— Қўчар бува, сиз кекса коммунистсиз, фронтовик, урушда бир қўлни ташлаб келгансиз, ҳамма нарсага тушунасиз, мана ҳозир ўзингиз айтдингиз, «Наврўз — эски удум» деб. Демак, биз бу эскиликка қаршимиз, янги байрамлар бўлса — марҳамат! Мен ҳозир райкомдан келдим, одамларга диннинг зарари ҳақида тарғибот қилиш ўрнига, Сиз бўлсангиз, «Наврўз» дейсиз-а?!

— «Наврўз» билан диннинг алоқаси йўқ, — деди мактаб ҳаваскорлари олдида турган тил-адабиёт ўқитувчиси.

— И-е, домла, сиз ҳам шу ердами? Сиз динга қарши курашда ўрناق кўрсатиш ўрнига бунақа ишларга ташкилотчиман, денг. Ҳамма бало чаламуллолардан чиқади. Ҳозир одамларнинг онгини ўзгартириш керак, деб бежиз айтилмайпти. Авваламбор ўқитувчиларнинг онгини ўзгартириш керак, токи ёш авлоднинг миясини захарламайсин!

«Наврўз» байрамга эмас, азага айланди. Одамларда мансабдор гапига кўр-кўрона итоат этиш, кишлок раҳбарига тик бориш одобдан эмас, деган андиша занжирлари кучли эди. Одамларнинг нима қиларини билмай, эсанкираб турганини кўрган Қодирхўжанинг жазаваси тутиб, оёқ остидаги икки челақ сувни етилган ҳалимга ағдариб, ирғай сопли капкирини улоқтириб юборди. Чор-атрофдан эшитилган «ух» деган нидо дошқозондан таралаётган ҳалим ховурига қўшилиб осмонга қўтарилди.

Эртаси кунни бундан ҳам даҳшатли воқеа бўлди. Қодирхўжа район марказида дўконлар атрофида ивирсиб юрадиган кишиларни олиб келиб қарияларнинг мазор ёнида қурган шийпонини буздириб юборди. Ба-жарилган иш ҳақиқа кўрпача-ёстик, полосларни олиб

кетинглар, деган эди, ишчилардан бири гоҳ кўрпача-ёстикларга, гоҳ Қодирхўжага қараб «Ўртоқ, бу бизга тўғри келмайди, яхшиси, ваъдалашган «яримта»ни бера қолинг», деди.

— Ахир, буларни сотсаларинг 10 та «яримта» келадди, — қистади Қодирхўжа.

— Йўқ, йўқ, бизни ким деб ўйлаяпсиз, биз одаммиз ахир, — хафа бўлди иккинчиси шеригига «юр» ишорасини қилиб мозордан чиқиб кетар экан.

Қодирхўжа кўрпача, ёстик, полосларни «Жигули»га жойлаб Кўчар мўйлов чойхонасига келди. Қариялар кечаги «Наврўз» дардида қоврилиб ўтиришган эди. Уни кўрган захоти чолларнинг қовоғи осилиб, бошлари оғирлашди. Қодирхўжа «Жигули»даги нарсаларни чолларнинг олдига ташлади.

— Кўчар бува, энди ҳамма нарса замонавий бўлсин деймиз-да, — деди ялпизланиб, — анави кир кўрпачаларни ёқиб ташланг, мана бу пар ёстикларга ёнбошлаб, индийский чойларни ичиб, дегандай...

Қариялар сергакланиб қолишди. Эрталаб гўрковдан эшитган чала-чулпа гапларга бир ишониб, бир ишонмай ўтирган бўлсалар-да, иш бунчаликка бориб етади, деб ўйлашмаган эди. Кимдир «қизиталоқ» деди. Кўчар буванинг қўли калтираб, пиёладаги чойи кўрпачага тўкилди. Қариялар ҳушини йиғиб олмасданоқ Қодирхўжа «Жигули»сига минди-да, идора томон учиб кетди. Машина орқасидан кўтарилган тутун, чанг-тўзон гирдобиди Қодирхўжанинг қораси ўчди. Қоравой кассоб овзидаги носни Қодирхўжа кетган томонга туфлаб, «ҳа, баччағар» деди лабларини енги билан артар экан. Унинг бароқ мўйловлари диккайиб кетган эди.

Қариялар худди олдиндан келишиб олгандай бирдан қўзғолиб Қодирхўжа мозордан келтирган нарсаларни битта-биттадан қўлтиқларига қистиришди. Тизилишиб кишлоқнинг ўнқир-чўнқир кўчасидан қокилиб-сурилиб Боғ маҳалла томон йўл олишди. Кўчада ғалати аҳвол юз берди. Қадим замонларда келиннинг сепини аёллар кўчада худди мана шундай тизилишиб кўтариб боришарди. У пайтларда аёллар сурнай, чилдирма садолари остида кийқириб-чақириб, ғовур-ғувур боришган бўлса, ҳозир чоллар оёқларини босайми-босмайми, деб ўзларига ўзлари оғир юк бўлиб, имиллаб юришарди.

Қариялар Қодирхўжа дарвозасига келиб тўхтадилар. Уйда Қодирхўжанинг онаси йўқ экан, ҳовлидаги темир сўри устига лаш-лушларни ташлаб кетишди. Қодирхўжа-

нинг хотини ҳовлига чиқолмай дераза шардаси ортидан уларни муъзам қузатиб турди.

Қодирхўжа уйга қайтганда онаси гужанак бўлиб ўчоқбошида ўтирарди.

— Ойи, тушунинг ахир, қанақа замонда яшайпмиз. Мен одамлар бетига оёқ тираётганим йўқ, уларга тўғри йўл кўрсатайман, бу қанақасига гуноҳ? — деди туюқиб. — Чиройли қишлоғимиз бор, одамлариям яхши, уларга эски расм-русумлар сўгалдай ёнишиб ётмасин дейман-да.

— Ҳа, болам, сўгални юлиб бўлмайди, юлсанг қонини тўхтатиш қийин. Одамни шарманда қилдинг... Отанг ҳам «замон-замон», деб қанча одамларнинг ёстиғини қуритган. Ҳеч бўлмаса, сен замонфуруш бўлма, болам! Замонни инсон билан имон яратишини унутма.

Қодирхўжа онасига «Нимани тушунар эдингиз, кампир» деган маънода бир қараб қўйди-да кўчага чиқиб кетди. У ҳар кунни чойхона олдигаги тут ёнидан тасуртурсур ўтарди-ю, унга ҳеч тикилиб қарамаган экан. Тутга яқинлашдию, ғалати бўлиб кетди. Тутнинг ерга бош эгган йўғон шохининг у ер-бу ерида узун-қалта латталарга кўзи тушди. Бадани жимирлашди. «Раҳбарлар кўриб қолса борми? Қишлоқнинг нақ пешонасида-я, ҳамма ўтиб, кетиб турадиган жойда бу латталар...»

Қодирхўжа биларди, бунақа латталар бурун мазор четдаги, ё бирон овлоқ жойдаги шиста, дўлана, қайрағочларнинг шохларига боғлаб қўйилар, кейинги йилларда бу одат йўқ бўлиб борарди. Қодирхўжа бунини қишлоқда «Алам боғлаш» деб аталишини ҳам эслади. «Буниси нима энди?» Бу «алам»лар қачон боғланган. Ким боғлаган? Олдин ҳам бормиди, ё у қишлоқ советига раис бўлгандан кейин боғландими?..

Қодирхўжа чойхонага разм солди, жимжит, ҳеч ким кўринмайди. Кўк, қизил, оқ, сариқ латталар илинган шохни синдириб йўлнинг чеккасига улоқтирди. Бир-икки қадам ташлаб орқасига қайтди, улоқтирган шохдан латталарни йиртиб олди-да рўпарадаги кесак девор қавакларига тикиб қўйди.

Ўша кунни у миҳжа қокмади. Хойнахой, бу душманлик бўлса керак, деб ўйлади. Унинг раис бўлганидан ичи ёнаётганлар йўқми, бор! Бу, албатта, ғаламуслик белгиси. Шу йўл билан уни район раҳбарларига ёмонотлик қилишмоқчи. «Мана, қараглар, Қодирхўжа раис бўлган қишлоқда тарбиявий ишлар чатоқ, одамлар диний сарқитларга муккасидан кетган, Қодирхўжани иш-

дан олиб, партиядан ўчириш керак, демокчилар. Йўқ, овора бўласиз. Хозир оркангдан қувган итга тош оғсанг эгасига тегади. Бунинг олдини олиш керак. Ғаламисларни топиб, шарманда қилиш керак...»

Қодирхўжа эрталаб боши ғовлаб, қўзлари кизариб, қовоғини осилтириб идорага келди. Кўнгил ғашн ҳадеганда тарқалмади. У воқеани район раҳбарларига шиштиб қўймоқчи бўлди.

Пешиндан кейин районга бора туриб, тут олдида машинасини тўхтатди. Қараса, тутнинг одам қўли етадиган шохида яна бир-иккита кизил латталар пайдо бўлибди. Қўзларига ишонмади. Киприкларини пирпиратиб яна тикилди. Ростакам латталар хилпираб турарди...

У индамасдан машинасига ўтирди-да жўнаб кетди. Шундан кейин у ҳар куни эрталаб, кечқурун ҳеч кимга сездирмай тутни қузатадиган бўлди. Бир ҳафта ичида «алам»ларнинг сони тобора ортиб, узокдан хилпираб турган байроқчаларга ўхшаб қолди.

Қодирхўжа нима бўлмасин бу масалани ҳал қилмоқчи бўлди. У ўйлаб-ўйлаб тутни тагидан кесиб ташлаш керак деган қарорга келди. Аммо на чойхонада, на қишлоқда унинг ёнига ўтадиган одам топилмади. Одамлар қанчалик қаршилик кўрсатмасин, у шунчалик ниятини рўёбга чиқаришга ошиқди.

... Эрталабдан айниган ҳаво пешиндан кейин янада қовоғини солиб олди. Осмон тўла қуюқ туман, момоқолдирак гох Мингбулоқнинг устида, гох Олчинбарда гумбирлаб қолар, ёш-ялангни чўчитадиған даражада чакмоқ қарсиллаб ўтарди.

Қодирхўжа райондан дарахт кесадиған ишчиларни олиб келганда ёмғир томчилай бошлади. Улар тутга қараб хангу манг бўлиб қолишди. Бунақа минг йиллик баҳайбат дарахтни қулатишга ҳеч кимнинг юраги дов бермас эди.

— Хўжайин, — мурожаат қилди ишчилардан бири Қодирхўжага, — бироз кутиш керак, ёмғир ёғади, шекилли.

Қодирхўжа чети пешона теридан йилтираб кетган шляпасини қўлига олиб осмонга қаради. Сершоҳ тутнинг барглари орасидан осмон кўринмасди. Унинг пешонасига тушаётган дўланадай-дўланадай томчилар юзини ювиб лаблари томон оқиб тушар, у тамшаниб оғзида ифўр бир таъмини сезди.

Тоғ хавоси эмасми, бирдан ёмғир челақдан қўйгандай шариллай бошлади. Бир зумда қўчаларга сел келиб, ҳамма уй-уйинга югуриб қолди.

Қодирхўжа дарахт кесувчиларни чойхонага жойлаб идорада ҳавонинг очилишини кутмоқчи бўлди. У чойхонадан чиқиб тут тагидан ўтаётганда бир нарса унинг теппасида шундай гўмбурладики, еру осмон қўшилиб кўзидан учқун чиқиб кетгандай бўлди. У кўзини юмиб очишга улгура олмади...

Одамлар тўпланишганда Қодирхўжа қоп-қора куяга айланиб, ер тишлаб ётарди. Уни яшин урган эди.

Мархумнинг «етти»сидан кейин тутнинг шохида яна битта латта пайдо бўлди. Қодирхўжанинг онаси «алам» боғлаб кетган эди.

1988

## ТУГАЛЛАНМАГАН БАҲС

Пигирма саккиз-ўттиз ёшлардаги жувон учта боласини эргаштириб купега кириб келди. Унинг қўлида йўрғакланган чақалоғи ҳам бор эди. Аёлнинг тўққиз-ўн ёшлардаги ўғли сунъий теридан тикилган қора йўлхалта, етти-саккиз ёшларга бориб қолган қизи тугунча кучоқлаб олган, тўрт-беш ёшлардаги қош-кўзлари қоп-қора, чиройли бола онасининг этагини ушлаб турарди.

Халтослаб келган жувоннинг пешонаси, қовоқларининг ости тердан йилтирар, қизалоқнинг сочлари тўзғиган, боланинг гавдаси сумка ушлаган ўнг қўли томонга оғиб турарди.

Купеда элликлардан ошган аёл ўтирарди. У болали жувонни кўрган захоти ўрнидан кўзғалиб, жой бўшатди. «Ўтиринг, ўтиринг» деди чақалоқни жувоннинг қўлидан олар экан.

Кўпболалик жувон таниш одамга боласини узатгандай бўлди, ўғлининг қўлидаги йўлхалтани, қизи кучоқлаб олган тугунни хотиржам жойлаштира бошлади. Она-болалар симга кўнган қалдирғочлардай қатор ўтиришди. Жувон нафасини ростлаб, тўзғиган сочларини тузатиб, рўмолининг четига юзини артар экан, бегона аёлга миннатдор жилмайиб қўйди. Унинг самимий қарашидан «Сиз ҳам аёлсиз, тушунасиз, опагон» деган маъно ётарди.

— Новвоглар ўзингизникими? — сўради ўрта ёшлардаги аёл.

— Нимасини айтасиз, уйда яна тўнғичим қолган, — жавоб қилди жувон қишлоқ аёлларига хос бетакаллуп гурур билан.

Жувоннинг исми Сожида эди. Ўрта ёшлардаги аёл ўзини Адолат деб таништирди.

Сожида чакалокни йўргаклаётганда купенинг ичида фақат гўдаклардан тараладиган, баъзан нам қўйлакни дазмонлаганда чиқадиغان таниш ис димокка урилди.

Купега ёш эр-хотин кириб келди. Улар юқоридаги жойларни эгаллар экан, ҳар бир ҳаракатларини олти кўз бўлиб кузатаётган болаларга қараб-қараб қўйишди. Болалар бир-бирининг пинжигга кириб, атрофга олазarak термулиб ўтиришарди. Афтидан болалар поездга кам чиқишган, кўзларида қувончдан кўра ажабланиш, ҳайратга ўхшаш безовталиқ бор эди.

Эру хотин купенинг ичида узок қолишмади, йиғит ичкарига шиддат билан кириб портфелини тепага нечоғлиқ чакқон улоқтирган бўлса, шунчалик тез ташқарига чиқиб кетди. Хотини бироз уймалашиб турди-да, йўлакда проводникка нималарнидир уқтираётган эрини кўриб, секин унинг ёнига борди. Улар бошқа жой топмади шекилли поезд анча жилгандан сўнг купе ёнида пайдо бўлишди. Шу турганча узок қолиб кетишди. Купенинг ичига қараб-қараб қўйишларидан ичкарига киришга юрга бетламаётгани сезилиб турарди.

Поезд тобора тезлашиб, филдиракларнинг бир маромдаги «тақа-тук», «тақа-тук», тақ-тук»лари кишини аллаовчи садога айланиб борарди.

Проводник купега бошини суқиб, «чой ичасизларми?» деди. Адолат опа «Ха» деб бошини силкиши билан Сожиданинг кичик ўғли онасига ялт этиб қаради. Сожида тугунча ичидан булочка, бир шода тешиккулча олиб дераза олдидаги кичкина пештахта устига қўйди. Катта ўғли булочкани иштаха билан ея бошлади, кичиги бир қўлида булочка, иккинчи қўлида — тешиккулча, қайси биридан ишни бошлашни билмас, қизча бегона аёлдан нийманиб, онасига термулиб ўтирарди. Сожида унга «олавер» ишорасини қилди.

Адолат она-болаларнинг ахволини кузатиб ўтирарди. Болаларнинг иштаха билан қуруқ нон ёйишимми, ё фақат оналарда бўладиган, аёлларгина сезадиган ички бир тўлқин қалқиб кетдимми, беихтиёр қўллари пастда турган елим халтага чўзилди. У халтадан бир бўлак пишлок, шалдиروق қоғозга ўралган сариёғ, пиширилган товук, «ок олтин» конфетларини олиб ўртага қўйди. Шунда болаларнинг кўзларида байрам мушакларини томоша қилганда чарақлайдиган учқунларни сизди. У товукни болаларга улашди-да Сожидага юзланди.

— Меникилар ҳам товуқни яхши кўришарди, ёш-ли-  
гида, — деб қўйди.

Чой келгунча пишлок, товуқ, «оқ олтин»ларнинг  
чанги чиқиб кетди. Сожида хиёл ўнғайсизланиб ўтирган  
эди, Адолат опа унга қараб «Кўйинг, хижолат бўлма-  
нг, одамдан азиз нарса борми дунёда», деди.

Сожида болаларни бирин-кетин ётқизди. Иккита ўғ-  
лининг бошини дераза томонга, чақалоқни қизининг ёни-  
га жойлаштирди. Ўзи болаларнинг оёқлари туташган  
жойга аста қўниб, «худога шукр, эрталаб уйга етиб ола-  
миз, адалари ҳам тузалиб қолдилар», деди.

Адолат опанинг кизиксиниб турганини сезиб, «Ада-  
миз касалхонада, кўриб келаяпмиз, авария қилиб  
қўйганлар», қўшиб қўйди Сожида хўрсингандай чуқур  
нафас олиб.

Сожида эрининг бошидан ўтган воқеани гапириб бер-  
ди. Шофер эри қурилишда бетон ташиб юрганда кечаси  
қўзи илганиб зовурга тушиб кетибди.

— Шунча ялинсам ҳам қайсарлик қилдилар, — га-  
пини давом эттирди у. — Кечаси ишламанг, ўғлимиз-  
нинг суннати бу йил бўлмаса янаги йил бўлар десам  
хам унамадилар. Пул топанан, тўй қиламан, деб шу  
ахволга тушиб қолдилар. Оёқларини кўтариб қўйиш-  
ганди, хайрият, энди дўхтирлар оз-моз юришга рухсат  
беришибди.

Сожида эрининг авариясини гапириб берар экан,  
унинг хазин овозлари, имо-ишоралари Адолат опага  
худди мункиллаган кампирнинг ҳолатини эслатиб юбор-  
ди. Аслида Сожида жуда чиройли юзли, қош-кўзлари  
хайкалтарош меҳридан пайдо бўлгандай бежирим эди.  
Эғнида иссиқ кунларда баданга ҳаво ўтказмайдиган  
кремлин қўйлак, ювилавериб ранги ўчган жемпер,  
оёғида поинаси қийшайиб кетган калта этик, қўлоғида  
қизил кўзли хонаки тилла зирак. Катта ўғли ҳалоплан-  
ган енглари очилган костюм кийиб олган, қўйлак ёқала-  
ри рижимланган латгани эслатади, ҳаммом кўрмаган  
қўлларининг тирноқлари ўсиб кетган қизчанинг оёғида  
ўғил болалар княдиган пайпоқ...

Сожида ҳам ер остидан Адолат опага разм солди.  
Онаси тенги аёлнинг озода, ихчам кўриниши, лабла-  
рининг энди қизара бошлаган олчадай нимранги, қош-  
ларининг ёйсимон таранглиги, айниқса, унинг енгил  
ҳаракатидан атрофга таралаётган дилни қитқловчи  
оромбахш атир хиди Сожиданинг хавасини келтиргу-  
дай...

Орадаги жимликни чақалоқнинг рингшигани бузди. Сожида чақалоқни бағрига олди. У бегона аёл рўпарасида кўкрагини боласига тутишдан иймангандай бўлди. Айниқса, кўйлагининг тугмасини бўшатиб, кўкрагини чақалоқ лабларига яқинлаштирар экан, ғалати бўлиб кетди. Пешонасидан совуқ тер чиқди. Болани ўпмоқчи бўлгандай оппоқ йўргакка пешонасини артди. Унинг сутга чайиб олгандай тиниқ сийнасига хавас билан қараб қолган Адолат опа жувонинг танқўйлаксиз эканини сезиб, секин кўзини олиб кочди.

Сожиданинг аъзою-баданида титрокка ўхшаш ички бир хапкириш пайдо бўлди. Вужудидан қуйилиб келаётган сутми ё уялишми, у тушуниб бўлмайдиган мураккаб кечинмалар гирдобида қолди. Бир лахзадан сўнг Сожиданинг кайфияти ўзгарди. Чақалоқнинг «култ-култ» эмгани сари қўлчалари билан она сийнасига миннатдор ёпишиб олишидан симобдай эриб, кўзлари бир сиқим нур киргандай ёришиб кетди, бежирим лабларида табассум жилваланди.

— Менинг давлатим шулар, — деди Сожида гўё Адолат опа хаёлидаги гапларни ўқиган одамдай, — биров мол йиғади, тилла тўплайди, биз мана шу болаларнинг ташвишида ўтиб кетамиз.

— Шу ташвишни камайтиришнинг иложи йўқми? — деди Адолат опа синовчан назар ташлаб.

— Нимага камайтирамиз, опа, — Сожида ўйланиб турди-да гапини давом эттирди. Беташвиш одам — одаммас. Кейин... буни нимаси ёмон... Тирноққа зор аёлларни кўриб юрагинг эзилиб кетади...

— Тўғри, Сожидахон, синглим, — деди Адолат опа, — тушунаман, бола жуда азиз одамга. Айниқса аёлларга! Энди демоқчиманки, замонга қараб яшаш керакмикан?!

— Замонимиз болаларга қаршими? — сўради Сожида.

— Йўқ, қарши эмас, аксинча, болаларга ғамхўр, аммо ҳозир янгича яшаш учун кураш борапти, эскича яшаш, эскича одатлардан қутилишимиз керакмасми?

— Гапингизга тушунмадим, — жавоб қилди Сожида, — бола туғиш «эскича» бўлиб қолдими? Балки аёлларни товук фермада жўжа очиргандай ҳисоб-китоб билан болалатиш керак демоқчимисиз?

— Йўғ-э, гапни бурманг, мен шароитга мослаб яшаш керак демоқчиман. Ҳозирги турмуш икки-учтадан ортик болани кўтармайди, аёлларимиз қийналиб кетишяпти

демоқчиман. Ҳам ишлаб, ҳам беш-олтита болани тарбиялашнинг ўзи бўладими?

— Ахир эркаклар билан ҳуқуқимиз тенг-ку, опа, — кинояли кулди Сожида, — ишламайлик бўлмаса, айтинг бизнинг раисга: «Сожидахон, чақалоғини дала шийпондаги тўр арғимчоққа боғлаб пахта термасин, уйда туғиб ўтирсин, эрига кўп пул беринг», деб айтинг, нима дер экан. Жон деб уйда ўтирардим, ўнта бола туғиб қаҳрамон бўлардим.

— Ана шуни айтаяпман-да, сизнинг қаҳрамон она бўлганингиздан кимга фойда?.. Ўзингизгами? Болаларингизгами? Эрингизгами? Ё давлатгами?

— Миллатингизга фойда! Ҳозир ҳамма «миллат, миллат», «миллатга фойда келтириш керак» дейсизлар-ку! Мен ҳам миллат ғамини ейдиган болаларни кўпайтирай дейман-да, опагон.

— Бу гапларингиз ё ҳазил, ё кесатик гаплар, Сожидагон, — деди Адолат опа. Сиз миллат ташвишини қилмай қўяқолинг, унинг ўз одамлари бор. Мен бошқа нарса айтмоқчиман: одам дунёга бир марта келади, ўзиниям ўйлаши керак-да! Айниқса, аёл!

— Адолат опа, гапларингиз тўғрику-я, аммо фақат ўзини ўйлаган одам бировни ўйламайди-да. Кейин аёллар пешонасига ёзилган нарсалар бор. Бу ёзувларни ё худованди Карим ёзиб қўяди, ё одамлар ёзиғи бўлади. Одамлар ёзувини ўчириб ташлаш мумкин, Оллоҳ тамғаси жон билан кириб, жон билан бирга кетади. Бола туғиш бизга ҳар гал ё кўзимизни очади, ё кўзимизни юмади. Бу тақдир азалдан қочиб қутулиб бўлмайди.

— Синглим, тақдирга тан берадиган давр эмас, тақдирни яратиш керак, қайтадан яратиш керак, — деди Адолат опа бироз асабийлашиб.

Купенинг юқори ўриндиги ғичирлаб пастдаги хотинларнинг гапига кулоқ бериб ётган ёш жувон ёстиғини бағрига маҳкам босиб бошини пастга осилтирди.

— Кечирасизлар, — бахсга аралашди у, — мен бу аямларнинг гапига қўшиламан. Кўп бола туғиш — ўта маданиятсизлик, кейин вообще, бемаъни одат.

Сожида ялт этиб бошини кўтарди. Унинг кўзи ёш жувонга эмас, рўпарадаги ўриндикда ётган йигитга тушди. Таниш туюлди бу йигит, қаердадир кўрган, ўйлаб туриб, эслай олмади...

— Ҳозирги замонда, — гап бошлади ёш жувон, — кўп болалик — қоқоқлик, кейин ота-онага ҳам, жамиятга ҳам фойдаси йўқ. Нима учун дейсизми? Шунинг

учунки, аёллар бешта, ўнта туққандан кейин аввало ўзларининг соғлиғини йўқотади, бу болаларни касалга чалантирмай ўстира олмайди. Кетма-кет туғилган болалар нимжон, сурнай илик бўлиб ўсишади. Буни медицина тасдиқлайди. Мен врачман, яхши биламан. Ота-она ўнта болага ҳеч қачон кўнгилдагидай тарбия беролмайди. Бунга на даромад етади, на сабру тоқат! Ахир кимга керак бунақа чалажон болаларни. Битта-иккита, борингки, учта бўлсин, шуларни ювиб-тараб, едириб-ичириб вояга етказишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Менинг фикримча, аёллар ўттиз ёшгача бола туғиб уларни тарбиялаши, мундоқ у ёқ-бу ёғига ҳам қараб яшаши керак-да. Назаримда ўзбек аёллари эски фабрикага ўхшаб қолган, уларнинг махсулотларида ҳам брак кўп. Жуда кўп ёш болаларнинг ўлиб кетишига сабаб мана шунда!

Сожиданинг руҳини бу ёш жувоннинг гаплари тўзғитиб юборди. У ўрнидан сапчиб турди. Унинг миясида «чалажон», «нимжон», «брак», «бетарбия» сингари сўзлар бир-бирини қувиб юрарди. Ҳатто гапини нимадан бошлашни билмай эсанкираган ҳолда ёш жувонга ўқрайиб қаради:

— Кечирасиз, синглим, бу бемехр гап, — деди рўмолининг учи билан бурнининг устидаги терни артар экан Сожида — агар болалар кўп ўлаётган экан, буни мен билмайман — рост гапми ё ёлғон гапми, аммо лекин бунга кўпболалик сабаб бўлмаса керак. Сиз дўхтир экансиз — асраб қолинг! Балки сабаби топилиб қолар?!

Сизга ўхшаган олимлар табиатни қул қиламиз, деб одамларни қул қилиб қўйди-ку! Ширин боғларимизни кўз ёшлари билан суғораямиз. Бир қултум сут учун қишлоқни гир айланиб чиқамиз. Ҳа, мен ўнта болага кўкрагимдан сут етказиб беролмаслигим мумкин, ҳозироқ бештаси тинкамни қуритаёзди. Аммо мен болаларимга мехр сутимни бераман. Томчи-томчи бу сутларим менга мехр булоғи бўлиб қайтади.

— Э, хафа бўлманг опагон, қайси ота-она ўз фарзандларидан ёлчиган, боқиб-боқиб туваги оқармаганларни кўп кўрганмиз.

— Хаммаси эмас, — жавоб берди Сожида, — гуруч курмаксиз бўлмайди. Фарзанд ташвиши энг тотли ташвиш, фақат фарзанд довидан худойим асрасин. Энди ҳар хил болалар бўлади. Тарбиясига боғлиқ. Соқолига оқ оратасаям отасининг елкасида «отам дерман» деб юрганлар йўқ эмас.

— Сожидахон, ҳамма нарса тарбияга боғлиқ дедингиз, — гапга аралашди Адолат опа, — бу жуда тўғри, — Ахир кўп болали ўйда қандай қилиб тарбия бўлсин? Икки-учта болани зўрга тарбиялаймиз-у, беш-ўнта бўлса... вой-вуй... тасаввур қилолмайман.

— Буни ҳеч қийин жойи йўқ, — бамайлихотир жавоб берди Сожида, — одамни одам тарбиялайди, қичқини катта, биттани кўпчилик эргаштириб кетади. Гап эру хотин иноқлигида.

Маданият-чи, маданият, — гапга аралашди юкори ўриндиқдаги ёш жувон, — ахир китоб ўқиш керакми, яхши кийиниш керакми? Кино, театрға бориш-чи? Саёхатға-чи? Фақат бола-чақа деб умрни совуриб юборган билан биров раҳмат дейдими? Яқинда битта хикоя ўқидим. Саксон ёшга чиққан чол биринчи марта Самарқандни кўриб «дунёда шунақа шаҳар бор экан-а», дебди. Америкадан, Африкадан, Хиндистондан одамлар келиб Ўзбекистонни томоша қилишади, биз бўлсак бола-бола деб эшик хатлаб ташқарига чиқмаймиз.

— Синглим «маданият», «маданият» дедингиз, буни сизчалик тушунмайман. Бизга ўхшаганларнинг ўқишдан қолиб кетгани — тўғри. Кишлоқ-кишлоқ-да! Барибир, гапингиз қулоғимға эриш ботади. Сиз одам бориб кўрса бўладиган нарсаларни гапирдингиз. Яна алланималар ҳам бор одам юрагида. Уларни кўриб бўлмайди, фақат сезиш мумкин. Нима десамийкин... ўзбекнинг ўзбеклиги унинг болажонлигида, болаларининг ерга, элга меҳрида. Мана шу меҳрни вояга етказиш ҳам маданият эмасми?

— Ерга меҳрлиман, деб, болаларни тупроққа оёқ-яланг хайдаб қўйиш керакми? Ўнта болани чанг билан тўйдириб бўладими?

— Шунни айтаман-да, болаларни камайтиргандан кўра озиқ-овқат, кийим-кечакни кўпайтирса яхшимасми? Қорин тўйдириш қийин иш эмас, кўзни тўйдириш қийин. Бирор бола ерга новда тикиб қўйса эсини танигунча у мева беради. Юрт бойлиги ер қаъридан кўра эл бағрида кўпроқ бўлсин деймиз-да! Кейин яна бир гапим бор. Шаҳарликларни кишлоқ боқади, тўғрими? Ана шу қоринни тўйдириб, иссиқдан-совуқдан сақлайдиган кийимбошларни яратадиган одамлар кишлоқда яшайди-ку! Уларниям кўпайтириш керакми? Ё нарсалар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолаберадими? Қопга солиб опкелсангиз ҳам шаҳар йиғит-қизлари кишлоқда турмайди. Кишлоқда туғилганларнинг учдан бир қисми киндик қони

тўкилган жойдан жилмайди. Шунақа экан, агар битта-икки-киладан бола кўрсак, шаҳар оч қолади-ку!

— Хо, Сиз ҳали шаҳар ғамда бола туғаман, денг, — ҳазилга олди гапини ёш жувон, — ғам еманг, мингта одам ишини битта машина бажаради.

— Машинаниям одам бошқарадимми? Ё уларниям аёлларга топшириб қўймоқчимисиз?

— Йўқ, нега энди, бир замонлар келиб робот-машиналар ишлайди. Биласизми қанақа бўлади? Бу машиналарнинг ўнтасини битта одам идорада ўтириб бошқаради. Програма асосида ишлайди. Команда берасиз — машина чигит экиб келади, команда берасиз — беда ўради, команда берасиз — пахта теради. Кечқурун команда бўйича гаражларга кириб кетади...

— Ана шунақа замон келсин, иннанкейин гаплашамиз. Ҳозир унақа эмас. Биз ҳам шунақа замонларга илҳақмиз. Балки ўшанда қишлоқни, шаҳарни жонли иш кучи билан таъминлайдиган аёлларга муҳтожлик бўлмас. Унда биз ҳам командага қараб ҳомиладор бўлармиз, команда бўйича туғрухоналарга югурамиз. Ҳозирча бизга она ер нафаси, ота-боболаримиз одатлари доялик қилмоқда...

... Купега ташқаридаги тун рангига ўхшаш дилхираллик чўкди. Уччала аёл жимиб қолди. Поезд шиддат билан тун бағрини ёриб борар, филдиракларнинг тинимсиз «тақ-тук», «тақа-гуклари» манзил йироқлигидан, аёлларнинг дил қулфлари энди очилиб келаётганидан дарак берарди.

Сожида юқори ўриндикдаги йиғитни эслагандай бўлди. Ҳа, ҳа, бу ўша ёшлигида еттинчи синфгача бирга ўқиган Эргаш эди. Жуда ўзгариб кетибди. Қишлоқ йиғитларига ҳеч ўхшамайди. Соchlари елкасига тушган, сичқоннинг думидай мўйлаби юзига жуда ярашган, кўзлари безовта чарақлаган. Унинг онаси болалари турмаганидан отасига эргашиб юрсин деган маънода исм берган. Эргашнинг қишлоқдан чиқиб кетганига 15 йилдан ошиб қолди-ёв. У Тошкентда ичқуёв бўлиб қолиб кетган эди. Эргашнинг онаси ўғлининг ёнига қатнайвериб-қатнайвериб дунёдан ўтиб кетди. Отаси қишлоқда ёлғиз яшайди. Сожиданинг қулоғига яқинда бир гап чалинган эди. Чол қўшниларга «Кўзим йўлда — ўзим гўрда ётибман, бир энлик хат ёзиб Эргашга юборинглар, бир келиб кетсин» деган экан.

Эргаш Сожидага узоқ тикилиб қолди. У ҳам Сожидани эслади шекилли ўзини билмаганга солиб ётаберди.

Сожиданинг тили қичий бошлади.

— Адолат опа, — деди у босиқ оҳангда, — бундок караганда тўғри гапирасизлар, қайси хотин чиройли кийиниб, эрини эргаш-тин-рииб юришни хоҳламайди. — «Эргаштириб» сўзини шундай чўзиб айтдики, Адолат опа ҳам хайрон бўлиб унга тикилди. — Энди ота-бола, ака-ука, опа-сингиллар ўртасидан оқибат қўтарилмасин, тошбағир бўб кетмасин, деймиз-да. Мен ҳам баъзан газет ўқийман. Бултурмиди-ей, ўқиганман. Каттакон амалдорнинг ёлғиз ўгли ўғриларга бошлиқ экан. Қора дорига ўч экан. Нега шу амалдор ёлғиз боласини тарбия қилмаган? Уларда ҳамма нарса бор-ку! Адамиз айтувдилар, бемехрлик, безорилик ана шунақаларда бўларкан, миллат танламас экан.

— Яна ўз билганингиздан қолмайсиз-а, — деди бироз шаштидан тушган юқори ўриндикдаги жувон гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлиб.

— Ҳа, ҳа, — жавоб қилди Сожида, — меҳр оқибатнинг кўп-ками, узоқ-яқини йўқ. У одамда ё бўлади, ё ўлади. Сизларга қолса «Кўп болада тўзим йўқ, кам болали ўзим — тўқ» демоқчисиз. Мен бошқача ўйлайман. Кўп болали уйда меҳр уюлган бўлади.

— Меҳрни ҳовучлаб тарқатмасдан биттасига бериб кўяқолса бўлмайдимми? — деди ёш жувон гўё Сожидани гапдан тутдим дегандай кинояомуз.

— Меҳр — майиз эмас, бўлиб берадиган.

— Бўлди қилақолинглар, — деди ниҳоят Адолат опа ўрнидан қўзғолиб жойини тўғрилари экан, — сизларни келиштириб бўлмайди, шекилли, хаёт кўрсатади!

Шу пайт чақалоқ чўчиб уйғондию, йиғлаётган бўлди. Унинг чинқириб йиғлаши купе ичидаги дилхираллик билан ташқаридаги зимистон чоқини йиртаётган чақиндай туюлди. Чақалоқ овуниш ўрнига киндиги узилгандай баттар чинқирар, поезд филдиракларининг тарақа-туруклари ҳам эшитилмай, купе ичинигина эмас, бутун оламни бола йиғиси қоплаб олгандай бўлди...

... Вақт алламаҳал бўлиб қолган, поезд ошноқ тонг сари елиб борарди. Баҳс тугалланмай қолди. Уччала аёлни кўзидан уйқу қочди. Фақат болалар тинч ухлаб ётишарди.

1988

## «ЎЙНАЙМИЗ-КУЛАМИЗ»

Қорасоч кампирнинг ховлиси қишлоқнинг нақ биқинида. Ёлғиз ўғли урушдан қайтмай, дом-дараксиз кетгач, чоли қурғур ҳам бир тутам соқолдай вужанак бўлди-қўйди. Қиш кириши билан кўрпа-тўшакка миҳланган чол кўкламдаям, ёздаям ўрнидан турмади, «саратонда бадани илимайдиган одамнинг кузда қони қизирмиди» деб кампирнинг безовта бўлганича бор экан. Чол уни ҳамма бало-қазоларга гирифтор этиб, ташлади-кетди.

Ўғлидан, эридан жудо бўлган Қорасоч кампирнинг қишлоқда яқинлари қолмади. Чол ҳеч нарсага ярамасада, нафас олиб ётгани тузук экан. Хувиллаган ҳовлида ёлғиз қолган одам нима қиларини билмай қоларкан. Овқат пиширай деса иштаҳаси ўлик, нон ёпай деса ўтинни аяйди, бир сиқим кир учун катта қозонни тўлдириб сув иситгиси келмайди.

Қорасоч кампир эрининг қирқи ўтгунча на ётарини, на ботарини билди, қўни-қўшнилари ҳам аста-секин ўз тирикчиликлари кетидан тарқалиб, одамзоднинг кўзи юмилгунча ташвишлар етаклаб юришини ҳис қилди у. Охири чолининг кетмонини қўлга олиб, ҳовлини чопиб чиқди, у-бу нарсалар экиб қўйди. Болта оғирлик қилди шекилли, теша билан ўтин ёрадиган бўлди.

Ҳовлининг кунга қараган томонига чолининг ўзи қурган пастаккина молхонадаги жонивор эшак унга анча далда эди. У ҳам тирик жон-да. Емишини ўйлаш керак, тагини тозалаш, суғориш дегандай. Бир қуни кўчага хайдаб юборган эди, қўшни бола Олимжон уни икки кун деганда Олчинбардан топиб келди. Кундузлари оғилда пишқириб-пишқириб туриши, кечалари патур-путури, бехосдан ханграб қўйиши кампирга ёқадиган ҳам бўлди. Ҳар ҳолда ҳовлида унга шерик жонзод бор-да. Кампир аҳён-аҳёнда у ёқ-бу ёққа бориб, қайтса, тўғри келиб эшакдан хабар олар, «йигит ўлгур, турибсанми, зерикмай?» деб қўярди. Эшак худди кампирнинг гапи унга хуш ёққандай бўйнини чўзиб, япирмоқдай-япирмоқдай кулоқларини осилтириб турарди.

Қишлоқчилик — одамни ёлғизлатмайди, тирикка тиргак, ўликка эга топилади. Қорасоч кампирнинг чоли тириклигида рўзғори қандай кечса, шундай яшаб келарди.

Қишлоқда бир удум бор. Кузда ҳар бир хонадонда «ўтин оши» бўлади. Ҳар ким эшаги билан «ўтин оши» бераётган уйга тўпланиб, эрталабгача мижжа қоқмай гу-

рунг қилишади. Баҳоли қудрат қўй, эчки сўйилади, «Ўтинчи»лар меҳмон бўлади. Тонг сахарда 50—60 эшакли ёш-яланг қиру тоққа қараб жўнайди. Кун чиқар-чиқмас «Ўтин оши» берган хонадоннинг дарвозаси олдига 50—60 эшакда ўтин келиб тушади. Биринчи келган ўтинчининг белига белбоғ боғланади. Шу алпозда қўни-қўшни, қариндош-уруғ навбатма-навбат кишлоқ ўтинини жамлашади.

«Ўтин оши» мавсуми бошланишидан то киш кириб келгунча Қорасоч кампирнинг эшаги ҳам ўтин ташийди. Агар бошқа эшаклар «Ўтин оши» берган хонадонга қараб юрса, Қорасоч кампирнинг эшаги тўппа-тўғри кампирнинг дарвозасига келиб тўхтайдди. Қорасоч кампирнинг хонадонидан ҳеч ким «Ўтин оши»га бормаса-да унинг кишлоқ ўтини ўзидан ўзи йиғилиб қолади.

«Ўтин оши»лар айни авжига минган, ҳар куни уйига бир эшак ўтин келиб турган пайт эди. Қорасоч кампир эшакни суғормоқчи бўлиб оғилхонага борса доимо унга ҳимралиб турадиган, хатто кечаси ҳам оёқда ухлайдиган эшак бесўнакай аҳволда ётарди. Кампир эшакнинг у ёғидан ўтиб қаради, бу ёғидан ўтиб қаради, «хих-хих»лаб кўрди, қулоғидан тортди, қўли билан туртиб турғазмоқчи бўлди. Эшак зил-замбилдай бошини қўтара олмас, юмук қўзларини шиллик босган, оёқларини чўзганича ётарди.

Кампир анча овора бўлди, эшак ўрnidан турмади. Олимжонни чақирди.

— Олимжон, болам, — деди у, — қорасоч теккурга бир бало урган, зинғиллаб бориб Тўғон акангни чақириб кел.

— Иэ, Қорасоч хола, Тўғон акам — одам дўхтирику, — деди Олимжон.

— Нима қипти, одамни кўрган дўхтир эшакни кўрмас эканми, — деди кампир, — бор, айланай, чопқиллаб бориб, Қорасоч холам юборди десанг келади.

Тўғон дўхтир кишлоқнинг ўзидан чиққан. У ҳаммани даволарди. Хатто доялик ҳам қўлидан келади. Доимо кайфи чоғ юради. Қачон қаерда учратманг «ўйнаймиз-қуламиз» деб қўяди. Тўғон дўхтир келганда Қорасоч кампир эшак ёнида чўккалаб ўтирарди. Уни кўрган захоти худди халоскорига қўзи тушган одамдай қўзлари умидвор жовдиради. Тўғон дўхтир эшакни бир-икки тепиб кўрди. Жонивор қўзғалмади. Икки қўли билан эшакнинг икки қўлоғидан тортиб турғазмоқчи бўлди. Охири кампирга қараб «Қорасоч хола, бунга яримта до-

ри керак!, деди. Кампир «дори»га тушундию, «ярим-та»сига тушунмади.

— Олимжонга пул беринг, тез олиб келади, — деди Тўғон дўхтир унга хайрон қараб турган кампирга.

Тўғон дўхтир Олимжон дўкондан олиб келган арок шишасини қўлига олиб бир чайқатиб кўрди. Кампирдан стакан сўради. У стаканга тўлдириб ароқ қўйди, кампирга орқасини ўгириб кипригини қоқмай отиб юборди.

— Қорасоч хола, ҳозир эшак ўрнидан туриб кетади, ўйнаймиз-кулаemiz, — деди.

Эшак бошига бориб чўккалади-да стаканни арокка тўлдириб Олимжонни ёнига чақирди. «Манавини ушлаб тур» деди унга стаканни узатиб. — У эшак бошини тиззасига қўйиб, икки қўли билан унинг лунжини очди.

— Қўй, — деди Олимжонга қараб, — эшакнинг қулфланиб қолган тишларини кўрсатиб.

Олимжон стакандаги ароқни эшакнинг лунжига, тишлари орасига қўйиб юборди. Эшак бирдан пишқириб, зарб билан ўрнидан туриб кетди ва Тўғон дўхтирни қалласи билан туртиб юборди. Шишанинг тагида қолган ароқ тўкилиб кетишига сал қолди. Тўғон дўхтир қолган «дори»ни шишанинг оғзини лабига қўйиб шимирди, енги билан лабларини артиб «Мана, эшак ҳам тузалди-қолди, ўйнаймиз-кулаemiz» деди-да Олимжонни эргаштириб қўчага чиқиб кетди.

Қорасоч кампир эшакнинг ўрнидан турганига хурсанд бўлди. Бироздан кейин уни суғоришга сув келтирса эшак ғалати аҳволда эди. Унинг кўзлари кинидан чиқиб кетгудай ола-кула, икки қулоғи диккайган, оёқлари қалтираб турарди. Бирдан девор қулагандай эшак гурс этиб ерга йиқилди. Йиқилди-ю тошдай қотди-қолди. Қорасоч кампир уйдан йиғи товуши эшитилди. «Вой, дод, энди нима қиламан, худоё кирчинингдан қийилгини, Тўғон, ўйнамай-қуламай жувонмарг бўл», деган йиғи аралаш қарғинни эшитган қўнн-қўшинлар Қорасоч кампир уйда бирор қор-қол бўлган шекилли деб югуриб қолишди.

1990

## АРАФА ОШИ

Тошкентдан Хумсонга бир ош дамлагунча етиб бориш мумкин бўлса-да Мовжуда холанинг шаҳардаги ўғли охирги йиллари қишлоққа онда-сонда келадиган бўлиб

қолди. «Шундоқ дарё бўйида сувга зор яшаймиз-ку, бензиндан қийналвотгандир» — ўзини ўзи юпатарди кампир ўғли билан невараларини соғинганда.

Мовжуда хола Қурбон хайитда невараларининг келиб кўришини кутиб ўтирмай шаҳарга отланди. Эрта туриб нон ёпди, бўғирсок, юпкалар пиширди, қурт, қотган-қутган туршак, бодом, ёнғоқларни, уч қундан бери олма шохига илиғлиқ сузма халтани алоҳида ўраб қўйди. У пешинга яқин автобусга ўтириб шаҳарга жўнади.

Бешқайрағоч даҳасида автобусдан тушиб, рўпарадаги таниш кўчага кириб борар экан, Мовжуда хола кийғос гуллаган ўрик, гилосларга ҳавас билан термулди. «Шаҳар, шаҳар-да, ҳамма нарса шу ердан бошланади. Кишлоқдаям қуш-қумурсқа, одамлар яйраб қолар», — хаёлидан ўтказди у.

Мовжуда холанинг димоғини ховлилардан таралаётган қоврилган пиёз хиди қитиқлаб борарди. У ўғлининг дарвозасига яқинлашганда кўчада ўйнаб юрган неваралари югуриб келишди. Бирининг қўлидаги тугунни олди, бошқаси «Ая», «Дада»лаб ичкарига чопиб кетди.

Келин арафа ошини сузиб келди. Дастурхон атрофидаги ўғил, келин, неваралар Мовжуда холанинг тиловатини чурқ этмай тинглашди. У ўтган-кетганлар, йўлда — сафарда юрганлар, ер эгалари — сув эгаларини эслаб, авлод-аждодлар руҳига бағишлаб дуо ўқиди, биринчи бўлиб ошга қўл узатди. Жўжалардай мўлтираб ўтирган болалар аста-секин бувисига, ота-онасига эргашиб ош еяётганда «Қўшниларга ош тарқатдингизми?» — сўраб қолди Мовжуда хола келинидан.

— Ойижон, ҳозир бировга ош берадиган маҳалми? — жавоб қилди келин мулоийим овозда.

— Азалдан таомилимиз, болам, арафа ошида қўшниларнинг ризқи бўлади, — деди Мовжуда хола. Келинининг жимиб қолгани ёкмадимми, ё гапи яримта бўлиб қолдимми, Мовжуда хола ўғлига қараб «Бу кунлар ҳам ўтиб кетар, болаларим, ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, қолгани — ёруғ» деди.

Ўғлининг хотинига хўмрайиб қараганини пайқаган Мовжуда хола ўзини сезмаганга солиб бир-икки ошам оғзига ош солгандай бўлиб қўлини артди.

— Шу, охириги пайтларда палов унчалик ботинқирамай қолди, қариллик-да, бизларни танглайимизни нон-чой билан кўтаришган, чой ичмоқчиман, келин, менга чой қуйиб берақолинг, ичим ёниб бородир, — деди.

Ўғлининг «Қўлингизни артманг, ойи, олинг, озгина энг, юмшоқкина бўпти», дейишига қарамай Мовжуда холанинг томоғидан ош ўтмади.

Келин дастурхонни йиғиштириб олди-да ўз юмуши билан овора бўлиб кетди. Ўғил бирпас опаси ёнида у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирди, қишлоқдаги қариндошлар хол-аҳволини суриштирди.

— Хайит кунлари қишлоққа бир бориб келсанг бўлармиди, — деди ниҳоят Мовжуда хола, — фотиҳали хонадонлар анча кўпайиб қолган...

Мовжуда хола ўғли ташқарига чиқиб кетгач, ошхонага кирган эди, лаган четида қолган ошга кўзи тушди. Ўғли унинг олдига суриб қўйган тухумдай гўшт лаган четида турарди. У ошни косага солиб, юзига бир бўлак гўштни майдалаб сешиб қўйди. Унинг устини қишлоқдан ўзи олиб келган бўғирсоқ, юпка, кулчалар билан ёпти-да невараси Зилоланинг қўлига тутказиб, «Буни-чи, қўшни олоқингга олиб чиқиб бергин, хўмни, югур, чаккон», деди.

Мовжуда хола қолган ошни қўшнига чиқарганидан хижолат тортиб «Ўзинг кечир, худойим», деди пичирлаб. Бир зумда Зилола коса тўла бошқа ош олиб келди. Косанинг устини янгилади-да Зилолани чан томондаги қўшнининг уйига зинғиллатди. Келин ҳовлида ўймаланиб юрганда Мовжуда хола невараси билан анча кўни-қўшниларнинг кўнглини овлаб бўлишди...

Келин эрталаб нонушта тайёрлаётганда ғалати ҳолатга тушди. Қайнонаси кеча олиб келган йирик-йирик бўрсилдоқ бўғирсоқлар, сутли кулчалар ёнида шаҳарча бежирим бўғирсоқлар, седана сешилган нонлар пайдо бўлиб қолибди. Косадаги ош ҳам бировники. У аниқ билди, ўрадан зўрға бир ошлик мушак сабзи тошган эди. Косадаги ошда қизил сабзи...

Бармоғини тишлаб турган эди Зилола шириллаб келиб «Бувижонимни кўргани олоқилар келишмаяптилар» деди.

Ҳовлида қўшни аёлларнинг ғовур-ғувури эшитилди.

— Вой, бувижоним-ей, соғинтириб қўйдингиз-ку, омонмисиз-эсонмисиз... Қачон келганингизниям билмай қолибман; бўғирсоғингиздан билдим келганингизни, — деди ёшгина жувон Мовжуда хола билан қўришар экан.

— Мовжуда холамнинг сутли кулчасини емабсиз, бу дунёга келмабсиз, — гапти илиб кетди бошқа бир жиккаккина аёл.

— Яхшиям хайит баҳона сизни кўрар эканмиз, —

деди тўладан келган, дуркунгина хотин, — қандоқ ярашиб турибсиз бу ховлиларга...

Қўшни аёллар Мовжуда холани ялаб-юлкаб ичкарига киришди. Меҳмонхонада аёллар Мовжуда хола атрофини ўраб кўрпачага ўтиришди. Келин бўлса пойгакка охиста тиз чўкди. Ҳамма дуога қўл кўтаришди: «Омин, тинчлик бўлсин, ўлим бўлмасин!»

1990

## СОВУН

Эру-хотин уруши — дока рўмолнинг қуриши дейилса-да бу гапги жанжал вазияти бўлди. Эрталаб эрининг туфлисини артиб ишга жўнатадиган, шимини худонинг берган кунни дазмолдан ўтказадиган, чўнтагига янги рўмолча солишни унутмайдиган, «Яхши бориб келинг» каломини қанда қилмай, эрини дарвозагача кузатиб чиқадиган хотинга оғир ботади-да бунақа сўз. Авваллари битта қўйлакни икки кундан ортиқ эрига кийдирмайдиган хотин энди ҳафтада эмас, ўн кунда бир маротаба бир ювса айб ундами? Гапга қаранг, «Дадаси, совун, порошок тамом бўпти» деганини билади, «Нима совун ейсизларми, яқинда олиб келган эдим-ку» деса бўладими?

Болалар катта бўлиб қолишаётган, кетма-кет кийим алмаштираётган бўлса, чойшаб, дастурхонларни тоза тутмаса жини ёқтирмаса, чўмилиш бор, юз-қўлни ювиб туриш дегандай... «Нима, совунингизга ота-онамнинг кирини юваяманми?» дегиси келдию, охириги пайтларда шу совун ўлгур сабабли эру-хотин кўпириб қолишаётганини эслаб, индамади. «Ўлсин, шу совунам, кўпайиб қолар» ўзини босди хотин гоҳ эрига, гоҳ уларнинг машмашаларини кузатиб турган ўртанча ўғлига бир алфозда қараб.

Оила бошлиғигаям кийин. Рўзғор деганлари ғор бўлар экан. Гуручга мита тушириб қўйишлар қаёқда?! Ой ўтмасдан ун халтанинг чанги чиқиб кетса, ёғни аясанг ошинг шовлага айланиб қолса, гўшт оламан десанг, хиндий чойга пул тополмайсан, аччиқ чой ичиб юрсанг сарёв таъминни унутасан. Ҳамма борди-келди битта одамнинг елкасида бўлгандан жаҳллари чиқса керак-да. Шу совун яшшамагурни нимагаям эсларига солдим — ўзини ўзи койиди хотин.

Рўзғорда майда-чуйда гаплар чувалганда эркак киши камсўз бўлиши керак дейдиган эр — ҳозир хотинига

тикилиб колди. Хотинининг эгнидаги кўйлаги бир холатда, оёғида калиш, ўн йил бурун олиб берган «рижский» камзулини таниб бўлмайди, маъюс кўзлари, фаррошлар кўлига ўхшаб тиришиб кетган бармоқларига қараб бир неча йил аввал ишга ясан-тусан жўнаб қоладиган муаллима хотинини таниб бўлмасди. «Индамасам бўлмасмиди, барибир совун керак-ку...» — ич-ичидан афсусланди у.

— Бугун дам олиш куни, кир-чирларим тўп-таниб қолгани учун айтдимда, ўзингиз биласиз. Жаҳлингиз чиқа бермасин, дadasи, хали менинг совунимга кир ювмагансиз, — деди хотин ўртадаги вазиятни ҳазил билан юмшатмоқчи бўлиб.

Уларга олазарак қараб турган ўғилчанинг қулоғига онасининг «хали менинг совунимга кир ювмагансиз» деган сўзлари хуш ёқди. «Ҳа-а-а, аямнинг совунлари бор экан-да», — ўйлади у ва ота-онасини хурсанд қилмоқчи бўлди. «Аяжон, хафа бўлманг, сиз совунингизни запас қилиб турунг, менинг ҳам совунларим бор, сизга бермоқчи эдим», деди онасини қучоқлаб.

Эру хотин хайрон бўлишди. Ҳозиргина ўпкаланиб турган кўзлар илиқ нурга тўлди. Ўғил онасининг бағридан сирғалиб чиқди-да уйнинг подвалига югуриб кетди. Бир зумда у подвалдан отаси уч-тўрт ой аввал сотиб олган туфли қутисини кўтариб чиқди. Қутини онасига узатди.

— Ойижон, мана совун, сизга йиғиб юрган эдим. Она қоғоз қутини қўлига олдию «Вой, шўрим» деди илон чаққан одамдай саросимада. Оёқларидан мадори кетибми, ё хўрлигидан кўзлари жиққа ёшга тўлибми боши айланиб, беҳол эрига талпинди. Эри уни суяб қолди.

Қоғоз қутичаси ичидаги турли совунларнинг ранг-баранг молак пашмакларига кўзи тушган отанинг хаёлига ҳаммомда одамлардан қолган молакларни йиғиб юрган ўғли келди. «Нечун ҳаммомга серқатнов бўлиб қолди, девдим-а», — инграб юборди у ўғлининг дардидан қўра хотинининг ахволдан безовта бўлиб.

Онасини хурсанд қиламан деб, ота-онасини бунчалик хафа қилиб қўйганидан қўрққаниданми ё нима гап эканига тушуна олмаганиданми бола бирдан овозини чиқариб йиғлаб юборди. Ота бўлса она-боланинг бу ахволларига мен сабабчи деб ганғиб қолган одамдай гоҳ хотинига, гоҳ ўғлига бир нималар айтмоқчи бўлар, аммо ҳеч нарса дея олмасди.

## ОППОҚ КУЁВ

Хамма оналар болаларининг кўринишига қараб эмас, юрагининг бир парчаси бўлгани учун суйсалар-да, харкалай, уларнинг бўй-бастаи, қош-кўзи, ранги-рўйига бефарқ бўлмайдилар. Бирини боласини «Қоравойимдан айланай» деб эркаласа, бошқаси «оппоққинам», деб юпатади. Кетин танлашда ҳам «ойдаккина»сини ёктиришади.

Рашидахоннинг кизлари ҳам бўй чўзиб қолишди. У қачон бўлажак куёвларидан гап очилса «Худо хоҳласа, албатта, узун бўйли, оппоқ юзли, келишган йигитларни куёв қиламан, бунақа йигитлардан чиройли неваралар кўришни орзу қиламан», деб қўяди.

Қатта кизини узатиш унинг кўнглини тўлдирмади. Эрининг узоқ бир таниши совчи бўлиб келаверди-келаверди, охири розилик беришга мажбур қилди.

— Барибир мени армонда доғлаяписиз, — деди эрига тўйга яқин қолганда, — орзуларим қанақа эди, бўйи узун, оппоқ, келишган йигитларни куёв қиламан деган ниятим бор эди, бунингиз...

— Пешонага ёзилгани бўлади, хотин, — жавоб қилди эр, — куёвимиз ёмон бола эмас, иннайкейин мана ўзимизга ўхшашлиги ҳам бор, буғдойранг, нима мен сенга ёкмайманми?

— Гапни айланторманг, майли, бўлар иш бўлди, худодан бахтини сўрайман. Энди кенжамнинг ихтиёри менда. Унга шундай келишган, оппоқ йигит танлайинки, хамманинг оғзи очилиб қолсин.

— Нима кизингни эрга берасанми, ё ўзингга куёв танлайсанми!

— Ҳазилингниги бирам қўполки, ха, у қулоғингиз билан ҳам, буниси билан ҳам эшитиб қўйинг: ўзгинамга ёкадиган куёв танлайман.

— Бундан чиқди, армонинг ичингда эканда хотин? — деди эр, — майли билганингни қил, бўёғига биз аралашмаймиз.

Хадемай орадан икки-уч йил ўтиб кетди. Рашидахоннинг кенжа қизи бўйга етмасданоқ совчилар қадами кўпайди.

Рашидахон ҳар гал совчилар келганда кизини бир-ров кўрсатиб қўяр, Гулгунойни кўришлари билан совчиларнинг чехраларида балқийдиган қувончлардан терисига сиймай кетарди. Ун етпига энди қадам қўйган Гулгунойнинг маъюс бодом кўзлари, узун-узун киприклари, мўртгина елкалари, ингичка бармоқлари, қулоқлари ёни-

да осилиб турган бир тутам гажак толалари, буйниларига чирмашган тимқора соч халқалари унга кўзи тушган ҳар қандай совчиларни эсанкиратиб кўярди.

Қанча-қанча совчилар доғда қолишди.

Рашидахон совчиларга «Қизим ҳали жуда ёш, гўдак-ку», деб бироз таранг қилиб турар, охири, ҳеч бўлмагач, аввал ўзи кўёвни кўриб, сўнгра қизи билан учраштиришга рози бўлишини айтарди. Кўёвликка даъвогарлар кетма-кет ўзгариб турди. Рашидахон бирини «кўзининг ичи қизил», бошқасини «қора мўнди», учинчисини «пакана», тўртинчисини «тагли-тугли эмас», бешинчисини «маълумотсиз», олтинчисини «бурни катта», еттинчисини «аммамни бузоғи» деб йўққа чиқарди.

— Қизингниям кўнглига қара, — деди бир куни эри, — балки университетда яхши кўриб қолгани бордир.

— Мен университетда ўқийдиганларга қаршиман. У ерда кўпроқ кишлоқдан келган, далада қорайиб кетган йигитлар ўқийди. Шаҳарликлар ўқишдан кўра яхши яшашни билади.

— Ипподромни гуллатадиганлар дегин...

— Майли, ипподромни гуллатадимиз, эски Жувада қассоблик қиладимиз, Олой бозорида апельсин сотадимиз, ишқилиб, оппоққина йигит бўлсин!

Охири Рашидахоннинг кўнглига мос йигит чиқиб қолди. Оқ-сарикдан келган, буйдор-елқадор, қора чарм куртқаси ўзига зап ярашган, Олмониядан машина олиб келиб сотиб юрадиган, маҳалласидаги бир ҳовлини 60 минг долларга олиб, уни фундаментиғача бузиб ташлаб, қайтадан икки қаватли қилиб қураётган йигитмисан йигит экан. Буйнидаги тилла занжир камида юз грамм келади. Ўнг билагида бриллиантми-ей, қимматбаҳо тошлар биланми-ей қабариклаб ишланган эркакча билакузук ярақлаб турарди.

Кўёв бўлмиш йигирма олти ёшлардаги камчиндай йигит эди. Унинг оппоқ юзлигидан ташқари биринчи кўришишдаёқ одамнинг ичига кириб кетиши, ўзини жуда эркин тутиб, очилиб-сочилиши, хушомадни ўрнига қўйиши Рашидахоннинг кўнглини эритиб юборди.

Гулгунойнинг отаси «Қизимиз ёш, энди ўқишга кирди, қийналиб қолармикан?» дейишига қарамай, қудалар «Бизга келин эмас, қиз керак, ўзимиз ўқитиб оламиз, билганини баҳам қўрамиз, билмаганини ўргатамиз, ёлғиз ўғлимизни уйга боғлаб қўёلмаймиз, унинг ҳам харидорлари кўп, тезроқ бошини иккита қилсак, кўнглимиз жойинга тушади» дейишди.

Рашидахон мурод-мақсадига етди. Тўйимисан тўй бўлди. Келинни ЗАГСга олиб боришга уларнинг эшиги олдига биронта «Жигули», «Волга» келмади, ҳаммаси хорижий машиналар: «Мерседес», «Опел», «Волво», «Ауди»...

— Худодан ошпоқ қуёв сўраган эдим, ниятим ҳолис экан дадаси, қуёв-ўғил муборак бўлсин, — деди Рашидахон қувончини ичига сиедиrolмай.

Қуда томон никоҳ базмини «Зарафшон» ресторанининг катта залида ўтказди. Бунақа тантана, бунақа ўйин-кулгунни Рашидахон тушидаям кўрмаган эди. Қиз тарафдан ким ўртага чиқиб қўлини кўтарса, бас, доллар ёғилди, қуёв жўралар қаторлашиб келиб пул ўгиришади, кизил костюмли йиғит ҳатто бир пачка долларни сочиб юборди.

Ҳамма яйради, Рашидахон эса ўйланиб қолди. «Бугун-ку ўтиб кетар, индинга чарлар, қудаларга тенглашиб бўлармикан?» — хаёлга ботди у. «Худо-пошию, ҳамманинг ўзига ярашққ насибаси бўлади», ўзига ўзи таскин берди Рашидахон.

Чарларга тайёргарлик унақа-бунақа бўлмади. Бойнинг хайри — камбағалнинг бойлиги, деганларидай Рашидахоннинг барча топган-тутгани сарф қилинди. Қудалар ҳам қараб турмади. Нимта эмас, думбасини ердан узолмайдиган қўй юборишди, коробка-коробка музқаймоқдан тортиб, Амриқодан жўнатилган товукларнинг оёқларига-ча етиб келди...

Қуда томондан юзга яқин хотин-халаж автобусларда эмас, хорижий енгил машиналарда келишди.

Рашидахон сўлинкираган ниҳолдай бўшашган Гулгунойни қучоқлаб олар экан, нимжон елкалари титраб, гул япроқлари устига қўнган шудрнинг мунчоқлардай кизининг кўзларидан томаётган ёшларни кўрди. Гулгунойнинг бу ҳолатини инидан биринчи бор учиб чиққан қалдирғоч боласининг хуркишига ўхшаш бесаранжомлик деб тушунди. Уни бағрига маҳкам босганда кўкраги кизининг кўз ёшлари билан тобора намланиб бораётганини сезган она юрагида кўрқувгани, ваҳимагани, аллақандай қоронғу бир шаршага ўхшаш кайфият уйғонди. Карнай-сурнай, киз-жувонларнинг кий-чувига қарамай она-бола бир вужуд бўлиб қучоқлашган ҳолда уйга кириб кетишди.

— Ҳа, болагинам, яхшимисан? — сўради Рашидахон, тезроқ гапирароқ, ташқарига чиқайлик деган маънода.

— Ниятингизга етдингиз, ойижон, ниятингизга, — деди Гулгуной йиғидан ўзини тутолмай.

— Бўлмасам-чи, жонгинам.

— Куёвингиз ҳақиқатан... оппоқ... уятсиз экан.

— Нималар дейсан қизим, эру хотин шунақа бўлади-да!

Рашидахон қизининг руҳини тушунолмай ўйланиб қолди...

Орадан икки ҳафта ўтмай куёв чакирик бўлди.

Бу гал ҳам Гулгуной онасининг ярасига туз сешиб кетди.

Гап кўп ойижон, ҳаммасини айтолмайман, — деди у кўзлари жикка ёшланиб онасининг қўлига бир даста суратларни узатар экан.

Суратларда «оппоқ» куёвининг турли-туман аёллар кучоғида кўнгилихуш онлари акс этган бўлиб, бирида у денгиз тўлкинлари беланчагида яланғоч ўрис қизини эркалатаётган, иккинчисида тим қора узун сочларини куёвининг боши узра шаршарадек ёйиб ташлаган таманно илжайиб турар, учинчисида «Сникерс» тишлаган дўмбоққина аёл куёвининг тиззасида ўтирарди.

1997

## ОҚ ИЛОН, ОППОҚ ИЛОН...

Ўн уч ёшли келинни Сижжакдан қош қорайганда отга мингаштириб Хумсонга олиб жўнапти. Беш-олти нафар аёл чанг йўлда от кетидан боришарди.

Отлик, шёдалар Қайнарсойга етиб боргунича қаро терга ботипти. Чағир тошли йўл... Отга етиб юришнинг ўзи бўладими? Отга мингашган мусичадай Асал ўқтин-ўқтин орқасига қараб қўяр, узоқлашиб қолаётган қишлоғидан эшитилаётган итларнинг товуши ҳам пасайиб борар, куз ҳавосининг этни жунжиктирувчи нафаси тобора кучаяди. Узоқ-узоқларда бошига оқ дока ташлаган Чимён тоғлари, Бурчимулла елкасидаги Чотқол тизмалари худди ковоғини уюб тунд ҳолатда Асал билан хайрлашаётгандай. У эртага тонг ёришганда яна Сижжакка қайтиб келаман, онамининг бағрига отиламан, деб хаёл қилса-да она қишлоғидан оёғи батамом узилганини билмас эди.

Асал пайғамбар ёшига яқинлашган хумсонлик Умурзоқ полвонга иккинчи хотин бўлиб узатилган эди.

Умурзоқ полвон Мирзааҳмадбойнинг тўнғичи. Полвоннинг саксондан ошган отаси, мункиллаб қолган онаси, уч иниси — ҳаммаси бир ховлида туришарди. Хотинини зотилжам олиб кетгандан сўнг ўрни совуб қолди. Хумсонлик шунча киз-жувон турганда юлдузи сижжаклик Асалнинг юлдузига тўғри келди.

Асал онаси ўпмаган киз эди. Бунақа киз Хумсонда ҳам, Сижжакда ҳам йўқ. Уни кўриб қолган одамнинг ақл-хуши учиб кетарди.

Асал остона ҳатлаб ўтиши ҳамоно катта овсиннинг эти жимирлаб кетди. «Увол-а, увол, бечора», деди ичиди. У ўша заҳоти қайнонасининг ёнига бориб нималарнидир пичирлади. Камшир эрини ишга солди. Домла никоҳ ўкиб кетгач, меҳмонхонада ҳамма тўпланди. Асал бурчакда болишдай букчайиб янгасининг биқинига кириб ўтирарди. Умурзоқ полвон узоқдан Асалга бир-икки ўғринча қараб кўйди. Отасининг гапиди жон бор шекилли, у анча ушоқ экан, шошмаган маъқул, хали унчалик қариб қолганча йўқ-ку?

Асални Умурзоқ полвоннинг ёнига бир йил киритишмади. Асал ўн тўрт ёшга ўтганда ойдай тўлишди, ховлида ҳаммадан кўп елиб-югурар, ишлаб чарчамас, полвонга рўбарў бўлиб қолишдан чўчир, кўпроқ қайнонасининг ётиш-туришидан хабардор бўлиб кун ўтказарди. Асалга оғир иш буюришмас, у сизир соғиш, молхонага қараш, хамир қориш, мол суғоришлардан озод этилган эди...

... Асал росмана келин бўлиб, Умурзоқ полвон соқолларини силаб ҳазиллашиб ўйнашадиган пайтлар етиб келганда бир кун у ҳаммани қўрқитиб юборди.

Ховлининг қиблага қараган томонидаги болахона ичиди кичкина булок-қўлмак бўлиб, унинг суви тошиб ҳам кетмасди, камайиб ҳам қолмасди. Моллар шу қўлмакдан сув олиб суғорилар, келинлар ховлига сув сеппишса ҳам ундан ташишар эди. Келинлар қўркиб-нетиб юрмасин деган ниятда қайнота доим уларни бир нарсадан огоҳлантириб қўярди. Булок-қўлмакда қўл ўроқдай опшоқ йилтираган илон бўлиб, ким булокқа яқинлашса, у қўлмакдан секин четга чиқиб турар, одам шарпаси тингач, яна сувга тушиб оларди. «Қўркманглар, унга тегманглар ҳам, ўзи безарар» деб қўярди қайнота.

Ҳамма бу гапни билади, деб ўйладими ё Асални огоҳлантиришни унутдими, унга ҳеч нарса айтмаган эди. Бир кун Асал болахона ичидан югуриб чиқиб, ранг-рўйи оқарганича ўзини қўярга жой тополмай, шайтонлаб қолди.

Орадан анча кун ўтди. Асал қўлидаги челақни ўйна-тиб болохона ичига қадам қўйдию такка тўхтади. Челақни бағрига босганича булоқ-қўлмакка қаради. Қўлмақнинг тиниқ суви жимир-жимир селкинди, оппоқ илон хамирдан қил суғургандай сувдан чиқа бошлади. У булоқ бўшидаги япаски қора тош устига ўтиб тилини бир-икки ўйнатиб, аста қўлча бўлиб олди-да бўйинини чўзиб бошини қоқ белининг ўртасига қўйганча унга термулиб қолди.

Асал орқасига қайтишни ҳам, бир қадам олдинга юришни ҳам билмай эсанкираб турди. Охири юрак ютиб энганиди-да челақни қўлмак-ховузчага ботириб ўрнидан тураман деган эди, этагининг чеккасини босиб олган экан, бирдан чайқалиб кетди. У то ўзини ўнглаб олгунча қўлидаги челақ сув-пуви билан илон ётган тош устига тушди. Асал ҳушини йиғиб қараса челақ босиб қолган илоннинг кий-кизил оғзи очилиб, ингичка тили ҳавога тез-тез найза санчгандай қимирлаб турарди. Асал қачон, қандай қилиб болахона ичидан чиқиб кетганини билмайди. У ҳеч кимга ҳеч нима айтмади. Фақат қайнотаси кечқурун келинларини йиғиб, ковоғини солганча «Яхши иш бўлмапти, беҳосият ишларни қилманглар, деди ер тагидан унга кўз қирини ташлаб.

Асал кун сайин ўзгариб борди. Кимдир унинг юриш-туришини бўйида бўлганидан, кимдир онаси, қишлоғини соғинганидан кўрди.

Асал ойдин кечадан чўчийдиган, ёлғиз қолса ваҳимага тушадиган бўлди. Кечқурунлари пастда шовуллаб оқадиган Угам дарёсига узок термулиб ўтирадиган одат чиқарди. Тун ярмидан оғанда Умурзоқ полвон Асалнинг йўқлигини сезиб қолди. Қоронғуда ёстиқ, қўрпаларни пайпаслаб кўрди. «Ташқарига чиққандир» деб бироз кутди. Асалдан дарак йўқ. У чопонини елкасига ташлаб ховлига чиқди, ундан дарёга туташган боғга ўтди. Секин қўлоқ солса, олма тагидан дарёга қараб ўтирган Асалнинг фингиллаган товуши келарди:

«Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётганинг қани,  
Мен ёмондан айрилиб, яхшини топганинг қани...»

1997

## ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ...

Татим хола эри «халқ душмани» бўлиб, бедарак кетганидан кейин уйсиз-жойсиз қолди. Даладаги ховлисини ҳам тортиб олишди. Бешта қиз, бир ўғил билан бева қолиб, урушдан қайтмаган қуёвининг уйига қўчиб борди. Шу ердан қизларини узатиб, ёлғиз ўғлининг бўйига, йўлга қараб қун санаб юарди.

Хумсон қишлоғининг Харам маҳалласида эрининг отабуваларидан қолган гир айлана томли катта ховлиси бўларди. Бир пайтлар ўзи келин бўлиб тушган, сугир, буқа, отлар пишқириб кириб чиқадиган, қиш бўйи Харам маҳалла эркаклари тупланиб «гап» ўйнайдиган ховли алақачон вайронага айланиб қолган эди. Жар ёқасидаги ховлининг ёнбошидан чиқадиган булоқлар ҳам қочиб кетган, дарахтларга «бойўғли» уя қура бошлаган эди.

Ховлидаги иморатлар бузиллиб, ёғочидан мактаб қурилармиш деган овозадан кейин Татим хола ҳаракатга тушиб қолди. У колхоз раисидан шу жойни унга ажратиб беришни кўп илтимос қилди. Раис бир гапда туриб олди: «Бу масалани ман ҳал қилолмайман, эринг... нозик масала... исполкомдан рухсат олиш керак», деяберди.

Татим хола Бўстонликка шёда йўл олди. У «Сарик дала»да терлаб-пишиб кетаётганда бир пайтлар эри миниб юрадиган қашқа отдан тарқалган айғирда унинг олтидан йўлни чагитиб ўтган Абдулла раисга кўзи тушди. Раис уни пайқамасди шекилли, орқасига қарамасди ҳам.

Татим хола исполком раиси, қозоқ йиғит олтига пешинга яқин етиб борди. Исполком раиси уни узоқ тинглади. Унг қўл бармоқлари билан столни чертиб-чертиб кўйди, бировни кутгандай деразадан ўқтин-ўқтин ташқарига қарарди. «Апа, — гап бошлади у мулоҳим оҳангда, — мен Абдулла раисминан суйлашиб кўрэйиниши, бир киси сўл жайни сураб жатир», — деди.

Татим хола уч-тўрт ой қатнади. Кейин билса у исполком раисининг олтига бу эшикдан кирса, Абдулла раис орқа эшикдан кирар, иккаласи битта жойни сўрашар экан. Охири исполком раиси «Абдулла ака, баурим, сен колхоз раиссан, истаган жойингдан ватан қурсанг бўлади, бер шу жайни бева аёлга» дебди.

Татим хола исполком раисидан бир энлик қоғоз олиб келгач, унга бузилган ховлининг ўрни хатлаб берилди. Абдулла раис «Агар ҳаммага ўз ота-онасининг жойи азиз бўлса менки ҳам азиз» деди-да ота-буваларидан қолган боғнинг бурчагидан Харам маҳаллага ўтадиган йўлга туртиб чиққан ховлисига тош ётқизди.

Нур кассобнинг кизи Мирзаахмадбойнинг ўртанча келини эди. У келин бўлиб тушганда ховли гир айлана иморат, келинлар тонг сахардан кун ботгунча тинчмас, бири сигир соғса, иккинчиси нон ёпар, учинчиси ховли супирар, бошқаси қозон теппасида бўларди.

Шўролар даврида Мирзаахмадбойнинг ховлиси мусодара қилиниб, 30-йилларда Чимкент вилоятидан тўпланган болаларга «Детдом» бўлди...

Ховлини бир ойча бузишди. Шунда Татим хола ёлғиз ўғлига атаб шу бузилган жойда бошпана қуриб оларман деган ниятда бузишга мутасадди бўлган мактаб директоридан илтимос қилди:

— Амманг ўرғулсин, сен бошлиқ экансан, бу ердан чиқадиغان ёғочларга иккита мактаб кўтарса бўлади, жилла қурса иккита оғилхонани бузиб олай, шу етимчага бирор нима қуриб берардим...

— Татим амма, бу гапни бир айтдингиз, иккинчи оғзингизга олманг, сизларда мерос-перос деган нарса қолмаган, давлат мусодара қилган, беролмайман, — деди у.

Мирзаахмадбойлар уйи бузилиб, ҳаммаёк ёғоч, тахтага тўлиб кетди. Мактаб қурилиши бошлаб юборилди. Ҳамма мактаб қуриш билан овора бўлди. Татим холага ёрдам берувчилар ҳам топилмади. Қуруқ ерга эга бўлсаям боши осмонга етган Татим хола ёлғизини ёнига олиб ховлини текислаш билан қуни ўтди. Иморатнинг тагига ётқизилган тошларни қовлаб чиқариб бир жойга тўплаш, ерни текислашнинг ўзи бўлмади. Эркакчасига ишлади. Ўғилни аяб унга кесак йиғдирди, ўзи тош орқалади. Кучи етмаганларини думалатиб-думалатиб бир жойга йиғди. Тинка-мадори қуриб, холсизланиб ўтириб қолар, хўрлиги келиб халқуми тўлиб-тошиб кетсаям ўғлининг олдида ўзини тутар, кўз ёшларини гўё терлаган пешонасини артаётгандай сидириб ташлар, «худо хоҳласа, ишимиз енгиллашиб қолди, болам, шу йил ўзимизнинг уйимизда қишлаймиз» деб ўғлини юпатарди.

Татим хола тўплаган тошларини хашарга келган қариндош-урувлари зўрға кўтариб-кўтариб теришди. Бир кунда тош ётқизилди, бир кунда девор урилди, бир кунда тўсин қўйилди, усти тупроқ билан ёпилган икки хона бир айвон ошхонаси билан битди. Она-бола Мирзаахмадбойларнинг сўнган чироғини ёқишди.

Татим хола ёзда ўзи билан ўзи овора бўлиб боғ маҳаллага ўтмаган эди. Қўшни Самар кампир супрадай-супрадай иккита нонни қўлтиғига кистириб кириб келди:

— Овсин, — деди у бир нимадан чўчигандай у ёк-бу ёғига аланглаб. — Боғ маҳаллага борган эдим, мактаб

директори болахонали иморат куриб опти-я, сизга ўнтаям тўсин бермаган эди ноинсоф...

Кун бўйи тинмай янги уйни от гунгидан ялатма сувок қилиб чарчаган, захда бели зирқираб букчайиб қолган, инқиллаб самоварга ўтин ташлаётган Татим холанинг ичида бирнима узилиб кетгандай бўлди. У елкасига тош осиб олган одамдай энқайиб зўрға ўрнидан турди-да, этагини зарда аралаш қоқиб:

— Эшитдим, — деди ғалати қиёфада, — майли, худо-га солдим, Самар ана!

Шу йили киш оғир келди. Чилла яримлаб қолган кунлар эди. Бирдан одамлар Боғ маҳаллага югуриб қолишди. Хеч ким хеч нима қилолмади. Ҳамма ёқ музлаган... Мактаб директорининг икки қаватли данқиллама уйи кул бўлиб тутаб ётарди.

Орадан бир ҳафта ўтмай, ҳали мактаб директори ховлисидан қуюқ хиди кетмасдан унинг уйига яна бир совуқ хабар келди. Армиядаги тўнғич ўғлига ис тегиб оламдан ўтибди.

1997

## МАЙНА

Ёши энди қирқдан ошган бўлса ҳам беваликнинг хорлиқ-зорлигидан анча кексайиб қолган Татим хола ховли-жойини гир айлантириб қўралади. Ҳар йили қўраларни янгиласа-да, кишда ивиб чириб кетган шохларнинг ораси қўқламда очилиб қолар, сал бенарво бўлса экилган учтўрт ариқ памилдори, картошка, сабзиларни қўй-эчкилар, итлар пайҳон қилиб кетарди.

Эрта баҳор эди. Татим хола қўраларни аллақаердан топиб келган тиканли сим билан ўраб-чирмаб юрган эди, «чирқ-чирқ» деган ғалати овоз эшитилди. Ариқ бўйидаги эрман панасида тоғолча қўрасининг тагида шитирчилаётган тим қора нарсага кўзи тушди. У қўлини чўзганда қушчанинг кўзлари қинидан чиқиб кетгудай очилиб, узун тумшугини чўзиб, чўқишга ҳаракат қилди. Татим хола қушчани қўлига олди, қушча чўқишга уринар, бесарап-жом холатда типирчиларди.

Татим хола қўраларнинг орасига, пасткам, овлоқ жойларга, терак шохларига ин қўядиган қушларни яхши танийди. Қорашақшақ деган бир қув қуш бор, ўқдай учади, болаларгаям тутқич бермайди, қаерга ин қўриши ҳам номаълум. Қорашақшақнинг қанотлари қоң-қора, кўкрак

патлари бироз малларанг, тумшуғи узун, сарғимтил бўлади. Бу қуш қорашакшакқа ўхшаб кетади-ю, қанотлари унчалик йилтирамаган, ҳаракатлариям бошқачароқ.

Татим хола қора қушни ўнг қўлидан чап қўлига олаётган пайтдагина унинг бир оёғи дорга илинган пайпоқдай осилиб турганини сизди. «Вой, бечора» деди қушни айвонга олиб келиб худди ёш болалардай унинг уёқ-буёғига қараб қўяр экан. Қушнинг оёғи тўпигидан синган, шалвираб қолган эди.

Татим хола қушни уйнинг ичига олиб кирди, нима киларини билмай, ўйлашиб ўтирди. Иккинчи оёғидан боғлаб қўяй деса ўлганнинг устига тепган бўлади. Қора қушча унга мўлтираб турар, бармоқларини чўқиса ҳам худди озор етказмасликка ҳаракат қилгандай номига тумшуғини чўзиб қўярди.

Татим хола қушнинг оёғига йод қўймоқчи бўлди. «Йўқ, бечоранинг этини куйдириб юборади», — ўйлади у. Қушни хамир тоғоранинг тагига бостирди-да, боғнинг четида ўсадиган ўтлардан бир тутам юлиб келиб тош билан янчди, ярим қошиқ келадиган малҳам туюб қушнинг оёғини бинт билан тахтакачлаб ташлади-да, уйнинг ичига қўйиб юборди.

Татим холага эрмак топилди. У холага оҳиста кириб, эшикни ёпиб юрадиган, қора қушнинг ҳам ғамини ейдиган бўлди. Нон увоқларидан тортиб, дон-дунгача, чувалчанг, чигирткаларни опкелиб қора қушга берарди. Қора қуш бирор марта унинг олдида нарса емас, Татим хола хонада қушни ёлғиз ташлаб кетиб қайтиб келганда ликопчадаги нарсалар, пиёладаги сув камайиб қолганини сезарди.

Бир ҳафта ўтар-ўтмас қора қуш дераза олдига келиб ҳовлида ивирсиб юрган Татим холага чурқ этмай қараб турадиган бўлди. Ҳатто бир куни Татим хола қушнинг озиқ-овқатидан хабар олгани хонага кирганда учиб келиб унинг елкасига қўниб олди. Эртаси куни хамир қораётган Татим хола булбулникига ўхшаган ёқимли товушда калта-калта сайраётган қушнинг овозини эшитиб қолди. Ён-верига қаради. Яна мулоғим, ғалати бир ўксик товуш келди. Яхшилаб қулоқ тутса дераза орқасида унинг қора қушчаси бошини юқорига силкитиб-силкитиб чунон сайрадики, Татим хола беихтиёр «Вой, бу майна экан-ку, эсим қурсин, билмапман-а», деб юборди.

Татим хола майнанинг оёғидаги малҳамни уч марта янгилади, ҳатто шаҳардаги қариндошининг тўйига «Майна қаровсиз қолади» деб бормади. Охирги марта майин докани майнанинг оёғидан ечиб олганда қушча пир этиб ўчди-да, деразага ўзини урди, тумшуғи ойнага қаттиқ

урилиб оғриди шекилли қайтиб келиб Татим холанинг қўлига қўнди. Узун тумшугини пичоқ қайрагандай Татим холанинг бармоқларига силаб-сийпаб қўйди. Татим хола «Тузалдингми, боякиш» деб унинг оёғини кўрмоқчи бўлди. Майнанинг иккала оёқ панжалари унинг бармоқларига маҳкам чирмашиб олди. Майна, ҳадеб тумшугини Татим холанинг бармоқларига чўкимоқчи бўлгандай оҳиста-оҳиста тегизар, аммо чўкimas, тумшугини кўтариб сапсарик даҳанини тўлдириб турган узун тилини ликиллатиб қўярди.

Татим хола хаёлидан қўтарилибми эшикни очик ташлаб кетган экан, бир маҳал ховли супираётса ховуз четида турган майнани кўриб қолди. Қўлида супурги унга яқинлашди. Майна жим тураберди. Аввал ўнг қанотини, сўнг сўл қанотининг остини тумшуги билан ниқталаб қўйди, думини ёйиб селкинди, қанотларини бир тутам ипақдай йиғиб, бўйинини ерга энгаштирди-да, жойидан аста қўтарилиб бўғотга қўнди, Татим холага қараб пайдарпай ғалати товуш чиқарди. Татим хола «Ха, энди тузалибсан, учиб кетсанг бўлади» дегандай ўз юмуши билан ўзи овора бўлиб кетди.

Майна кетмади. У кун бўйи қаерлардадир санкиб юрадиган, кўз қорайиши билан уйга қайтиб, дераза олдидаги Татим холанинг эски нимчадан ясаб берган «уйча»сида ётадиган бўлди. Татим хола бомдод намозига турганда майнани уйғотиб юборадими, ё майна Татим холани бомдод намозига уйғотадими билолмай қолди.

Татим хола эрта тонгда майнанинг бўғот теппасида ховлига қараб сайраётганини эшитди. Унинг овозида аллақандай узун айрилиқми-ей, ўтли инграшми-ей, соғинч дардини эслатувчи нола сездди. «Сенинг ҳам дардинг оғир экан, бечора», деди.

Татим хола майнага, майна Татим холага ўрганиб қолди. Бора-бора Татим хола қаерда бўлса майна ҳам унинг атрофида юрадиган бўлди. Кечаси унга шерик, кундузи кўринмай қолса Татим хола худди бирор одамни кўтгандай ташқарига аланглагани аланглаган эди.

Ёз ўтиб киш кирди. Татим хола майна билан баҳорга ҳам чикиб олди. У уйни йиғиштираётиб майнанинг жойини ҳам тозалаб қўймоқчи бўлди. Эски нимчанинг бир четини қўтараётиб хайрон бўлиб қолди. Нимчанинг ёнида бир ғалтак қирқинчи ил, бир неча нина, тўғнағич, ангиш-вона ва ҳар хил узун-калта кийкимлар, хатто тангалар қалашиб ётарди. Худди шў пайт Самар кампир кириб келса бўладими? Бир хафта бурун Самар кампир айвонда кўрпа, кўрпача қавишган эди.

— Татим, — деди Самар кампир, — билмайман, нева-  
ра қурғурлар ангишвонамни ўйнаб қаерга қўйишган, то-  
полмадим, ангишвонангизни бериб туринг.

Татим хола хижолатдан қўриқиб кетганидан пойгакда  
турган Самар кампирни ичкарига таклиф қилмай, қўли-  
даги нимчани майнанинг жойига ташлади, пилдираб бо-  
риб «Зингер» машинасининг чўнтагидан иккита ангиш-  
вона олиб Самар кампирга узатди. Самар кампир «бит-  
тасиям бўлади» деб чиқиб кетгач, Татим хола пешонаси-  
даги мунчоқдай-мунчоқдай терни енгил билан артиб яна  
дераза олдига борди. Ховлида унга қараб турган майна-  
ни кўриб, «Ха, жувонмарг ўғри, шарманда қилишинга  
сал қолди-я», деди қўли билан унга нўписи қилиб.

Хаво илиб, қурт-қумурскалар ёмйрлайдиган бахор  
кунлари бошланиб кетди. Татим хола бир неча бор майна-  
ни кўча томондаги қўранинг устидан «кишт-кишт»лаб  
учириб юборган ҳам эди. «Нима бало, буям зерикадим  
одамдай» хаёлидан ўтказарди Татим хола. Бир маҳал  
майна коптоқдай юқорига кўтарилиб Татим хола олдига  
«пўп» этиб тушди. Татим хола уни қўлга олишни билди,  
майна икки-уч марта узун тумшугини очиб ёпди. Кўкраги  
тилка-пора бўлиб кетган майна Татим хола қўлида бир  
сиқим пахтадай бўшашди-қолди. Қўрадан сакраб тушган,  
рогатка ушлаган қўшни бола Рашид югуриб келиб: «Бе-  
ринг, меники бу қорашакшак, мен отдим», деди Татим  
холанинг қўлидаги майнага ёпишиб. Бир майнага, бир  
унга қараб турган Татим хола кўзларидан қалққан ёшни  
кўрган Рашид нима қиларини билмай серрайиб турарди.

1997

## ЧУМЧУКХЎР

Бола ёшидан, одам бошидан биллинади. Рашид мактаб-  
га бормасданоқ қўни-қўшниларнинг товугини тиркира-  
тар, тухумини ўғирлаб келар, пода ўтганда қўй-эчкиларга  
минаман деб югургани югурган, мева-чева ранг бергандан  
бошлаб дарахт шохда ўйнар, Угам дарёсининг суви или-  
масдан чўмилигани чўмилган эди.

Қишлоққа келган лўлилардан тухумга резинка алмаш-  
тириб олдию, тол, терак, тут шохлари ичидан айри изтай  
бошлади. Бир эмас, уч-тўртта айриларга резинка тортиб,  
эски махсиларнинг чармидан «ўқдон» ясаб, чўнтақларини  
майда тошларга тўлдириб чумчук овларди. Унинг дасти-

дан читтак, мусича, калдирғоч, корашакшак, жүр, «биёв-биёв» деб сайрайдиган зарғалдоқ, булбул қолмади.

Баҳорда чумчуқлар теракларга ғужғон уя қурганда Рашиднинг ови юришиб кетарди. У теракнинг учудаги инга ҳам чиқар, ҳали жикқа ғүшт, пати кўрина бошлаган, полапон чумчуқ болаларини қўйнига тикаберар, теракдан сирғалиб тушаётганда улар эзилиб, қорин, қўйлакларини кип-кизил конга бўяб юборарди. У чумчуқларни беҳи шохидан қилинган сихларга тортиб, онаси ўчоққа ўт ёққанда оловда тоблаб ерди. Онасининг «Яшшамагур, бу нима килик, қаердан ўргандинг» дейишига қарамай оловда куюб, қорайиб пишган чумчуқларни суюк-пуяги билан аралаш қисирлатиб чайнаб, ютарди.

Рашид ўн ёшларида шундай мерган бўлдики, бир кунни ўртоғи Нажим билан чумчуқ овлаб юрганда бирор шохга кўниб турмайдиган, шохдан шохга «чик», «чик» этиб ўқдай учиб юрадиган қушчани пойлаганда уларнинг оёғи остига боши йўқ жимжалокдай қушча питирлаб тушган эди.

Чумчуқлар йилда кўп марта болалайди. Баҳорда хасчўплардан теракларга қурган инларида, уй бўғотларида, жарларда пайдо бўлиб қолган тешиқларда, дарахт ковакларида бола очишади. Хумсон кишлоғининг Иусала деган кирида икки терак бўйи келадиган жарлар бор. Унинг атрофидаги бўғдойзорлар йиғиштириб олингач, кишлоқ болалари шу жарлар ёқалаб мол боқишарди. Болалар молларни қўйиб юбориб, ўзлари машок теришар, тоғолча, олмалардан йиғишар, баъзилари ўтин қилиб кечқурун эшакларда уйга қайтишарди.

Пешинга яқин Рашид ўртоқларини йиғиб, ҳамманинг эшагидаги арқонни тўплади. Арқонларни улаб бир учини эшагининг бўйнидан ўтказиб жардан нарироқдаги дўланага боғлади, бир учини қўлида ўйнаб «Қани, ким ботир, келларинг, белга боғлаб жарга тушамиз, роса чумчуқ кўп», деди.

Аввал уч-тўртта бола ботирлик қилиб «Мен», «Мен» деб югуриб келишди. Жар ёқасига бориб пастга бўйнини чўзиши билан ҳаммасининг ранги қув ўчиб орқага тисарилди.

— Э, қўрқоқлар, — деди Рашид, — ўзим тушаман, Нажим арқонни белимга боғла, ҳамманг ушлаб турасанлар, арқонни соғиб-соғиб туширасанлар, қўйним чумчуққа тўлгач, арқонни ликиллатаман, шунда тортиб оласанлар.

Рашид қанчалик тез белига арқон боғласа, шунчалик эпчиллик билан арқонни ушлаганча жарга тушиб кетди. Анча пайт «тушир-тушир», деб бакириб турди. У таранг

тортилган арқонни ушлаганча оёқларини жарга тираб-тираб, сакраб-сакраб пахтага туша бошлади.

Жарнинг бети арининг уясидай илма-тешик эди. У қайси тешикка яқинлашмасин ичидан гур-гур чумчуқлар учиб чиқар, у тешикдан бош чиқарган, учиб кетай деган чумчуқлардан бир нечасини ушлаб қўйнига солишга улгурди. Яна бир кадам ёнига ташлаб тешикка қўл тиккан эди, «чий-чий» деган полопонлардан бир-иккитаси қўлига илинди.

Жардаги тешиклар, қўйнига солаётган чумчуқларнинг кўплигидан Рашид қаерда турганини ҳам унутди. Апи-ташил тешикларга қўл тиккан сари қўйни чумчуқларга тўлиб борарди, ҳатто енгидан, ёкавайрон қўйлаги ёқаларидан чумчуқлар «шир», «пир» қочиб қоларди.

Рашид арқонни ликиллатди. Юқоридаги болалар қий-чув қилиб уни тортиб олишди. Рашид жар ёқасида ўртоқларига «Қалай, қойил қилдимми?» дегандай гердайиб турарди. У қўйлагининг ёқасини бўйни билан босиб турди-да, қўйнидаги чумчуқларни битта-биттадан олиб бўйинини шартта-шартта узиб ташлайберди. Унга ағрайиб турган ўртоқларига «Ана, патини юлларинг» деди қўлининг қонини эшагининг тўқимига артар экан.

Рашид умрида бунча чумчуқ тутмаган эди. У қизишиб кетди. Бе-нига арқонни боғлаб яна жарга яқинлашди.

— Вой, Нажим, қара, роса чуқур экан-ку, бу жар, лекин чумчуқ тўлиб ётибди, каптарлар ҳам кўп.

Рашид аввал жарга тушган жойидан сал нарироқдан пахта энгашди, сўнг бутун гавдаси жарда осилиб, боши жар ёқасида қўрқиб турганда ўртоқларига хазиллашди:

— Менсиз еб қўймаларинг яна.

...Рашид тезда қўйини чумчуқларга тўлдирди. Энди туки чиқа бошлаган тоғ кабутарларининг болаларини ҳам қўйнига тикди. Энди арқонни ликиллатмоқчи эди, ундан бир қулоч нарида самовар каннайининг оғзидай тешикнинг олдига тўп-тўп чумчуқлар келиб урилаётганини кўрди. «Шу тешикни ҳам тинчита қолай» деган хаёлга бориб, унга қўлини чўзиши билан ичкаридан бир нарса арқондай чўзилиб чиқдию, тез қайтиб кириб кетди. Хамма ёқни яна чумчуқларнинг чирқиллаши тутди. У «ило» деб бақирганича оёғини жарга тираб зарб билан ўзини четга отди...

... Таранг тортилган арқон болаларнинг қўлида бирдан бўшашиб қолди. Рашид қўйни тўла чумчуқ полапонлари билан оқ қўйлаги хилпираб жар тубига учиб кетган эди.

# ЎТИН

## 1

Нотинч юртнинг оғирлиги кўпроқ бева аёллар елкасига тушади. Эркаклар ўрлаганда аёллар ерга тирмашиб қолади.

Киш каттиқ келган йили Татим хола баҳорда қурт боққанда кесилган тут новдалари, боғдан чиққан шохлар, даладан бошида қўтариб келган тўнка, ходалар билан қозон қайнатиб юрди. Чилла қилчичини айни яланғочлаганда Татим хола мўрисидадан чиқадиган тутуннинг қораси камайди, танчаси совий бошлади.

Боғни гир айлана ўраган қўраларни бир чеккадан олиб ёкишдан бошқа илож қолмади. Татим хола қор остидан қўра суғиришаётган ўғлига «Болам, бу йил шафтоли пишиғида ўн бирга кирасан, йиғит бўлиб қолдинг, ёзда писта сотиб эшак олиб бераман, кейин ўзинг ўтин ташиб юрасан», деди.

Кечгача ҳовлида тимириланиб тинка-мадори қуриган Татим хола танчанинг четида ухлаб ётарди. Иссиқ танчага оёқларини тикиб олган Рискитилла аламаҳалгача дарс тайёрлади. У «Йиғит бўлиб қолпти-я!» У онасининг широк нурларидан жўхори ун қўлчасидай кўринган юзига, тугмачадай бурни, янги униб чиққан сабзи баргидай қошларига, тарам-тарам пешонаси, билинар-билинимас оқ оралаган сочларига қараб ўтирди.

Онасининг бирон марта ойнага қараб соч, рўмолини тўғрилаганини билмайди. Уйларида сирка тароқдан бошқа тароқ йўқ. Онда-сонда тарс-тарс ёрилиб кетган товонларига, кўл, билакларига чучитилган пахта ёғи суришни билади. Ҳар йили ҳовлига ўсма экилса-да онасининг пиёла орқасига ўсма сиқиб қошига суртганини кўрмаган.

Онасининг кўрпа устидаги бармоқлари титраб-титраб, селкиниб-селкиниб қўяр, ўқтин-ўқтин ўксик нафас олиб ухлаб ётарди...

Рискитилла мактабдан келса, онаси чой дамлаб танчанинг четига қўйибди, танча устидаги дастурхонда баркашдай-баркашдай иссиқ нон, ёнида беш-ўнта ёнғоқ. Онаси йўқ. Онасининг эрталаб «Маҳбуба опангни кўриб келаман» деганини эслади. Нонни ёнғоққа қўшиб иштаҳа билан еди, танча четига ёнбошлади, қараса, иссиқ танча уни элитаяпти. У «Йиғит» бўлиб қолганини эслади-да ўрнидан салчиб турди. Поччасидан қолган эски этикни оёғига илди, ўтинхонага кириб болта қидирди. Болтанинг сопи синган, уларда тешанинг ўзи йўқ. Катта ош пичоқни

қозон латтага ўраб этик кўнжигга тикди. Секин кўчага чикди. Ҳаммаёқ оппоқ қор. У уч-тўртта тахтани омонатгина бирлаштириб, қўранинг ўртасига икки ёнидан сим билан боғлаб қўйилган «эшик» бўлиб эшик эмас, бир хайвонбасти дарвозалари олдида далага борсаммикан, ё Пусалага чиқсаммикан, деб бироз хаёлланиб турди. Дала узоқ, Пусала яқин, жардан ўтнинг — колхоз боғи бошланади, шу ерга боргани маъкул. Нима кўп — олча, қуриган олма, ўрик, тутзор бор.

Пусалага қишда ҳеч ким ўтмаганидан жарнинг ичига тушишга тушдию, юқорига чиқиб олгунча терлаб кетди. Одам бўйи ёққан қорнинг усти қатқалок, этиги ғарч-ғурч қилар, гоҳ бели бўйи қорга ботиб кетар, гоҳ сирпанчик учгандай қор устидан учиб борарди.

Қишда дарахтларнинг ҳўл-қуруғини ажратиш қийин экан. У катта дарахт тагида тўхтаб, «уф-уф»лаб қўлларини иситди. Пусала қиридан эсаётган совуқ юпун кийинган боланинг юз-кўзлари, қўл-қулоқларини гармдоридай қизартириб юборган, тупук ерга етгунча зўлдир бўлиб қоладиган изғирин эди.

Рискитилла дарахтнинг ғадир-будир бадани, шохлардаги мунчоқдай-мунчоқдай уйқудаги куртакларга қараб «ўрик бўлса керак» деб ўйлади. У этиги билан аввал ўрик тагини пайнаслаб шиббалади, икки томонга тарвақайлаган шохларни кўриб хурсанд бўлди. Ўрик айрисига миниб, бирига суяниб, иккинчи шохни қирқиш осон. У «Бисмиллоҳир раҳманир роҳийм» деди-да дарахтга тирмашиб чиқа бошлади. Дарахт баданида оёқ қўйишга бирон тўмтоқ жой бўлмаганидан этик қўполлик қилиб Рискитилла пастга сирғалиб тушди. Қарахт қўллари дарахтга ёпишиб сирғалди, бармоқлари шилинди. Яна дарахтга тирмашди. Иложи бўлмади, қўпол этик уни пастга тортса-тортарди-ю, юқорига кўтарилишга йўл бермас эди. Рискитилла унайбериб, унайбериб бадани қизиб кетди. Бундай ўйлаб қараса, этикни ечмаса ўрик устига чиқиб бўлмайди. Ердан уч-тўрт қулоқ юқорида одамнинг сонидай келадиган шохнинг учи энгашиб ердаги қорга ботиб қолган. Агар шу шохни кесиб олса бемаъл судраб кетса бўлади. У шартга этикни ечиб шичокни тишлади-да ўрикни кучоқлаб-кучоқлаб айри жойига чиқиб олди. Ииртик пайпоқлари ўрик баданига чиппа ёпишиб уни ерга тушириб юбормасди, у эгилган шохга миниб олди-да аста-секин пичоқ билан ўрик пўстлоғини учира бошлади. Аввалига пўстлоқ шилиниб, ўрикнинг қизғиш бадани йилтирай бошлади, у пичокни қанчалик ботиришга уринмасин пичоқ музга урилгандай сирғанар, кесишдан дарак йўқ

эди. Бир қўли билан шохни ушлаб, иккинчи қўли билан пичоқ ураётган Рискитилланинг қўллари музлаб, тиззалари ачишди. Айниқса қулоқлари ёмон совкотди. Гоҳ у қулоғини, гоҳ бу қулоғини ушлаб-ушлаб, ишқалаб-ишқалаб қўйди.

Оёқ-қўллари, қулоқ-бурни музлай бошлаган Рискитилла дарахт устидан тушиб кетдими, ё ўзи сирғалиб тушдими билолмай қолди. Оёқларини этикка тикди, икки қўлини бағрига олди. «Пичоқ билан ўтин кесиб бўлмас экан», деган хаёлга бориб орқасига қайтишни ҳам, қайтмасликни ҳам билолмай турганда битта қарға ўрикнинг қоқ учига қўниб «қағ-қағ»лади. У қарғага қарайман деб бошини кўтарганида бармоқ ўрнидайд кесилган жойда қолган пичоғини қарға олиб кетадигандай туюлди. «Қарғалар совукдан қўрқмайди-я, мен ахир йигит бўлиб қолган бўлсам» ўйлади Рискитилла ва қарғага қараб «Хов, хов, ха, ха» дея қўлларини юкорига ниқтади. Унга бепарво қараб турган қарға Рискитилланинг иззат-нафсига тегдими, у шартта оёқларини этикдан чиқариб ўрикка чирмашди-да пичоқ турган шохга олмахондай лип этиб чиқиб олди. У пичокни бор кучи билан йўғон шохга ура бошлади. У қанчалик зарб билан пичоқ санчса, қорнинг устида майда-чуйда пайраҳалар шунчалик кўпайиб борарди.

Одатда совук кечга яқин янада кучаяди. Агар тезроқ ҳаракат қилмаса қоронғу тушиб қолади. Қий далада қолиш қўрқинчли, бўри изғиб қолиши мумкин. Рискитилланинг юраги ўйнаб кетди. У қонталаш қўллари, қотиб қолган бармоқларини қуф-қуфлаб илтиди-да қирқилган шохга ўтиб уни босиб кўрмоқчи бўлди. Шу пайт пичоқ қўлидан тушиб кетди. У шунчалик совукқа чидасаям қўлидан пичоқ чиқиб кетганига алам қилиб йиғлаб юборди. Йиғи аралаш ерга тушмоқчи бўлдими, ё қирқаётган шохининг қанчалик «жони» қолганини синаб кўрмоқчи бўлдими жойидан кўзғалишни билади — шох қасир-қусур қилиб пастга ағдарилди.

Рискитилла шох билан баробар қалқилдай учиб боши аралаш қорга шўнғиб кетди. У қор ичидан апил-тапил чиқиб пичоғини кидирди. Худо асраган экан, пичоқ қор ичида нақ унинг елкаси тушган жойда ётарди.

Рискитилла қирқилган шохнинг майда ён шохларини синдириб-синдириб ташладю, учидагиларни кесиб ташлашга ақли етмади. У кесилган шохни елкасига қўйиб судрай бошлаганда бу шохчаларга қор илашиб уни қанчалик кийнашини билмаган эди.

Шохни судрай бошлаган Рискитилланинг бадани хатто кизиб кетди. У юз қадам босмасдан бир елкаси шили-

ниб, шохни соғ кифтига олди. У чираниб-чираниб шохни тортар, уч-тўрт қадам ташлаши билан худди шох уни орқага тортаётгандай тобора оғирлашиб борарди. У бор кучи билан ерга энгашиб олдинга интилар, белигача қорга ботиб кетарди. Устидаги шохни ташлаб юбормасдан ўрнидан зўрға турмоқчи бўлганида битта этиги қорнинг ичида қолди. Рискитилла энгашиб этиги кириб қолган жойга қўлини узатган эди, қўли етмади. Кейин елкасигача қорга ботиб этикни суғириб олди-да ичидаги қорни қоқиб, оёғига илди...

Қишлоқда аёллар сигир соғадиган, эркаклар ўтин ёрадиган бир маҳалда Рискитилла жарга яқинлашиб қолган эди. Шу жардан чиқиб олса, у ёғига қишлоқ бошланади, жардаги булоқларга сувга келган одамлар йўл очган бўлади.

Рискитилла жарнинг ичига қанчалик осон тушган бўлса, ундан чиқишда шунчалик қийналиб кетди. Бир туёқ йўл борликка бор-а, аммо Рискитилланинг оёғидаги этик тарашадай қотиб, зил-замбил бўлиб қолган, устига устак эски этикнинг тағварм резинкаси силлиқ, ейлиб кетган.

Рискитилла аввал оёқларини ерга маҳкам ўриатиб, сирғалиб кетмаслигига кўнгли тўлғач, елкасидаги шохни бир қадам олдинга сураб, баъзан шохнинг нақ белидан кучоқлаб эмаклагандай суриб қўярди-да кейин ўзи зўрбазўр унинг бошидан тортарди.

Ўйларнинг мўриларидан бўғоғлар оша осмонга буралиб-буралиб тутун кўтарилаётган, хонадонлардан пиёздоғ ҳидлари таралаётган паллада Рискитилла жардан чиқиб олди. Бор кучини тўплаб учларига дўланадай-дўланадай қор-муз ёпишган шохни зўрға судраб уйига яқинлашиб қолган читтакдай болага кўзи тушган бир-икки қария хайрон бўлиб қолишди.

Осмондан тушдимми, ердан чиқдимми, ҳамма унинг қорасидан қўркадиган, қишлоқда «закўнчи» деб ном чиқарган Иномбобой ҳосилот Рискитилланинг йўлини тўсди. У отнинг устида қамчинни ўйнатиб Рискитиллага дағдаға қилди.

Хой, «халқ душмани»нинг ўғли, нима қилиб, калхўз боғидаги мевали дарахтни кирқиб юрибсан. Илондан илон, бўридан бўри туғилади деб, шуни айтадилар-да, зараркунанда, сени миллисага топшириш керак, — деди.

Қўшни Пулат буваннинг «Хой, хой»ига қарамай, «закўнчи» Рискитилланинг бош-кўзи аралаш бир-икки қамчин урди. Ташқаридаги ғала-ғовурни эшитиб чиққан Татим хола бошьяланг, оғиз-бурнидан қон оққан ўғлининг «закўнчи» рўпарасида дағ-дағ титраб турганини кўрди.

Татим хола бирдан «Санларнинг дастингдан ўлар бўлсам ўлдим-ку, нега урасан ёш болани, газанда», деб «зақўнчи»га ташлашмоқчи эди, ўғлининг ахволини кўриб ўзини тийди. Татим хола ўғлини иссиқ бағрига олаётганда «зақўнчи» «Сени ҳам қаматаман, ўғлингниям» деди-да, ўрик шохини от эгарига аркон билан боғлаб, тор йўлни тўзғитиб гузар томонга жўнаб қолди.

## II

Татим хола ўғлини пахтали нимчасининг барига олиб уйга кирди, Рискитилланинг кийимларини алмаштирди, бозиллаб турган танчага ён-верини ўраб-чирмаб ётқизиб қўйди. Бутун аъзою-бадани музлаб кетган Рискитилла ҳадеганда кўзини оча бермади. Онаси кимларнидир қарғаб-қақшаб ўғлига иссиқ чой хўплатди, оёқ-қўлларини укалаб эски жун рўмоли билан ўраб қўйди.

Рискитилла кўз очганда анча қоронғу тушиб қолган эди. У «қурт қоғози» ёпиштирилган шипга тикилиб ётди. Онасининг товуши келмаса-да ҳали ухламагани, унга тикилиб ўтирганини билади.

— Ойижон, дадамниям қаматган шу «зақўнчи»ми? — сўради у онасининг унга нималарнидир гапирмоқчи бўлиб ўтирганини сезгандай.

— Ҳа, болам, шу балога йўликқур, отангни бошига етган. Яхшига кун йўқ, ёмонга ўлим, деб бекорга айтишмаган. Бизга шунча жабр кўрсатишди, болам, буларгаям худони боққан-тергани бордир...

...Мана шу ҳовли асли ота-буваларингни жойи. Бу ердан не-не одамлар ўтмаган. Буванг — Мирзааҳмадбой, тоғанг — Мулла Олим қозиларни бутун Бўстонлик танирди. Катта амакнинг — мулла Аъзам жуда ўқимшли киши эдилар. Замон чайқалиб турганда Тошкентга қочиб кетдилар. Тошкентнинг Қўкча маҳалласида ҳовли-жойли бўлиб юрганда мана шу Иномбой «зақўнчи» тутиб берган. Қайтиб келмади. Тоштурмада ўлган дейишади, билмайман.

Далада отангни катта боғи бўларди. Сен шу ерда тувилгансан. Ҳали юрмас эдинг, эс-эс одам ажратадиган, оналарингга, дадангга талпиниб эргашадиган пайтинг эди. Шу боғ ўлгурни деб отанг бедарак кетган. Қалхўз боғ ярмини Жуман Раупов деган ўқитувчига бўлиб берди. Боғнинг ярмида биз яшардик, ярмига Жуман кўчиб чиқди.

Отанг боғда иш қилиб юрса, кетмон ўлгурнинг сопи синиб қопти-да. У ёқ-бу ёққа қараса, кетмонсоп бўладиган бирон нарса қўринмапти. Жуманга тегишли боғнинг

четидаги оловчилардан биттасини қирқиб, энди кетмонга соп соламан деганда Жуман кўриб қолади. Уям, ҳе йўқ, бе йўқ, «Хой босмачи, нега менинг боғимдаги дарахтни кесасан», деб сўкиниб қопти-да. «Вой, дарахт экиб белинг оғриган, сени онангин...» деб отанг Жуманини саваллаётган пайтда келиб қолдим. Шунда ажратмасам бўлар экан. Отанг жаҳл аралаш Жуманини ўлдириб қўярмиди. Одам ўлдирганлар ардимдан тезроқ қайтишарди-ю, кейин билсам отангни қайтмайдиган қилиб жўнатинган экан.

Жуман «Мани, шўро ўқитувчисини босмачи урди» деб қалхўз омбор мудирини Абдулла хир-хир деган акасининг олдига боради, улар Иномбобой «зақўнчи»га йўлиқишади. Маслаҳатни бир жойга қўйиб отангни қуритишни ўйлашади. Орадан унча кўп вақт ўтмовдям, қўз эди шекилли, эрталаб мен ҳовли сушираётган эдим, отанг узум қирқарди. Ташқаридан биров чақириб қолди. Чиксам от минган Иномбобой «зақўнчи», Жуман, яна битта харбийча кийинган ўрис бола турипти. «Босмачи эринг қани?» — деди Жуман. Отанг қўлида тоққайчи боғдан чиқиб келарди. «Ана, халқ душмани», — деди Иномбобой «зақўнчи» отангга қўлини бигиз қилиб.

Жумандан бўлак ҳеч ким отдан тушмади. У ҳаммани ўзининг орқасига эргаштириб ўтди-да нарвондан томга чиқиб хашак олдидаими, ичиданми бир ўрам симни олиб ерга улоқтирди. «Ана, ўртоқ начайник, «халқ душмани» бор қишлоқда, дедим-ку», — деди «зақўнчи».

Жуман молхонадан арқон олиб чиқиб отангни икки қўлини қўшиб боғлади-да арқон учини харбийча кийинган ўрис болага узатди. Шунда отангни филтиллагани қўз олдимдан ҳеч кетмайди. Сени олиб бориб унга узатдим. Боғланган қўллари билан сени бағрига босганда ўзини тутиб туролмади. Хўнграб юборди. «Болаларни сенга, сени худога тоширдим, Татим, энди булар мурод-мақсадига етишди-ёв», деди. От бирдан юриб кетди, сен силтаниб кетган отангни бағридан ерга чиқариб тушдинг, икки қўлингни қўтариб уларнинг орқасидан эргашганинча йиғлаб қолдинг. Кейин уч-тўртта одам райондан келиб кетишди. Районда шимининг икки ёни бир элик узун қизил лагтали бошлиқ билан ҳам учрашдим. У «шунча бола-чақали одамга беш-ўн метр сим нимага керак», деб отангни чиқариб юбормоқчи бўлган экан. Бу мис Хумсонга келган соллотларни телефон сими экан. Шунини Жуман қирқиб олиб кечаси тоғимизга улоқтириб, эрталаб одам эргаштириб чиққан экан. Соллотларни бошлиғи «бу одам симни бошига урадимми, бунақа симлар бизда чувалиб ётипти», десаям, Жуман, Иномбобой «зақўнчи» иккаласи

«Йўқ, у «халқ душмани», аввал ҳам бойқулоқ бўлиб қамалиб чиққан, муддатидан бурун Қарағандадан қочиб келган, уни камаш керак», деб гувоҳлик беришган экан. 37-йилги Чимкатда «тройка» деган суд даданга ўн йил берган. Шўрлик ўлиб кетган чоғи, агар тирик бўлганда Сибирдан қочиб келарди...

Жуман не кунларни бошимизга солмади, болам. Опаларнинг мактабдан қон қақшаб келарди. Хали уруш бошланмаган. Махбуба, Махтума опаларнинг даладан қор кечиб Хумсонга мактабга катнашарди. Даданг қизларим совқотмасин деб қизларига бежирим ўрисча жун этикчаларни атайлаб Қарағандадан ардимдан қочиб келганда опкеган эди.

Жуман мактаб олдида опаларнингни синфга киритмай совукда ушлаб тураркан. «Халқ душмани»нинг қизлари синфга ҳаммадан кейин кирсин деб бақираркан. Бир кунги у синфга кириб «халқ душмани»нинг қизларини шўро партасида ўтиришга ҳаққи йўқ, тикка туриб дарс тинглайсанлар, деб опаларнингни бир соат доска олдида тургазиб қўйган экан. Жуманни дастидан опаларнинг мактабга бормай қўйишди. Яшамагур армияга кетгач, кейин мактабга борадиган бўлишди. Нима бўлди, ўзиям қирчиндида қийилди. Урушда ўлиб кетди. Иномбобой «зақўнчи» урушга ям бормади, балонинг ўқидай юрибди... Она-бола шу кеча ухлаб ухлагандай бўлмади. Татим холанинг яраси яллиғланиб кўзи мижжа қоқмади, Рискитилланинг музлаган бадани оташ бўлиб ёна бошлади. Унинг кўз олдида отлиқлар, кўп отлиқлар кимнидир, ниманидир судраб-судраб, калтаклаб борарди...

1997

## Ў Ч

Бурун Хумсон қишлоғига қиш эрта тушиб, кеч қўтариларди. Айни чиллада кўчаларда от-улов ҳам юра олмас, азбаройи қор кўп ёғганидан одамлар кўчадан кетаётганини ҳам, том-бўғотларда юрганини ҳам билолмас эди. Гоҳо лип этган қуёшдан эриган қорлардан томларда пастга қараб найзадек осилиб турган узун-калта сумалаклар ташвиш келтирар, бирор одамнинг бошига тушиб кетмасин, деб белкурак ё хода билан уларни уриб-уриб синдириларди.

Қор кўп ёғса нафақат чорвага, тоғу тошлардаги хайвонларга, қуш-қумурсқаларга ҳам қийин бўларди.

Тоғдаги какликлар пастлаб қолар, дарё, булоқларга яқинлашиб ўзини ўзи тутиб берарди.

Кеч кузда қалдирғоч, лайлак, турналар иссиқ жойни кўзлаб кетиб қолишса, каклик, чумчуқлар тобора одамларга яқинроқ бўлишга иштиларди.

Бўрилар ҳам одамлар томон жиғиб қолади. Фарқи шундаки, улар қанчалик хонадонлар атрофида изғишса, шунчалик қақшатиб кетарди. Ўша йили кишлоқнинг чеккасидаги молхоналардан анча қўй-эчкилар ё бўғизланди, ё чайнаб ташланди, ё йўқ бўлди. Одамларнинг тинчи бузилди, ҳатто кечаси ҳовлига эски кўрпачаларга керосин қўйиб, ё тўнкаларни қалаштириб ёқиб қўйиш одат бўлди. Уйқу — ўлим билан баробар деганларидай, харқалай, гулхан ёқилган хонадонга бўри яқинлашмас деган ниятда шундай қилардилар.

Ўсар овчи кишлоқнинг «Тош отар» қавмидан, ҳовлиси Боғ маҳаллада Угам дарёсининг ўнг қирғоғида эди. Овчилик унга ота мерос. Кишлоқдагилар «Бу хонадонда болалар кўлида милтиқ билан туғилади» деб ҳазиллашар эдилар. Ўсар овчининг бир кўзи йўқ. Кўз ўрнида кичкина чуқурча бўлиб, ҳамкишлоқлар «Ўсар, милтиқ отаётганда одатда киши кўзини юмиб олади, сен қайси кўзингни юмасан, яна соғини юмиб бировни отиб қўйма», деб ҳазиллашса, «Сени замон кўтарса кўзимни юмай отиб ташлардим» деб жавоб қиларди у.

Ўсар чақалоқ пайтида кишлоққа катта йўлбарс оралаб қолган. У учраган итларни ёғимлаб улоқтириб, бамайлихотир томдан-томга ўтиб юрганда одамларнинг капалаги учиб, ким қаерни пана топса шу ёққа қочиб қолган, уйларининг ичидан тамбалаб чурқ этмай ўтиришган. Шунда Ўсарнинг онаси йўлбарсни кўриб, боласини бағрига босганича бўғотнинг тағига яширинган. Йўлбарс бўғот устидан гурс-гурс юриб келиб худди Ўсарнинг онаси турган жойдан пастга сакраганда унинг орқа оёғининг тирноғи Ўсарнинг битта кўзини илиб кетган эди. Она жон ҳолатда боланинг оёғига маммасини босиб товушини чиқармай уйга югуриб кирган. Ўсарнинг кўз соққаси йўлбарснинг тирноғида кетган эди.

Қонга бўялган чақалоқни кўрган отаси қўшотарини оладю йўлбарс кетидан югуради. Қоравой қассобнинг томида турган йўлбарс мерганнынги икки марта ўк узишидан кейингина наъра тортиб ҳовлига қулаган. Ўсар овчининг қўшотари отасини кўрган, беҳато уради. Бўрилар кишлоқ молларини қийрата бергач, қариялар Ўсар овчига «Бир нима қилсанг-чи, жуда тинкамизни қуритди-ку, бундирткичлар» деб нолиб қолишди. Бир кечада Ўсар овчи-

нинг қўрасидаги қўйлардан нақ учтаси бўғизланган, битгаси хомталаш қилинган эди. Ўсар овчи қиш бўйи бўри пойлади. Бўрилар қайта унинг қўрасига яқинлашмади. Аммо қишлоқда қий-чув ҳам камаймади. Ўсар овчининг ўзи бир неча бор дарёнинг нариги қирғоғидаги ўқ етмас тепаликда каттақон кўнғир бўрини кўп кўрди. Бўри оппоқ қорга бурканган тепаликда икки оёғини тираб хайкалдай ўтирарди.

Бир кун и бўрига қараб икки-уч марта ўқ ҳам отди. Кўнғир бўри қилт этмай ўтирарди. Ўсар овчининг жахли чиқиб, резинка этигини кийди-да дарёдан ўтиб тепаликка кўтарилди. Бўрининг ўрни бор, ўзи йўқ эди.

Ўсар овчи бўрилардан қутилиш йўлини топгунча қиш ҳам тугади. Бўри болалайдиган палла эди, Ўсар овчи отасининг бир гашини эслаб қолди. Эрта саҳарлаб Мингбулоқ томонга жўнади. Овчилар қайси ҳайвон қаерда тунаб, қаерда юришини яхши билишади. У ёнғоқзор, арчазорлардан ўтиб, харсанг тош, қояларнинг бағридаги унгурлар, форларга разм солди. Мингбулоққа етай деб қолганда катта япаски қора тошнинг ёнида бир нима елиғичдай қимирлагандай бўлди. У аввал тулки деб ўйлади, кейин қоқ тепасида турган дўлана томонга бошини кўтарувди, дўлана соясида унга қараб турган кўкимтир бўри лии этиб ўзини панага олди. «Ҳа, баччағар, шу ерда экасан-да», деди Ўсар овчи милтиғини елкасидан қўлига олиб. У қора тошни айланиб ўтаётганда тошнинг қояга ёпишган жойида қозоннинг оғзидай тешикни кўриб қолди. Тешикнинг олдида майда-чуйда суяклар ётарди. Ҳаммаёқ жимжит. Мингбулоқ устидан салқин шабада эсиб турар, хатто қушларнинг сайраши ҳам эшитилмас эди. Ўсар овчи зигашиб тешикка қаради. Қоп-қоронғу жойда нимадир қимирлагандай бўлди. Бироздан сўнг ичкарида овоз чиқармай унсиз ириллаб тишларини қайраб турган бўри болаларини кўрди. У милтиқ учи билан бўри боласини чалғитиб турди-да бир қўлини секин чўзиб унинг елкасидан маҳкам ушлади. Ана шунда бўри боласи жонжаҳди билан инграб, важиллай бошлади. Барибир у бўри боласи эди, итваччаларга ўхшаб ақилламади, чинқирмади, тақдирга тан бергандай Ўсар овчи қонининг ичида жимиб қолди.

Ўсар овчи бўри боласини уйга олиб келди. Отасининг гашини яна элади. Агар бўридан қутилмоқчи бўлсанг, — деган эди отаси, — унинг боласини тутиб оласан, орқасини тикиб, бир-икки кун боқасан. Бола эмасми, у нима берсанг еяберади. Чиқиб кетадиган жойи тикилгач, унинг қорни оғриб финишига тушади, қийналади. Кейин уни

каердан олиб келган бўлсанг ўша жойга олиб бориб қўясан. Унинг ха деб ёнгишиб, ўзини у ёқдан-бу ёққа уришини кўрган она бўри боласини оинчлаб тоғма-тоғ кетаберади, кетаберади, боласини эмизиб боқаберади. Бола эса оғриққа чидамай баттар аҳволга тушади. Бўри боласининг азоб билан ўлмагунча онасининг елкасидан тушмайди. Бўри эса боласини шу алпозга тушган жойга қайта келмайди...

Ўсар овчи бўриваччанинг орқасини махси ямайдиган йўғон ишда чинқиртириб тикди, кейин Мингбулоққа олиб бориб ташлаб келди.

Кейинги йилларда ёнгиғарчилик кам бўлди, ё хакикатан Ўсар овчи тадбири қор қилди, кишлоқ атрофида бўриларнинг қораси кўринмади. Орадан анча вақт ўтиб яна қалин қор ёғди. Ўсар овчи каклик овига бориб қайтмади. Қариндош-уруғлар уни кидириб боришса, Мингбулоққа яқин жойда арчанинг тагидан чиқадиган булоқ олдида унинг жасадини топишди. Ўсар овчининг бўйини чайнаб ташланган, соғ кўзи ҳам қосасида йўқ эди.

1997

## КЎЗОЙНАКЛИ ДЎХТИР

Каромат холанинг қон босими кўтарилиб, бинойидай юрган одам бирдан ўзини таппа ташлади. Бир қўли, бир оёғи ишламай, кечга бориб тили ҳам айланмай қолди.

Хаётда куйди-пишди одам беморликни бесаранжом ўтказадими, ё жон халқумига келганда ўзини қаерга қўйишини билмай қоладими, Каромат хола ҳам ҳаммани оёққа турғазди. Унинг термулиб карашларидан, гоҳ кўзини очиб, гоҳ кўзини қисиб, гоҳ лабларини чўччайтириб нималарнидир айтмоқчидай тебранишларидан ўнгил-қизларига, невара, келинларига васият қилмоқчимми, «Мени олиб қолинглар, олиб қолинглар, ўлгим йўқ, яшамоқчиман, яшамоқчиман», деб илтижо қилаётирми, биллиб бўлмасди.

«Тез ёрдам» машинаси ўша кунёқ Каромат холани касалхонага олиб кетди. Бели бақувват ўнгиллари уни алоҳида хонага ётқизишди. Касалхона бош врачидан тортиб, бўлим мудири, ҳамширалар унинг бошида гирдиқа-палак.

Каромат хола касалхонада уйдагидан баттар оғирлашди. Ҳушини йўқотди. Икки-уч кун ана кетди, мана кетди алпозда оғзига сув томизиб ўтиришди. Учунчи кун у инграб, керишиб-керишиб ўзига келди.

Каромат хола кўзини очмаса ҳам гап-сўзларни эшитар, дўхтирларнинг тинимсиз кириб-чиқинини сезиб ётарди.

Бешинчи куни у оппоқ хонанинг ичиди ёра-шира кўра бошлади. Ич-ичига чўкиб кетган кўз соққалари тўлишиб, кичриклари пирпиради. У кроватнинг этагида тикка турган одам шарпасига узоқ тикилди. Оппоқ халатли врач оқ хона ичиди унчалик ажралиб кўринмас, факат унинг парда орқасидан кўзга чалинаётгандай қош-кўзлари, юзи Каромат холага яқинлашиб-яқинлашиб келарди. Уни аввал катта ўғлига, сўнг кенжасига ўхшатди, ёнидаги келинини пайқамасди ҳам. Келин Каромат холанинг ёшланган кўзларини оқ доқа билан артиб ўзини билдирмоқчи бўлар, пешоналарини силар, чап қўлини уқалаб ўтирарди.

Каромат хола оқ шарпага ўйчан тикилиб қолди. Аста-секин оқ шарпанинг бошидаги саллага ўхшаган оппоқ шапкачани, мовий рангдаги кўйлагини ажратди, бироздан кейин оқ шарпанинг чехраси ёриша бошлади. Каромат хола унга қараб турган новча бўйли, келишган, истараси иссиқ, кўзойнак таккан йигит ўғли эмас, дўхтир эканини ажратди.

Каромат холанинг юзига ҳаёт нури қайта бошлаганидан кўнгли тўлган дўхтир қўли билан «Безовта бўлмаг, безовта бўлмаг» ишорасини қилди.

Каромат хола бир ойдан кейин бери кела бошлади. Тили ёўлдираб-ёўлдираб чиқадиган, чап қўлининг бармоқларини аста-секин қимирлатадиган, кроватда ўзи ўтириб, ўзи ётадиган, муздек оёғининг рангида ҳам ўзгартириш сезгандай бўлди. Уни кўп дўхтирлар кўришди. Айниқса кўзойнакли дўхтир навбатчи бўлиб қолса кўнгли анча ёришиб кетади. У билан гаплашгиси, унга ўзини нимагадир яқин олгиси келади.

Кўзойнакли дўхтир ҳам бошқа беморларни кунда бир марта кўрса, Каромат холадан икки-уч марта хабар олади. Бу гап узоқ у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирди. Чикиб кетиш олдидан беихтиёр кўзойнагини олиб унинг бир ойнасига қуфлаб илтиқ нафас юборди-да, дастурмоли билан артиб қайта кўзига такаётганда Каромат хола унинг бир кўзи йилтираб турганини, қорачиғ ўрнига шиша қўйилганини сизди. Аввалига Каромат холанинг хаёлига ҳеч нарса келмади, дўхтир чикиб кетгач, ётган жойида у ёнига ағдарилди, бу ёнбошига ўгирилиб кўрди, кўзойнакли дўхтир кўз ўнгидан ҳеч кетмай қолди. У кўзойнакли дўхтирни ўйлаган сари «Йўғ-э, нахотки?» деб қўяр, икки кўзи эшикка миқиллашиб ётарди.

Кўзойнакли дўхтир хонага кирганда Каромат холанинг киприги энди илинган эди. Дўхтир секин орқасига қайтмоқчи бўлиб бир қадам ташлаган эди, Каромат холанинг «Вой, кет... манг... манг... кет... манг, мен ух... ла... ма... дим» деган сўзларини эшитиб унинг ёнига ўтирди.

Каромат хола кўзойнакли дўхтирга ютиб юборгудай термулар, кўзлари гоҳ дўхтирнинг бежирим бурни, қалин лаблари, кенг пешонаси, эрта оқара бошлаган сочи, айниқса, кўзойнагига тикилиб қарарди.

— Мени, бо...ла...лаларимни бил...дин...гиз, кўр...дингиз, Сиз...га, минг раҳ...мат, дўх...тир..., — Каромат хола базур, дудукланиб-дудукланиб гапирди. — Бо...ла, ча...қан...гиз бор...ми, о...та-о...нан...гиз тирик...ми, худо...ё... ро...ҳа...тин...гиз...ни кўриш...син!

Кўзойнакли дўхтир бироз жим турди-да «Ойлам бор, хола, аммо ота-онам йўқ, уларни билмайман. Мен болалар ўйида ўсганман», деди.

Кўзойнакли дўхтир хонадан чиқиб кетдию, Каромат холанинг аҳволи яна оғирлашди. Касалхонага келган биринчи кунидай қарахт аҳволда кўзини шипга тикканча қимир этмай, «Эй худойим, наҳотки, наҳотки?» деб жонсарак пичирларди. Орадан қирқ йил ўтиб, Каромат хола аллақачон унутиб юборган бўлса-да аҳён-аҳёнда унинг ёдига тушиб қоладиган мудҳиш бир воқеа уни ларзага солиб қўярди.

...Каромат хола ёшлигида ниҳоятда чиройли бўлган эди. Эри урушга кетиш олдидан, урушда юриб ҳам акаси-дан Кароматни ёлғиз қолдирмаслик, уни Тошкентга кўчириб олиб келишни илтимос қилабергач, Каромат Намангандан Тошкентга келиб қолади. Уни қайин оғаси мактабга адабиёт ўқитувчиси қилиб жойлаштиради. Шўҳ, сочи атлас кўйлагидан узун, кўзлари ўйнаб чарақлайдиган, хар сўзида шеър, мақол селдай ёғиладиган Каромат мактабда адабиёт тўғараги ташкил этиб, кечқурунлари ёш йигит-қизлар билан шеърхонлик қилар, биргалашиб кино, театрларга борарди. У ўқимаган китоб, кўрмаган кино, бормаган театр қолмади. Тез қунда унга овсини ҳам қўшилиб, Жанггоҳдаги концертлар, театр, цирк томошаларига биргалашиб борадиган бўлишди.

Қиш эди. Ўртаовулда мактаб директори бўлиб ишлайдиган, ойда бир-икки бор Тошкентдаги бола-чақалари, келинидан хабар олиб кетадиган қайин оғаси худди шу кунга келган эди. Алламаҳалгача гаплашиб ўтиришди. Каромат эрдан олган хатларни йиғлаб-йиғлаб ўқиб берди. Эрталаб тонг ёришмасдан, узоқ-узоқлардан трамвай

ғилдирақларининг бурилиш чорраҳаларидан тараладиган чинқириққа ўхшаш товушлари эшитила бошлаган пайтда қайини оғаси мактаб очилишига етиб бориш учун жўнаб кетди. Каромат овсини ёнида қайини оғасини эшиккача кузатиб чиқди, сўнгра ичкарига қайтиб ўзини иссиқ ўринга ташладию, бикинининг остида ғалати оғриқ сезди. Оғриқ кучайиб, кенгайиб борарди. Аввал овсинини тургазмокчи бўлди. Ийманди. Кейин қўрқиб кетди. Тўққиз ойдан буён хавотирда қўни-қўшниларининг кўзидан қочиб, кенг атлас кўйлақда юрса ҳам охирини ўйламаган экан.

Оғриқ зўрайгандан зўрайиб «Дод!» деб юборишига сал қолди. Кўйлақчанг ташқарига отилди. У бошланг, оёқланг ховлинининг четидаги хожатхонага югурмокчи эди, тун бўйи одам бели баробар ховлига қор ёққан эди. У хожатхона томонга икки-уч кадам ташламасидан уни шундай оғир дард чирмаб олдики, оғриқ, азоб ва совуқ қўшилиб бели букчайди, бирдан ошпоқ қор лойқа қўлмакка айланиб, оёқларига илашган чинқириқ товушини эшитди. У жон ҳолатда ўзини чақалоқ устига ташлади. Нима қиларини билмай, чақалоқнинг оғзини юмиб нафасини ўчирмокқа уринаётганда қўллари сирғалиб жимжилоғи чақалоқнинг кўзига кириб кетгандай бўлди.

Чақалоқнинг товушини эшитиб ичкаридан югуриб чиққан овсини ошпоқ қор устида қин-қизил қонга беланиб, телбаларча тебранган она-болани кўриб бир лаҳза хангу манг қотиб қолди. У овсинининг оғир оёқлигидан хабари бўлсаям, бунақа ахволда қўраман, деб ўйламаган эди. «Ха, яншшамагур!» дея олди, холос. У Кароматнинг оёқлари остидан чақалоқни олдида уйга югуриб кириб кетди...

Каромат бир ой кўчагаям чикмади, мактабга ҳам бормади. Ўйлаб-ўйлаб овсинлар бир кўзи оқиб тушган чақалоқни болалар уйига топширишди. Овсинлар исноддан осонгина қутилишди. Каромат эрдан қора хат олгач, ўша — дон олишиб юрган мактаб директорига турмушга чиқди, ундан уч ўғил, икки қиз кўрди.

...Каромат хола касалхонада тузалиб тузалмади, тортилиб узилмади. Охири уни олиб кетадиган бўлишди. «Энди уйда даволаса ҳам бўлади» дейишди дўхтирлар.

Каромат холани олиб кетгани ўғиллари келишди. У билан хайрлашгани кўзойнакли дўхтир хонага кирганда Каромат хола кўзларини аланг-жалаң ўйнатиб ётарди.

— Безовта бўлманг, онажон, — деди кўзойнакли дўхтир кроватга энгашиб, — соғайиб кетасиз, қаранг, қанақа ўғилларингиз бор экан.

Каромат хола қўловига «Онажон» сўзи ўқдай кириб,

кўзларидан тиркираб чиқди. Шунча кун гўлдираб ётган Каромат хола тиниқ бир товушда «Раҳмат, Болам!..» деди-да, бир қўли билан кўзойнакли дўхтирнинг бўйнига маҳкам ёпишганча жони узилди.

1997 йил

## ҚЎЙМАС

Кишлоқ одамларининг дарвозасида қўнғироқ бўлмагани учунми, дала-даштда мол боқиб юрганда – шерик, ховли-жойга қўриқчи, деб ўйлашадими, харкалай, қўп хонадонларда ит боқилади.

Кўчар ака холаваччасининг ити болалаганда бориб қолиб, оппоқ кучукчани худди ўз боласини бағрига босгандай қўйнида олиб келган эди. Кучук танилаётганда қарамаган экан, хотини «урғочисини нима қилардингиз, бутун ховлини ит босиб кетади» деганда бир энсаси котди, бир энсаси котди. «Кучук урғочи экан, менга эркагани бering» деб холаваччасининг ўйига бориши қолувди. Итни эркак-урғочи, деб ўтирадимми? Ит бўлса бўлди-да! Яна оппоққиналигини қара. «Ит – вафо, хотин – жафо», деб қўйди Кўчар ака мийиғида қулиб.

Кўчар ака хар йили эрта баҳордан чорвасини қўни-қўшниларининг молларига қўшиб Мингчүқурга олиб борарди. Ёз бўйи моллар Мингчүқурда ўз холига танилаб қўйилар, семиргани семириб, болалагани болалаб, йўқолгани йўқолиб, топилгани топилиб қузда кишлоққа хайдаб келишарди. Мол эгалари баъзан яйловдан хабар олар, ўтлаб юрган, этига эт қўшилган туёқларни ўз кўзи билан кўриб, қўнғили жойига тушиб қайтарди.

Охирги йилларда одамларининг битта – иккита қўй-эчки, қорамоли йўқолгач, Кўчар ака бу йил Мингчүқурда ёзлайдиган бўлди. У Мингчүқурга ёлғиз ўзи кўчиб борди.

Угам дарёси ёқалаб, туянинг ўркашидай баланд-паст тоғ елкаларида катта-кичик яйловлар бор. Мингчүқур яйлови дарё, булоқларга яқинлиги, ўт-ўланга мўллигидан хумсонликлар кўпинча шу ялангликка молларини танилаб келарди.

Кўчар ака ёз бўйи тиним билмади. Молларга қарарди, пичан ўрарди, йиғарди, чой қайнатиб, овқат пиширарди. Чайла устунига илиб қўйилган чўнтак соатини хар кунни бир марта бураб қўйсаям, унга ҳеч қарамас эди. Ўқтин-ўқтин Хумсон йўлига термўлиб қолар, хар хафта дастур-

хонга ўроғлик нонларни бошига қўйиб узоқдан кўзга чалинадиган хотинининг қораси кўринмаса, чайла соясиде жағини оёқларига босиб унга термулиб ётган итига қараб «Ит — вафо, хотин — жафо» деб қўярди.

Пешинга яқин Кўчар ака булоқдан сув олиб келишга бораётса узоқ-узоқлардаги чакалакзор олдида ирғишлаб ўйнашаётган опшоқ ити ва бошқа бир нарсага кўзи тушди. Аввал ит бирор кўзичок, ё эчки билан ўйнашаётгандир деб ўйлади. У тўхтаб, қўлини пешонасига соябон қилиб қаради. Бирдан опшоқ ит чангалзор ичидан ойдай кўриниб унга қараб чопди. Қалин жовдарлар селкиниб шериги чангалзорга яширингандай бўлди. Ит югуриб келиб унинг атрофида ирғишлаб-ирғишлаб яна орқасига қайтиб кетди.

Кўчар ака сув олиб келаётганда ити билан ўйнашаётган нарса қўй ё эчки эмаслигини сезди. Унинг юраги «шувв» этгандай бўлди. Кейин ўзини юпатгандай «Бўри нима қилади бу ерда, қунига бир-икки марта милтиқ отиб, олов ёқиб турса, кейин бўри билан итнинг ўйнашганини ҳеч эшитганмисан, йилкичи қозоқларнинг ити-пити бўлса керак» деди ўзига ўзи.

Кўчар ака кеч кўзда Мингчуқурдан қишлоққа кўчиб тушди. Ёзда йиғган пичани икки қишни чиқарарди. Роса пичан ташиди. Ҳар гал ити унга эргашиб Мингчуқурга борар, у пичанни эшакларга ортиб жўнагунча ит қаёққадир ғойиб бўлар, ё энди йўлга тушайи деганда, ё ярим йўлга етиб қолганда тилни осилтириб, ҳаллослаб чопиб келаётган итини кўриб қоларди. «Ха, номард, қаёқларда санғиб юрибсан» деб қўярди.

Етти юз боғлам пичан томга сифмади, молхона ёнига фарам қилиб уюб қўйди, устига эски брезент ёпди. Қор ёғиб, чорва молхонага қамалгач, фарамнинг бир чеккасидан олиб уларга ташлаб юрди. Бир куни Кўчар ака молларга кечки озуқа бергани фарамга яқинлашган эди, пичаннинг ўчоқдай очилиб қолган жойида ити унга қараб хурпайган ҳолда ириллаб турарди. Кўчар ака аввалига ҳайрон бўлди, «Нима бало, бу, қутуриб қолганми, хароми, ит ёзда қутирарди шекилли» деди ғулдираб ҳар эҳтимолга қарши пичанга суяб қўйилган паншахага қўлини чўзиб. Ит фарамдан сал нарига жилди-да умрида биринчи марта эгасига қараб вовулади. Кўчар ака шитирлаётган фарам ичидан туртиниб-суртиниб ғинғишиб чиқаётган кучук болани кўриб қолди. «Э, бечора, гап бу ёқда дегин, туғдингни, яхши эсон-омон қутулиб олибсан» деди.

Кўчар аканинг мулойим овозиданми, ё боласининг Кўчар акага апил-тапил сурқалиб келишиданми, она ит

бирдан гуноҳкордек бўйинини қисиб жимиб қолди. Кўчар ака кучукчани кўтариб олиб хотинини чақирди:

— Хой, онаси, бу ёққа қара, неvara муборак бўлсин, — деди айвонга яқинлашар экан.

Ичкаридан иккита кизи, хотини югуриб чиқинди.

— Гапингиз қурсин, нега неvara бўлар экан, — жавоб қилди хотини.

— Ҳа, энди, ит — вафо, хотин — жафо, хотин, — деди Кўчар ака, — қара, сен биллоғонсан, бу эркакми ё киз болами?

— Жа уяти йўқ одамсиз-да, дадаси, — ўпқаланиб гапирди хотини. — Қизларим бор ҳам демайсиз. Қўриниб турибди-ку бу ўлгурни эркаклиги. Ҳадеб «Ит — вафо, хотин — жафо» деб жоврайсизу итни эркак-урғочисини ажратолмайсиз.

— Бушти, бупти, ўзимиздан экан, — ҳазиллашди Кўчар ака. — Отини ўзим қўяман, қулоғига ўзим азон айтаман, исми памилияси — Қўймас! Энди яхшилаб боқасан буни. Нима, битта ховлида иккита она битта йиғитни боқолмайсанларми? А?!

— Йўқ, дадаси, — гапни илб кетди хотини, — битта ховлида иккита йиғитни денг...

Ҳамма хоҳолаб кулиб юборди. Кўчар ака кизлари олдида ўнғайсизликдан қутулиш мақсадида «Бор, — деди тўнғич кизига, — нимага серрайиб турибсан, онанг тўйга атаб қавиған янги кўрпачадан биттасини олиб чиқ, айвоннинг бир четига «йиғит»га жой қилиб бераман».

— Вой, сабил-ей, янги кўрпача эмиш, эскисиям тешиб чиқмайди, — деди хотини айвон тахвонидан ниманидир олар экан.

Одатда ит жаҳлдор бўлсин деб ёшлигидан қулоғини қирқишади. Кўчар ака ҳам Қўймаснинг қулоғини текислаб қўйди. Қўймас итмасан ит бўлди. Ёшлигидаёқ калласи катта, бўйини йўғон, кенг ўмровли, оёқлари бақувват, думи узун эди. Катта бўлган сари қишлоқ итларининг биронтаси унга яқинлаша олмас, Кўчар ака Султон чўлокнинг йўғон итини Қўймас ғажиб ташлаганини ўзи кўрган. Унинг овқат танлаши, ювинди ичмаслиги, хом гўштга ўчлиги Кўчар акани ҳайратга соларди. Кейин Кўчар ака ўйлаб қолди. Қўймаснинг отаси бўримасми-кан? Ахир, итлар уч-тўртта, ундан ҳам кўп бола тайди. Оқ ит битта туғди. Мингчуқурда ити билан ўйнашиб юрган бўримикан-а? Ё, тавба?! Бир эшитгандай бўлувди. Бўридан қочган ит туғса боласи бўри бўлмаса ҳам бўридай бақувват, айёр, бўрибосар бўлармиш. Бўрилар фақат ундан қўрқишар экан. Ота бўри бўривойини туккан итни

излаб келиб боласини олиб қочиб кетишга ҳаракат қилди, деган гаплар ҳам бор. Шунданмикин, қишда кечаси қўшнисининг ховлисида дод-вой кўтарилиб қўшнининг Олапари чайнаб ташланди, унинг оқ ити ҳам бедарак йўқолди.

Қўймас кўп итларни тиркиратиб юрди, кўчадан пода ўтаётганда эчки, қўйларга қўққисдан ташланиб қоларди. Қўшниларнинг бир-икки товуғи йўқолиб, патлари Кўчар аканинг боғида тўзғиди. Кўчар ака охири Қўймасни занжирлаб қўйди. Қўймас уч кечаю уч кундуз туз татимади. Ерга қўкрагини бериб миқ этмай ётар, подага ҳайдалган моллар очик қолган дарвозадан ховлига кирсаям бошини кўтариб қарамас эди. Тўртинчи куни Кўчар ака Қўймасни ечиб юбораман, деб борса, ит жойида йўқ, занжир узилган, ит уни чайнаб узганми, тортиб узганми, ақли етмай қолди. Кейин Қўймас ховлида яна пайдо бўлди. Кўчар ака ўзи билан ўзи овора, Қўймасга унчалик қарамаган экан. У ҳам ариққа қўкрагини бериб, узун думини секин-секин қимирлатиб тикилиб ётган Қўймасни кўриб эти увишди. Қўймаснинг қон қуйилгандай жигарранг қўзи қисилган, худди бирор нарсага ташланмокчи бўлиб пойлаб ётгандай туюлди. У итларга ўхшаб тишларини такиллатиб-такиллатиб битини қўримас, ҳатто елпирғичдай думини ликиллатмас эди. «Нима бало, бу қизигалоқ бўридан тарқалганми дейман, бирор марта битини қўриганини ҳам кўрмадим, бўрилар битламайди дейишарди, шу гап ростга ўхшайди» ўйланиб қолди Кўчар ака.

Орадан қўп вақт ўтмай қизик воқеа рўй берди. Кўчар аканинг хотини эрталаб барвақт туриб дарвоза атрофларига шакароцлаб сув сепиб, эшикни қия очик қолдирди. Подага ҳайдалган беш-олтита қўй-эчкилар ховлига ёпирилиб кириб, бири у ёққа, бири бу ёққа оралади. Шу пайт қаёқдандир бургутдай учиб келган Қўймас Кўчар аканинг шундоқ кўз ўнгиде семизгина қўзичокни мушук сичконни босгандай ер тишлатди-қўйди. Кўчар ака Қўймаснинг қўзичокни бир зумда ичак-чавағини ағдариб ташлаб, хомталаш қилаётганини кўриб хангу манг бўлиб қолди. Қўзи бировники бўлганиданми, ё қўрқиб кетганиданми Кўчар ака қўлида кетмон, дахшат аралаш ит томонга ташланди. Унинг бакирик-чакиривига қарамай Қўймас қўзичокни босиб олиб, этини юлқиб-юлқиб ютарди. Кўчар ака кетмон билан Қўймасга ҳамла қилди. У кетмонни қанчалик баланд кўтариб ит устига тушпирмасини, қандайдир ички куч унинг билак зарбини ушлаб қолгандай бўлди. Агар Кўчар ака кетмонни бор ғайрати билан урганда Қўймаснинг қалласи мажақланиб кетарди. Кетмондан кўра Кў-

чар ака товушидан чўчиган Қўймас кўзичокни ташлаб нарироқ кетди-да лабларини ялаб-ялаб хурпайиб турди. Қўчар ака ён-берида тош-пош бўлмасаям, худди бир нима олиб, Қўймасга отмоқчи бўлгандай ерга энгашиб, иўписи қилди. Қўймас лип этиб кўчага отилди. Шу-шу қайтиб келмади.

Ёзда Қўчар ака Мингчуқурга чиқмади. Уй ишлари кўпайиб кетди. Қизини узатадиган бўлиб, тўй ташвишлари билан овора бўлди.

Қишлоқда «Мен подачи бўламан» дейдиган марду майдон топилмади, кунга ҳар хонадондан бир киши навбат билан подачилик қиладиган бўлди. Навбат Қўчар акага келган кун битта сигир йўқолди. Агар сигир бева камширники бўлмаганда Қўчар ака «Ўтлаб юргандир, ё адашиб қолгандир, эртага подага қўшилиб олади» деб ўйлаган бўларди. Дарвозадан мункиллаб кириб келган камширни кўрган Қўчар ака ечган этигини қайта оёғига илиб Қизил жар томонга ўтиб кетди. Аввал Шусалага борди, кейин Қизил жар ичидаги қамишзор, арчазорларни қаради, булоқлар ёнидаги маймунжон қоплаган баланд-паст жойларни кўздан кечирди. Вақт алламаҳал бўлиб, қачон қош қорайиб, ой кўтарилганини ҳам билмай қолди. Сутдай ойдинда қир-адирлар жим-жит, бирон жойда маъраган бузоқ ё сигирнинг товуши эшитилмас эди.

Қўчар ака юриб тинкаси қуриди, умиди узилиб қишлоққа қайтди. Қозоқовулга етай деб қолганда уч-тўртта қора шарша йўлнинг у ёғидан бу ёғига тизилиб ўтгандай бўлди. Қўчар ака қўлидаги четан таёғи билан ёлғизоёқ йўл четидаги ўтларни шатур-шутур уриб ўзига далда бермоқчи эди, худди одам кечаси мазор олдидан ўтганда танасида пайдо бўладиган енгил титрокка ўхшаш ваҳима вужудини эгаллади. У такка тўхтади-да орқасига ўгирилди. Ундан ўн-ўн беш қадам ораликда яқинлашиб қолган учта бўри ҳам тўхтади.

Уччала бўрининг ҳам кўзлари ойдинда худди ажинанинг чироқларидай йилтираб турар, қўрққанидан Қўчар аканинг тишлари шақирлай бошлади, ё бўриларники тақилладими билолмай қолди.

Бирдан бўрилар бараварига Қўчар акага ташланишди. Агар бўрилар биттадан ёпишганда уни тилка-пора қилиб юборар эди, оч бўрилар важохатда урилиб-сурилиб талпинганидан бир-бирига ҳалакит бериб Қўчар аканинг таёғидан ўтиб унга яқинлаша олмадилар. Қўчар ака қўрққанидан шундай қичкира бошладикки, Қизил жар дараларидан, тўқайзорлардан унинг овози юзлаб овозларнинг акс

садоси бўлиб жаранглаб кетди. У беш-олти кадам нарига чекинган учта бўри орқасидаги қулоғи калта тўртинчи бўрига кўзи тушган захоти «Қўймас?!» деб юборди. Ана шундан кейин даҳшат бўлди. Орқадаги бўри унга томон ўқдай отилди. Буни кўрган шерикларига жон кирди. Қулоғи калта бўри Кўчар акага етар-етмас орқасига ўгирилди-да бирдан ёнидаги бўриларга жон-жаҳди билан ташлашиб қолди. Буни кутмаган бўрилар унинг ўзига ёпирилдилар.

Кўчар аканинг атрофи тўс-тўнолон бўлиб кетди. Қулоғи калта бўри шериклари билан шунақа олишардики, гоҳ тўртта бўри коптокдай ёпишиб қолар, гоҳ уларнинг ичидан биттаси ажралиб чиқиб, яна хужумга ўтар, бир-бирининг дуч келган ерини чайнашга ҳаракат қиларди.

Бироз хушига келган Кўчар ака қўлидаги таёғини ўйнатиб, «Бос, Қўймас, бос, айланай Қўймас, бос!!» деб бақирарди.

Қўймас уччала бўрини тим-таракай тўзғитди. Бири оқсоқланиб, бири тишларини шақирлатиб, бири тисарилиб-тисарилиб йўлдан ғойиб бўлишди. Кўчар ака на олдинга, на орқага юришини биларди. Йўлнинг ўртасида серрайиб қолди. Тиззалари қалтирай бошлади. Томоғи қакраб кетган, тузугини ютай деса оғзида нам йўқ. Ундан нарироқда Қўймас турарди.

— Қўймас, Қўймас, ке, ке, — деди Кўчар ака кўркаписса.

Қўймас унга яқинлашмади. Кўчар ака бир-икки кадам ташлаган эди, Қўймас олдинда кишлоқ томонга кета бошлади. Кўчар ака унга эргашиб борарди. Ахён-ахёнда Қўймас орқасига ўгирилиб қўярди. Уйга яқинлашганда Кўчар ака Қўймасни йўқотиб қўйди. У ҳовлига кирдимиз, ё орқасига қайтиб кетдимиз билолмай қолди...

1997

## НОВВОС

Хумсонлик Исмат ака билан Тошпўлат бува ораларидан қил ўтмаган қўшни. Тўйда бўлсин, азада бўлсин бир-бирларининг ҳурматини қилиб «Сиз ўтинг, сиз ўтинг»дан нарига боришмаган. Иккаласи Ҳарам маҳаллада истикомат қилишади. Исмат аканинг ҳовлиси маҳалла кўпригидан ўтгач, пастликка қараб дарёга туташиб кетган, улардан бир-икки хонадон нарироқда Тошпўлат буванинг уйи. Томга чиқиб чақирса эшитадиган қўшнилар битта новвос

деб бир-бирини кўришга кўзи, отишга ўқи йўк бўлиб қолди. Баҳорда Исмат аканинг ўғли, Тошпўлат буванинг невараси иккита новвосни кишлок молларига қўшиб Олчинбардаги яйловга ташлаб келишган эди. Айни тут пишиғида Исмат аканинг ҳам, Тошпўлат буванинг ҳам новвоси йўқолиб қолди. Новвослар Олчинбардаям йўк, Угам тепасидаги қозоқларнинг яйловидан ҳам топилмади. Қўшнилар биргалашиб Мингчуқургаям бориб келишди. Новвослар ердаям, кўкдаям йўк. Иккала қўшни новвослардан умидини узса-да, бир-бирига билдирмай кидириб юраверди.

Орадан бирор ой ўтди чамаси, кишлокда узун қулок гап тарқалди. Нима дейсан, Тошпўлат бува новвосини қирдан топиб келганмиш. Буни эшитган Исмат аканинг ичи кизиди. Ўғилларини чақириб, «қир-адирларни, ун-гур-пунгурларни яхшилаб қарамагансанлар, ялқовлар» деб сўқди, ўзи эшакка миниб ёшлиғида асалари боққан жойларигача бориб келди. Учратган молларининг орасида унинг новвосига ўхшайдигани кўринмади. Қирдан бутунлай ҳафсаласи пир бўлиб қайтди-да «Майли, келган бало-қазо шунга урсин, мол топилади, жон топилмайдн», деб ўзини юпатди.

Исмат ака идора томонларга, чойхонага ўтадимн, иш-қилиб, бирор юмуш билан кўчага чиқадими беихтиёр Тошпўлат ота дарвозасига қарайдиган, ҳатто ичкарига мўралаб унинг топилган новвосини кўргиси келаверди. Яна қариянинг кўнглига бир нима келмасин деган андишада шаштини қайтариб юрди.

Новвослар йўқолганда ҳар куни унинг олдига келиб, яккам-дуккам соқолини силаб, эртага қаёқларни ахтариш кераклигини маслаҳат қиладиган Тошпўлат бува ҳам кўринмай қолди.

Бир куни дарвозасининг олдида ўтирган Тошпўлат бува Исмат акани кўрган захоти зўр-базўр ўрнидан туриб, ичкарига кириб кетаётган эди, Исмат ака унга гап отди:

— Тошпўлат бува, қалай, кўнгил жойинга тушдимн, новвос топилганмиш, шу ростми?

— Ҳа, энди, бу қорасон теккур, тентираб қирдан ошиб, Қайнарсойга тушиб кетган экан, топиб келдик.

— Бизники бедарак кетди, Тошпўлат бува, битта-яримтанинг қозонига кириб кетдиёв, ё бури еб қўйдими, изиям топилмади, дарак йўк.

— Ҳа, энди, мол-да, мол одаммиди, адашса уйини топиб келадиган.

— Ҳеч қўнглим тўлмаяпти-да, Тошпўлат бува, бир

қўрай новвосингизни, ховуримдан тушардим, — деди Исмат ака.

— Ха, энди, одам одамга ўхшамайди, аммо лекин мол-молга ўхшаб кетади, жигарим.

Исмат ака ҳеч кутилмаганда ўзида аллақандай беандиша бир журъат сезиб Тошпўлат бува молхонасига қараб юрди. Орқасидан бува эргашди.

Исмат ака молхонага яқинлашдию бирдан ҳайратгани, қувончгани, ҳар қалай, ғалати бир оҳангда бақириб юборди:

— Ие, Тошпўлат бува, бу бизни новвос-ку!

— Ха, энди, мол молга ўхшайди, жигарим. Думини кесиб қўймаган экансан-да, фарқи ажралиб турарди.

— Қизиқ гапларни айтасиз, Тошпўлат бува, молниям ҳеч замонда думини кесадими, худо ҳақи, мана, қаранг, қўнғир рангли, калласи котта, шохи йўқ эди. Худди ўзи!

— Мени новвосимниям билардинг, уям калласи котта, тўрт оёқли, шохи йўғ — мана рўпарангда туришти, — деди Тошпўлат бува. — Иннакейини, оғзингга қараб гапир, сал қолмаса мани муттахамга чиқариб қўйма яна. Қариганимда имонимни битта новвосга алишайми? А, алишайми?! Бунақа бемаъни гапни бир гапирдинг, иккинчи оғзингга олма. Хунук гап тезакка ўхшайди, уни ёқсанг кўзингни ачиштиради. — Қўшни қарияларнинг бақирикчақириги ёқмадими новвос бўйнидан боғланган йўғон арқонни таранг тортиб гоҳ пишқириб, гоҳ депсиниб, гоҳ бўйинни чўзиб тумшугини ерга тираганча кўзларини олақула қила бошлади.

— Бас қил, — деди Тошпўлат бува ниҳоят, — молниям безовта қилма, уни семиртириб неварам тўйига сўймоқчиман.

— Жуда ғалати одамсиз-а, Тошпўлат бува, — яна тутоқиб кетди Исмат ака, — ман гумонсираб айтаяман, жонивор новвосимга жуда ўхшаяпти-да. Кейин новвос ўзингизники бўлса нега уни ташқарига чиқармай, боғлаб боқасиз? Новвос — маники!

Шу пайт Тошпўлат бува қўлидаги ҳассаси билан Исмат аканинг бошига «Мана саники» деб тушириб қолса бўладими. Бўлди жанжал, бўлди жанжал. Пайғамбар ёшидаги Исмат ака тўқсонга яқинлашиб қолган Тошпўлат аканинг ёшини ҳурмат қилиб қўл кўтармади. Қўчага чиқдию овозини борича бақириб «Ҳой, мусулмонлар, қариганда имонини еб қўйган Тошпўлат тажанг новвосимни уйига боғлаб қўйшти» деб жар солди.

Ўтган-кетган Тошпўлат бува дарвозаси олдига тўпланиб, гапни бири олиб, бири қўярди. Қўшнилари тинчи-

тишнинг ўзи бўлмади. Фаёз бригадир келиб қолди. У бақириб гапиргувчи, чўрткесар одам эди. Бироз новвос жанжалини эшитиб турди-да:

— Шошманглар, мусулмонлар, шошманглар, сизларга нима бало урди, уят бўлади-ку, — деди қарияларга қараб. — Бунақа ишни ота-буваларимиз жуда осон ечишган. Унинг йўли бор. Борларинг, ағрайиб турмасдан, олиб чиқиб нариги маҳалладан қўйиб юборинглар. Кимнинг ховлисига ўзи кириб келса новвос шуники, вассалом.

Бир ой ем бериб новвосни боққан Тошпўлат бувага бу маъқул тушди.

— Олиб чик, бу ҳаром ўлгурни, — деди у неварасига қараб.

— Харом ўлгур деманг, — деди Исмат ака, — ман уни пешона терим билан боққанман.

— Сиз, тек туринг, — деди Фаёз бригадир, — агар пешона терингиз билан суғорган бўлсангиз ҳам.

Новвосни иккита йиғит етаклаб Боғ маҳаллага олиб кетишди. Орадан унча вақт ўтмасдан, Тошпўлат бува билан Исмат ака йўлнинг икки чеккасида бир-бирларига қўлини бигиз қилиб, гапини маъқуллаб турганда узоқдан новвоснинг қораси кўринди. Ҳамма чекка-чеккага ўтди.

Новвос келиб тўппа-тўғри Исмат аканинг уйига қараб бурилди. Тошпўлат буванинг ўтакаси ёрилгудай бақирди: — Одамлардан хайиқди, одамлардан, йўлни тўсиб қўйдиларинг, новвос маники!

Қариянинг ахволини кўрган қўни-қўшни тортишув янада одил ҳал бўлсин деган ниятда новвосни тутиб, Пусалага ўтадиган жарнинг ичидан иккинчи марта қўйиб юборишди. Новвос ёшлигида онасига эргашиб келиб сув ичадиган бўлоқдан обдон чанқоғини қондирди-да диконг-диконглаб етаклаб борган йиғитлардан олдин кишлоққа қайтиб, одамлар турган жойдан бурилиб, яна Исмат аканинг ховлиси томон тушиб кетди.

— Омин, ҳалоли бўлсин, — деди Фаёз бригадир атрофдагиларга қараб, — Тошпўлат бува, хафа бўлманг, мол-мол-да, унга гап уқтириб бўлмайди, худо денг, сизники ҳам топилиб қолар.

Тошпўлат бува хассасига зўр-базўр таяниб, букчайиб қолди. У ориятданми, аламданми коврайдай гавдасини силкитиб-силкитиб новвос кириб кетган ховлига қараб йиғлаб турарди.

1998

## ҚАНАҚ ОҚСОҚОЛ

Қишлоқда не-не одамлар қолиб, ҳали ўттиз ёшга етмаган Қанақни оқсоқол этиб кўтарилиши ҳаммага бирдай маъқул тушмади. Ҳамма ерда батрақлар ҳукумат бошқараётганда бой ўғлига бало бормиди, деб тўнғиллаганлар бўлди.

Озми-кўпми эскича саводли Қанақ беш юз хонадонли қишлоққа оқсоқол этиб тайинлангач, уни қўролмайдиганлар тобора кўпайиб борди. Хумсонда бошқа одам қуриб қолибдими, бойвачча амалга минди, яна бой бойга, сув сойга оқар экан-да, дейишди.

Қанақ оқсоқол ўрта бўйли, тикмачоқ гавдали, қорачадан келган норғул йигит эди. У кўп гапирмас, тишининг оқини бировга бўлар-бўлмасга кўрсата бермас, жахли чиққанда «қиззингни...»дан нарига ўтмас эди. Ота-бувалари обрў-эътибор билан ўтиб кетишган, амаки-тоғалари Мирзааҳмадбой, мулла Олим қозилар Шўролар дастидан қочиб кетишган эди.

Қанақ оқсоқол бўлгач, артелга кирувчилар сони кўпайди. У бир йил ўтмасдан қишлоқнинг нақ ўртасига балла омбори, Аркитсой этагида одамлардан йиғилган моллар қишлайдиган «постройка» қурдирди.

Қурилишларда қишлоқ аҳолиси ёппасига қатнашиб, уч-тўрт хашардан кейин иморатлар тайёр бўлиб қолди. Хашар кунлари озғинроқ қора моллардан бир нечтаси сўйилиб хашарчиларга овқат пиширилди.

Биринчи чақув худди шу хўкизлардан бошланди. Қанақ оқсоқол омбор, «постройка» бахона артель молларини сўйиб, бола-чақаси, қариндош-уруғи билан еб ётипти, у Шўролар душмани, айёр, иш шу ашозда кетса артель молларини тез кунда йўқ қилиб юборади, деган ёзма-оғзаки чақувлар Хўжакентдаги ҳукуматга тушиб турди.

Қанақ оқсоқол биринчи терговдан осон қутилди. Чاقимчилар йигирмата мол талон-тарож қилинди дейишган экан, келган комиссия сўраб-сурништирса иккита қатта қурилишда тўртта қорамол сўйилиб, одамларга овқат пиширилган экан. Комиссияга балла омбори билан «постройка» маъқул тушиб, ҳамманинг олдида Қанақ оқсоқолга «благодарим» бериб кетишади.

Қишлоқда «зақўнчи» бўларди. У Қанақ оқсоқол қўлида артель қотиби вазифасини бажарар, буришган башарали, биткўз, пажмурда гавдасига юрагидаги ғайрати сифмай, кечаю кундуз Қанақ оқсоқол ўрнини эгаллаш пайида юрарди. У ҳукуматга яқинлигини — ёнидаги хужжатини

хеч кимга билдирмасликка ҳаракат қилсаям қишлоқ аҳли ундан бундан қўрқандай хайқарди.

«Зақўнчи» кимнинг қаерда, қанча мол-жон борлигини яхши биларди. Артель тузилиб рўйхатни ёзиб ўтирганда ким тоғ-тошдаги молни яшириб айтса, ёқасига қизил ямоқ ёпиштирилганларга ўрнча бир-икки сўз шипирлаши билан улар «қулоқ»нинг қанча туёғи борлигини ўзлари айтиб берар, Шўрони алдаган одамнинг қўлига кишан солиниб, дарров Хўжакентга хайдаб кетиларди.

Хукумат одамлари солиқ йиғинга Хумсонга келишса, Қанақ оқсоқолни эмас, аввал «зақўнчи»ни топилар, унинг ёрдамида тузилган рўйхатга қараб одамларнинг ўйи, ҳовлиси, молхона, болахоналари тинтув қилинарди.

1933 йили қишлоқда ёмон очарчилик бўлди. Ўлик чиқмаган хонадон қолмади. Яна бунинг устига-устак дон солиғи одамларнинг тинка мадорини қуритди. Худди шу йили Қанақ оқсоқол билан «зақўнчи» чўқишиб қолди. Жўжабирдай бола-чақаси қўп Ирисмат буванинг охириги дон-дунни тортиб олиб кетилаётганда Қанақ оқсоқол йўлда секин бир қоп буғдойни сирғалтириб тушириб юборди. Ярим кеча бўлганидан араванинг олдида бораётган вакил ва «зақўнчи» сезмай қолди. Идорада ҳисоб-китоб қилинаётганда Қанақ оқсоқол лий этиб ташқарига чиқди. Итдай сезгир «зақўнчи» Қанақ оқсоқолнинг кетидан тусмоллаб Боғ маҳалла томон югурди. У йўлда бир қоп буғдой атрофида пичир-пичир қилишаётган Ирисмат бува билан Қанақ оқсоқолни кўриб яйраб кетди:

— Мана қўлга тушдиларингми, контрлар, энди сенларга буғдой керакмас, Сибирда чириб кетасизлар, — деди уларга яқинлашиб «зақўнчи».

Талмовсираб қолган Ирисмат буванинг қалтираб, бошдан дўниси учиб кетганини ҳеч ким кўрмади. У «Жон болам, раҳм қил, худоё умрингдан барака топ, яхшилигингни ўла-ўлгунча унутмайман», деб йиғи аралаш ёлвориб, ўзини «зақўнчи»нинг оёғи остига ташлади, икки қўли билан депсиган оёқларни бағрига босиб, тиззаларини ўна бошлади.

Шу кечасиёқ Қанақ оқсоқол билан Ирисмат бува хибсга олинди. Эртаси куни идора атрофига бутун қишлоқ ёғилиб келди. Хибсга олинганлар идоранинг ёнидаги хужрага қамаб қўйилган эди, эрталаб иккаласининг қўлини орқасига боғлаб Қанақ оқсоқол қурдирган катта омборхона ичига олиб киришди. Омборхонага одам сифмади, кўпчилик ташқарида тик оёқда ичкаридаги гапларни эшитишга илҳақ турарди. Кимнингдир ичкаридан шивирлаб «зақўнчи» гувоҳлик берапти», «терговчи гапираяп-

ти», «Присмат бува йиғлаяпти», «Қанақ оқсоқол чурк этмаяпти», «терговчи Қанақ оқсоқолга тўшонча ўқталди» деган сўзлари оғиздан-оғизга ўтиб бутун қишлоққа тарқалиб турди.

Бирдан оғборхонанинг ичи арининг уясига чўп тикқандай гувиллаб кетди. Одамларнинг гур-гур ховури, ёш-яланг, бола-чақаларнинг уввос тортиб йиғлаши, ниҳоят шинга қараб отилган ўқнинг товушидан кейингина тинчиди.

Бошқаларга ўрнак бўлсин деб ўтказилган мажлис-суд ниҳоят кечга яқин тугади. Қушпа-қуруқ ерга ўтириб олган одамлар, бир-бирининг устига чиқиб кетгудай тикка турган қари-қартанг миқ этмай терговчининг оғзига қараб қолишди.

— Шўролар ҳукумати — одил ҳукумат, — гап бошлади терговчи, — биз гуноҳкорларни жазоламаймиз, тарбиялаймиз. Мана, кўпчилик гувоҳлик берди. Присмат бо-бой яхши одам, батрак, унда гуноҳ оз-моз. Лекин айбдор. Бундоғини олмаслиги, бизга Қанақ оқсоқол душманлигини айтиши керак эди. Шунинг учун уни синов муддати билан озод қиламиз. Қанақ оқсоқол ҳукумат одами бўлсаям — душман, уни районда суд қиламиз, жазолаймиз.

Қанақ оқсоқолнинг қўлларини яна орқасига боғлаб хужрага қамаб қўйишди. Терговчилар хужра олдига «зақўнчи»нинг бўрини оладиган йўғон итини занжирлаб, сўнгра унинг уйига қараб кетишди. Бироздан кейин яна қайтиб келишиб хужра атрофини ўраб олган Қанақ оқсоқол бола-чақалари, қариндош-уруғларига дағдаға қилишди. «Агар бу ердан кетмасанглар, соллот чақириб, ҳамма-ини қамоққа оламиз», деб уларни итариб-итариб хужра ёнидан ҳайдаб юборишди.

Қишлоқни зимистон қоплади-ю, эрталабгача одамларнинг кўзини уйқу босмади. Ҳамманинг кўнгли хуфтон, чироқ ёкса ёришмас эди. Фақат «зақўнчи»нинг уйидаги чироқлар эрталабгача ўчмади. Қўй сўйилиб, катта зиёфат бўлди. Қайнаган қўй гўшти хидини аллақачон унутган қишлоқ кўчаларидан ёқимли хид таралиб ўтдию, аммо ҳеч кимнинг қорнини тўйдирмади.

«Зақўнчи» «хужрадан хабар олай, бу душман жуда айёр, қариндош-уруғлариям кўп, қочириб юборишмасин» деб ташқарига ўқтин-ўқтин чиқиб келарди.

Қанақ оқсоқол қоп-қоронғу хужрада эшик тирқишидан кираётган ўқлоғдай оғи нурига тикилганча ўтирарди. Ташқарида одамлар юрганга ўхшайди. Ҳеч ким хужрага яқинлаша олмас, бирор одам йўлдан ўтгандай бўлсаям итнинг приллагани эшитиларди.

Бир замон узоқдан итга отилган тош хужранинг сул-

радай эшигига тарак этиб урилди, ит бор важохати билан вовуллай бошлади. Хужранинг орқасидан кимдир гурс-гурс ўтгандай бўлди.

Тун яримлаб, ҳаммаёқ жимиб қолганда хужрага кимдир яқинлашди. У итга таниш шекилли ит эринибгина ёнгишгандай бўлди. Хужра эшиги «ғийқ» этиб аста очилди-да кимдир халтада бир нарсани ичкарига улоқтириб, орқасига чошиб кетди.

Қанақ оқсоқол, аввал уйдагилар бирор емак уюштирди, шекилли, деб ўйлади. Томоғи қакраб, чанқаб ўтирган бўлсаям халтага қўл чўзгиси келмади. Кўнглига ҳеч нима ботмас эди. У шу алиозда тонг ёришгунча ўтириб чиқди. Хужранинг ичи ёриша бошлаганда кечаги ташлаб кетилган нарса эски хуржун эканлигини, унинг ичида шиша йилтираб турганини кўрди. «Шишада чой ёки сув бўлса керак» деган хаёлга борди. Қанақ оқсоқол юз-қўлини чайиши ниятида шишани олмоқчи эди, хуржун ичида яна газетага ўроғлик нарса ва бир варақ қоғозни кўриб қолди. У қоғозни олдида арабча ёзувни хижжалаб ўқий бошлади: «Қанақ! Бу кунингдан ўлганинг яхши! Шишадаги — ичиб юрган пиволаринг, ўроғлик эса еб юрган паловнинг сани».

Қанақ оқсоқол газетага ўроғлик нарсани очишини билди, хужранинг ичи қўланса хид бўлиб кетди. Унда одам ахлати, шиша тўла сийдик эди. У турган ерида қалт-қалт титрар, «қиззингни... аблаҳлар, қиззингни... аблаҳлар» деб сўкинарди, холос.

Эрталаб хужранинг олдига арава олиб келишди. «Зақўнчи» бошлиқ терговчилар, тўппончали ўрис бола одамларни четга суриб-итариб Қанақ оқсоқолни аравага бир қоп бугдойни юклагандай иткитиб юборишди. Қанақ оқсоқол ҳамқишлоқлари олдида қўлга тушган ўғридай бўйинини эганча дод-фарёд қилаётган бола-чақаларига бошини кўтариб қарай олмади.

Хумсон қишлоғини қора булут қоплади. Ёмғир томчилай бошлади. Кечаги жаладан тўлиб-тошган Угам дарёси ҳайкириб оқарди. Арава идоранинг олдидаи ғажир-ғужур қилиб кўприк томон жилди. Ҳар йили тошқин олиб кетадиган ёғоч кўприк устига қоқилган тахталарнинг оралари очилиб, арава билдиракларидан бири тушиб кетса уч-тўрт киши кўтариб чиқариши керак эди.

Араванинг орқа билдираги кўприкнинг нақ ўртасига келганда қийшайди-қолди. «Зақўнчи» бориб отнинг юганидан тортди, терговчи билан тўппончали ўрис бола елкаларини билдирак гулчагига тикишди. «Ха, ха, давай,» деб бакириб-чакириб туришганда бир нарса шалоп этиб дарёга тушди. Аравани ташлаб ҳамма кўприк четига

югурганда Угам дарёсининг бўтка сувида Қанақ оқсоқол бир шўнғиб, бир юзага чиқиб оқиб борарди. Ўрис бола кетма-кет ўк узди. «Закўнчи» бўлса «ишо-ишо, стреляй» деб бакирарди. Бирдан дарё юзи қип-қизил конга беланиб, Қанақ оқсоқол гавдаси кўринмай қолди. Кўприк устидагилар ҳам, арава орқасидан эргашиб келаётганлар ҳам уввос солиб дарё ёкалаб чошиб кетишди.

1998

## ҚАШҚА

Ўнгирма-ўттиз таноб ер-суви, йприк түёк ва майда шохли моллари анчагина бўлган хумсонлик Мирзааҳмадбойлар қишлоқда ўзига тўк, бадавлат ҳисобланса ҳам Угам қозоклари миндириб юборган қашқа оти туфайли бу хонадоннинг довуғи бутун Бўстонлик туманига тарқалиб кетган эди.

Қашқа отдан тарқалган тойларнинг оёқлари узун-узун, бели ингичка, коп-қора ёли қуёшда товланиб турар, бир қараганда кўримсизгина, бозорбоп тўюлмайдиған отларнинг орқасидан узунқулоқ гаплар тарқалиб, пойгада Қашқадан ҳатто қанот ўсиб чиқармиш деган овозага ишонувчилар ҳам топиларди.

Эшитганим бор, ўрислар Тошкентни босиб олиб, баҳорда Бўстонликқа «маёвка»га чиққанларида Хўжакентдаги бир тўйда улоқни томоша қилишган. Шунда Қашқанинг чопишини кўриб уни тортиб олмақчи бўлганда Мирзааҳмадбой ўрислардан қочиб отнинг бошини Хумсон томонга буради, от қушдай учиб, ўрислар Олчинбаргача қувиб бориб милтиқларини пақ-пақ отганча орқага қайтиб кетишган экан.

Қашқани кўпинча Мирзааҳмадбойнинг ўртанча ўғли Маҳмуд полвон улоққа кўяр, Қашқа даврага кириши билан худди отлар уюрини биров икки томонга ажратиб юборгандай безовта пишқириб қолишар, Қашқа бўлса ҳар томондан сиқиб, ниқтаб келган чавандозлар ичидан сирғалиб чиқиб, югани бўш кўйилиши билан оёқлари ер ялаб учиб кетарди. Одатда улоқ Хўжакентда Чирчиқ дарёси ёқасидаги майдонда, ё Хумсон кўприги билан Полвонтош оралиғида бўларди. Қор отнинг белига етгудай қалин кезларда ҳам кўкраги билан қорни ёриб чиқар, бошқа отлар муз устида тойиб-йиқилиб, ағанаб қолса, Қашқанинг сирғалиши ҳам муз устидаги пардай енгил, шамолдай тез кечарди.

Хўжакентлик Нормат-қассоб ўғил тўйининг пойгасида Қашқа дарёнинг икки лабидаги тумонат одамни хайратга солиб, устидаги одам-подами билан ўзини Чирчиққа отган ва муздек дарёдан бурун катактарини кериб-кериб пишқириганича сузиб ўтиб тўйхонага биринчи бўлиб етиб келган эди.

Хумсонлик Қанақ оқсоқол тўнғич ўғлининг хатна тўйида ҳам улоқ берди, ҳам пойга эълон қилди. Ҳазалкентдан Хумсонга биринчи келадиган отга она-болали сигир тикилди. Кимдир «Қашқа биринчи келади» деса, бошқаси «бўлмаган гап, гаров ўйнайман, улоқни опқочадиган от узокқа ярамайди» деб кўярди.

Элликка яқин чавондоз Ҳазалкентдаги чойхонада тўпланишди. Чойхонанинг орқасидаги майдон отга тўлиб кетди. Ҳар ким ўз отининг атрофида гирди-капалак, бўйнини силаган, тақаларини текшириб кўрган, у ёқ-бу ёққа етаклаб отини совутган, нималарнидир от қулоғига куйгандай бўйнини кучоклаб-кучоклаб кўярди. Отлар ҳам шиманидир сезгандай кулоқларини диккайтириб, бир-бирига ярим ҳазил, ярим чин ҳамла қилгандай лаб-лунжини чуччайтириб дупур-дупур тебранар, гоҳ пишқириб, гоҳ кишнаб майдонни бошига кўтарарди.

Маҳмуд полвон икки-уч марта хабар олди. Қашқа у яқинлашганда боладай мўлтираб, бўйнини, сағрини силаш унга ёқаётгандай хотиржам тик турарди. Отнинг «Қашқа» деб ном олишига сабаб, бу зотнинг ҳамма тойчоқлари пешонасида кулчадай оппоқ кашқаси бўлиб, тўртала оёғининг тиззасидан пастроғи худди доқа рўмол билан танғиб қўйилгандай оппоқ бўларди. Қашқадан тарқалган зотларнинг ҳаммаси бир-бирига жуда ўхшар, насли айнимаган чопқир отлар бўларди.

Тун яримлаб қолганда оқсоқол бува чавондозларни дуою фотиҳалар билан ухлаб дам олишга чақирди.

— Эрталаб барвақт турасизлар, азаматлар, — деди у, — энди бироз мизғиб олинглар, йўл оғир, отларга дам бериш керак, ҳадеб уларнинг олдига чиқиб, безовта қилаверманглар.

Ҳеч ким ухлагандай бўлмади. Кимдир агар от эгарлик қолса худди унга оғирлик қиладигандай эгарни ечиб от устига тўнни ташлаб кўяр, кимдир эрталаб шошиб қолмайин деб кечасиёқ отини эгарларди, кимдир отига биров сув бериб қўямасин деган маънода отининг бошига қоп кийдирарди.

Маҳмуд полвоннинг кўзи илинган экан, оқсоқол буванинг «Туринглар, азаматлар, кун ёришиб қолди, ҳар ким ўз отининг ёнига борсин», деган овозини эшитиб ўрнидан

сапчиб турди-да, юз-қўлларини апил-ташил ювиб Қашқаси томон югирди. Қашқа жуда безовта, кўзлари қинидан чиқиб кетгудай олазарақ эди.

Махмуд полвон Қашқанинг бунчалик кўйга тушишини доимо улоқ ёки пойга олдидан бўладиган бесаранжомликка йўйди, лик этиб отининг устига қўнди.

— Омин, хаммангизга Довуд пайғамбар пиримададкор бўлсин, минганингиз тулпор, эгарингиз парёстик бўлсин, омин, — деди оқсоқол бува.

Майдон тўс-тўполон бўлиб кетди. Ур-йиқит, кимдир отга камчи босаман деб биқинидаги чавандозга камчи солиб юборган шекилли орқасидан ота-онасини қўшалоклаб сўкиб қолишига карамай катга кўчани чангитиб кетди. Кўчани отларнинг таур-тупури қоплаб оқсоқол бувани отдан учириб юборишларига сал қолди.

Бунақа пойгаларда одатда Махмуд полвон Қашқанинг жиловини аввал қаттиқ тортиб борар, манзил яқинлашгандагина бўшатар, ихтиёрни отнинг ўзига ташлаб қўярди. Қашқа ҳам аввалига худди атайин кучини йиғиб, атрофида чопиб кетаётган отларни кузатиб бораётгандай олдинга ўтишга интилмас, ахён-ахёнда ёнидаги отлардан бир-икки қадам илгарилаб қўярди. Шу алпозда отлар Сарик дала бағрида қора қуюндай олдинма-кейин тизлиб қолишди.

Қашқа Сарик даладан ўтиб, Қоронқулга етай деганда тезлигини йўкота бошлади. Махмуд полвон буни Қашқанинг ўзича айёрлиги, тўпдан ажралиб чиқишидан бурун куч тугмоқчи бўлиб камондек тортилиб, ёйдек эгилиши бўлса керак, деб ўйлади. Қараса, биринчи от анча игарилаб кетган. «Энди фурсат келди, — ўйлади Махмуд полвон, — жиловини қўйиб юбориш, Қашқани энгилгина ниқтан керак, ха, жонивор, кўрсат кучингни!».

Қашқа одатдагидек тўпдан сапчиб чиқиб, шамолдай учиб ўрнига одамдай инграган, зўриқиб титраётгандай туюлди. Махмуд полвон бехосдан энгашиб Қашқанинг олдинги иккала оёғидаги оппоқ жунларининг кизил қонга беланиб кетганини, отнинг олдинги оёқлари пайдар-пай ерга уриляётганини сездию, жиловини йўл чеккасига бурди. От оёқлари устида зўрға турар, унинг олд оёқларидан тиркираб чиққан қон ёлғача сачраган, Махмуд полвон буни кўрмаган экан. У Қашқанинг олдинги оёқларини кўтариб қараса, ҳар иккаласида ҳам биттадан йўғон-йўғон миҳ кийшайиб ётар, миҳнинг учлари от оёқлари ёнида йилтираб турарди. Махмуд полвон титраб кетди. У нима қиларини билмай «Эй, худо, ўзинг мададкорсан» деди-да отнинг оёғига лабларини босиб миҳни тишлари орасига

олди. У шундай зарб билан миҳни суғурдики, оғзида қасур-қусур этган нарса миҳмиди, ё тишларими, билолмай қолди. Оғзи тўла қон, миҳга қўшилиб чиққан олд тишларини тупириб ташлади.

Қашқанинг иккинчи оёғидаги миҳни ҳам суғурмоқчи бўлганда олд тишлари йўқлигини, лаблари билан миҳни суғуриб бўлмаслигини сезиб биров довдиради. Ҳайланга ҳам, қутишга ҳам вақти йўқ эди. Бошини қийшайтириб жағининг ён томонидаги тишларини аранг миҳга илтириб шундай босдики, аввал тишлари синдимми, ё синган тишларга қўшиб миҳни суғуриб олдимми билолмади. Орқасидан етиб келган оқсоқол бува Маҳмуд полвоннинг оғиз-бурни қон ҳолатда кўриб, аввал отдан йиқилибди, деб ўйлади, кейин иккита миҳни белбоғига ўраб от устига бўридай ташланганини кўриб «Ё, тавба, бунақасиям бўладими-а, қудратингдан айланай» деди ҳангу манг бўлиб.

Қашқа шамол бўлдимми, ё шамол Қашқани олиб учдимми олд чавандозлар Хўжакент қиялигидан чиқар-чикмас Маҳмуд полвон уларга етиб олди. Унинг қип-қизил қонга беланган вазоҳатини кўрган, Маҳмуд полвоннинг феъли-хўйини яхши биладиган баъзи йиғитлар Яккатутга етмаёқ отларининг бошини қайирди. Хумсонга Қашқа биринчи, яна йиғирмага яқин чавандоз етиб келди.

Хумсонга борганда онасини кўзига кўрсатаман ким қилган бўлса, деб муштини туғиб турган Маҳмуд полвон жаҳлидан тушди. «Ҳойнаҳой тўйхонага кириб келганлар ичиде номард бўлмаса керак», деб ўйлади.

Орадан анча вақт ўтди. Хумсонга ҳам Шўролар етиб келиб, Мирзааҳмадбойнинг мол-мулки мусодара қилинди, ўғиллари тум-тарақай қочиб кетишди.

Маҳмуд полвонни аввал бойқулоқ деб қамашди. Қорағандадан қочиб келди. Кейин босмачига қўшилгансан, деб қамашди. Сибирдан қочиб келди. Саккизта қиз, бир ўғил кўриб, энди тинч яшайпман деганда 1937 йили «халқ душмани» сифатида олиб кетилди. Шу-шу қайтиб келмади.

Қашқа от ҳам қолхоз мулкига айланди. Араваларга қўшиб дон-дун, хашак ташишди, ундан бир зотли пайдо бўлиб қолган эди «Интернат» қолхозининг раиси миниб юрди.

Маҳмуд полвоннинг ёлғиз ўғли Тиловоқди ота-буваларининг Қашқаси ҳақида жуда кўп эшитиб юрарди. У жуссаси жиккаккина, чўлтоқ супиргидай мўйлаби эгарнинг қошидай пастга қараган қолхоз раисини Қашқанинг устида кўрганда ғалати бўлиб кетар, унинг орқасидан узок тикилиб қолар, «Отам бўлганда минардинг-а, ми-

нардинг» деган хаёл мясидан ўтарди. Раис ҳам қаерда, қачон бу хўмрайиб турган болани олдидан чиқиб қолса галати бўлиб кетар, ранги бўзариб «Отангни отини таниясанми» дегандай кеккайиб, отга қамчи босарди.

Тиловоқдиннинг ҳам бўйига бўй, этига эт қўшилиб, бинойидай онасига ёрдамчи бўлиб қолди. Каталакдай-каталакдай уйларининг ичидаги икки қаватли сўрида қурт боқадиган онасининг ёнига кирди. Хар куни дарёдан чойга сув олиб чиқади, даладан ўтин ташийди, макка, кунгабоқарларнинг ўтини юлади, ишқилиб, эркаги йўқ хонадондаги майда-чуйда ишлар аллақачон унинг елкасига тушиб қолган эди.

Бир куни онаси гап тошиб келди. Боғ маҳалладаги Мирзоҳид махсум деган домла ардимдан қутилиб келган экан, унга отасини кўрганни айтибди. Мирзоҳид махсум Калима деган узок жойдаги турма ошхонасидан елиб чиқиб келаётган отангни учратиб, «Ие, Махмудмисан, санам шу ердამисан, нима гап» деса, отанг у ёқ, бу ёққа аланглаб, «Мирзоҳид ака мани кўрганингизни ҳеч кимга айтманг, нима гуноҳим учун бу ерларда юраман, болалар оч-яланғоч қолди-ку, қочаман, ака, қочаман» депти. Мирзоҳид махсум «Жинни бўлма, бу ердан қочиб қутулиб бўладими?» деганча қолипти бир зумда қаёққадир ғойиб бўлган отангни орқасидан. «Махмуд келмадими?» деб сўрабди Мирзоҳид махсум.

Уруш катталарни кичик, кичикларни катта қилиб қўйган эди. Хамманинг ғами битта, ташвиши ўхшаш — қорин тўйдириш, илқ узилди пайтидан ўтиб, арпа-буғдой сутга тўладиган кунлар илқинжиси эди.

Хумсон қирларида лалмикор буғдой экилар, қишлоқнинг ёшу қариси далада ё ўрок ўрарди, ё эшакларга ортилган дон-дунни колхоз омборига ташийди. Мактаб болалари, бева-бечора аёллар ўрилган қирларга тарқалиб кун ғира-шира бўлгунча машоқ терар, ким бир халта, ким ярим халта буғдойини бағрига босиб уйига югурарди. Қурт-кумурскалар, чумолию қушлар бемалол ташиб кетадиган машоқни колхозчилар, болалар теришга ҳаққи йўқ, қўлга тушиб қолса бригадир ё раисдан ҳам калтак еб, ҳам терган машоғидан ажралиб қоларди. Машоқчиларни отда юриб қувлашар, уларни бир томондан ҳайдашса қирнинг орқа томонида ер бағирлаб юришар, баъзан бир гала машоқчиларни худди гуноҳкор одамларни тутиб олгандай йиғиб келиб терган бир сиқим-бир сиқим донларини хирмонга сочиб юборишар эди.

Тиловоқди ҳам Пусала қирларида машоқ терадиган бўлди. У ёлғиз ўзи машоқ тергиси келса-да янтоқ, супур-

ги, какралар орасидан вишиллаб чиқиб қоладиган илонлардан қўрқар, овлоқ жойларда юришдан чўчир эди.

Ўша куни Тиловолди беш-олтита хотин-халажга қўшилиб, Қизил жар тепасида машоқ терарди. У чакқон-чакқон ҳаракат қилар, ҳатто битта буғдой донини ҳам ердан олар, саратонда туклари найзадай машоқларни халтага эзфилаб солар, янтоқ какраларга чирмашиб ўрилмай қолган буғдой, жовдар бошларини чирс-чирс узиб қап-пайиб қолган халтасига солаётганда бирдан кирнинг қок елкасида уларга от устида қараб турган раисни кўриб қолди. Аъзою бадани жимирлаб кетди. «Ана, Абдулла раис» деб юборганини билади, ёнидаги олтминч ёнлардаги кампирнинг қандай қилиб рўмолдай учиб ўзини чангалзор ичига урганини, бошқа бир аёл халтасини машоқпошоғи билан улоқтириб қочганини кўрди.

Раис Қашқа отнинг учқурлигиданми, ё машоқчиларни қўлга туширганиданми камчисини хавода ўйнатиб, елдай етиб келди. У от бошини тўппа-тўғри Тиловолди устига солиб, «Ха, санмисан?» деди хириллаган товушда камчисини кўтариб. Тиловолдининг иштонидан илиқ бир нарса ерга томчилай бошлади. От Тиловолдининг устига бостириб келдию, икки оёғини даст кўтариб, болани босиб юбормаслик учунми, ё устидаги одамнинг хиқилдоқ овозидан ҳурқдими ўзини унглай олмай мункиб кетди.

Раис от устидан чирпирак бўлиб ерга йиқилди. У сўкиниб ўрнидан турганда Тиловолдининг ҳам, отнинг ҳам қораси кўринмасди.

Кузда раис Қашқани «гўшт»га топшириб юборганмиш, деган гап тарқалди. Шу билан бир аср довуғи Бўстонликқа таралган Қашқанинг зоти қуриди.

1998

## АРМОН

Санжар ҳамма бола-чақасини уйли-жойли қилиб каттакон ҳовлида ёлғиз қолган онасидан хабар олгани кишлоққа келганда кампир уни ҳар галгидай айланиб-ўргилиб кутиб олмади. Онасининг шашти пастроқ кўринди. Доимо Санжар шаҳардан келиб айвонда ёнбошлаши билан самовар биқиллагунча онаси қатлама ё юпқа пишириб келар, уч-тўртта тухумни қайнатиб олдига қўяр, кенжасининг иштаха билан овқатланишидан терисига сиғмай қувониб ўтирарди.

Санжар онасига разм солди: чой узатаётган қўлларидаги бармоқлар суяк-суякларига ёпишиб кетган, кўзлари ҳам ич-ичига чўкиб, буғдойранг юзининг тагида қорамтир

доғларга ўхшаш нуқталар пайдо бўлган. Онасининг қалин қошлари қовоғи узра эгилиб-эгилиб қолгандай, лабларининг чеккаларида хижолат тортган одамдай қимтиши аломатлари, кўзлари ҳам чуғ устига кул сепилгандай нурсизроқ кўринди.

Санжар онасининг ҳар бир меҳрибон «ол-ол», «е»ларидан нима учундир биринчи марта хижолат чека бошлади.

— Болам, қайдам, бу йил унча мазам йўқ, сал-пал уринсам тинка-мадорим қуриб қолади, — деди она аллақандай маъюс оҳангда.

— Баҳор-да, баҳор, ойижон, — деди Санжар, — ўзингиз баҳорда одамнинг силласи қурийди, ҳамманинг кучи дов-дарахтларга ўтиб кетади дердингиз, шунақа бўлаётгандир. Энди, ойижон, ҳамма кучингизни ҳовлидаги дарахт, кўкатларга бермай, ўзингизга ҳам олиб қўйинг-да.

Онасининг унга қараб маъюс илжайишини кўриб:

Эртага шаҳарга жўнаймиз, бирор ой дам олиб келасиз, — деди.

— Дам олиш қайтмас болам, — аста бошини кўтариб ўғлига қаради камшир ва бармоғи билан энгагининг остига ишора қилиб сўзини давом эттирди. — Нарса есам шу томоғимни бир нима тимдалаб ўтаётгандай...

Санжарнинг эти жимирлаб кетди. «Наҳотки?..» ўйлади бир нимадан хавфсираган одамдай юраги ичига тортиб. Она авлодида «кил томоқ» касаллиги борлиги, бу дард бувасини, иккита тоғасини, яна тоғаваччаларини ҳам олиб кетганини билади. Онасининг бирдан «томоғим» деб қолиши унинг томоғини ҳам хиппа бўғди-қўйди, чой хўшлашга ҳам тоқати қолмади. Ўрнидан санчиб туриб онасини ашил-тапил кийинтириб шаҳарга олиб кетгиси келдию, яна онаси бирор нарсадан гумонсираб қолмасин деган андишада ўзини босди.

— Ҳечқиси йўқ, ойижон, — бепарво гап бошлади Санжар, — қотган-қутган нарса томоғингизни тирнаб ўтган бўлса керак, эрталаб шаҳарга жўнаймиз, яхши дўхтирларга кўрсатаман, тузалиб кетади.

Санжар эрталабгача мижжа қоқмади. Қаллаю сахарда она-бола узун-калта бўлиб шаҳарга йўл олишди. Хумсондан Чорвоққача пиёда юришди. Биронта машина учрамади. Чорвоқда автобусга ўтириб кечга яқин шаҳарга етиб олишди. Камширни йўл қоқиб қўйдими, ё кишлоқ одамлари барвақтроқ ёстикқа бош қўйишадими овқатдан кейин сал ўтмай келин камширга жой солиб берди.

Эрталаб Санжар онасини рентгенга тушириш учун ТошМИга олиб борди.

Камширни ичкарига олишди. Йўлакда Санжар хотини

билан қолди. Орадан беш дақиқа ўтди — жимжитлик, ўн дақиқа бўлди — эшик очилмайди, йигирма минут ҳам бўлди рентген хонасининг пешонасидаги чироқ ёнади-ўчади, ёнади-ўчади, аммо ичкаридан дарак йўқ. Санжар қалтирай бошлади. Хотини келиб уни қанчалик юпатишга уринса, у шунчалик безовта бўларди. Томоғи қақраб бир неча бор ташқари ҳовлида гулларни суғоришга ўтказилган трубадан жилдираётган сувдан ичиб кирди. У бетоқат бўла бошлади. Кўзи тиниб бурчакдаги эски стулга чўкди. Бирдан эшик очилиб, оқ кийим-бошли дўхтир камширни кўлтиридан суяб олиб чиқди.

Камшир келинининг ёнига бориб кийим-бошларини тўғрилаб турганда дўхтир Санжарни ичкарига олиб кириб кетди. Гап қисқа бўлди.

— Ука, ўзингизни тутинг, бардам бўлинг, онахон саратон касалига учраб қолиптилар, — деди дўхтир, — энди на илож, ўзларига айтмасдан, парволаб турасизлар.

Санжар дўхтир олдидан қандай чиқиб кетганини билмади. Йўлакда онаси билан хотинини учратмади. Яхшиям бўлди. Ўзини ўзи сотиб қўярди. Ҳовлига чиқса онаси ҳалиги у ичган сувда юз-кўлларини ювиб саллачаси билан артиниб турарди.

Санжар ҳушини йиғиб, онасини бир ёнига, хотинини бир ёнига олди-да, ТошМИИнинг салқин боғидан аста-аста юриб чиқиб кетишди. Йўлда фақат «Ҳеч гап эмас экан, камшир бироз шамоллаб қолиптилар, тезда тузалиб кетадилар», деди дўхтир, деб қўйди онасининг кўзи кўзига тушиб қолишидан чўчиган холда хотинига қараб.

Санжар онасини қишлоққа юбормади. Яна бошқа дўхтирларга кўрсатди. Уйда алоҳида хона ажратиб берди.

Келинининг оқ ювиб, оқ тараша, эрталаб саҳарда туриб сарёғда атала пишириб бериши, кундузи тухум илтиб ичириши, кечкурун суюқ овқат қилиб оғзига тутиши, доимо атрофида гирдикапалак юриши камширнинг кўнглини анча яйратиб юборди.

Эски шаҳардаги табиб кўлвор илон буюрган эди, Санжар қидириб-қидириб уни ҳам топиб келди. Эру хотин кўлвор илонни пишириб қандай қилиб онасининг оғзига тутишни билмай турганда камширнинг ўзи жонга оро кирди.

— Келинпошша, — деди камшир кичкина кострюлкада қайнаётган шўрвага разм солиб, — бугунги овқатингизнинг ҳиди ҳам димоқни ёраман дейди-я, барака топинг, сизниям қийнаб қўйдим, ҳар куни бошқа-бошқа овқат пиширишнинг ўзи бўладими?!

Санжар онасининг кўнглига келмасин деган ниятда косадаги шўрвани қошиқ айлантириб совутмоқчи бўлар,

кўнгли гумуриб турса-да бир-икки қошиқ оғзига солди. Шунда кампир тушуниб-тушунмайми, билиб ўзини бил-масликка солибми «Менга берақол, болам, сени овқатинг бошқа» деди ўғлининг қўлидан қосани олар экан...

Санжар онкология институтида маслахатлашган эди, у ердагилар онасини нур билан даволашни, нур олган одам-да ўсимта қизилўнгачда ўсмай қолиши, гарчи кампир бата-мом тузалиб кетмаса ҳам умрининг охиригача енгил, суюк овқатлар ейиши мумкин бўлади, деган гапни айтишди.

Санжар бир куни онкология институтига борса онаси нур олгани кириб кетган экан. У даволовчи дўхтир билан суҳбатлашиб ўтирди.

— Онангиз жуда азамат эканлар, умрлари узок бўл-син, биз хайрон қолдик, — деди дўхтир, — беморларга ҳаммаси бўлиб 21 марта нур берилади. Лекин шунча нур олган одам бўлмаган. Чидаш қийин. Онангизга қойилмиз, бугун сўрасам, ўн тўққизинчиси деб кириб кетдилар. Энди нур беришни тўхтатамиз. Анча кучсизлашиб қолди-лар. Уйда яхшилаб кўнглига қарайсизлар. Ажаб эмас, худо билади...

Санжар онасини ўзининг илтимосига кўра касалхона-дан тўғри қишлоққа олиб борди. Хотини ярим йилга ўз ҳисобидан таътилга чиқди.

Қишлоққа етиб келиб, машинадан чикқан кампир ҳов-ли ўртасидаги ҳовуз атрофида ёзин-қишин қўм-қўк бўлиб ётадиган, тугмачадай-тугмачадай оқ гулли ўтлар устига ўзини ташлаб, «Худого минг қатла шукур, уйимга ўз оёғим билан юриб келар эканман, ҳовлимниям кўрар эканман-а» деб у ёққа-бу ёққа ағанай бошлади. Ўт-алаф-ларни юлиб-юлиб кўзларига суртар, ҳовуздаги муздек сувда юз-қўлларини чайиб, тетиклашиб қолгандай ҳеч кимга суянмай айвонга ўзи чиқиб олди.

Ҳадемай ёз ҳам ўтиб кетди. Таътил вақти тугади. Санжар онасини опаларига топшириб, хотини билан ша-ҳарга қайтди. Ҳар шанба қишлоққа бориб онасидан хабар олиб турадиган бўлди.

Бу гал қишлоққа келганда онаси анча яхши бўлиб қолгандай, опалари ҳам ўз бола-чақалари ташвишида тар-қалишиб, ҳар куни биттадан онасининг ёнида қолишаёт-ган экан. «Хайрият, худо хоҳласа, ҳеч гап эмас тузалиб кетсалар, совуқ қиров тушганда шаҳарга олиб кетаман» хаёлидан ўтказди Санжар.

Жума куни эди. Худди шу куни Санжарнинг Ўрта Са-ройдан ўқишга келган жиянининг мандат комиссияси бў-лиши керак. У албатта мандат натижасини билиши зарур. Икки-уч ҳафта шу жиянининг кетида овора бўлган, домла-

лар билан гаплашган, келишган, бугун ғалвирни сувдан кўтарадиган кун. Мандат соат иккиларда бошланади, қачон тугаши маълум эмас. Санжар ишхонага бир кўриниш бериб, тўппа-тўғри ўша жойга борадиган бўлди.

Соат бирлар чамаси хотини қўнғироқ қилиб қолди. «Санжар ака, қишлоқдан хабар қилишди, тезда етиб борар экансиз», деди. Эру хотин телефон орқали маслаҳатлашишди.

— Эртага, шанба, қишлоққа чиқадиган куним, балки барвақтроқ кетарман, — деди у хотинига, — бошқа ҳеч нарса айтишмадими, мандатниям шу бугунга тикилганини қаранг энди, у ерда албатта бўлишим кераклигини биласиз...

— Балки шунчаки ваҳима қилишгандир, ўтган ҳафта анча дуруст бўлиб қолганлар деган эдингиз, эртага борганингиз маъқулмикан, бирор кор-ҳол бўлганда очик айтишарди, — деди хотини.

Бу гап Санжарнинг кўнглига далда бўлди. У мандат комиссияси ўтаётган жойга келганда соат 2 эди. Комиссия аъзолари ўқишга қабул қилинганларни бирма-бир чақириб, эълон қиларди. Санжарнинг жиянидан дарак йўқ. У жияни билан тўрт соат кутиб қолишди. Соат олтиларда Санжар бетоқат бўла бошлади. «Ахир бекорга телефон қилишмагандир, тўғри уйга борганимда балки аллақачон қишлоққа етган бўлармидик, эҳ, шу мандат ҳам оёққа кишан бўлди-да» асабийлашиб ўйланди Санжар.

Ниҳоят жиянининг исми-фамилияси эълон қилинганч, у жиянини табриклаш ўрнига ғалати бир важоҳатда унга қараб ўқрайиб қўйди-да троллейбус бекати томон чонди. Троллейбус хадеганда келабермади. Санжарнинг юраги гуп-гуп уриб кетди. «Уйда нима қилади? Қандай тонг оттиради? Яхшиси қишлоққа югуриш керак!» У дуч келган трамвайга ўтирди. Трамвай ҳам шунақа имиллаб юардики, Санжарнинг юраги тарс ёрилгудай бўлди. Соат еттиларда у Солорга етиб келди. Поезд йўқ, автобуслар кетиб қолган. Санжарнинг юраги сиқилиб, бутун аъзою баданини ғалати бир титроққа ўхшаш тўлғоқ чирмаб олди. Югуриб катта йўлга чиқди. У юк машинасига қўл кўтариб Чирчиққа етиб олди. Чирчиқда ярим соатча машина кутди. Битта «Волга» келиб қолди. Ундан илтимос қилган эди Ғазалкентгача олиб кетишини айтди. Соат тўққизларда Ғазалкентда эди. Ғазалкентдаги автобус майдончаси бўм-бўш, на автобус, на одам кўринади.

Санжар кенг майдоннинг у ёғидан бу ёғига талмовсираб югуриб юрганда қишлоқда онасининг жони узилаётган эди...

Жума куни эрталаб бирдан кампир оғирлашиб қолди. Пешингача оғзига туз тотимади. Қизлари, неваралари, қариндонг-уруғ йиғилиб келишди. Кимдир Тошкентга қўнғироқ қилиш учун Чорвоққа кетди. Санжар ана келади, мана келади, деб ҳамманинг кўзи тўрт бўлди.

Кечки пайт кампир кўзини очиб «Бугун қайси кун?» — деди.

— Жума, онажоним, жума, — деди катта қизи.

— Ха, жумами, Санжар шанба келади, — деди кампир хўрсиниб, — дилгиром қилмадиларингми, — яна сўради эшитилар-эшитилмас.

— Ойижон, хавотир олманг, ўғлингиз етиб келади, кўзингизни очинг, бизни кўрқитманг...

— Ана, Санжар келди, — деди кимдир йўлакда турган қўшнининг ўғлини ичкарига итариб киритар экан.

Кампир кўзини аранг очгандай бўлди. Унинг кўзлари очилар-очилмас бошини зўрға у ёқ-бу ёққа қимирлатиб «Бу Санжар эмас» ишорасини қилди ва кўзини чирт юмиб «Хах, Санжар-а, мани адою тамом қилдинг-ку, кечикиб» деди пичирлаб. Ҳамманинг ўпкаси тўлди...

Санжар бир самосвал ҳайдовчисига ялиниб-ёлбориб қишлоққа етиб келганда гузарнинг ўртасида Ҳайитбой тоғаси қаққайиб турарди.

— Сабр қил, сабр, онанг оламдан ўтди, — деди у Санжарни кучоқлаб.

Санжар бу ёғи нима бўлганини билмайди. У уйга отилиб кириб ўзини онасининг устига ташлаганда онанинг бадани ҳали илиқ эди. Санжар жон-жаҳди билан онасининг қўлларини олиб юз-кўзларига суртар, юзларидан ўпар, кўзларини очиб «Онажон, мана мен келдим, кўзингизни очинг, онажон, шунча кутган, ярим соат яна кутсангиз бўлмасмиди онажон, мени кечиринг, кечиринг онажон», деб додлай бошлади.

1999

## ҚАЗИ

Мехмонга кўпчилик илонбошилар келадиган бўлишди. Муқаддасхон ҳаммани югуртиришга тушди. Икки ой бурун хоналар, эшик-деразалар ювилиб, «генерал уборка» қилинган эди. Келинидан тортиб, қизларигача «уф» тортиб, дами ичига тушиб кетди. Қани биронтаси «ғиқ» деб кўрсин-чи? «Бундан ортиқ қиладиган ишимиз йўқми, ҳадеб «уборка-уборка», кучингиз етганча ўзингиз қилинг» дейишса балога қолишади, бир йилда уч-тўрт марта уй йиғиштириш ҳамманинг жонига тегиб кетган эди.

Муқаддасхон ишни эридан бошлади:

— Одамларнинг уйига борсанг ҳавасинг келади. Ҳаммаёқ чиннидай тоза. Уйлариям бирам дид билан қурилганки, бўёқлари ялтираб туради. Биззи кўчага қараган деразалар тарам-тарам ёрилиб кетган. Ҳовли-жойимиз ҳечам доцентнинг уйига ўхшамайди. Уяламан.

— Уялманг, хотинжон, — гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди доцент, — биз оддий олим бўлсак, қариндошларингизнинг бири терговчи, бири прокурор, бири «супермаркет» директори, улар осмонда, биз ердамиз.

— Кесатманг, бировга ҳасад қилманг, дадаси, — деди Муқаддасхон, — ҳар ким топганга яраша яшайди. Сиз ҳам бировдан орқада бўлсангиз, бировдан олдиндасиз. Мен одамлардаги дид-фаросат ҳақида гапираяпман. Нима икки-уч банка бўёкка кучингиз етмайдими-а? Етади. Фаросатим йўқ, денг — тўғри бўлади.

— Ҳа, энди фаросатнинг ҳаммасини йиғиштириб сизга берган, онаси. Бизда ҳам дид бору, аммо уни қондиришга бир нималар етишмай қолади-да...

Доцент хотинининг тихирлиги тутганда уни ҳеч ким тўхтатиб бўлмаслигини яхши билганидан бир йил олдин бўялган дарвозаларни қайта бўяди, айвон деразаларидан тортиб, полгача импорт бўёғи сурилди, бир ҳафта ҳовлининг ичи тўс-тўполон бўлиб, чалакам-чатти таъмирлаш, тозалаш, йиғиштириш ишлари бажарилди. Ҳамманинг тинка-мадори қуриб, энди навбат бозор-ўчарга қолди.

— Бозорни ўзим қиламан, — деди Муқаддасхон эрига қараб, — сиз бозор қилишни билмайсиз, нуқул арзонига учасиз. Ковун олсангиз сапчасини, картошканинг майдасини, гурунчингизни ярим кун тозалаймиз, мошингиз ичи тўла тош бўлади, нўхотингиз пишмайди, гўштингизни ярми суяк, жири йўқ...

Доцент бошини қуйи солганича жимиб қолди. Тўғри, эру хотин бозор қилганда албатта бир-икки жикиллашиб олади.

Муқаддасхон бозорнинг олди нарсаларини олишга интилади, эри бўлса айлангани-айланган. Ун қоп картошка кўриб, охири рўзғорбопини танлайди. Ковунни ёрилгани ҳам ширин, ҳам арзон бўлади, деб бирини қўйиб бошқасини кўтариб-кўтариб қўяберади. Шунақа пайтларда хотини тутақиб, «Иккинчи сиз билан бозор қилмаганим бўлсин» дейди-да, ёнидан кетиб қолади. Уйга нима олиб келса, «тузукроғи йўқмиди?» деб қўяди.

Доцент кўпинча ўйланиб қоларди. Муқаддасхон ўзи ўртаҳол оилада ўстан бўлса. Ота-онаси ҳам унчалик бадавлат бўлишмаган. Муқаддасхондаги бу одатлар қаер-

дан пайдо бўлган-а? Тежаб-тергаб ишлатишни билмаса, нима қаёқдан келади, деб ўйламаса. Бугун яхши яшаса, бугун чиройли кийинса, бугун тўкин-сочин дастурхон тузаб дугоналарини меҳмон қилса, мақтанса, эртага нима бўлади — бу билан иши йўқ.

Балки ёшлигида интернатда катта бўлгани учунми? Отаси бир умр интернат директори бўлиб ўтган. Болалари ҳам шу интернат ҳисобидан катта бўлишган. Бирон марта бозордан нарса олиб ейишмаган. Бозорни билишмаган. Нахотки текин томоққа ўрганган кўнгил рўзғор нималигини билмаса?!.

Муқаддасхон эридан пулни ундириб бозорни ўзи қилди.

Стол усти бозорнинг олд нарсалари билан безатилди. Норинни қўшни маҳаллага заказ бериб, гўштни уйда тўғрашди. Норинни икки лаганга солиб стол устига қўймоқчи бўлишди. Навбат қази тўғрашга келди.

— Дадаси, — деди Муқаддасхон эрига юзланиб, — бир ўзингиз қазини маромига келтириб, парраклаб беринг. Қаранг, қанақа қази. Сиз доимо қази олсангиз пишгандан кейин сўлиган шолғомдай кичрайиб қолади. Мана, буни қаранг, йилтирайди-я!

Доцент ўткир пичоқни олиб қазининг учини бироз кесиб ташлади-да, аста тўғрашга тушди. Нима учундир ўткир пичоқ қаттиқ бир нимага урилгандай қазига ботмас эди. У куч билан «ғирч» этиб кесди. Кейин ичакнинг ичидан бир қарич келадиган тарам-тарам нарсани суғуриб олди. Қараса, қўлидаги нарса мол кекирдаги эди. «Ана, биз оладиган қази қанақа ёғли, зўр бўлади» деган маънода гердайиб турган Муқаддасхоннинг ранги-рўйи қув ўчиб кетди.

— Вой, балога гирифтор бўлгурлар, ичакка нима тиқишган экан, — дея олди, холос.

— Бу мол кекирдаги, хотин, кўриб қўйинг, энди бозорни фақат ўзим қиламан, деб кекирдагингизни чўзмайсиз-да, — деди доцент ҳазил аралаш ўртаниб турган хотинининг юрак-бағрига туз сепгандай...

1999

## ТЕРАК

Ҳури хола ҳовлисига гир айлана терак қаламчаларини қадаб ташлади. Ёлғиз ўғли ўқишни битириб иморат қурса, кесак деворли бостирмаси ўрнида янги уй пайдо бўлади. Бир пайтлар гуркираган, шўролар замонида хувиллаб қолган ҳовлига яна файз қайтишини ўйласа кенг қўйлагининг ичига сифмай кетарди.

Тераклар Хури хола орзуларидан қўра тезроқ етилди, хаш-паш дегунча сарров, тўсинга ярайдиган бўлиб қолди. Ўғли ҳам Масковда ўқишни тамомлаб Тошкентга қайтди. Ёзда иморат қуришни қўнгилга тугиб қўйди.

Тераклар одатда қуртак чиқармасдан, баҳорда киркилади. Хури хола катта куёвини чақириб теракларни «тинчитди». Эллик-олтмишта арчилган тераклар боғнинг ичида чўзилганча ётарди. Уларни бир жойга тўплаб бўлмас, хали суви қочмаган ёғочларни уч-тўртта йиғит зўрға думалатарди.

Хури хола пўстлоқларни йиғганда тоғдай уюлиб кетди. Ёзлик ўтин ҳам чиқди. Каттароқ шохларни синч учун ажратди, майдаларини кесиб-кесиб ошхонага тахлади.

Соғи ичига ағдарилган тераклар Хури холага жуда ташвиш бўлди. Уларни сойдан олиб чиқишнинг ўзи бўладими, балки икки-иккига бўлиб қўйиш маъқулми? Қўл аррада эплаш қийин, катта аррага — одам керак. Невараларини чақирай деса улар хали ёш, арра тортиш қўлидан келмайди.

Қишлоқ одамларида бир яхши одат бор-да. Бирор юмушга чақирсанг баҳона топмасдан келади-қўяди, кўчадан ўтиб кетаётиб юкнинг оғир бўлса елкасини тутуди, ишинг чиқса қарашади, барака топкурлар одамни ёлғизлатиб қўймайди.

Хури хола соғининг нариги томонидаги қўшнисига бир оғиз гапирмасдан устачилик қўлидан келадиган, теша, болта дейсизми, арра, босқон дейсизми, ҳамма буюмлари тахт турадиган Ортиғали сойдан ўтиб, Хури холага арра тортишиб юборди.

— Хури хола, тераклар роса етилди-да, — деди Ортиғали, — ўзиниям болани парвариш қилгандай ўстирдингиз-да!

Ортиғали ўндан ортик теракларни ўртасидан арралашиб, беш-олтита қолганда «Булар зап сарровбоп экан, пойтешани ялатиб томга чиқариб юборса бўлаверади» деди.

Бу гап Хури холага маъқул тушди. Тўсинлик етарли, аммо лекин сарровбопларини эҳтиёт қилиш керак, истарапилга ҳам иккита узун-узун керак бўлади. «Гашинг тўғри» деди у арчилган терак устига ўтириб, Ортиғалини дуо қилишга қўлни очар экан: «Худоё барака топ, болам, бева-бечорага қайишган одамнинг икки дунёсини берсин, болам, олгин-олдирмагин, елгин-чарчамагин, умринг узок бўлсин, бала-чақангни рохатини кўргин...», уйга чиқиб чой-нон ичиб кетгин, самовар биқиллаб турипти», — деди ўрнидан туриб кетмоқчи бўлган Ортиғалига.

Ортиғали қўнмади. У ҳам бу йил иморат қуриш ния-

тида теракларини бугун кесмоқчи эканлигини айтиб, сой ёқалаб уйи томонга жўнади.

Кишлоқда иморат тагига тош ётқизиш бахор ойлари охирлаб қолганда бошланса-да асосий иш пичан ўрмидан кейин бўлади. Ҳури холанинг ҳовлиси одам бўйи ўт-ўланга қўмилиб кетди. Ҳар йили тераклар соясида ним-жон ўсадиган ўтлар бу йил ҳаммаёқни қоплаб олди. Қирқилган тераклар ҳам ўтлар орасида қолди.

Ҳури хола ҳовлида ортиқча урийдими, ё қаричилишми, пичан маҳалида ўзини бетоб сеза бошлади. Тинка-мадори қуриб, ёстиққа бош қўйса кечгача ўрнидан тургиси келмай, бир пиёла иссиқ чойга зорланиб ётарди. Охири шаҳардаги ўғлининг олдига бориб, дўхтир-пўхтирларга кўрингиси келди.

Ҳури хола шаҳарда бир ойча қолиб кетди. Шаҳарга жўнаш олдидан Ортиғалини чакириб «Пичанларни ўриб олақол болам, мани мол-полим бўлмаса, пичан ўришга мадорим ҳам келмай турипти» деб тайинлади унга.

Ҳури хола кишлоққа қайтганда ҳовлининг ўтлари топтоза ўрилган, арчилган тераклар йилтираб ётарди. Теракларнинг баданидаги бўлажак шохларнинг ўрнидан чиқадиган игнанинг учидай нишлар қуриб, шилинган тераклар сутдай оқариб, у ер-бу ери ёрила бошлаганди.

Қирқилган теракларни санаб қўйиш Ҳури холанинг хаёлига ҳам келмаган эди. У сой бўйига бориб Ортиғалининг боғидан эшитилаётган тақ-туқ товушига қулоқ берди. Яхшилаб қараса, Ортиғали азамат, шу бир ой ичида кўтариб қўйган иморатининг истарипилини қоқаетган эди. «Вой, барака топкур-ей, эркак киши эркак-да, аёллар ўйлагунча эркаклар ундиради, деб бекорга айтмайдилар», деди-да уйга кириб, шаҳардан олиб келган нонлардан тўрттасини саллачага ўраб, ёнига фил суратли чойи қўшиб, Ортиғалининг янги иморатини йўқлашга отланди.

Ортиғали томда туриб Ҳури хола билан сўрашди, пастга тушмади.

Ҳури хола ҳовлисига қайтиб, теракларни қандай қилиб бир жойга тўплаш, устани қачон чакириш кераклигини, ўғлининг таътилга чиқишига ҳали йигирма кун борлигини ўйлаб, бехосдан боғ этагига бориб қолди. Ўздан ўзи сой ичидаги кесилган теракларни санай бошлади, қайта-қайта уларни кўздан кечирди-да сой ёқасига чўккалади. Ортиғали билан теракларни арралаганда тўрт-бештасини қолдиришган эди. Уларни Ортиғали «Зап сарровбоп эканми?» деган эди. Шулар кўринмайди? Юраги гуп-гуп уриб кетди. Лип этиб ўрнидан туриб, сой ичига қонтоқдай учиб тушди. «Кексалик қурсин, кўрмайпманми?» деб шох-шаб-

балар, ўт-ўланларни қўлига илдинган ёғоч билан титкилай бошлади. «Зан сарровбоп» тераклар кўринмас эди.

Хури хола мадорсизланиб Ортиғалининг белидай келадиган теракка ўтириб қолди. Атрофига разм солди. Ростданам тераклар йўқ эди...

— Энди уста излаш керак, Ортиғалига айтиш ноқулай, — пичирлади Хури хола...

Ёз бўйи икки қўшни ҳовлисида иш тинмади. Ортиғали иморатини куз келмасданок битириб, кўчиб кирди. Хури хола қора сувоқда қолди.

Ортиғали янги уйга кўчиб киргач, худойи қилиб, жон сўйди. Масчитдан келган қариялар яхши дуолар ўқишди. Кабир домла дастурхонга фотиҳа қилишдан аввал Ортиғалини эшик олдига турғазиб:

— Оч қўлингни, — деди. — Шу қилган эҳсонларингни Оллоҳ таоло даргоҳида қабул қилсин, ҳалол ишлаб, ҳалол тошган экансан, шу уйингда яйраб-яшнагин, униб-ўсгин, бола-чақаларингни роҳатини кўргин, Оллоҳу акбар!

Ортиғали янги уйга кўчиб кирдию тинчини йўқотди. «Худойи»ни тезлатиб юборгани ҳам шундан эди. Бир куни Ортиғали ётоқхонанинг ичида дераза парда осадиган тахтани ўрнатаётган эди. Аввал қўлидан болға тушиб кетди, болғани олиб стол устига чиққанда стол гичирладими, ё томда биров юргандай тўсинлардан садо чикдимиди фалати қисир-қисир товуш эшитилди. У деворга йўғон миҳ қоқмоқчи бўлиб зарб билан болға урган эди, болға миҳ қалноғига тегар-тегмас «визз» этиб учиб шиндаги тўсинга қадалди. Ёнларига сал-пал пойтеша теккан тўсиннинг ёриғига кирган миҳ осилиб турарди. Ортиғали миҳга қўлини чўзган эди, хаёлида тўсин унга илондай буралиб келаётгандай, миҳ илоннинг тилига ўхшаб кетди. У стол устидан ўзини полга отди. Чўнқайиб қолди. Бошини кўтариб шинга қарашга юраги дов бермас эди. Шу ахволда қанча ўтирганини билмайди, ҳушини йиғиб секки шинга тикилди. Тўсинда миҳ осилиб турарди. Бирдан кўзи бошқа тўсинлардаям осилиб турган миҳларни кўргандай бўлди...

Ортиғали қачон ҳовлига чиққанини эслай олмайди, фақат хотинининг «намунча терлаб кетдингиз, чақирсангиз бўлмайдимми, қарашиб юборардим», деганидан кейингина эс-ҳушини йиғиб олди.

Ортиғали кечкурун хотини полга солган жойда энди кўрпа ичига кириши билан тўсиндаги миҳга кўзи тушдию ўрнидан сапчиб туриб кетди. Хотинининг «ҳой, ҳой»ига қарамай, солинган ўринни йиғиштириб, стол устига хонтахта қўйди, хотини хонтахтани ушлаб турганда у тўсин ёриғидаги миҳни чиқариб ташлашга уринди.

Ортиғалининг оёк-қўллари дир-дир титрар, миҳ эса тўсин ичига тобора кириб бораётгандай туюларди. Хотини омбир олиб келгунча у хонтахта устида қилт этмай турди. Миҳни суғуриб олишга олдию хаёлида унинг учи синиб қолгандай бўлди.

У узоқ ухлай олмади. Чалқанча ётган Ортиғалининг кўзлари шипга қадалган: ёнма-ён турган тўсинлар ўрта қўлдай бир хил. Фақат биттасида «кўз» бўлса керак, пойтеша теккан жойи сал чуқурроқ кўринади. Бу чуқурча худди камширларнинг юзига ўхшагандай, унинг тешарок томони пешонага ўхшайди, ёнлари кўз қовоғини, пастроғи Хури холанинг қимтиниб турган лабларини эслатиб юборди.

Ортиғали тўсинга тикилган сари «кўз» унга қараб кулимсираб, юмилиб-очилгандай бўлиб кетди. У кўзини юмган эди, юмилмади, ўрнидан турмоқчи эди — тулолмади. Ғалати бир алпозда ташқарига отилиб чиқди-да қозон-товоқларни йиғиштириб, энди юз-қўлларини ювиб ичкарига кирмоқчи бўлиб турган хотинига «намунча имиллайсан!» деди зарда билан. Эрининг жаҳлини бошқа ёққа бурган хотини биллинар-биллинмас илжайди-да, эридан олдин кириб жойинга ётиб олди.

Кечгача ховли ишларидан тинка-мадори қуриган, Ортиғалидан бирор гап ё эркалаш илинжида чурқ этмай ётган хотини бироздан сўнг тошдай қотиб, ухлаб қолди. Бир маҳал Ортиғалининг бақиривидан чўчиб уйғонди.

Ортиғалининг кўзлари косасидан чиқиб кетгудай, ҳадеб «шипга кириб кетди, кириб кетди шипга!» деб алжирарди. Хотини чироқ ёқиб «Нима, нима шипга кириб кетди, жинни-пинни бўлиб қолдингизми?» деб эрини қанчалик юпатишга уринмасин, Ортиғали дағ-дағ титраганча шипга термулиб қолган эди.

Эру хотин ухлаб ётганда хотини орқасига ўгирилаётиб икки ўрам сочларидан бири эрининг бўйнига тушиб қолган эди. Ортиғали ивир-фавур уйқу аралаш муздек бир нима бўйнига текканини сездию аввал хотинининг қўли бўлса керак деб ўйлади. Кейин ётган жойида секин қимирлаган эди, бўйнидаги совуқ нарса қимирлагандай бўлди. Кўзини очишга юраги дов бермади. Секин елкасини учирди. Қараса, бўйнида ётган нарсанинг тафти йўқ, хотинининг қўли эмас, арчилган терақдай соп-совуқ бир нарса. У бўйнимга илон ёпишиб олган деган ваҳимада додлаган эди.

Шу кундан бошлаб Ортиғали ётоқхонага кирмай қўйди. Мабодо бир юмуш билан хонага бош сукса шипдаги тўсинлар унга тикилиб тургандай, елкасига тушиб

кетаётгандай туюлаберди. Охири бўлмади, киш чилласида оғир ётиб қолди. Дўхтирларга кўрсатишди — бери келмади. Кабир домла уч кечаю уч кундуз ўқиди — оёққа турмади. Қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар кўриб кетадиган, рози-ризолик сўрайдиган кунлар келди.

Ёздан бери уйларига қадам босмаган Ҳури хола кирганда Ортиғали кўзларини шипга қадаб ётарди. У Ҳури холанинг овозини эшитган заҳоти кўзларини чирт юмиб олди. Ҳури хола келиб бир аҳволда ётган Ортиғалининг ёнига ўтирди-да эшитилар-эшитилмас пичирлади:

— Болам, бизлардан ўтган бўлса кечиргин, хом сут эмган бандамиз...

— Сиз ҳам мени кечиринг, Ҳури хола... — Ортиғалининг зўрға овози чиқди.

— Кечирдим болам, кечирдим, эгамнинг ўзи кечирса, бас!

Ҳури хола Ортиғалининг кўзларидан оққан ёшларни қўллари билан артиб қўяр экан, «а.л.лақачон кечириб юборганман, болам, ўзингни кийнама, бу ёруғ оламда нималар бўлмайди» деб қўйди.

Ҳеч нимага тушулмаган Ортиғалининг хотини бир мажолсиз эрига, бир Ҳури холага мўлтиллаб ўтирарди.

1999

## ПОЙГА

Турсунбойи кишлоқда еттинчи синфни тамомлагандан кейин Тошкендаги амакиларининг уйида туриб ўқишини давом эттирарди. У ахён-ахёнда кишлоққа келиб турар, уч-тўрт кун онасининг ёнида бўлиб, яна шаҳарга қайтиб кетарди.

Бу гал Мирзахол аканинг тўйи устидан чиқди. Мирзахол ака ўғлининг хатна тўйида «пойга» эълон қилиб, Хумсоннинг норғул йигитлари куч синашга тўпланишаётган эди. Турсунбойи ҳам йигитлар даврасига яқинроқ бориб, ўртадаги Кабир буванинг гапларини эшитди:

— Пойга Аркитсойининг устидаги кўприқдан бошланади. Биринчи келганга ҳу, анави қора қўчқор, иккинчи келганга ёнидаги оқ эчки, учинчи келганга 10 сўм пул. Қани, омин, худо мададкор, йўлларингни берсин, Оллоҳу акбар!

Турсунбойининг ичи қизиди. «Мен ҳам қатнашсаммикан? — ўйлади у. — Агар учинчи бўлиб келолсам ўн сўм олардим. Махбуба опамни ҳам бир ташвишдан кутқарардим...».

Турсунбойи ҳар гал кишлоққа келганда онаси, опалари

қанчалык қувониса, кетиш олдидан Махбуба опасининг безовталыгы ошарди. Ұзида бұлса ёнидан, ёнида бұлмаса бировдан беш-ўн сўм топиб укасини жўнатарди.

Мирзахол аканинг ховлиси кий-чув бўлиб, йигитлар эрганган болалар қуришовада йўлга чиқишди. Уч чақирим келадиган Арқитсойга шиёда бориб, у ердан тўйхонагача чопиб келишлари керак. Ёш болалар пойгачилардан олдин югуриб қолишди. Хумсон кўпригига етмасдан баъзиларининг шими ечилиб, баъзиларининг калиши лойга ботиб, баъзиларининг бурни оқиб, баъзилари ота-онасидан қўрқиб узун-калта бўлиб оркага кайтишди.

Арқитсойда йигирма чоғли йигитлар тўпланишди. Бу ерга келгунча чарчаб қолмайин деган хаёлда отда келган йигитлар ҳам бўлди.

Кабир бува ҳаммани катор қилиб тизди-да фотиҳа берди, кейин отга миниб, иккинчисини етаклаганча пойгачиларнинг орқасидан жўнади.

Иккита йигит фотиҳа олган заҳоти ўқдай учиб кетишди. Қолган йигитлар уларнинг орқасидан аста-аста лўкиллаб боришарди. Учтош тўқайга яқинлашганда дарёнинг нариги қирғоғининг тепшасидаги Харам маҳаллага ўтадиган йўлда тизилган одамларнинг кийкириқлари, карнай-сурнай овозлари баралла эшитила бошлади.

Турсунбой асосий тўп ичида йигитларнинг бир маромдаги одимларига мослашиб борар, Исмаг аканинг унга «Қалай, кучинг борми?» дегандай бароқ қошларини қоқишга илжайиб қўярди.

Турсунбойнинг юраги оёқларига қараганда тез-тез урабошлаган сари у ўзини тўп ичида уймалашиб қолаётгандай ҳис қилди. Оёқлари ердан енгил кўтарилар, ерга тегар-тегмас яна олдинга интилгиси келарди. У шундай енгил эдики, сал ҳаракат қилса учиб кетадигандай, аммо ички бир куч уни чопқир от юганини сириб қўйгандай бўшатмас, атрофидаги йигитларнинг оёғига караб чоқишга мажбур қиларди.

Полвонтошга яқинлашай деганда уларнинг тўпидан тўрт-беш йигит бирдан олдинга ўтиб кетишди. Бир чақиримдан зиёд масофани ўтиб қўйган йигитларнинг айримлари асосий тўпдан орқада қолди. Турсунбой ўпкаси тўлиб-тошиб бораётганини, чоқиш маромини ўзгартирмок лозимлигини ҳис қила бошлади. Унга оғзидан эмас, бурнидан нафас олса чарчамайдигандай, кучини йиғиб борадигандай туюлди. Шимининг чўнтагидаги рўмолчани оғзига солди. Иккала лабини маҳкам қисиб олди. Шунда шоша-пиша оғзига тикилган қизил рўмолчанинг учи лабининг бир чеккасидан ташқарига чиқиб қолди.

Нечундир ич-ичида нималардир тўпланиб, ташқарига чиқишга тиширчилаётгандай, ўпкаси ҳам тобора оғирлашиб, бу оғирликни фақат аллақандай бошқача тезлик, ўзгача маром билан юмшатиш кераклигини хис қила бошлади. Чўғдек қизиган баданига нимадир етишмаётгандай, агар шў аллозда югура берса бадани совуб-қотиб қолиш эҳтимоли бордай туюлди. Қўлларини бир-икки узагиб-чўзиб юборган эди қўлтиғи тагидан ўтаётган ел-шамол қанотдай уни олдинга итарди. У бир силкинши билан тўндан чиқди. Қараса, ундан 250 - 300 кадам олдинда уч-тўрт йигит чошиб борар, яна олдинроқда узун бўйли йигит Полвонтошга яқинлашган эди.

Турсунбой худди оёқ остидан чиқиб қолган зовурдан сакраб ўтгандай ўзи сезмаган ҳолда бир ниқталган эди асосий тўндан ажралиб чиқди. У тезликни оширган ҳолда Полвонтошга етганда ҳаллослаб бораётган йигит ёнидан ўтаётиб «хи» деди димоғи аралаш. Йигит унинг ёнидан елдай ўтиб кетишиданми, ё Турсунбой лабидаги қизил рўмолча учига кўзи тушиб, боланинг оғзи-бўридан қон келти, деб ўйладими, бирдан тезлигини йўқотди-қўйди.

Турсунбой аввал ундан олдинда кетаётган йигитга етиб олишни ўйламади ҳам. Фақат орқадагилар етиб қолмасин, деган хаёлда тезлигини оширмоқчи бўлди. Бир-икки силкинган эди, олдиндаги йигит билан ораларидаги масофа камайиб бораётгандай сезилди. У пойга бошлангандан буён ўн сўм пулни ўйлаб келаётган бўлса-да ҳозир ҳамма нарсани унутди. Полвонтошдан ўтганда терлаган бадани, ориққина оёқларида ҳолсиз бир оғирликни сезса-да биринчи бораётган йигитга яқинлашган сари вужудини босиб турган аллақандай юкни улоқтириб ташлаш, янада енгилроқ чопиш жазаваси кўчайди. Қўприкка 200 - 300 кадам қолганда олдиндаги йигит бир-икки орқасига қараб қўйди. Балки у орқасига ўгирилмаганда Турсунбой унинг орқасидан бир маромда чошиб келаберар эдимми, бирдан Турсунбой шамолдай уча бошлади. Новча йигит қўприкка етмасдан унинг ёнидан Турсунбой елдай ўтиб кетди. Эсанқираб қолган новча йигит аввал таққа тўхтамоқчи бўлди. Угирилиб қараса, чошиб келаётган йигитлар анча орқада. Турсунбой ҳам қўприк устида орқасига бир ўгирилди. Шунда новча йигит яна омад тилаб олдинга интилди.

Турсунбойнинг қўприк устида орқасига ўгирилишида гап бор эди. Қўприкдан ўтгандан кейин йўл иккига ажралар, бири тўғри бориб, бироз баландликдан кейин текис бўлиб кетарди. Иккинчиси Пират буваннинг еридан ўтиб,

дарё ёқалаб мулла Олим қози залининг тегидан чиқарди. Иккинчи йўл биринчисидан кўра яқинроқ эдию, Олим қози залининг ёни қиялик бўлгани учун пойга пайтида эмас, бошқа кунларда ҳам одамнинг тинкасини қуритиб юборарди.

Турсунбой кўприк устида орқасига караганда қайси йўлдан боришни чамалаб ўз рақибининг азмойишини билмоқчи бўлган эди. У дарё ёқалаб кетгач, уни Олим қози қиялигидан чиқа олмайди деб ўйлаган новча йиғит чошишни келган жойидан давом эттириб, ўзини юқори йўлга солди.

Турсунбой Пират буванинг ёзда экилган кунгабоқар ариқларидаги пояларни ушлаб-ушлаб, ҳатто баъзиларини силтаб-силтаб Олим қозининг зали қиясидаги ёнғоқзорга етиб олди. Юқори йўлдан новча йиғит ҳам жадал ҳаракат қилиб борарди. У йиғирма-йиғирма бешларга бориб қолган, новча йиғит бўлса ҳам гавдасига яраша оғирлиги ерга миҳлагудай уни пастга тортар, оёқларини ердан зўр-базўр узиб олдинга талпинар эди.

Турсунбой каттакон ёнғоқни қучоқлаб бир лахза нафасини ростламоқчи бўлди. Олим қозининг зали мактаб ўқитувчиларининг хонаси бўлган, кишлоқ мактаби эса залининг ёнида эди. Мактаб болалари чуғурчुकдай ёпирилиб келиб, қияликдаги ёнғоқ олдида эсанкираб турган Турсунбойга қараб кичкира бошлашди: «Тезрок, тезрок, етиб қолди, тезрок!»

Турсунбой ёнғоқдан қўлини олиб қияликка тирмашган чоғи ботинкаси ўт устида сирғалиб кетди-да икки-уч қадам пастрокқа «кичитки» деган тиканак алаф устига ағанаб тушди. Тепадаги болалар, хотин-халаж, қариқартагларнинг кий-чуви сабабми, кичитки ўтнинг нишлари қўл-бўйинларини ловуллаатиб юбордимми, Турсунбой бирдан хушпни йиғиб юқорига эмаклай бошлади. Катта йўлга етай-етай деганда яна орқасига сирғалиб кетди. Тиззаси билан эмаклаб ажриқларга қўл узатаётганда йўл четида «Ҳа, баракалла, ушла, ушла, ҳассани ушла» деб унга ҳассасини чўзиб турган Пират бувага кўзи тушди. Жон ҳолатда ҳассаннинг учини ушлаб йўлга чиқиб олди. Унинг нафаси халқумига келган, юздан ортиқ мактаб болалари орасида нима қиларини билмай олазарак турганда бирдан болаларнинг орқасида улардан ўта олмай сўкинаётган новча йиғитни кўрган захоти даврадан чиқди-да, тўйхона томонга чошиб кетди.

Томошабин болалар унинг орқасидан югуришди. Бирдан ўтса бошқасига қоқилиб, болаларга урилиб-сурилиб новча йиғит орқада қолиб кетди.

Турсунбой тўйхонага биринчи келди. Тўйхонада уни бағрига босиб олган шоп мўйловли Қоровой тоғаси қўярди-қўймай у ёқдан-бу ёққа отни совутгандай юрғазиб турди. «Бирдан тўхтаб қолса, ёмон бўлади» деярдди у хансираган жиянининг бошини силар экан.

Отда дарёдан кечиб ўтиб ҳаммадан олдин тўйхонага етиб келган Кабир бува Мирзахол ака билан нималарнидир пичирлашиб Турсунбойнинг ёнига оқ эчкини етаклаб келишди. Турсунбой бир тоғасига, бир Кабир бувага термулиб «Керакмас, керакмас, менга ўн сўм берақолинг», деди атрофида тўпланганларни хайрон қолдириб.

Турсунбой унга қора қўчқор ўрнига эчки беришганидан ўпкаландими, ё болалиги тутиб, тихирлик қилдими, ҳеч ким тушунолмади қолди.

1999

## АЁЛЛАР

Мухторжон хотинининг билинар-билинамас ингрок товушидан уйғониб кетди. Хотини кроватнинг четида икки оёғини осилтириб букчайганича безовта ўтирарди. Тўзғинган сочлари пешоналари оша шишинкираган юзи, салқинган ковоқларини ўраб олган. Чап қўли кроватга суянган, ўнг қўли билан қорни аралаш биқинини сийпалар эди.

Мухторжон сапчиб ўрнидан туриб, «Бошландими?» деди хотинининг елкасига қўлини қўяр экан. У аллақандай таниш-нотаниш, енгил титроқ билан хотинини бағрига босгиси, юз-кўзларидан ўшиб-ўшиб далда бергиси келдию бунақа қилиқни тўнғич ўғли туғилганда қилганини эслаб, ўзини босди. Унинг хотини қорнига қулоғини қўйиб туриш, қимир-қимир қилаётган боланинг ҳаракатларидан юраги ёрилиб кетгудай қувониб кетиш одати бор эди.

Биринчи фарзандида Мухторжон жуда кўп маротаба хотинининг қорнига гоҳ қўлини аста қўйиб, гоҳ қулоқларини тегизиб, ёш боладай «ана, ана, қимирлади» деб севинган.

Лобархон бироз тинчиди-да олдиндан тайёрлаб қўйган нарсаларини кўздан кечирди. Нариги хонада ухлаб ётган ўғлининг пешонасидан ўпаётганда кўзларидан дув-дув ёш томчилади.

— Шунақа эмас-да, онаси, — деди Мухторжон хотинини қучоқлар экан, — яхши ният қилинг, сенга ука олиб келаман, деб кўнглингизни тўқ тутинг.

— Дадаси, — бирдан йиғи аралаш эрининг бўйнига осилди Лобархон, — мабодо... вой, вой, вой... эҳ, бошланди...

Лобархон икки кўли билан эрининг елкасини шундай қаттиқ сиқиб олдики, Мухторжоннинг эти увишиб кетди. Лобархон эрини бурдалаб ташлайдиган аҳволда уни фикимлар, тобора букчайиб, эгилиб борарди. Лаҳза ўтмай, Лобархон ўзига келди.

— Мен машина топиб келай, сиз бир амаллаб туринг, — деди Мухторжон.

— Йўқ, кетманг, — деди Лобархон ваҳимали кифода, — мени ёлғиз қолдирманг, туғруқхона яқин, сиз машина кидиргунча секин-секин етиб оламиз.

— Юраолармикинсиз?

— Юролмасам, опичлаб борасиз, — бироз илжайгандай бўлди Лобархон.

Туғруқхона Мухторжонларнинг уйидан бир чақирим келмайди.

Тахтаулининг қинғир-қийшиқ кўчаларидан «Собир Раҳимов» кинотеатрига чиқилса, у ёни бир қадам.

Ярим кечада эру хотин бир тўхтаб, бир юриб боришарди.

Йўлда инграган Лобархон эрига ёпишиб кўлларини жингиртоб қилиб юборгудай сиқар, сўнгра бўнашиб қаддини ростлар, тез одимлашга ҳаракат қиларди. Озгина юрмасдан яна инграш, аччиқ оғриқ Лобархонни йўлнинг нақ ўртасига чўққайтириб қўярди.

Эру хотиннинг ғалати алпозда боришаётганини кўрган катта-кичик итлар қўралар орқасида, дарвоза-деворлар ёнида ҳуриб қўяр, айрим баджаҳллари уларга қараб югуриб қоларди. Лобархон эрининг итдан қўрқишини биллади.

Мухторжон ёшлигида оналари опичлаб юрганда кўшнларининг ити қочиб кетаётган опасининг орқасида лилилаб бораётган ялонғоч оёқларини тишлаган, шу-шу ҳар қандай ит зотини кўрганда ранги қув ўчиб, оёқ-кўллари қалтираб қоларди. У йиғит бўлгандаям қайси кўчада ит кўрса, шу кўчадан юрмас, олдидан кичкина кучук чиқиб қолса ҳам такка тўхтаб, бирор одамга эргашиб ўтишни пойлаб тураберар эди.

Эру хотин не аҳволда боришига қарамай, итваччалар тобора кўпайса кўпаярдию камаймас эди. Чурқ этмай кетишаётган, аҳён-аҳёнда тўхтаб аланималар дейишаётган бегона одамлар итларнинг тобора ғашини келтирар, катгаларига эргашиб кичиклари ҳам ҳамла қилмоқчи бўларди.

Бир маҳал думи кесилган, йўғон ит уларга яқинроқ келиб қолганини сезган Лобархон аста тўхтаб ит келаётган томонга ўтиб, эрини пана қилгандай бўлди. Мухторжон аввал сезмади. Бироз юришгандан кейин хонадонларда «қўнғироқ» деб аталадиган баджаҳл кучук приллаганча тишларини гуруч қилиб уларга ташланди. Лобархон эрининг йўлини тўсиб ердан тош олиб кучукка отмоқчи бўлгандай чўккалаб олди. Кучук худди шуни кутиб тургандай орқасига қараб чийиллаганча қочиб қолди.

Мухторжон кучукдан кўрқиб кетдими, ё хотинининг шу ахволда бўлсаям унинг олдини тўсиб қолишидан уялдими, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди.

— Кўрққан одамнинг бошидан тутун чиқармиш, уни итлар кўрар экан, — деди Мухторжон, — шу рост гапга ўхшайди.

Лобархон бир соатдан буён энди хиёл жилмайгандай бўлди. Мухторжон хотини унинг устидан кулдими, ё гапи наша қилдими, билолмай нафаси ичига тушиб кетди. У хотинининг қўлтиғидан қўлини ўтказиб, умр бўйи илқилги ўчмайдиган аллақандай бир мулоҳимлик билан бағрига босди.

Туғруқхонада ечиниб-кийиниб олган Лобархон эрига «Уйга тезроқ борақолинг, ўғлингиз уйғониб, яна кўрқиб кетмасин» деди.

Лобархонни бири кроватда икки қўли билан бошини чангаллаган, бири дераза олдида ховлига қараб турган, бири бошига ёстиқ бостириб ухлашга уринган, бири тумбочка устидаги кичкина ойнага энгашиб сочларини турмакляётган беш-олтита дардли аёллар орасига олиб киришди. У бурчакдаги кроват ёнига етар-етмас дераза ёнидаги дурқунгина жувон шунақа бақириб юбордики, аёлларнинг дарди учиб кетгандай бўлди.

— Э, қилиғинг курсин, — деди бақирган аёлга яқинроқ турган 30—35 ёшлардаги юзлари чуваккина хотин, — додлаганинг билан дардинг енгил бўлармиди? Қилар ишни қилиб қўйгандан кейин буёғигаям чидагин-да!

«Вой, онажоним, ўламан, ўламан, онажон!!» деб ўрнидан туриб кетди кроватда ўтирган ёшгина жувон. Лобархон уни юнатмоқчи бўлиб бир қадам қўйишини билди бели, қовуғи аралаш биқинида шунақа оғриқ турдики, худди бир шима уни босиб, эзиб юбораётгандай, қандай қилиб темир кроват симларини маҳкам сиқиб, энгашиб қолганини билмай қолди. Додтай деса ноганиш аёллардан иймангандай бўлди, додламай деса бели синиб, парчаланиб кетаётгандай. У тишини тишига қўйиб, қаро терга буркана бошлади. Ниҳоят, «сув» дея олди ёнида буна-

қа машмашаларни кўрабериб бепарво бўлиб қолган ҳамшира қизга.

Бошидаги ёстикни улоқтирган аёл кўзлари ола-кула ахволда кроватдан турди-да хонанинг у ёғидан бу ёғига юриб «Ўлдираман уни, ўлдираман» деб жаврай бошлади.

— Кимми ўлдирардинг, — деди яна ҳалиги жиккакки-на жувон аёлларнинг аҳволи унга алоқаси йўқдай ғалати бир босиқликда, — аввал эсон-омон бўшаниб олгин, кўрамиз, ҳаммадан бурун бўйниларига осилиб қоларсан.

Ҳозиргина тўс-тўполон бўлиб турган хонанинг ичи бирдан сув қуйгандай бўлди. Аёллар худди чалларга келгандай бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўраб, «Буниси нечанчиси?» деган саволларга ҳам ўтиб қолишди.

Жиккак аёл Лобархоннинг ёнига келиб ўтирди.

— Ўзингизни тутинг, синглим, манави мегажинларга ўхшаб дод-фарёд қилган билан фойдаси йўқ. Худонинг ўзи яратганми, йўлини ҳам ўзи беради, — деди.

— Раҳмат, опажон, илойим айтганингиз келсин, — жавоб қилди Лобархон, — фақат бир нарсадан бироз хавотирдаман.

— Ҳеч хавотир олманг, ҳаммаси яхши бўлади, нимадан хавотирдасиз, а, нимадан?

— Эрим олиб келувдилар. Уйда ўғлим ёлғиз қолган эди, кутманг, кетаберинг, деган эдим уларга.

— Тўғри, қилибсиз, нима эрингиз бу ерда қолиб дардингизга шерик бўлармиди?

— Йўқ, уни ўйлаётганим йўқ, опа, — жимиб қолди Лобархон, — ярим кеча, кўчалар қоронғу, итлар кўп экан, эрим итдан кўрқадилар...

— Вой, бу хотин тушмагурай, — икки қўлини сонларига шапиллатиб урганича ўрнидан туриб кетди жувон, — мен бунинг дарди ичида десам, ҳали итдан кўрқадиган эрингизни ўйлаб ётибсизми? Э, ўзингизни ўйланг, синглим, эркакларни ит емайди, аввал эсон-омон қутилиб олинг, у ёғи бир гап бўлар. Ҳаҳ, аёллар-а, аёллар, қанақасизлар ўзи, бир оёғингиз гўрда бўлсаям, бир хаёлингиз уйда-я!

Шу пайт яна ёш жувон овозини борича бақириб, «Ўлдираман, уни ўлдираман, кўргани кўзим йўқ, йўқ, йўқ!!!» деб деворни муштлай бошлади...

1999

## МУНДАРИЖА

Олимона шоирлик ва шоирона олимлик <i>М.Маҳмудов</i> . . . . .	3
Тилла узук . . . . .	9
Бодом гулли дўппи . . . . .	11
Мақбара . . . . .	14
Ўн сўмлик қизил пул . . . . .	18
Тумор . . . . .	23
Оқар дарё оқмасиди жимгина . . . . .	26
Имтиҳон . . . . .	28
Ниҳол . . . . .	32
Адолат . . . . .	36
Абадий «дустлик» . . . . .	41
Яширин овоз . . . . .	46
Натюрморт . . . . .	50
Келин . . . . .	56
Бош чаноғи . . . . .	59
Портрет . . . . .	65
Хуррак . . . . .	67
«Алам» . . . . .	73
Тугалланмаган баҳс . . . . .	78
«Ўйнаймиз-куламмиз» . . . . .	87
Арафа оши . . . . .	89
Совун . . . . .	92
Оппоқ куёв . . . . .	94
Оқ илон, оппоқ илон . . . . .	97
Олтин олма, дуо ол . . . . .	100
Майна . . . . .	102
Чумчукхўр . . . . .	105
Ўтин . . . . .	108
Ўч . . . . .	114
Кўзойнакли дўхтир . . . . .	117
Кўймас . . . . .	121
Новвос . . . . .	126
Қанақ оқсоқол . . . . .	130
Қашқа . . . . .	134
Армон . . . . .	139
Қази . . . . .	144
Терак . . . . .	146
Пойга . . . . .	151
Аёллар . . . . .	155

ТИЛАБ МАХМУД

ОҚАР ДАРЁ ОҚМАСМИДИ ЖИМГИНА

*Ҳикоялар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1999

Мухаррир *З. Мирзоҳакимова*  
Бадшиӣ мухаррир *Ф. Башарова*  
Техник мухаррир *Л. Хижова*  
Мусахҳих *Ж. Тоирова*

Босмахонага берилди 09.12.98 й. Босишга рухсат этилди 09.02.99 й.  
Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Петербург гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма табоғи 8,40. Нашр босма табоғи 9,16. Адади 10000 дона.  
Буюртма № 3260. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41**





Тилаб Маҳмуд — 1936 йили Тошкент вилоя-ти, Бўстонлик тумани, Хумсон қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 1937 йили отаси — Маҳмуд Мирзааҳмадбой ўғли қатағонга учра-ган.

Фалсафа фанлари доктори, профессор, Ҳамза номидаги давлат мукофоти лауреати, эстетика, этика, санъатшунослик ва маданият-шуносликка доир 19 та монография ва рисола-лар муаллифи.

«Оқар дарё оқмасмиди жимгина» Тилаб Маҳмуднинг бадиий ижодиёт соҳасидаги илк ҳикоялар тўплами. Ҳозир «Гулистон» журнали-нинг бош муҳаррири.